

丝绸之路


*Буюк шак: йўли иккми бўлиниб
қотган Шарк ва Ғарб мамлакатларини
ўзаро боғлаб, яхлит бир дунёга
айлантирган, инсоният тарихи
ривожини янги ўзанига солиб юборган
тарихий катта қарвон йўтидир.*





Аблат Хўжаев

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: муносабатлар ва тақдирлар



Қадимги Хитойга
бир назар



Хитой, Марказий
Осиё ва Европааро
ўтган қарвон йўли



Ипак йўли —
мулоқот йўли



Буюк ипак йўли туйғайли
Хитойда ўтқолашиб
қолган туркистонликлар

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент — 2007

63.3(5)
X-98

Тақризчилар: **Д. А. Алимова** тарих фанлари доктори,
Н. Э. Каримова тарих фанлари доктори,
Г. С. Жўраева педагогика фанлари номзоди.

Масъул муҳаррирлар: **М. Н. Аминов**,
Ф. С. Ҳасанов.

Хўжаев Аблат.

Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев.
X98 — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий
нашриёти, 2007. — 280 бет.

Ушбу китоб хитой манбалари ва адабиётлари асосида ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг Хитой Халқ Республикаси (ХХР)га қилган сафарлари, жумладан 1996—1999 йилларида Пекинда ўтган узоқ муддатли хизмат сафари давомида, 2000 йилдаги Буюк ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги аҳволини ўрганишга бағишланган илмий экспедиция сафари вақтида тўплаган ва адабиётимизда кам ёритилган ёки бутунлай номаълум бўлган Ўзбекистон—Хитой алоқалари, Буюк ипак йўлининг бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатувчи кўҳна шаҳарлар ҳамда улардаги тарихий ёдгорликларга оид маълумотлар баён этилган.

Асар олимлар, Буюк ипак йўли ва ундаги алоқалар билан шугулланувчи мутахассислар, давлат ходимлари, ўқитувчилар, талабалар ва кенг доирадаги китобхонлар учун фойдалидир.

**ББК 63.3(5)
65.9**

X 0503000000
358—2007

ISBN 978-9943-07-034-9

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2007.

❁ НАШРИЁТДАН ❁

Сўнги чорак аср давомида жаҳон миқёсида Буюк ипак йўли мавзусига қизиқиш ўсиб бормоқда. Бу, албатта, бевосита замон талаблари билан боғлиқ. Зеро, дунёда иқтисоднинг глобаллашуви жараёни авж олиб кетаётган айни пайтда барча катта-кичик мамлакатлар жаҳон бозорларига шу даражада боғланиб қолганки, буларсиз иқтисодий ривожланишни тасаввур этиш қийин. Бу боғланишни мамлакатлараро ўтган йўлсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу жиҳатдан кўпгина мамлакатлар Буюк ипак йўлига озми-кўпми алоқадор. Айниқса, денгиз билан бевосита биронта йўл орқали боғланмаган Ўзбекистон учун Буюк ипак йўли ниҳоятда аҳамиятли бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу — ривожланишнинг асосий талабларидан бири.

Вазни ва ҳажми катта, тез бузилмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқарилган жойларидан истеъмолчиларга етказиш учун темир йўлнинг қулайлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Лекин айрим ишлаб чиқариш маҳсулотини узоқ-яқин масофага ташиш учун автотранспорт арзон ва тез ҳаракат воситасига айланиб қолганлиги ҳаммага аён. Натижада замонавий автойўллар пайдо бўла бошлади. Аммо айрим давлатлар замонавий Буюк ипак йўлининг қурилажак темир йўл ва автомобиль йўлларининг янги йўналишини ўз манфаатларига мос ҳолда белгилаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада Буюк ипак йўлининг ўтмиш тарихига ҳам ҳар хил ёндашувлар юзага келмоқда. Назаримизда, бундай бўлиши табиий ҳол. Лекин турлича ёндашув йўлларнинг ривожланишига халақит бермаслиги лозим. Йўллар қанча кўп бўлса, инсоният учун шунча яхши шароит яратилади, ижобий ва соғлом рақобат, Буюк ипак йўлининг қайтадан ривожланишига қулай замин юзага келади. Буни тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Буюк ипак йўли мавзусининг долзарблиги жаҳон миқёсида кўп китобларнинг чоп этилиши ва айрим асарларнинг қайта нашр қилинишига олиб келди. Улар орқали аксарият қизиқарли маълумотлар илмий муомалага киритилди ва кенг доирадаги китобхонларга тақдим этилди. Аммо нашр этилган асарларнинг кўпчилиги хорижий тилларда, хусусан, хитой тилида ёзилган. Биргина Хитой тилида нашр этилган китобларни тилга оладиган бўлсак, камида 50—60 та асарни санаб ўтиш мумкин. Улардаги маълумотлар, айниқса, бизга етиб келмаган илмий фактлар жуда ноёбдир. Албатта, бу

Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиё худудига ва Буюк ипак йўлига бўлган катта қизиқиши билан бевосита боғлиқ.

Буюк ипак йўлининг амалий аҳамияти ошган сари олимлар ва мутахассислар мазкур йўлнинг ўтмишига, бугунги ҳолатига ва келажакига оид барча масалаларга қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар. Ўзбекистон олимлари ҳам Буюк ипак йўли мавзусига кўпдан бери қизиқиб келмоқда. Бу борада бир қанча китоблар нашр этилди. Лекин бу билан Буюк ипак йўли мавзуси тўла-тўқис ёритиб бўлинди, деб айтолмаймиз. Зеро, энг қадимги карвон йўлларига оид ёзма манбалардаги маълумотлар, ўзбеклар ва бошқа миллатга мансуб ўзбекистонликлар аجدодларининг Буюк ипак йўлида тутган ўрни, ушбу йўлнинг ва халқаро иқтисодий, маданий алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига қўшган ҳиссаси, айниқса буларнинг хитойлар маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотлар ана шу кам ёритилган масалалар қаторига киради.

Буюк ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси 2000 йилда ХХРга илмий экспедиция ташкил этган эди. Унда ушбу китобнинг муаллифи таниқли хитойшунос олим — тарих фанлари доктори, профессор Аблат Хўжаев ҳам фаол иштирок этган. Унинг мазкур илмий экспедициядаги фаолияти, қолаверса, Хитойга бир неча бор сафарлари, Ўзбекистон Республикасининг ХХР даги элчихонасида ишланган даврлари (1996—1999 йиллар) мобайнида тўпланган маълумотлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу китобнинг ёзилишига асос бўлди. Китобда энг қадимги Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон худудидан ўтганлиги тарихий ҳақиқат эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга китобда ўзбекистонликларнинг аجدодлари ушбу йўлда фаол ҳаракат қилганлиги ва Хитой маданиятига катта ижобий таъсир кўрсатганлиги, умуман Ўзбекистон билан Хитойнинг қадимий алоқалари тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилди. Буюк ипак йўли мавзуси доирасидаги масалаларнинг бу қирраси фақат хитой манбаларида сақланиб қолганлиги туфайли адабиётимизда ёритилмай келган эди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон худудидан ўтган Буюк ипак йўлининг тарихий манзилгоҳлари — қўҳна шаҳарлари ҳақида озми-кўпми адабиётлар бор. Хусусан, таниқли археолог олим — Ўзбекистон ФА академиги Э. Ртвеладзенинг «Буюк ипак йўли» энциклопедик маълумотномасида (рус тилида, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 1999) муҳим маълумотлар берилган. Шу боисдан ҳам қўлингиздаги мазкур китобда булар ҳақида тўхталмай, асосан, Қадимги Хитойнинг Туркистон савдогарлари фаолияти билан боғлиқ Буюк ипак йўли манзилгоҳлари устида фикр юритилади.

Муаллиф китобда кўтарилган масалалар бўйича ҳамма маълумотлар келтирилди ва улар чуқур таҳлил этилди, деган фикрдан узоқдир. Бинобарин,


у ўз олдига бундай вазифа қўйгани ҳам йўқ. Қолаверса, ушбу масалаларнинг аксарият қисми турли тиллардаги манбалар ва адабиётларда келтирилган маълумотларни қиёсий ўрганишни талаб этади.

Китоб ўзбек тилида ёзилганлиги туфайли унда ишлатилган хитойча атамалар ҳозирги кирилл алифбосида берилди. Шунинг учун уларнинг транскрипцияси рус адабиётида учрайдиган хитой атамаларининг транскрипциясидан фарқ қилади. Масалан, рус адабиётидаги «Сиюй» ўзбекча «Шиюй», «Синьцзян» — «Шинжон», «Чанцзян» — Чангжянг шаклида ёзилди. Рус тилидаги адабиётларда ёзиб келинган хитойча ном ва атамаларнинг охирида юмшатиш белгиси («ь») ўрнига кўп холларда ушбу китобда, яъни ўзбекча ёзувда хитойча талаффуз оҳангига яқин бўлган товуш белгиси («нг») билан ифодаланди.

Бир қатор атамаларни ишлатишда уларнинг тарихий ва ҳозирги шаклига эътибор берилди. Ўтмиш ҳақида сўз юритилганда уларнинг тарихий шакли, ҳозирги замон ҳақида гап кетганда замонавий анъанавий шакли ишлатилди. Чунончи, ўтмишда мусулмон манбаларида «мўғул», хитой манбаларида «мэнгу» деб аталган халқ ҳозир «монгол» деб аталиши эътиборга олинди. Шунингдек, тарихий Шарқий Туркистон ҳозир Шинжон-Уйғур мухтор райони, деб аталганлиги сабабли, ўтмиш ҳақида сўз юритилганда ушбу минтақанинг тарихий номи, ҳозирги ҳолатига тўхталганда замонавий номидан фойдаланилди. Худудий жиҳатдан тарихий Хитой билан ҳозирги Хитой тубдан фарқ қилганлиги туфайли китобда воқеанинг вақтига қараб Қадимги Хитой, Хитой, ХХР каби атамалар ишлатилди.

Китоб ичидаги асосий матн мазмунини тўлдирадиган сарматни тайёрлашда, Хитой билан боғлиқ аксарият мақолаларни А. Хўжаев ёзганлиги учун, 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» мақолаларидан ҳам фойдаланилди. Безак материаллари ва хариталарга нисбатан ҳам ўрни келганда шундай йўл тутилди (албатта, Хитойда нашр этилган китоб ва журналлардан ҳам олинди).

Китоб сўнгида «Фойдаланилган манба ва адабиётлар» рўйхати берилди. Унда хитой, уйғур, ўзбек, рус тилларидаги манбалар, ўзбек, рус, хитой, уйғур, инглиз, турк тилларидаги адабиётлар рўйхати тартиб рақами билан кўрсатилган. Китобнинг асосий матни ичида келтирилган ҳар бир илмий факт ва маълумотлар мана шу манба ва адабиётларга ҳавола этилган. Масалан, китобнинг 9-бетида «Қитон этноними IV асрда пайдо бўлган» [81; 432–433-бетлар], деган маълумот келтирилган. Бу ушбу маълумот китоб охирида илова этилган 81-рақамдаги адабиётнинг 432–433-бетларидан олинганлигини ифодалайди.



ҚАДИМГИ ХИТОЙГА БИР НАЗАР

Қадимги Хитой кўхна тарихга эга. «Буюк ипак йўли» номи шу мамлакат тарихидаги иқтисодий эҳтиёж тақозоси билан юзага келган.

Мусулмон халқларида Хитойни Чин деб аташ одати бор. Лекин Махмуд Кошғарий ёзишича, Чин Хитойда туркий халқлар яшаган жойнинг номи бўлган. Алишер Навоий асарларида ишлатилган «Чин» атамаси Шарқий Туркистонни англатади. Шарқий Туркистон Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлидаги муҳим ҳудуд бўлганлиги туфайли доим йирик давлатлар, жаҳонгирларнинг эътиборини ўзига тортиб турган.



«ХИТОЙ» АТАМАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

«Хитой» сўзи давлат ва халқ номи сифатида Марказий Осиё халқлари ва рус тилида кенг тарқалган. Аслини олганда ушбу атама ҳозирги давлат ва халқ номидан келиб чиққан эмас. «Хитой» атамаси қадимда ҳозирги Хитой Халқ Республикаси (ХХР)нинг шимоли-шарқий қисми бўлмиш Манжурияда (Дунгбэй, Шимоли-шарқий деб ҳам аталади) яшаган ва кейин ғарбга қараб кўчган қитон (кидон) (рус адабиётида кидань, хитой манбаларида цидан) халқи номидан келиб чиққан. Мусулмон манбаларида ушбу атама хитой, қтой, хатай (hatai), Европа адабиётларида катай, ката, қацай (catai, cata, cathai) деб ёзилган.

Хитой манбаларида қайд этилишича, цидан этноними илк бор Вэй сулоласи тарихининг «Қитон тазкираси» («Цидан чжуан») бобида учрайди. Мазкур манбада келтирилган ва «цидан» этноними тилга олинган маълумот Шимолий Вэй сулоласи (386–534 й.лар) даврига тегишлидир. Шундан маълумки, қитон этноними IV асрда пайдо бўлган. Этимологик жиҳатдан олганда, ғарчи қитон атамаси «пўлат», «қилич», «кесиш», «совуқ» каби маъноларни англатса ҳам, у аслида авлод бошлиғи исмидан келиб чиққан [81; 432–433-бетлар].

Хитой

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) – Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган давлат. Дунёда аҳолиси энг кўп ва майдони жиҳатдан энг йирик давлатлардан бири. Шарқда Тинч океаннинг Сарик, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгизлари билан ўралган. Майдони 9,6 млн. км². Аҳолиси 1 млрд. 292 млн. 750 минг киши (2003). Пойтахти – Пекин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 23 провинция (Хитой Тайпейи ҳам шу ҳисобга қиради), 5 мухтор район ва марказга бўйсунувчи 4 шаҳар (Пекин, Шанхай, Тяньжин (Тяньцзинь), Чунцин)га бўлинади.


湛鄒挹之莫測其源故知蠢蠢凡
鄙投其旨趣能無疑惑者哉然則
基乎西土騰漢庭而較夢照東城
者亦形亦跡之時言未馳而成化當

Айрим маълумотларга кўра, қитонлар хунлардан, бошқа маълумотларга кўра эса сябилардан келиб чиққан. Аммо хунлар ва сябилар этногенези қадимги турклар (тиук, замонавий ўқилишда — ди) билан боғлиқ. Ҳозирги талаффузда «ди», «рунги» деб аталган халқлар бундан 3—4 минг йил илгари мавжуд бўлган турклар эканлиги хитой манбаларида қайд этилган. Шунинг учун, қитонларнинг келиб чиқиши қадимги туркларга бориб тақалади, деб айтиш мумкин.

Қитонларнинг кучайиши X асрдан бошланган. Шунгача бўлган бир неча аср давомида қитонлар нуфуси ортиб борган. X асрда улар сивандан, хэдахэ, фуфоюй, юйлинг, риян, пиже (писе), ли, тулююй каби 8 қабилани ташкил этди [81; 434-бет]. Булар, одатда, қадимий 8 қитон қабилалари деб ҳам аталади. Шу даврда қитонлар, асосан, Манжурия (Дунгбэй)да яшаган. 907 йилда Елюй Абожи етакчилигида аввалига Қитон (Кидон, Чидань, Цидань), кейинчалик Ляо деб номланган давлат (907—1125 й.лар) ташкил этилган ва у ўз ҳудудини ҳозирги Шарқий Монголия ва Ички Монголия ҳисобига кенгайтирган. 916 йилда Елюй Абожи ўзини император деб эълон қилган. Шунинг учун кўп ҳолларда қитонлар давлатининг ташкил топган вақти — 916 йил деб кўрсатилади.

1124 йилларда қитонлар ўзларининг таъсир доираларини ғарб томонга қараб кенгайтиришган. Натижада қитонлар давлатининг ҳудуди Иртиш дарёсининг юқори оқимларигача етиб борган. XII асрнинг

Қадимги шарқ. Милоддан аввалги I аср.





бошларида ушбу давлатнинг ички вазияти мураккаблашганидан фойдаланиб Манжурияда яшовчи ва қитонлар итоатида бўлган нюйчжэн номли қабилалар иттифоқи бош кўтарган. 11 йиллик кураш давомида нюйчжэнлар қитонлар ҳокимиятини афдариб, ўзларининг Цзинь (Олтин) деб номланган давлатларини ташкил этишган. Қитонларнинг аксарият қисми ҳукмрон сулола аъзоларидан бири бўлган Елюй Даши (Елидош) исмли амалдор бошчилигида Ғарбга кўчиб, Монголия ҳудудидаги Хатун (Кэдун — ҳозирги Монголиянинг Чяобашань шаҳри)ни марказ қилган ҳолда ўз давлатларини тикламоқчи бўлишган. Аммо шарқ томондан келаётган хавф туйғайли Елюй Даши бу мақсадига эриша олмаган.

1132 йилда Елюй Даши Эмиль (Емиличэн) шаҳрини қароргоҳ қилиб давлат ташкил этган ва ўзини Гурхон («хонлар хони» маъносини англатади) деб эълон қилган. Шундан кейинги 10 йил ичида Елюй Даши Турфон хонлиги (Гаочан давлати), Шарқий ва Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳамда Хоразм давлати устидан ўз назоратини ўрнатган [125; 39-бет]. Мана шу даврда қайта тикланган қитонлар давлати «Ғарбий Ляо» (Шиляо; 1124–1211 й.лар), мусулмон манбаларида Қорахитой («Буюк хитойлар» демакдир) давлати деб номланган. Мазкур давлатнинг ҳудуди дастлабки даврда шарқда Тула, ғарбда Эмиль дарёлари оралигидаги жойларни ўз ичига олган. Кейинчалик унинг таъсир доирасига ғарбда Орол денгизи бўйигача бўлган жойлар кирган. 1218 йилда ушбу давлат мўғуллар томонидан тор-мор қилинганидан сўнг қорахитойлар ҳар томонга тарқалган. Уларнинг аксарият қисми Туркистон халқлари орасига сингиб кетган. Ўзбекистон ҳудудида «хитой» ва «қорахитой» атамалари билан боғлиқ

Қорахитойлар

Ўрта Осиёга келган қитонлар ўрта аср муаррихлари томонидан «қорахитойлар» деб аталган. Уларнинг асосий қисми Толас ва Чу дарёлари водийсида чорвачилик билан машғул бўлганлар. Қорахитойларда патриархал-уруғчилик тузуми қолдиқлари билан уйғунлашиб кетган мулкчилик муносабатлари устувор бўлган, бироқ аёллар катта ҳуқуққа эга эдилар. Қорахитойлар буддавийлар бўлса-да, осмон, ер ва аجدодлар руҳига қурбонлик қилишган. Кейинчалик қорахитойлар қўшни туркий халқлар таркибига сингиб кетишган. Қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида қорахитойлар қабилалари номи учрайди.



бўлган топоним ва этнонимларнинг сақланиб қолиши мазкур воқеа билан бевосита алоқадор. Сабаби, сиртқи қиёфа жиҳатдан олганда, қитонлар монголоидлардан бўлиб, улар ҳозирги даврда хитой деб аталадиган хан (ханзу — русча транскрипцияда ханьцзу)ларга ўхшайди. Кейинчалик туркистонликлар ханларни ҳам хитой деб аташни одат қилдилар. Аслини олганда, этник жиҳатдан қитонлар ханлардан тубдан фарқ қилганлиги сабабли ханлар «хитой» сўзини ўзлари учун ҳақорат деб билишган. Шунинг учун айни замонда Хитой Халқ Республикаси доирасида яшайдиган халқлар ханларни ханзу (хан миллати) деб атайдилар.

Маълумки, «Хитой Халқ Республикаси» атамаси 1949 йил 1 октябрдан, яъни ХХР ташкил топганлиги расмий эълон қилинганидан кейин амалиётга кирди. Мазкур янги давлатнинг таркибига Хитой (Чжунгуо, рус адабиётида Чжунго) ва XVII—XVIII асрлар давомида Чин (Цин) деб номланган ва Хитойда манжурлар ташкил этган империя (1644—1911 й.лар) томонидан босиб олинган Ички Монголия (Қадимги Мўғулистоннинг жанубий қисми), Тибет, Шарқий Туркистон (ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор райони) каби мамлакатлар киради.

Хуанхэ дарёси.



ХХР сўзи хитойчада «Чжунгуа Ренмин Гунгхэгуо» деб аталади. Ундаги «Чжунгуа» сўзи — «маданият маркази», «Ренмин Гунгхэгуо» — «Халқ Республикаси» маъносини англатади. Одатда, «Чжунгуо» (Zhongguo) «Чжунгуа» топонимининг синоними ҳисобланади, лекин унинг маъноси «Марказий давлат» демакдир. Талаффузда ушбу топонимлар бир-биридан фарқ қилса-да, ҳудудий жиҳатдан уларнинг



маъноси бир, улар қадимги хитойлар (ханзулар) мамлакатининг ҳар хил номларидир. «Сўзлар денгизи» («Цихай») энциклопедик луғатида кўрсатилишича, «Хуашя халқи, яъни хан халқи Хуанхэ¹ дарёсининг жанубий ва шимолий соҳилларида шаклланган, унинг тўрт томонида ёввойилар яшаган. Шу боис атрофдаги ёввойилар ушбу давлатни Чжунгхуа деб аташган» [125; 1407-бет]. Лекин Чжунггуо топонимининг тарихи Чжунгхуадан қадимийроқдир.

❁ «Чжунггуо» ва «Чжунгхуа» топонимлари ❁ қачон пайдо бўлган?

1963 йилда ҳозирги ХХР нинг Шаньси ўлкаси ҳудудида топилган археологик маълумотларга кўра, «Чжунггуо» топоними илк бор Фарбий Чжоу давлати (мил. ав. XI–VIII асрлар)нинг ҳукмдори У-ванг (мил.ав. 1122–1114 й.лар) даврида пайдо бўлган [125; 1407-бет]. Ўша даврдаги Чжунггуонинг маркази Лоян шаҳри бўлиб, у Хуанхэ дарёсининг қуйи оқими жанубида, ҳозирги Шиан шаҳрининг шарқий томонида жойлашган. Ушбу топоним пайдо бўлишидан аввал қадимги хитойлар ўзларининг мамлакатини «Тучжунг», «Чжунгту», деб аташган эди. Ушбу ном «Марказдаги ер» маъносини англатган бўлиб, унинг пайдо бўлиши хитойларнинг ўша замондаги дунё ҳақидаги тафаккури билан бевосита боғлиқ.

Ўша замонларда хитойлар ўзларининг атрофидаги мамлакатларни дунё чеккаси (фанг), ўз юртларини эса унинг маркази деб тушунардилар. Кейинчалик «Тучжунг», «Чжунгту» хитойларнинг илк аждодлари бўлмиш шялар томонидан Хуанхэ дарёсининг қуйи оқимининг жанубий томонида ташкил этилган давлат номига айланган. «Хитойнинг қадимдан ҳозиргача бўлган ер номлари луғати» («Чжунггуо гужин диминг дацидьян»)да «Чжунггуо» хитойлар ватанининг маҳаллий номидир. У қадим замонда Хуанхэ дарёси атрофида ташкил топган бўлиб, унинг тўрт томони мянйи² ва рунгди³лардан иборат эди. Хитой давлати ўртада жойлашганлиги туфайли шундай ном қуйилган. У Чжунгхуа деб ҳам аталади» [134; 103-бет], деб шарҳ берилган. «Сўзлар денгизи» луғатида

¹ Хуанхэ («Сариқ дарё» маъносини англатади) қадимий туркий халқлар тилида Қорамуран (Буюк дарё) деб номланган.

² Мяньи — қадимги хитойларнинг жанубий томонидаги халқлар.

³ Рунгди атамаси от, чавандоз, жангчи маъносини англатувчи рунг ва турк сўзининг қадимги транскрипцияси бўлмиш тиук, диаук (ҳозирги ўқилишда ди) каби икки сўздан ташкил топган ва хитойлар орасида кенг қўлланган этнонимдир. «Рунгди» этнонимини «турк чавандозлари», деб таржима қилиш асосли бўлади.



баён этилишича, «Дастлаб ушбу давлат ҳозирги Хэнань ўлкаси ва унинг атрофидаги ерларда жойлашган. Кейинчалик шялар, яъни ханзулар яшаган ерларнинг доираси кенгайганидан сўнг Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқими соҳиллари Чжунгтуо деб аталди» [125; 1407-бет]. Шундан бери Чжунгтуо топоними доимий равишда ишлатиб келинмоқда. Қадимда Чжунгтуонинг ҳудуди Хуанхэ дарёсининг қуйи оқими жанубидаги ерлардан ташкил топган бўлса, ҳозир унинг ҳудуди доирасига Манжурия, Ички Монголия, Шарқий Туркистон, Тибет каби мамлакатлар киради. Айни замонда Чжунгтуо топоними 1949 йилда ташкил топган ва «Чжунгхуа Ренмин Гунгхэгу» (Хитой Халқ Республикаси) деб аталиб келаётган давлатнинг қисқартирилган номи ҳисобланади. Шундан маълумки, ўтган икки минг йилдан ортиқ давр давомида «Чжунгтуо» топонимининг географик маъноси хитойлар назоратига ўтган ерларнинг кенгайишига қараб ўзгариб борди. Ҳозирги тушунчадаги «Чжунгтуо» атамаси мазкур янги давлат тўла номи ифода этиладиган 7 иероглифнинг биринчи ва охирилари асосида қисқартирилган шакли ҳисобланади. Айни замонда у шу даражада кенг қўлланадигани, аксарият ҳолатларда «Чжунгхуа Ренмин Гунгхэгу» топоними ишлатилмай қолмоқда.

«Ч ж у н г х у а» а т а м а с и Вэй (220–265 й.лар) ва Цзин (265–316 й.лар) сулоалари даврида пайдо бўлган бўлиб, у «Чжунгтуо» топоними билан «хуашя» этнонимининг қисқартирилган ҳолда Янцзи дарёси – Хитойдаги энг узун дарёдир.





бирлаштирилиши асосида юзага келган [119; 104-бет]. Атамани ифодаловчи икки иероглифнинг маъносидан келиб чиққанда, у «маданият маркази», деб тушунилади. Қадимда хитойлар ўзларини ўзгалардан маданиятли, атрофдаги халқларни эса ёввойилар, деб ҳисоблашган. Шу боис қадимда улар ўзларини хуашя (маданиятли ша), мамлакатини чжунгхуа, қўшни халқларни йи (ёввойилар), деб аташган. Ушбу анъана хитой ҳукмдорларининг атрофдаги халқларга нисбатан қўллаган «иййи чжийи» («ёввойилар қўли билан ёввойиларни жазолаш») стратегиясида ҳам ўз аксини топган [60; 10-бет]. Юқорида тилга олинган луғатда зикр этилишича, «Чжунгхуа қадимги хуашялар мамлакатининг кейинги вақтдаги номидир. Унинг маркази гоҳ Хуанхэ дарёсининг жанубида, гоҳ шимолида бўлган. У Чжунгюан (Ўрта текислик), Хуашя, деб ҳам аталади» [134; 104–105-бетлар].

XX асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар «Чжунгхуа» Хитойнинг расмий номи сифатида ишлатилмаган. Одатда, унинг номи ҳукмрон сулолалар номи билан аталган. 1911 йилда Хитойда юз берган инқилобдан кейин Гоминдан («Миллий партия» демақдир) ва унинг раҳбари Сун Ятсен¹ бошчилигида манжурлар томонидан Хитойда ташкил этилган Цин империяси (1644–1911 й.лар) ағдарилгандан сўнг юзага келган давлат «Чжунгхуа мингуо» деб номланди. Сўзма-сўз таржима қилганда, у «Маданият марказидаги халқ давлати» маъносини билдиради, лекин русчага «Китайская Республика» деб таржима қилиш одатга кирган. Бунинг сабаби шундан иборатки, бир асрдан ортиқ давр давомида хитойлар Англия бошлиқ бир қатор Европа мамлакатларининг мустамлакачилик сиёсати, ундан аввалги 267 йил давомида эса манжурлар ҳукмронлиги остида бўлиб, уларда миллий тикланиш ва юксалиш орзуси кучайган эди. Бундай вазиятда давлатга ном беришда хитойларнинг ўтмиш маданиятини ва салоҳиятини кўрсатувчи ва бўлажак устунликка даъват этувчи ном керак бўлган. 1949 йилда узоқ давом этган фуқаролар уруши собиқ СССР томонидан қўллаб-қувватланган коммунистлар партияси фойдасига ҳал бўлди. Гоминдан партияси Чан Кайши² бошчилигида Тайвань оролига чекиниб бориб АҚШ ёрдамида ўз ҳаётини ва «Чжунгхуа мингуо» ҳокимиятини сақлаб қолди. Оролдаги Тайбэй

¹ Сун Ятсен (Сун Чжунгшан, рус адабиётида Сунь Ятсень, вафотидан кейин ҳурмат юзасидан берилган исми Сун Вэн), 1911–1913 йиллардаги монархия тузумини ағдариб Хитойда демократик давлат ташкил этишга қаратилган Синьхай (1911 йилнинг хитойча номи) инқилоби раҳбари, Гоминдан партиясининг асосчиси, ушбу инқилобдан сўнг ташкил топган Хитой Республикасининг биринчи президенти.

² Чан Кайши (Цзянг Цзешу – 1887–1975) – 1927 йилдан бошлаб Гоминдан партияси ва Хитой Республикаси раҳбари.



(Тайпей) шаҳри марказ қилинди. Хитой компартияси Гоминдан устидан галаба қилгандан сўнг ташкил этилган янги давлатга ном беришда «Чжунгхуа» сўзи сақлаб қолинган ҳолда ушбу давлатнинг номи «Чжунгхуа Ренмин Гунгхэуо», деб аталди ва у рус тилига қисқартирилган ҳолда «Китай», деб киритилди. Шундан кейин тарихий Хитойни ҳозирги Хитойдан (ХХРдан) ажратиш мақсадида рус олимлари «собственно Китай» («асли Хитой») атамасидан фойдаландилар. Хитойларнинг ўзи эса асли Хитойни «Коули» («қадимги чегара ичкариси» маъносини англатади) деб аташади, уйғурлар эса уни «ичкари» ёки «ички Хитой» дейишади. Кейинги пайтларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасида «Китай», ўзбек тилида «Хитой» атамасини ХХР сўзининг эквиваленти сифатида ишлатиш одатга кириб қолди. Европа мамлакатларида ХХР «Чайна», хитойлар «чайниз» деб аталади, уларда «Китай» сўзи ишлатилмайди.

Айрим мусулмон халқларида, жумладан ўзбекларда Хитойни Чин деб аташ одати бор. Лекин Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, Чин туркий халқлар яшаган жойнинг номи бўлган [55; 622-бет]. Алишер Навоий асарларида ишлатилган «Чин» атамаси Шарқий Туркистонни англатади. Шунинг учун «Чин» топонимини «Хитой» атамасининг эквиваленти деб ҳисоблаб бўлмайди.

❁ «Чжунгхуа минзу» атамаси ❁

XX асрнинг бошида Хитойда «Чжунгхуа минзу» атамаси кенг тарқалиб, у хитой халқининг янги номи сифатида ишлатилган эди. Бинобарин, ундаги «минзу» сўзи «одам, табақа, қабила, миллат» каби маъноларга эга бўлиб, XIX асрда пайдо бўлган, аниқроғи япон тилидан ўтган. Ундан олдин хитой тилида «рэн» (одам), «жунгрэн» (одамлар), «зулэй» (авлод) каби сўзлар мавжуд бўлган. Аммо, кейинги пайтда унга янги маъно берилган. Масалан, 1922 йилда йирик сиёсий арбоб ва ислоҳчи Лянг Цичао (1873—1929) ўзининг «Тарихдаги Хитой халқига оид тадқиқот» («Лиши шанг Чжунгтуо минзу чжи янжю») асарида «Чжунгхуа минзу» атамаси хитой халқининг номидир, лекин ҳозир ушбу атама тушунчасига Хитойда яшовчи бошқа халқлар ҳам киради, деб айтган [119; 111-бет]. Дастлаб «Чжунгхуа минзу» тушунчасига биргина хан этноси кирганлиги Фэй Сяотунг қаламига мансуб «Хитой халқининг илдизлар ва бирликка келиш жараёни» («Чжунгхуа минзу дуоюан йитихуа») асарида ҳам кўрсатилган [119; 110-бет]. Сўнгги йилларда ушбу атамани «ХХР халқлари» маъносида ишлатиш кенг тарқалди.

ХАН ЭТНОСИ ҲАҚИДА

Ҳозир хитойлар ўзларини ханзу (хан миллати ёки халқи) деб атайди. Қадим замонда улар шя (рус адабиётида ся), хуашя (маданиятли шя демақдир) деб номланган. Хитой олимларининг фикрига кўра, шя сўзи этник ном эмас, балки кичик давлатни идора қилган ҳокимият ёки сулола номидир. Бу ҳақда Чжянг Ёингланг шундай ёзади: «Баъзи муаллифлар Шя [атамасини] қабила номи деб ҳисоблайдилар, лекин бу ҳақиқатга тўғри келмайди... Шя [сўзи] аслида сулола номи бўлиб, у уч хил маънога эга. Уларнинг бири Шя маркази (Шяду), яъни марказий ҳокимият жойлашган ер, иккинчиси Шя юрти (Шяйи), яъни Шя сулоласига тегишли жой демақдир, учинчиси Шя [юрти] осмони тагидаги ер (Шя тяншя), яъни ўтмишдаги қабилаларнинг бирлаштирилиши асосида ташкил этилган мустақил ҳокимиятга тегишли ҳудуд демақдир» [128; 1-жилд, 60-бет]. Олимнинг ушбу фикри ҳам «шя» атамасининг келиб чиқишини аниқлаб бермайди.

Қадимий хитой манбаларига кўра, «шя» сўзи «улуғ», «ёз фасли», «иссиқ» маъноларини англатади [121; 869-бет], аммо ушбу авлод номининг келиб чиқиши иероглиф маъносидан эмас, балки Хуанхэ дарёсининг қуйи оқимига қуйиладиган Фэншуй (қадимги ўқилишда Бивэншуй) дарёси бўйидаги Шя деб номланган жой номидан келиб чиққан [81; 71-бет]. Шя авлодининг асосчиси Куэн (Гун) бўлиб, у

Тангритоғ манзараси.





баланд тоғ чўққиси маъносини англлатувчи Чунгшан тоғида яшаган¹. Ушбу тоғ атрофидаги жойларда Хуанхэ дарёси сувининг кўпайиб кетиши туфайли тез-тез сув тошқини бўлиб турган. Шу сабабдан шяларнинг диққат-эътибори мана шу табиий офатдан қутилишга қаратилган. Гун оламдан ўтгач унинг ўрнини ўғли Юй эгаллаган. Юй даврида шялар мазкур дарёнинг шимолий қирғоғидаги Фэншуй ирмоғи бўйидаги Шя деб номланган жойга кўчиб ўтган. Ушбу жой ҳозирги ХХРнинг Шаньси ўлкаси жанубига тўғри келади. Шя вилоятига жойлашгандан сўнг Юй Хитой тарихида биринчи бўлган кичик хонлик ташкил қилган ва уни Шя деб атаган [81; 71-бет].

Мазкур маълумот «шя» этноними аслида жой номидан трансформация этилган, кейинчалик у хитойларнинг илк ҳокимияти номи сифатида тарихга кирган, деган хулосани келтириб чиқаради. Шу билан шя атамаси 3 хил маънога эга бўлган сўзга айланган. Шя ҳокимиятининг ташкил топган вақти милоддан аввалги ХХI асрга, тугатилган вақти эса милоддан аввалги ХVІ асрга тўғри келади [81; 71-бет; 125; 737-бет]. Хитой адабиётида ушбу илк Хитой давлати ҳудудида топилган археологик маълумотлар «Эрлитоу маданияти» намуналари деб аталади.


Иккинчи бир маълумотларга кўра, Шя сулоласи ташкил топишидан олдин Хуанхэ дарёсининг қуйи оқимининг жанубий томонида бир қатор авлодлар ва қабилалар мавжуд бўлган. Юй, Ци, Гун (қадимги ўқилишда Jiwa ёки Ji, Kie, Kuen) каби авлодлар шулар жумласидандир. Ци аслида бир шахс бўлиб, у Юйнинг ўғли, Гун эса унинг набираси бўлган. Ўша даврдаги анъанага кўра, авлод бошлиғининг унвони бў (bo — оқсоқол маъносини англатади), қабила бошлиғининг унвони чунг (chung — олий), деб номланган. Юй, Ци, Гунларнинг авлодлари кўпайиб қабилаларга айлангандан сўнг уларнинг исмлари қабила номига айланган [128; 1-жилд, 60-бет]. Аммо авлод асосчиси Юй деб танилганлиги туфайли, ҳамма уни «Тяншя чжицзюн» («Осмон тағидаги ҳукмдор») деб билиб, унга ҳурмат билдирган. Вақт ўтиши билан бу тушунча шяларнинг мафқурасига айланган. Қўшни халқлар билан бўлган муносабатда шялар мазкур мафқурага асосланиб иш тутган. Бу ҳол улар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлишига олиб келган.

¹ Халқ орасидаги ривоятларга кўра, Чунгшан тоғи Хэнан ўлкасидаги ва Хуанхэ дарёси қуйи қисми жанубидаги муқаддас тоғ ҳисобланади. Ушбу тоғнинг шарқий қисми Тайбаошан (сўзма-сўз таржима қилганда «ўта азиз» ёки «бебаҳо тоғ» маъносини билдиради), унинг ғарбий қисми эса Шаобаошань («Кичик бебаҳо тоғ») деб аталади. Шаолин деб номланган машҳур ибодатхона айнан мазкур тоғ этағида жойлашган.



Бунинг мисоли, биринчи навбатда, шялар билан шарқий йилар (дунгйи)лар¹ орасидаги муносабатда яққол кўринган.

Шя ҳокимияти ташкил топгандан сўнг, унинг бошлиғи кўшни қабилаларни бўйсундириш ҳисобига ўз ҳокимиятини кучайтиришни ва унинг ҳудудини кенгайтиришни мақсад қилиб олган. Шу боис у атрофдаги авлод ва қабилаларни бўйсундиришга киришган, унга итоат қилишдан бош тортганларга куч ишлатган. Бу ҳолат узоқ даврга чўзилган жангу-жадалларга, қиргин-баротга сабаб бўлган. Шя сулоласи ўз мақсадига эришгандан сўнг, ўзини «Тяншя шянчао» («Осмон тагини бирлаштирган сулола» маъносини англатади) деб атаган. Ушбу сулола ҳукмронлиги остига ўтган авлодлар ва қабилалар ўзларини шя деб аташга мажбур бўлган. Шундай қилиб сулола номи бўлган Шя атамаси этник номга айланган.



Олтойдан топилган қоя расмларининг бир қисми — мил. ав. X аср.

Хитой, яъни хан халқининг кўпайишида шанг ва чжоу авлодларининг ҳиссаси катта бўлган. Хитой олимларининг ёзишича, мазкур икки авлоднинг келиб чиқиши шимолий туркларга (бэйди, бэйфанг рунгди) бориб тақалади [81; 72–74-бетлар].

Қалдирғоч белгиси (тотеми)га эга бўлган Шанг авлодининг асосчиси Цие, қадимги ўқилишда Kiat, деб номланган. Ушбу авлоднинг иқтисодий ҳаёти яшаган жойларининг географик шароитига мослашган ҳолда деҳқончиликка боғлиқ бўлган. Уларнинг яшаш жойлари ўзгариб турган бўлса-да, Хуанхэ дарёси қуйи оқимининг иккала соҳилидаги тоғлик ва яйлов ерлар доирасидан четга чиқмаган. Шя сулоласи ҳар қанча ҳаракат қилмасин, булар устидан ғалаба қозона олмаган. Аксинча, узоқ даврга чўзилган курашлар натижасида Шя сулоласи мағлубиятга учраб, Шанг сулоласи (мил.ав. 1711–1066 й.лар)га тобе бўлишга мажбур бўлган.

Тош ва ҳайвон суякларига ёзилган расмсимон иероглифлардан маълум бўлишича, Шя сулоласи даврида унинг чор атрофида кўп ёт авлодлар яшаган. Шанг сулоласи кучая бошлаганда, фақатгина унинг

¹ Дунгйи (шарқий йи) ҳозирги ХХРнинг Шаньдун (Сариқ денгиз қирғоғидаги ярим орол) ўлкаси ҳудуди ва Хуанхэ дарёси қуйи қисмининг шимолий томонида яшаган ҳамда этник жиҳатдан шялардан тубдан фарқ қилган халқ номидир.



шимолий ва ғарбий томонида 30 дан ортиқ катта-кичик ҳокимиятлар мавжуд бўлган. Қуйфан (Кунга итоат қилувчилар юрти), Туфанг (Заминдорлар юрти), Чянганг (Қўйчилар юрти), Мафанг (Отбоқарлар юрти), Хуфанг (Арслонлар юрти), Янганг (Қўйлар юрти) кабилар шулар жумласидандир. Бу ҳокимиятларни шангликлар «фанг», яъни атрофдаги ерлар ёки мамлакатлар, деб аташган. Шу боис улар номига фанг сўзи қўшилган. Мазкур ҳокимиятни ташкил қилганлар қадимий хитой манбаларида *kiwei* (гуй — кун), *tu* (ту — турк атамасининг хитойча транскрипцияси), *üwen* (юн — хун), *diek*, *diauk*, *tiek*, *tiauk* (ҳозирги талаффузда — ди) деб аталган туркий халқлар аجدодларидир.

Хитой тарихчиси Чжанг Ёингянгнинг ёзишича, қадимда номи *diek*, *diauk*, *tiek*, *tiauk* деб талаффуз этилган «ди халқи шимолда яшовчи катта халқ бўлган, улар таркиби мураккаб ва кўп авлодлардан ташкил топган, улар яшаган ерлар ҳам ниҳоятда улкан бўлган. Булар 3 шаҳобчага бўлинган бўлиб, уларнинг бири чиди (қизил ди — жанубий турклар), иккинчиси байди (оқ ди — ғарбий турк), учинчиси чжанди (олисдаги ёки улуғ турк)¹ эди» [128; 1-жилд, 80-бет]. Шу жойда шарҳлаб ўтмоқ жоизки, қадимда хитойлар жанубни чи (қизил), ғарбни бай (оқ), шарқни чинг (яшил), деб аташган. Хитойларнинг ғарбий томонида, яъни ҳозирги ХХРнинг Шэньси, Гансу (қадимги туркча номи Кенгсу), Чингхай (Кўккўл) ўлкалари ҳудудида яшовчи туркий халқлар «сирун» («ғарбий рунг»), деб номланган. Булар ҳам кўп авлодлардан ташкил топган. Хитой манбаларида бундан 3 минг йил муқаддам Қадимги Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонидаги халқлар ди ва сирунг каби икки катта қисмга ажратилмаган. Кўп ҳолда улар «рунгди» ёки «дирунг» деб номланган. Уларни иккига ажратиш милоддан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган.

Шя ва Шанг сулолалари замонасида хитойларнинг шимолий ва ғарбий тарафида истиқомат қилган халқлар томонидан барпо этилган ҳокимликлар нисбатан кучли давлат сифатида намоён бўлган [128; 1-жилд, 66—71-бетлар]. Шя ва Шанг сулолалари қанча ҳаракат қилмасин, бу халқларни ўзларига тобе этишга муяссар бўла олмаган.

Чжоу авлодининг келиб чиқиши хусусида хитой тарихчилари орасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, Чжанг Ёингянгнинг асарида баён этилишича, шялар таркибига кирган Чжоу авлодининг асосчиси асида Шанг сулоласи итоатидаги исми Биан, фамилияси Кие (ҳозирги

¹ Чжан (чанг) иероглифи қадимда *diang* ўқилган бўлиб, у олис, узоқ ўтмиш, буюк, узун, катта, ёшлик, етакчи, хурматли каби маъноларни англатган.



ўқилишда Цзи) аталган бир ҳоким бўлган. Мил. ав. XVI асрнинг сўнгги даврида Шанг сулоласида бошланган ички курашлар жараёнида у мустақил бўлиб ажраб чиққан. Чжоуларнинг 15-авлоди Вэн-ванг даврида булар тезда кучайиб ва Шан сулоласини йўқотиб, Чжоу хонлигини (мил.ав. 1027–256 й.лар ёки 249 й.) ташкил этган. Чжоу авлоди, асосан, ҳозирги Шэньси ва Гансу ўлкалари чегарадош бўлган жойни марказ қилган ҳолда атрофдаги ерларда истиқомат қилган. Бу жойларда юқорида тилга олинган туркий авлодлар ҳам яшаганлиги туфайли, Чжоу авлодининг келиб чиқиши улар билан боғлиқ, деб ҳисобланади [128; 1-жилд, 71–72-бетлар]. Ван Чжунхан бошчилигидаги




Шя сулоласининг асосчиси император Шун Юй.

бир гуруҳ олимларнинг ёзишича, Чжоу авлодининг фамилияси Кие (замонавий ўқилишда Жи) бўлиб, унинг асосчиси Хоу Цзи исмли киши ҳисобланади. Афсоналардаги ҳукмдор Шун Юй (мил. ав. 2255–2204 й.лар) даврида деҳқончилик ишлари билан шуғулланган амалдор бўлган. Шя сулоласи заифлашганда у ишсиз қолганидан сўнг рунди (турклар) юртига бориб кун кечиради [81; 74-бет]. Бунинг сабаби шундаки, унинг онаси Хуанхэ дарёсининг юқори қисми атрофида яшаган ва туркий халқларга алоқадор бўлган чян¹ авлодига мансуб бўлган. Унинг авлоди рундилар орасида деҳқончилик билан шуғулланиб кўпайди ва улғайди. Аммо Чжоу сулоласининг 12-авлоди даврида чжоулар ўз аждодларига ёрдам берган рунди ва сюньюй (хунлар) билан келишолмай қолиб Вэйшуй дарёсининг ўрта қисми (ҳозирги Шиан шаҳри атрофи) бўйларига кўчиб бориб, сулола асосчиси яшаган жойларни эгаллайди.

Чжоу хонлиги даврида шя, шанг, чжоу авлодларининг аралашиб ягона бир этносга айланиши кузатилган. Аммо булар ичидаги ҳар бир авлод ўз устунигини сақлаб қолишга интилган. Бу ҳол ички низоларнинг кучайишига олиб келган. Натижада Шанг сулоласи ағдарилиб, унинг таъсир доирасидаги авлодлар майда ҳокимликларга бўлинган ҳолда б

¹ Чянг (қадимги ўқилишда kiang, рус адабиётида цян) — тош ва суякларга ёзилган қадимий битикларда ёзилишича, бундан 4 минг йил илгари Хуанхэ дарёсининг юқори қисми бўйларида ва унинг ғарбий томонида яшаган халқ. Кейинчалик булар сирун, дичянг деб ҳам аталган. Чянглар ҳаётида чорвачилик, айниқса қўй боқиш билан шуғулланиш асосий ўринда турган. Уларнинг этник номи ҳам қўйни билдирувчи янг сўзидан келиб чиққан.



Юечжи боши. Лой билан сувалган.
Холчаён.

асрга яқин давр давомида бири-бирига қарши курашганлар. Тарихда ушбу давр «Чунчю» («Баҳор ва куз» — мил.ав. 770—476 й.лар) ва «Чжаньго» («Курашаётган подшоликлар» — мил.ав. 403—221 й.лар) деб аталади. Бу даврда хитойликлар атрофдаги халқлар ерлари ҳисобидан ўз ҳудудларини кенгайтириш имкониятига эга бўлмаганлар. Аксинча, қўшни халқлар

хитойларнинг ички вазиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатиб турган.

«Курашаётган подшоликлар» асосан Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқимининг икки томонида ҳамда ушбу дарёнинг ирмоғи Вэйхэ бўйларида жойлашган. Масалан, ҳозирги Пекин атрофида Янь, мазкур дарёнинг шимолий томонида Чжао, унинг жанубий томонида (шарқдан ғарбга қараб) Ци, Лу, Сунг, Вэй, Хань, Чжоу, Вэйхэ дарёси бўйида Чин (Цинь), Янцзи (Чангжянг) дарёсининг шимолида жойлашган Чу деб номланган кичик давлатлар ташкил топган. Чин давлатининг ғарбида Рузие (Юэчжи) давлати мавжуд эди. Аммо ушбу давлат ўзаро курашаётган давлатлар қаторидан жой олмаган.

Хунлар (хуннулар)

Қадимда Марказий Осиёда шаклланган кўчманчи халқ. Хунлар бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд бўлган дилар таркибига кирган. Хитой манбаларида хунлар турли даврларда 32 хил номда (квей, куй, куйфан, куйрунг, хунйи, ху, шюнюн, сюнну ва б.) келтирилган. Баъзан улар бэйди (шимий турк) деб ҳам аталган. Олимлар ўртасида хунлар этноними кун (қуёш) сўзидан келиб чиққан, деган фикр мавжуд. Япония олимларининг фикрича, «шюнну» — «кун» сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у тангри фарзанди, кунга (қуёшга) топинган одам, халқ каби маъноларга эга бўлган. Аммо хитойлар шюнну атамасини ёзишда «дахшатли қул» маъносини англатадиган 2 иероглифни қўллашган. Хитой манбаларида Хун хоқонлиги ҳам Шюнну деб номланади. Хунлар шялар (қадимий хитойлар)нинг шимолидаги ғарбий қўшинлари бўлиб, мил. ав. 2—1-минг йилликда ҳозирги Хэси йўлаги, Ордос яйловларида яшаганлар.

Мил. ав. 3-аср охирида хунлар Моде хоқон (Ботур Тангриқут) бошчилигида шарқий ғуз (дунху), рузие (юечжи), хэгу (қирғиз), усунларни тор-мор қилиб Хитойга бостириб қирганлар ва император Лю Банни ўлпон тўлашига мажбур қилганлар. Мил. ав. 1-асрда хунлар орасида ўзаро низолар келиб чиққан, натижада тобе эттирилган барча қабилалар улардан ажраб чиққан ва Хуханье тангриқут Хитойга номига вассал бўлиб қолган (мил. ав. 51 й.). Мил. 1-аср бошида Хитойнинг заифлашуви хунларга мустақилликни қайтариб олиши имконини берган, аммо 48 йил саккизта хун уруғлари қайтадан Хитойга тобе бўлиб қолган; Жанубий хунлар улардан тарқалган. Шимолий хунлар 87—93 йилларда хитойлар, сяньбилар ва динлинлар иттифоқидан мағлубиятга учраганлар, лекин 93 йилдан кейин ҳам уларнинг бир қисми Мўғулистон чўлларида кўчманчилик қилиб юришган. Шимолий хунларнинг бошқа қисми Фарбга чекиниб, маҳаллий халқлар билан чапишиб Европада гуннлар номини олган янги халққа асос солган. Шимолий хунларнинг яна бир қисми Юебань (Яйпан) номи билан Еттисув ва Тарбағатойда ўтроқлашган. Уларнинг давлати 5-аср охирида теле қабилалари томонидан вайрон этилган. Ўрта Осиё хунларининг қолдиқлари — чуюе, чуми, чумугун ва чубанлар 6-асрда Фарбий турк хоқонлиги туркийларига тобе бўлишган.

Мил. ав. 221 йилда ички урушларда устунлик қилган Чин мамлакатининг ҳукмдори Чин Шихуангди (Цинь Шихуанди) (Чин мамлакатининг илк хоқони маъносини англатади) Қадимги Хитойдаги урушларга чек қўйиб, мамлакатни бирликка келтирди. Шунда хитойлар таркиби кўп авлодлардан ташкил топганлиги туфайли, уларда тил бирлиги, ёзув бирлиги, ўлчов ва пул ҳамда урф-одатлар бирлиги йўқ эди. Бу борада умумийликни юзага келтириш учун Чин Шихуангди фаол ҳаракат қилди ва қаттиқ чора-гадбирларни амалга оширди. Икки масалада, яъни ёзув ва ўлчов бирлигини таъминлашда унинг амалга оширган ислохотлари яхши натижа берди. Бу ҳолат шя, хуашя деб номланган хитойларнинг ягона этнос бўлиб шаклланиш жараёнини

Хунлар: 1. Жездан ясалган уй-рўзгор буюмлари; 2. Кигиздаги тасвирдан лавҳа (афсонавий йиртқич қуш-грифон буғуга ҳамла қилмоқда; Ноин-Ула, мил. ав. I аср охири — мил. I аср боши).



тезлатишга олиб келди. Турклар билан хитойлар ўртасидаги чегара анча ғарбга ва шимолга сурилиб баланд деворлар билан ажратилди.


✧ Буюк Хитой девори ✧

Буюк Хитой девори — Қадимги Хитой меъморлигининг улкан ёдгорлиги. Бунга биз ушбу деворни кўрганимиздан сўнг тўла ишонч ҳосил қилдик.

Хитой деворининг қурилиши мил. ав. IX асрда бошланган. Чунончи, «Шеърийат» («Шижин») номли хитой манбасида ёзилишича, мил. ав. IX асрда ўтган Жоу (Чжяу) мамлакати ҳокими Йиванг хунларнинг ҳужумидан ўзини муҳофаза қилиш учун турган жойини баланд девор билан ўраб олган. Натижада Хитойда биринчи кичик қўрғон пайдо бўлган.

«Чунчо» («Баҳор ва куз») деб аталган даврда (мил. ав. 770—476) хитойлар (айни замонда шялар деб аталган) Хуанхэ дарёсининг ўрта қисми бўйларида ва жанубидаги жойларда майда хонликларга бўлиниб яшаган, улар ўзаро тўхтовсиз урушлар олиб боришган. Ушбу хонликлар ҳукмдорлари ўзларини ўзгалардан муҳофаза қилиш мақсадида ўзига тобе ерларни девор билан ўраб олишган. Шу даврда бундай деворлар тўртбурчак шаклида бўлганлиги учун «фангчэнг» («тўрт бурчакли шаҳар девори») деб аталган. Хитой манбаларида кўрсатилишича, VII асрнинг ўрталарида Хитойда қурилган деворларнинг умумий узунлиги бир неча юз километрдан ошган. Бу деворлар Хитойнинг ҳозирги Хубэй, Шэньси, Хэнань каби ўлкаларининг ҳудудларида ва уларнинг туташган жойларида қурилган бўлиб, улар давримизга қадар сақланиб келмаган.

Буюк Хитой девори — Қадимги Хитойнинг мудофаа иншооти.





Мил. ав. V–IV асрларда ташкил топган Чи, Вэй, Хан, Чжао, Ян, Чин каби ҳокимлар ўз ерларини деворлар билан ўраб олишган. Мазкур деворлар «Ҳокимликлараро мудофаа деворлари» («Жухоу хуфан чангчэнг») деб аталган. Мил. ав. IV асрда хитойларнинг шимолида яшаган хунлар кучая бошлайди. Булар билан қўшни бўлган Ян, Чжоу ва Чин мамлакатларининг ҳокимлари хунлар ва «шарқий гуз» («дун ху», қадимий туркий халқларнинг бир қисми)лардан ўз мамлакатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзларининг шимолий чегаралари бўйлаб баланд ва мустаҳкам деворлар қуришган. Ўз даврида хитойлар учун мазкур деворлар шимолий қўшни халқларнинг отлиқ қўшинларига тўсиқ сифатида хизмат қилган.

Мана шу учта кичик хонликларнинг шимолий чегараси бўйлаб қурилган деворлар тарихий манбаларда «Хуларни тўсувчи узун девор» («Жюйху чангчэнг») деб аталган. Айрим тарихчилар буларни «Чин давлатидан олдинги девор» («Шиян Чин чангчэнг») деб ҳам аташган. Ушбу деворлар ўзаро уланмаган бўлиб, улар яхлит бир қурилиш иншооти шаклига кирмаган эди. Мил. ав. 221 йилда Чин мамлакатининг ҳокими Чин Шихуангди (мил. ав. 246–208), атрофидаги 6 кичик давлатларни (ҳокимликларни) бирин-кетин мағлубиятга учратиб, уларни бирликка келтирди. Аммо шу пайтда зотли учқур отлар билан қуролланган ва от устида чопиб кетаётиб ўқ-ёй отишга моҳир бўлган хунлар унинг учун кучли рақиб эканлигини яхши англади. Шундай вазиятда Чин Шихуангди уларнинг отлиқ қўшинлари ҳужумини тўсиш муаммосини ечишни бирдан бир йўли шимолий чегара бўйлаб от ўтолмайдиган даражада баланд девор қуриш деб билган эди. Шу боис у илгари майда ҳокимликлар томонидан қурилган деворларнинг шимолий қисмини қўшимча девор қуриш асосида бирини бирига улаб чиқди. Натижада олдинги бўлак-бўлак бўлган деворлар бир яхлит қурилиш иншоотига айланиб, унинг узунлиги 5 минг километрни ташкил этди. Мазкур деворнинг узунлиги хитой ўлчови билан 10 минг «ли»ни (қадим замонда 1 ли 300–360 қадамга, ўрта асрларда 576 метрга тенг бўлган. Ҳозир 500 м тенг) ташкил қилганлиги учун уни хитойлар «Ванли чонг чан» («10 минг ли узунликдаги девор») деб аташган.

Майда хонликлараро мавжуд бўлган деворлар Чин Шихуангдининг фармониغا қўра, бузиб ташланган. Илк ва сўнгги Хан империялари даврида (мил. ав. 206 й. – мил. 220 й.) Буюк хитой девори таъмирланишдан ташқари узайтирилади. Шундан сўнг деворнинг узунлиги 5 минг километрдан ошиб кетган бўлиб, у шарқда денгиз қирғоғидаги Хайсенвэй деб аталадиган жойдан, ғарбда Юймэнгуан деб номланган Хитойнинг ғарбий чегара қўриқхонасигача чўзилган. Шундан бошлаб ушбу девор



Хитойнинг шимолий чегара чизиги бўлиб қолган эди. Кейинги минг йилдан ортиқ давр давомида Буюк хитой девори кўп марта таъмирланган ва айрим жойлари замон талабига мослаштирилган ҳолда қайта қурилган. Мин сулоласи (1368–1644) даврида деворнинг ғарбий қисми Жяюйгуан деб номланган чегара қўриқхонасигача етказилган бўлиб, унинг умумий узунлиги 7300 километрга етган. Мин сулоласи замонида девор 9 қисмга бўлинган бўлиб, уларда бир миллионга яқин кишидан иборат 11 та чегара қўшинлари жойлаштирилган.

Хитойда манжурлар сулоласи ҳукмронлик қилганда (1644–1911) улар ўз атрофидаги Мўғулистон, Тибет ва Шарқий Туркистон каби юртларни истило қилиб, ўз давлати ҳудудига киритиб олгач, Буюк хитой девори ички деворга айланиб, у ўзининг аввалги мудофаа аҳамиятини йўқотган. Шундан кейин унинг таъмирланишига етарли эътибор берилмаган. Манжурлар асосан айрим мудофаа аҳамиятига эга бўлган шаҳарлар ва мамлакат маркази бўлган Пекин (Бэйжин) шаҳри атрофидаги деворларни таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига кўпроқ маблағ ажратган.

Ҳозирги даврда Буюк хитой деворининг тошдан ва пишган гиштдан қилинган қисми сақланиб қолган, тупроқдан ясалган қисми эса қулаб тушган. Айрим жойларда, айниқса ғарбий томонда деворнинг ярим қулаган қисмларини ҳам кўриш мумкин.

Кўп ҳолларда Буюк хитой девори тоғлар ва адирларнинг баланд жойларидан, айрим қисми далалардан ва дашт-биебонлардан, дарахтзор ерлардан ўтган. Унинг баландлиги ҳамма жойда бир хил бўлмаган, айрим қисмининг баландлиги 8 м, кенглиги: паст қисми 7–8 м, тепа қисми 5 м гача етган. Девор устида от билан, унинг текис жойларида эса арава билан ҳам юриш мумкин. Деворнинг айрим жойларида 10 одам ёки 5 от бир қатор бўлиб юриши ҳам мумкин бўлган. Деворнинг икки томони одам юрадиган жойдан 1–1,5 м баланд кўтарилган бўлиб, камондан ўқ отиш ва пастдаги душманни кузатиш учун тахминан ҳар бир метрда биттадан шинаклар қолдирилган.

Девор бўйлаб маълум масофада тўртбурчакли ва девордан баландроқ қилиб миноралар қурилган. Мазкур миноралар қоровулхоналар бўлибгина қолмасдан, балки олов ёқиш йўли билан тезда қўшни минора ёки марказ билан алоқа боғлаш вазифасини ҳам бажарган.

Ҳозир Буюк хитой деворининг айрим қисмлари музейга ва туризм масканига айлантирилган.

Пекинга келувчилар зиёрат қиладиган деворлар асосан XVIII–XIX асрларда пойтахтни ҳимоя қилиш учун тошдан ва махсус



тайёрланган пишиқ гиштдан қурилган. Мазкур иншоот ҳозир музей сифатида сақланмоқда ва туристлар учун очиб қўйилган.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида Буюк Хитой девори Садди Чин девори номи билан тилга олинган.


✽ Шяларнинг хан деб аталиши ✽

Шяларнинг хан деб аталиши Қадимги Хитойни иккинчи марта бирлаштирган Хан сулоласи номи билан боғлиқ. Маълумки, бу сулола икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бири «Илк Хан» ёки «Ғарбий Хан» (Чянхан, Шихан) деб номланган ва мил. ав. 206 йил—мил. 8-йилларда ҳукмронлик қилган. Иккинчи Хан сулоласи «Сўнгги Хан» ёки «Шарқий Хан» (Хоухан, Дунгхан) деб аталиб, у мил. 25—220 йиллари ҳукмронлик қилган. Мазкур сулолалар даврида хитойларнинг шимолий ва ғарбий томонидаги турклар, жумладан хунлар уларни хан деб аташган [119; 97-бет]. Ундан олдин, аниқроғи Хитойни илк бор бирликка келтирган Чин (қадимги талаффузда *dzien*) сулоласи даврида хитойларнинг атрофидагилар уларни «чинрэн» («чин одамлари») деб аташган. Лекин шу даврда хитойлар ўзларини «чжунгуо рэн» («марказий давлат одамлари») дейишган эди. Қўшни халқларда хитойларни хан деб аташ одати Хан сулоласи тугатилганидан кейин ҳам сақланиб қолган. Мил. V асрнинг сўнгги чорагида хитойлар ўзларини «ханрэн» («хан одамлари») деб атай бошлади. Хитой олимларининг фикрича, ушбу этноним Шимолий Вэй давлати (386—534 й.лар) ҳукмдори Сяо-вэнди (471—479 й.лар) давридаги ёзма асарларда расмий ишлатила бошланган [119; 97-бет].

Илк Хан сулоласининг сўнгги даврида хитой (хан) халқининг нуфуси ортган. Бу даврда унинг сони 12 млн. 233 минг оилага ёки 60 млн. кишига яқин бўлган. Шарқий Хан (Сўнгги Хан) даврида бу

Шаньси вилоятидаги Хэншань тоғ қоясидаги «Осма қаср» («Сюаньхунси қасри»).

Мин ва Цинь сулоласи давридаги турар жойлар. Аньхой вилоятининг Исянь уездида сақланиб қолган.





рақам 1 млн.га камайган [163; 154-бет, 185-бет]. Ушбу сулоладан кейинги 3 асрга яқин давр давомида Хитой парчаланиш ва ўзаро уруш ҳолатида бўлганлиги сабабли, хитойлар сони кескин камайган. Бинобарин, «Қурашаётган подшоликлар» (Чжангуо) даврида хитойлар нуфуси 3 млн. ни ташкил этган эди. 618 йилда Тан империяси (618—907) ташкил топиши муносабати билан Хитой яна марказлашган, ички урушлар тўхтаган, аҳоли сони тез ўсган. VIII асрнинг ўрталарида хитойларнинг (ханзуларнинг) нуфуси 59,5 млн. кишидан иборат бўлган. Кейинги 5—6 аср давомида ҳам хитойлар нуфусининг кўпайиши кузатилмаган. Чунончи, Хитойда мўғуллар ҳукмронлигини тугатилиши натижасида юзага келган ва Мин («ёруғлик» маъносини англатади) деб номланган сулола даврида (1368—1644 й.лар) хитойлар нуфуси 45 млн.га яқин бўлган.

Хитойлар нуфусининг жиддий ўсиши 1644 йилда Хитойда Цин деб номланган манжурлар сулоласи ташкил этилгандан кейинги 3 аср давомида (1644—1911 й.лар) кузатилган. Ушбу сулоланинг ҳукмронлик доирасидаги аҳолининг умумий сони 343 млн.га яқин бўлган эди. Шундан 90 % дан кўпроқ қисми хитойлардан (ханлардан) ташкил топган.

Хитойлар нуфусининг тез кўпайиши XIX—XX асрларда юз берди. Масалан, XIX асрнинг 2-ярмида хитойлар сони 400 млн.га яқинлашган бўлса, XX асрнинг 1-ярмида ички урушлар натижасида кўп одам ўлганлигига қарамай ушбу рақам 200 млн.га кўпайди. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ташкил топганидан кейин хитойлар нуфусининг кўпайиши яна ҳам тезлашди. 1957 йилдаги маълумотларга қўра, хитойлар нуфуси 620 млн. кишидан иборат бўлди [125; 886-бет].

XX асрнинг 2-ярми давомида хитойларнинг сони икки баравар кўпайди. 1990 йилда ХХР аҳолисининг сони 1,15 млрд.дан, 2004 йилда эса 1,3 млрд.дан ошган. Шулардан 95 % га яқин қисми хитойлардан иборат. 2003 йилги маълумотга қўра, ХХР аҳолисининг 55 % яқин қисми, яъни 744,320 млн. киши иш билан банд бўлган. Шундан 487,930 млн. киши (65,6 %) қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. Айни пайтда хитойлар нуфусининг ўсиш суръати бироз сусайганлиги кузатилмоқда. Шунга қарамай ҳозир уларнинг сони йилига 8—9 млн. кишига кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига қўра, хитойлар нуфусининг кўпайиши 2050 йилларгача давом этади ва уларнинг сони 1,6 млрд.дан ошади.

Хитойларнинг 90% (969 млн.га яқин киши) қишлоқ жойларида яшайди, аммо айни замонда, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш учун атиги 100 млн. киши талаб этилади, экин ер етишмаслиги



муаммоси ҳамон сақланиб қолмоқда. Қишлоқ жойларида ташкил этилган кичик ва ўрта корхоналар, завод ва фабрикаларда ишлаётганлар сони 136 млн. кишини ташкил қилади [108; 2-бет]. Шундан кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Сўнгги бир неча йил давомида ХХР ҳукумати ишсиз бўлган қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга бориб ишлашига рухсат берган. Натижада кўп ёшлар шаҳарларга бориб қурилишларда, меҳмонхоналарда ва бошқа кам малака талаб қиладиган иш жойларида ишламоқда. Қишлоқдан келганларнинг хизмат ҳақи нисбатан арзон бўлганлиги туфайли, иш эгалари ҳам шаҳарликлардан кўра уларни ишлатишни маъқул топишмоқда. Натижада кўп шаҳарликларнинг иш ўрни қишлоқдан келганлар билан банд бўлмоқда. Бу ҳол шаҳар ёшларининг чет элларга кетишини фаоллаштирмоқда.

«Хан» этноси ХХРда мавжуд миллатлар орасида энг кўп нуфусга эга бўлиб, у ҳукмрон миллат ҳисобланади. Хитойлар дунё миқёсида ҳам энг нуфусли халқ ҳисобланади. Ҳозирги даврда улар дунёнинг деярли ҳамма жойларига тарқалган. 2003 йилдаги маълумотларга кўра, қисқа муддат ичида ХХРдан хорижий мамлакатларга кетган хитойлар сони 20 млн. кишидан ошган бўлиб, уларнинг биргина Ирландияга бориб жойлашганлари 60 минг кишидан иборат [75; 107-бет].

Хорижга чиқиб кетувчи хитойлар сонининг кўпайиши бир томондан ХХРнинг дунё бозорларига кириб бориши, уларнинг чет элларга бориш учун зарур шароитларнинг яратилиши бўлса, иккинчи томондан хитойлар юртида аҳоли нуфусининг кўплиги, экин ерларининг етишмаслиги, ишсизлар сонининг ошиб бориши, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг кучайиши, ижтимоий вазиятни юмшатиш зарурияти ва мавжуд анъаналар билан боғлиқдир. Бундан 30 йил муқаддам хорижий мамлакатларда 24 млн. хитой (ханзулар) яшаши ҳақида маълумотлар мавжуд эди. Тахминларга кўра, ҳозир ушбу рақам кескин кўпайган. Лекин матбуотда умумлаштирилган аниқ маълумот ҳозирча йўқ. Хорижда улар бир маҳаллага йиғилган ва ўз урф-одатларига содиқ қолган ҳолда яшайдилар. Бир қатор хорижий давлатларнинг марказий шаҳарларида «хитой шаҳарчалари» ташкил топганлиги ҳаммага маълум.

Хитойлар 4000 йиллик ёзма тарихга эга бўлиб, улар илк бор Хуанхэ дарёси қуйи қисмининг жанубий қирғоқларида яшашган ва кейинчалик ўз ҳудудларини ўзгалар ерлари ҳисобига кенгайтиришга муяссар бўлган. Хитойлар яшаган ерлар деҳқончиликка мослашганлиги



учун улар ўтроқ ҳаёт кечирган, шаҳарлар барпо этишган, хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳарларни қалин ва баланд деворлар билан ўраб олишган. Шаҳар ичида яшаганлар савдо ва хунармандчилик билан, шаҳар ташқарисидагилар эса деҳқончилик билан шуғулланишган. Чорва маҳсулотларига, шунингдек, от, туя, эшак каби транспорт воситалари ҳисобланган ҳайвонларга бўлган эҳтиёж уларнинг ғарбий ва шимолий томонида яшаган чорвадор халқлар билан савдо алоқалари олиб бориш ҳисобига қондирилган. Бу ҳол қадимда хитойларнинг узоқ юртларга боришини қийинлаштириб турган. Қадимги хитойлар юртининг иқлими тут дарахтининг ўсишига қулай бўлганлиги сабабдан ипакчилик ва ипакдан матолар тўқиш яхши ривожланган. Пахтачилик ва пахтадан мато тўқиш уларда ўрта асрларда тарқалган.

XXР ташкил топгунча бўлган 2,5 минг йил давомида ушбу халқ кўп марта бирлашиш ва парчаланиш ҳолатида бўлган. Парчаланиш ҳолати 1300 йилга яқин даврни ўз ичига олади. Ушбу халқни бирлаштирган сулолалар Чин (мил.ав. 221–207), Ғарбий Хан (мил.ав. 206–мил. 8), Шарқий Хан (25–220), Суй (581–618), Тан (618–907), Юань (1279–1368), Мин (138–1644), Цин (1644–1911) кабилардан иборат. Уларнинг айримлари хитой бўлмаган миллатларга тегишли эди.

Муғуллар томонидан ташкил топган Юань сулоласи (1279–1368), манжурлар ташкил қилган Цин сулоласи (1644–1911) ана шу сулолалар жумласидандир.

Айрим маълумотларга кўра, 618–907 йиллари Хитойда ҳукмронлик қилган Тан сулоласининг асосчиси бўлмиш Ли Юан (Тан Гаозу; 566–635) ҳозирги XXРнинг Гансу ўлкасидаги Дидао («Турклар йўли» маъносини англатади) вилоятида туғилган бўлиб, унинг келиб чиқиши туркларга бориб тақалади. Шу боис у Хитойни бирлаштиришда турклар ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун мазкур сулолани ҳам маълум даражада ғайри халқлар сулоласи деб айтиш мумкин.

Хитойни илк бор бирлаштирган Цин (қадимда Дзин деб ўқилган) сулоласи ҳам хитой бўлмаганлар томонидан ташкил этилган деган фикр мавжуд. Чунки, биринчидан, ушбу сулола кичик хонлик шаклида ташкил топган ҳудуд қадимги хитойлар юртининг ғарбий томонида, аниқроғи, Ордос яйловларининг жанубида жойлашган, иккинчидан, унинг асосчилари бундан 2,5 минг йил муқаддам мазкур ҳудудда яшаган ва Цин деб номланган чорвадор қабиллага мансуб бўлган. Цин сулоласи Хитойда ҳукмронлик қилган даврда унга тобе бўлган фуқароларни, жумладан хитойларни хунлар


ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган қавмларни «цинликлар» деб аташган [121; 4-жилд, 2597-бет; 125, 1612-бет].

Хан этносининг шаклланиш жараёнига эътибор берилса, улар таркибига кўп ўзга халқлар вакиллари кириб кетганлигини кўриш мумкин. Бу ҳол кўпинча Хитойнинг ҳудудини кенгайтиришга қаратилган урушлар жараёнида хитойларга асир тушиб қолганларнинг кўп қисми улар орасида ассимиляция бўлиб кетганлиги билан характерланади. Шу боис хитой олимлари «хитой халқи, яъни хуашялар узоқ давр давомида кўп халқлар вакиллари билан аралашшиш асосида юзага келган этносдир» [125; 886-бет], деб ҳисоблайдилар.

Хитой ёзуви

Хитойлар иероглифлардан ташкил топган ёзувдан фойдаланишади. Алифбога асосланган ёзувга ўтиш ҳаракати ижобий натижа бермади. Бунинг сабаби хитой тилида бир хил талаффуз этиладиган ва ҳар-хил иероглифлар билан ёзиладиган сўзлар кўп. Уларнинг маъносини фақат иероглифлар шаклига қараб ажратиш мумкин. Бундай сўзлар алифбо ҳарфлари билан ёзилса катта чалкашликлар юзага келишидан ташқари, уларни тушуниб бўлмайди. Шу боис илк даврда расмсимон ёзув ишлатган кўп халқлар алифболар асосидаги ёзувларга ўтиб кетган бўлса, хитойлар уларни такомиллаштириш ва шаклини яхшилаш йўлидан борган. 1986 йилда нашр этилган катта хитой ёзуви луғатида киритилган иероглифлар сони 56 мингга яқин. Ушбу луғатдаги айрим иероглифлар бошқа луғатларда учрамайди.

Иероглифларни ўқишда турли жойларда яшайдиган хитойларнинг талаффузлари ҳар хилдир. Шунинг учун улар орасида бир-бирини тушунолмайдиган даражадаги шевалар мавжуд. Ушбу муаммони ечиш ва тил бирлигини таъминлаш учун «ўрта тил» (путунхуа) ишлаб чиқилган. Бу борада ХХР ташкил топганидан кейин қилинган амалий ишлар катта натижа берди. Ўтган 55 йил давомида мактабда ўқиганларнинг ҳаммаси ўрта тилни яхши билади. Сўзлашганда бир-бирини тушунади, бироқ айрим товушларни талаффуз этишда ҳамон фарқ бор, шеваларнинг таъсири сезилиб туради. Ҳозир лотин ёзувидан иероглифларни ўқишда транскрипция воситаси сифатида фойдаланилади. Ёзувни енгиллаштириш мақсадида амалга



«От» иероглифи тараққиёти.

оширилаётган бирдан-бир чора кўп чизиқлар билан ёзиладиган мураккаб иероглифларни соддалаштиришдан иборат бўлмоқда. Ёзиш жараёнини компьютерлаштириш бу борадаги қийинчиликни анча енгиллаштирди. Лекин компьютерда хитойча ёзиш ўзига хос мураккабликка эга.

Ўтмишда ишлатилган умумий давлат тили «вэнян» (ёзма тил) деб номланган. Ушбу тилда ёзилган манбаларни ва адабиётларни махсус тайёргарлик кўрмаган хитойларнинг ўзлари ўқиб тушуна олмайди.



Қадимги кўлёздадаги иероглифлар. Дуньхуан.

Ҳозирги ишлатилаётган ўрта тил XII–XIII асрларда Шимолий Хитойда яшовчилар шеvasи асосида шаклланган [50; 215–222-бетлар]. Ўтмишда хитойларнинг аксарият қисми ўқиш имкониятига эга бўлмаган. Шу туфайли халқ орасида оғзаки хитой тили шакли ҳам кенг тарқалган.

Хитой халқининг ўзига хос менталитети, анъанаси, мураккаб урф-одатлари, ахлоқий нормалари, миллий ғояси ва маданияти мавжуд. Асрлар давомида булар Конфуций таълимоти билан уйғунлашиб кетган.

Каттани ҳурмат қилиш, ота-она, ака-ука ва опа-сингил ҳамда қариндошлар орасидаги муносабатлар каби масалаларда хитойларнинг урф-одатлари ўзбеклардан катта фарқ қилмайди. Аммо таом тайёрлаш ва истеъмол қиладиган нарсалар масаласида улар бутунлай бошқа. Маъракалар ва байрамлар ўтказишда ҳам уларнинг анъаналари ўзбекларникидан фарқ қилади.

Конфуций


Конфуций, Кун Фуци, Кунци, Кун Цю, Кун Чжунни (мил. ав. тахм. 552–479 Цюйфу ш., Хитойнинг Шаньдун вилояти) — Қадимги Хитой файласуфи, конфуцийчилик асосчиси, сиёсий арбоб. Камбағаллашиб қолган аристократ ва ҳарбийлар оиласида туғилган. 22 ёшида таълим бериши билан шуғулланиб, Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида шуҳрат қозонган. Конфуций ўзи очган мактабида 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт ўқитилган. 50 ёшида Конфуций сиёсий фаолиятини бошлаб, Лу давлатида юқори амалдор бўлиб хизмат қилади. Фитналар натижасида хизматидан кетади, 13 йил мобайнида Хитойнинг турли ўлкаларига боради, бироқ у жойларда ўз ғояларини қўлай олмагач, мил. ав. 484 йил Луга қайтиб келади. Таълим беришдан ташқари Қадимги Хитойнинг 5 та мумтоз асари — «Шуци», «Шици», «Ици», «Юэци» ва «Лици»ни тўплаш, таҳрир қилиш, тарқатиш билан шуғулланади. Конфуций таълимоти унинг «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») китобида баён этилган. Бу китоб аслида Конфуцийнинг фикрлари ва сухбатлари асосида шогирдлари ва издошлари томонидан яратилган. Конфуций ўзи учун, авлодлари, яқин шогирдлари учун алоҳида ажратилган қабристонга дафн этилган; унинг уйи Конфуций ибодатхонасига айлантирилган, бу жой зиёратгоҳ бўлиб қолган.

Конфуций (шойига ишланган расм, Тайвандаги Тайбэй, Сарой музейи).

Хитой файласуфи Конфуций ўз шогирди Ци Лю билан тоғда сайр этмоқда (ёғочга ишланган гравюра, XVI аср).



Хитойларда фамилия (шинг), исм (минг, мингзи) ва болалик даврдаги исм (зи) тушунчалари мавжуд. Фамилия бир, исмлар эса бир ёки икки иероглиф билан ёзилади. Фамилия авлоддан-авлодга ўзгармасдан мерос бўлиб қолаверади. Қиз бола турмушга чиққанда ҳам у ўз фамилиясини сақлаб қолади, аммо унинг фарзандлари ота фамилиясида бўлади. Исм ва фамилия уч иероглифдан кўп бўлса, уни ёзишда ва талаффуз этишда қийинчилик пайдо бўлади. Шунинг учун ғайри халқлар вакиллари исм-фамилиясини ёзишда хитойлар қисқартиришга ҳаракат қилади.



Конфуций сарой ансамбли. Бу сарой Конфуций оиласи қароргоҳи ва қабри билан ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Қадим замонда ва ўрта асрларда хитойларга аралашиб кетган ғайри халқ вакиллари туғилган жойининг ёки миллатининг қисқартирилган номи берилган. Масалан, қадимий турклардан бўлганларга Ди (қадимги ўқилишда тиук, диук), Ху (ғуз атамасининг хитойча транскрипцияси), саклардан бўлганларга Сай (қадимги ўқилишда сака), самарқандлик бўлганларга Канг, бухородан борганларга Ан, Фарғонадан борганларга Цао, Зарафшон дарёси бўйидаги жойлардан борганларга Ми, Тошкентдан борганларга Ши фамилия қилиб берилган. Кейинги даврда ислом мамлакатларидан, жумладан Туркистондан борганларга На, Ма, Динг, Сай, Бао, Му, Ша, Шан каби фамилиялар берилган [32; 58–59-бетлар]. Булар улар исмининг биринчи ёки охири қисмидан олинган. Масалан, Маҳмудга Ма, Муҳаммадга Му, Шамсиддинга Динг, Шоаҳмадга Ша фамилия бўлиб қолган. Ҳозир қадимда хитойларга аралашиб кетган хорижликлар вакиллари ўзларининг келиб чиқишини билмайдилар.

Меҳнатсеварликда, меҳнатга ва оғир ҳаётга чидамликда хитойларга тенг келадиган халқ кам топилади. Мусофирликда юрганда бир-бирини қўллаш, бир жойга йиғилиб яшаш, ўзгаларга сир бой бермаслик, ўз тилини ва урф-одатларини сақлаш, миллат манфаатини ва мавқеини ҳимоя қилиш, ўзга юртларда яшашга тез қўниқиш, янги яшаш жойининг шароитига тез мослашиш, қўзлаган мақсаддан қайтмаслик каби хусусиятлар уларни тарқатмайди. Буни хорижга бориб, бошқа халқ вакилларига уйланган ва турмушга чиққан хитойларда ҳам кузатиш мумкин. Ўзаро ва ўзгалар билан муомалада барча келишувларни ҳужжатлаштиришни яхши кўради. Оғзаки берилган ваъда асосли деб ҳисобланмайди, унга шунчаки кўрсатилган эътибор деб қаралади.



Миллий кийимдаги хитой йиғити. XVII–XIX асрлар.

Хитойлар даосизм ва конфуцийлик таълимотига, будда динига эътиқод қиладилар. Маълумки, милоннинг дастлабги асрларида ушбу дин хитойларга Туркистон ва Шарқий Туркистон орқали тарқалган. Илк бор мусулмон савдогарлари Хитойнинг жанубий вилоятларига денгиз йўли билан VII асрнинг 2-ярмида келганлар. Лекин ислом дини Хитойга асосан VIII асрдан бошлаб тарқалган. Бу борада Буюк ипак йўли орқали Хитойга бориб ўтроқлашган туркистонлик мусулмонларнинг роли катта бўлган.

Ислом динининг тарқалиши натижасида Хитойда дунгон, тунгон (туриб қолган деган сўздан келиб чиққан) деб аталмиш янги этнос шаклланган. Ушбу этнос таркибига туркийлар, араблар, форсийлар ва бошқа халқлар вакиллари кириб кетган. Шунинг учун тунгон этносини (ҳозир нуфуси 8 млн.га яқин) ислом динининг Хитойда тарқалиши натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Сўнгги икки аср давомида христиан динига эътиқод қилувчилар ҳам пайдо бўлган.

Айни замонда хитойларнинг урф-одатида юз берган катта бир ўзгариш ўлганларни дафн этишдан куйдиришга ўтишдир. Ушбу ўзгариш Хитойдаги аҳоли сонининг қўплиги ва ер танқислиги билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечиш масаласи билан алоқадор. Масалан, 1997 йилда эълон қилинган «Ерларни назорат қилишни яна ҳам кучайтириш ва экин ерларини асраш» номли махсус қарорда кўрсатилишича, экин ерлар майдонини қисқартиришга йўл қўймасликка қаратилган бир қатор янги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида экин ерларни асраш сиёсатига тўғри келмайдиган урф-



одатларни, жумладан, минг йиллар давомида анъана бўлиб келган ўлганларни ерга кўмиш урф-одатини ислох қилиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқда.

Қадимий анъанага кўра, хитойлар жасадни қаттиқ ва қалинлиги бир қарич атрофида келадиган тахталардан махсус услуб билан ясалган тобутга солиб кўмишган. Ҳар бир тобут кўмиладиган жой эса ўрта ҳисобда 2—3 квадрат метрга тенг келган. Айрим пулдорлар бундан бир неча баробар кўп жойни эгаллашган. Урф-одатга кўра, битта жасад кўмилган жойга орадан қанча вақт ўтмасин, иккинчи марта жасад қўйиш мумкин бўлмаган. Зеро абадий деб ҳисобланган руҳ учун дафн этилган жой абадий макон бўлган. Маълумки, ҳозир Хитойнинг аҳоли зич жойлашган ўлкаларида мавжуд экин ерларнинг умумий миқдорини киши бошига бўлганда 1 квадрат метрдан ҳам тўғри келмайди.

Шунинг учун сўнгги даврда Хитой аҳолиси кўпайган сари мозорлар учун ишлатилган жой майдонининг кенгайиб бориши экин ерлар майдонининг қисқаришига жиддий таъсир кўрсатган. Натижада ХХРда дафн этиш урф-одатини ўзгартириш долзарб вазифага айланиб қолган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу вазифани амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ушбу масалага оид қонунга каттиқ риоя қилиш, назоратни кучайтириш, бунга масъул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш, ташвиқот ишларини кучайтириш, амалдаги ишларни яна ҳам жонлантириш каби масалаларга ҳукумат катта эътибор бермоқда.

Минг йиллардан бери давом этиб келаётган урф-одатни ўзгартириш мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, бу борада намуна бўлишни ҳукумат даставвал коммунистлар зиммасига юкламоқда. Шу билан бирга куйдириб дафн этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни барпо этиш, уларни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш, бошига мусибат тушганларга хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш каби муаммоларни ечиш вазифасига ҳам ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

«Ренмин рибано» газетасида эълон этилган «Дафн этиш одатларини ўзгартириш давлат ва халқнинг манфаатини кўзлаш демакдир» номли мақолада ўлганларни дафн этиш одатидан воз кечиш ҳукуматнинг экин ерларни асраш сиёсатининг асосий мазмуни ва давлат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясининг муҳим амалий тадбири эканлиги айtilган. Шу билан бирга мақолада аҳолиси кўп ва нисбатан ери оз бўлган Хитой давлати учун экин ерларни асраш муаммосини ҳал этиш тириклар билан ўликлар ўртасидаги ер талашишдан иборат бўлган зиддиятни йўқотиш демакдир, деб таъкидланган.

ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ВА УЙҒУР ХАЛҚИ

Геологик тадқиқотларга кўра, Шарқий Туркистон ҳудуди ўрнида тахминан бундан 1 миллиард йил илгари катта денгиз бўлган экан. 300 млн. йил олдин ерда юз берган геологик ўзгаришдан сўнг ушбу ҳудуд қуруқликга айлана бошлаган. Ҳимолай ва Помир тоғларининг секин-аста ўсиб бориши бу заминга катта таъсир кўрсатган [152а; 1-бет]. Ҷунғор пасттекислиги ва Такламакон чўли тагида катта миқдорда нефть захирасининг аниқланиши [60; 98–99-бетлар], Тангритоғ этакларидаги тақирликларда тошга айланиб кетган ўсимликларнинг ва катта дарахтларнинг қўлаб учраб туриши, Турфон билан Қумул оралигида динозавр устихонининг топилиши мазкур ҳудудда катта географик ўзгариш юз берганлигини кўрсатади [205; 119–122-бетлар].

Ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор райони (хитойча Синьцзян вэйвэуэр зичжи чюй) – ХХРнинг шимоли-ғарбий қисмидаги миллий ўлканинг номи бўлиб, у 1955 йил 1 октябрдан бошлаб расмий жорий этилган. Шунгача мазкур ўлка рус ва ғарб адабиётида Шарқий Туркистон, Хитой Туркистони, Туркия адабиётида Дўғи Туркистон, Хитой адабиётида Шинжон (русча транскрипцияда Синьцзян), Қадимги хитой манбаларида Шиюй (Шиюй – Ғарбий замин, Ғарбий юрт, Ғарбий мамлакатлар), XIV асрга оид хужжатларда ва XVI–XVII асрларда битилган форсизабон қўлёзмаларда Уйғурия, Уйғуристон, деб номланган. «Шинжон» сўзи 1760 йилда пайдо бўлган бўлиб, у «янги чегара» ёки «янги ҳудуд» маъносини англатади.

Шарқий Туркистон бир неча минг йиллик тарихга эга. Такламакон чўли атрофида топилган жасадлар ва бошқа ашёвий далилларга кўра, мазкур чўл атрофидаги ҳудудларда 5–6 минг йил муқаддам анча юксак маданиятга эга ҳаёт мавжуд бўлган. Шу даврда яшаган одамлар баланд бўйли, қирра бурунли эди. Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, бундан 4 минг йил илгари Шарқий Туркистонда рунг, рунг-ди ёки ди-рунг ғарбий рунг деб номланган туркий халқ яшаган [38; 3 жилд, 282-бет]. Мил. ав. III–II асрларда Шарқий Туркистонда Қрурона, Турфон, Кучар, Қашқар– (Сули), Ёркенд (Юйтян), Хўтан (Удун), Усун каби давлатлар



мавжуд бўлиб, улар Кун хоқонлиги таъсирида бўлган. Шу замонда Хитойда мавжуд бўлган Фарбий ва Шарқий Хан империялари ушбу ўлкани қўлга киритиш ва Хитойдан Фарбга борадиган Буюк ипак йўлини ўз назоратига олиш учун тинмай ҳаракат қилди, айрим йилларда ўз мақсадларига вақтинча эришган бўлса ҳам, аммо уни бутунлай ҳунлардан тортиб ололмади.

Шинжон маъмурий жиҳатдан марказга бевосита итоат қилувчи 2 та шахар (Урумчи ва Қорамой), 5 мухтор вилоят, 8 худуд, 6 мухтор ноҳия, 68 ноҳияларга бўлинган. Ҳозир унда 57 миллат вакиллари, жумладан ислом динига итоат қилувчи 13 маҳаллий миллат яшайди. Расмий маълумотларга кўра, 1998 йилда Шинжоннинг аҳолиси 17,5 млн. кишидан иборат эди, жумладан 8 млн. уйғур ва жами 2 млн.га яқин қозоқ, дўнгон, қирғиз, ўзбек, тожик ва бошқалар яшайди. 1982–2000 йиллар давомида аҳолиси 5,5 млн. кишига кўпайган. Аҳолининг ярмига яқин қисми хитой (ханузу) лардан ташиқил топган. Шу ҳисобдан келиб чиққанда, 2003 йилда Шинжоннинг аҳоли нуфуси 19 млн. бўлиши керак. Хорижли олимлар орасида айни замонда хан миллатининг кўчиб келиши ҳисобига Шинжоннинг аҳоли сони 30–35 млн. атрофида бўлиши керак.

Шинжоннинг атрофи Олтой, Монғолия Олтойи, Фарбий Тангритоғ (Тяньшан), Помир, Қорақурум ва Тибет тоғлари билан ўралган. Фарбдан шарққа қараб чўзилиб кетган Шарқий Тангритоғ (баландлиги 7000 м дан зиёд) унинг худудини 2 қисмга бўлиб туради. 1635 йилда тоғнинг шимолида Жунғор хонлиги деб номланган ойратлар давлати ташиқил топгандан кейин унинг худуди Жунғория, деб аталди. Тангритоғнинг жануби эса Қашқария деб номланди. «Шинжон» атамаси юзага келгандан сўнг хитойлар Шимолий-Шарқий Туркистонни, яъни Жунғорияни¹ Бэйцзян² (Шимолий Шинжон), Жанубий Шарқий Туркистонни Наньцзян (Жанубий Шинжон) деб аташни одат қилган. Жанубий-Шарқий Туркистонда дунёдаги энг катта чўллардан Такламакон чўли жойлашган.

¹ Жунғория (Джунгария) топоними мўғул тилидаги зунғар (чап қанот кўшин) сўзидан келиб чиққан. Чингизхон даврида бу худудда унинг чап қанот кўшинлари ва уларнинг сафида хизмат қилганларнинг онлалари жойлаштирилган эди. Кейинчалик булар хитой манбаларида чжунгэр деб номланган. Монгол тилида булар дўрбин ойрат (тўрт ойрат) деб аталади. Уйғур тилидаги замонавий тарихий адабиётларда Жунғория «Жунғор уймонлиги», «Ямак даласи» каби номлар билан аталмоқда [183; 30-бет].

² «Бэйжон» атамасидаги «жон» сўзи «Шинжон» топонимининг қисқартирилган шакли сифатида ишлатилган. «Жон» сўзи аслида «жонг» тарзида талаффуз этилади. Адабиётларда бу сўзни «г» ҳарфисиз ёзиш анъанага айлангани учун биз ҳам шундай олдик.



Ҳозирги даврда Шинжонда саноатнинг ривожланиши билан бирга йўл қурилиш ишларига эътибор кучмоқда. Шарқий Тангритоғ бўйлаб қурилган темир йўли Шинжонни шарқда ХХРнинг ичкари ўлкалари ва Вьетнам билан, ғарбда Қозоғистон орқали Россия билан, Ўзбекистон, Туркменистон орқали Эрон билан ва Европа билан улаб туради. Яқинда темир йўл Қашқаргача қуриб битирилди. У яқин келажакда Қирғизистон орқали Ўзбекистонгача тортиб келинади. Замонавий тезюрар автотўйлар ҳам қурилмоқда. Айни пайтда Шинжондан Покистонга ва Марказий Осиё давлатларига ўтадиган 2- ва 3-даражали автотўйлар ишлаб турибди.


бўлган Абу Бакр (1514 й.да ўлдирилган) бошчилигида Ёркенд шаҳрини марказ қилган хонлик ташкил топди [51; 48–49-бетлар].

Орадан кўп ўтмай ушбу хонлик доирасига Хўтан ва Қашқар вилоятлари кирди. 1499–1504 йиллар давомида ушбу хонлик ҳудуди таркибига Оқсув, Учтурфан вилоятлари кирди. 1514 йил Ёркенд тахтига Туғлуқ Темур авлоди бўлмиш Султон Саидхон ўтирди. Шундан кейинги икки йил давомида Шарқий Туркистоннинг қолган жойлари ҳам ушбу хонлик ихтиёрига ўтиб, шарқда унинг чегараси Буюк Хитой девори бошланган жой (Цзяюйгуан)гача етди. XVI аср ва XVII асрнинг 1-чораги давомида Ёркенд хонлиги ҳар томонлама юксалди [82; 70–92-бетлар].

Абдулкарим Сотуқ Буғрохон

Султон Қорахон (859–955) — қорахонийлар сулоласи асосчиси. 880 й. Торим водийсининг Лўп, Чарчан, Хўтан, Кучор и.лари жойлашган ҳудудида марказлашган ҳокимиятга асос солган. Ривоятларга қараганда, у Қашқарга савдо карвони билан келган Хожид Абу Наср Сомоний воситаси билан ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган ва 12–25 ёшларида Қуръони Каримни ёд олган. Абдулкарим Сотуқ Буғрохондан бошлаб ислом дини Қашқар, Ёркенд, Оқсув ва Хўтанга тарқалган. Унинг қабри Қашқарнинг Остин Ортуш мавзесида бўлиб, мусулмонлар орасида табарруқ зиёратгоҳ сифатида машҳур.

1635 йилда Ёркенд давлатининг шимолида, яъни Жунғорияда яшаётган ойрот қабилаларининг кучайиши натижасида янги хонлик ташкил топди ва у тарихда Ойрот давлати ёки Жунғор хонлиги деб номланди. XVII асрнинг охирида ойротлар Маҳдуми Аъзам авлоди



Султон Сотуқ Бугрохон мақбараси.

бўлмиш Оффоқхўжани қўлаб-қувватлаб Ёркенд хонлиги тахтига ўт-қазииш йўли билан ушбу хонлик устидан ўз назоратини ўрнатди. Шундан сўнг Ёркенд хонлиги ҳокимияти хўжалар сулоласи қўлига ўтди.

XVIII асрнинг 60-йилларида Шарқий Туркистон манжурлар томонидан Хитойда ташкил этилган ва Цин деб номланган империя томонидан забт этилди, ушбу мамлакатда мавжуд бўлган Ёркенд ва Жунғор хонликлари йўқ қилиб ташланди, тирик қолган тахт ворислари Пекинга олиб кетилди, Шарқий Туркистонда асрлар давомида мавжуд бўлган анъанавий давлатчилик тузумига чек қўйилди [72; 79–116-бетлар; 59; 161–238-бетлар]. Шарқий Туркистонга «Синьцзян» деб ном берилди. Шундан кейин бу ўлкада хўжалар бошчилигида Цин босқинчиларига қарши қўзғолонлар кучайди. 1864 йилда бошланган умумхалқ қўзғолони натижасида бирин-кетин Кучар, Қашқар, Хўтан, Урумчи хонликлари, Или султонлиги каби 5 мустақил давлат ташкил топди. 1867 йилда Ёқуббек бошчилигида олдинги 3 хонлик бирлаштирилиб Йетишар (Етти шаҳар) давлати тузилди, 1872 йилда унга Урумчи хонлиги қўшилди. 1871 йилда Или водийси рус армияси томонидан эгаллаб олинishi муносабати билан Или султонлиги тугатилди [177; 50–101-бетлар].

Шарқий Туркистонни қайтадан истило қилиш мақсадида Цин империяси 60 минг кишидан иборат қўшинни сафарбар қилиб, Йетишар (Еттишаҳар) давлатини йўқ қилди, қўзғолончилар қирғинга дуч келди, тирик қолганлар ҳозирги Марказий Осиё республикалари ҳудудига қочиб қутилди [73; 81–106-бетлар]. Шарқий Туркистонга «Синьцзян шэн» («Шинжон провинцияси») мақоми берилди. 1911–1913 йилларда юз берган миллий озодлик ҳаракати натижасида Шарқий Туркистонда ҳам Цинлар ҳукмронлиги тугатилди. Мазкур воқеадан кейинги 40 йил давомида Шарқий Туркистон кўп марта уруш алангасида ёнди, ҳокимият тез-тез ўзгариб турди. 1928–1933 йилларда мавжуд бўлган Хожиниёзхожи ҳокимияти, ундан кейин юзага келган Шэн Шицай ҳукумати ва 1944

йилда бошланган «Уч вилоят инқилоби» [193] натижасида ташкил топган «Шарқий Туркистон жумҳурияти» ана шулар жумласидандир. 1949 йил сентябрда ушбу жумҳурият раҳбарлари Пекинга учиб кетаётганида сирли равишда авиа ҳалокатига учрадилар. Шундан кейин «Шинжянг шэнг» ХХР таркибига киритилиб, унга 1955 йил октябрда Шинжон-Уйғур автоном райони (Шинжянг-Вэйуэр зичжи чюй) номи берилди.

Ёқуббек

Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат, Оталиқ ғозий (1820, Пискент – 1877, Шарқий Туркистоннинг Кўрла ш.) – Қўқон хонлигининг ҳарбий ва давлат арбоби, Еттишаҳар Уйғур давлатининг ҳукмдори (1865–77). Тоғаси Тошкент қозиси бўлиб тайинланиши ва синглисининг Тошкент ҳокимига турмушга чиқиши муносабати билан унинг мавқеи тез ўсган, хон ўрдасида маҳрам, кейинчалик эликбоши, юзбоши, понсод (бешюзбоши) бўлган, Чиноз ва Авлиёота (1846)га, Оқмачит (1847)га бек қилиб тайинланган. Ёқуббек Оқмачитда қушбеги лавозимига кўтарилиб, рус босқинчиларига қарши курашда жасур саркарда эканлигини кўрсатган. 1864 йилда Шарқий Туркистонда Манжур империясининг зулмига қарши мустақиллик учун кураш бошланиб, бешта хонлик юзага келади. Қашқар хонлиги мамлакатни бирлаштириш мақсадида Қўқон хонлигидан Ёркенд хонлигининг тахт ворисларидан бирини Шарқий Туркистонга юборишини илтимос қилган. Ёқуббек Бузрукхўжага қушбеги қилиб тайинланиб Қашқарга юборилган (1865). У Бузрукхўжанинг давлат ишларига қобилиятсизлигидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган. У бошда Бузрукхўжа ва б. хўжалар номидан иш юргизиб, Или султонлигидан таиқари (мазкур хонликни 1871 й. руслар босиб олган) 4 хонликни (Қашқар, Хўтан, Кучор, Урумчи хонликларини) бирлаштириб Еттишаҳар Уйғур давлатини тузган. Ёқуббек Еттишаҳарнинг равнақ топиши ва дунёга танитиш учун катта ишларни қилган. Ёқуббек хонлиги даврида кўплаб масжид, мадраса, карвонсарой қурилган. Ёқуббекни энг яқин кишиларидан бири, Хўтан беги Ниёз Ҳаким заҳар бериб ўлдирган. Ёқуббек ўлиmidан кейин тахт учун кураш бошланган. Хитой ички зиддиятлардан фойдаланиб, 1878 йилда Еттишаҳар давлатини тугатган. Шарқий Туркистонда манжурлар ҳукмронлиги қайта тикланган.



Шарқий Туркистон будда ва ислом динининг Хитойга тарқалишида воситачилик қилган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Буддизм ушбу ўлкага мил. ав. II–I асрларда тарқалган. Бу ўлкадаги Хўтан ва Кучар давлатлари ушбу диннинг марказлари сифатида намоён бўлган [38; 5-жилд; 155-бет]. Мил. 1-асрдан бошлаб бу ердаги буддавийлар Хитойга бориб ўз динларини тарғиб этганлар, диний асарларни хитой тилига таржима қилиш билан шуғулланганлар. Будда дини тарқалиши билан ўлкада серҳашам фор ибодатхоналар (Минг уй) қурилган, шу билан бирга рассомлик ва хайкалтарошлик санъати ривожланган. Кучар ёнида ва Турфонда сақланиб қолган будда ибодатхоналари ёдгорликлардан маълумки, рассомлик санъати асарлари — деворий расмларда ҳинд маданияти таъсири сезилиб туради. Бу расмлар услубий жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудидан топилган деворий расмлардан деярли фарқ қилмайди.

Шарқий Туркистонга ислом VIII асрдан бошлаб тарқалган. Аммо ушбу диннинг давлат динига айланиши X асрда содир бўлган. Шундан бошлаб ушбу ҳудуд ислом динининг шарқга тарқалишида муҳим аҳамият касб этган. Ислом дини тарқалган жойларда масжид ва мақбаралар қуриш ҳам тез ривожланган. Шу боис ўлка Фарб билан Шарқ маданияти ўртасида кўприк вазифасини ўтади, деб айтилиши тўла асослидир.

Буюк ипак йўлининг бу ўлка ҳудудидан ўтганлиги маҳаллий маданият ривожига самарали таъсир кўрсатган. Шунинг учун ушбу ўлкада қимматбаҳо тошлардан буюм яшаш, пахтачилик ва ипакчилик, жун, пахта ва ипакдан мато тўқиш, бош кийим тикиш, жундан гилам тўқиш санъати яхши ривожланган. Сўнгги даврда Такламакон чўли атрофидан топилган ашъвий далиллар ушбу минтақада тўқимачилик ҳунари бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатади. X–XI асрларда ипак матога, қоғозга расм ишлаш, китоб миниатюраси ривож топган. XIII асрдан бошлаб, айниқса Ёркенд хонлиги даврида шаҳар ансамллари, серҳашам саройлар қурилган. Ёркенддаги хон саройи ва у ердаги Омоннисахоним мақбараси, Қашқардаги хон

Шарқий Туркистон замини — Шарқ ва Фарб туташган жой.





ўрдаси, Ҳайитгоҳ мажмуаси, Юсуф Хос Ҳожиб ва Оффоқхўжа мақбаралари шулар жумласидандир. Уларда Ўрта Осиё меъморлиги таъсири кўзга ташланади. Айнан шу даврда уйғур 12 мақоми (муқоми) яхлит бир асар сифатида тартибга солинган, тарихий, шеърый асарлар ёзиш, форс тилида битилган асарларни уйғур тилига таржима қилиш ишлари кенг ёйилган.

Шарқий Туркистон мусиқа санъати ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга. Сўнгги 30 йил давомида ХХРда нашр этилган санъат соҳасига оид бир нечта асарларда келтирилган маълумотларга кўра, Фарбий Хан сулоласи ҳукмдори Гаозу (мил. ав. 206–195 йиллар) даврида Хўтан мусиқаси Хитой пойтахти Чанъанда янграган [87; 7-бет]. Мил. ав. II–I асрларда бу ерда ўтказилган маросимларда «28 нағма», «Сариқ лайлак қуши садоси», «Синган толлар», «Йўловчилар илтижоси» каби Шарқий Туркистон мусиқаси ижро этилган ва маҳаллий халқ орасида катта қизиқиш уйғотган. Турфонда топилган тош битикларда ҳам қадим замонда ушбу минтақада юксак савияга эга бўлган мусиқа санъати мавжудлиги акс эттирилган. VII–VIII асрларда яшаган йирик хитой шоирларининг асарларида ҳам Шарқий Туркистон мусиқаси Қадимги Хитойда севиб эшитилганлиги қайд этилган [38; 639-бет].

Шарқий Туркистон адабиёти ҳам узоқ тарихга эга. Аммо ушбу ўлка кўп марта уруш алангасида ёнганлиги туфайли ёзма адабий меросларнинг аксарият қисми йўқолиб кетган. Ушбу ўлкада 24 хил ёзувда ва 17 тилда битилган қўлёзмаларнинг топилиши, ишлатилган ёзувларнинг кўплиги бу ердаги адабий жараён турли маданиятлар таъсирида бўлганлигини кўрсатади. X асрда араб алифбоси жорий этилиши билан мазкур жараёнга ислом маданиятининг таъсири кучайган.

Қорахонийлар даврида Шарқий Туркистон адабиётида катта кўтарилиш юз берди. Бунда Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳиссаси катта бўлди. IX асрдан бошлаб овозсиз театр (пантомимо),

ашула ва рақсли театр (оперетта), ибтидоий драма театрларининг кенг қанот ёйилиши, булар учун сахна асарларининг ёзилиши, театр ва оркестрларнинг хорижга, жумладан Хитойга гастролга тез-тез бориб турганлиги бунинг далилидир.

Турфон йўлида.






Қадим замондан сақланиб келаётган оғзаки адабиёт серқирра, сермазмун ва шакллари кўп бўлиб, улар халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, ахлоқ ва тафаккури, дарди каби масалаларга бағишланган. Ушбу адабиётда ҳикоя, шеър, кўшиқ, дoston, афсона, латифа, мақол, насиҳат, тафсил каби жанрдаги мерослар асосий ўринда туради. V асрда айрим кўшиқлар хитой тилига таржима этилганлиги маълум. Қадимий халқ кўшиқларининг бир қисми Маҳмуд Кошғарий асарида сақланиб қолган. Қадимий ривоятлардан «Пир чангги», «Тангрикут ҳақида ривоят», «Бўкехон ҳақида ривоят», дostonлардан «Ўғузнома», «Дадам Қўрқут», «Алп Эртўнга» кабиларни тилга олиш мумкин. Улар VI асрда топилган тош битикларда сақланиб қолган.

✽ Уйғурлар ✽

Япон (Ютянхенг), француз (Клапрот) олимлари фикрича, уйғур атамаси мил. ав. III—II асрлардан маълум. Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, мил. ав. III — мил. III асрлар давомида уйғурлар шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Ғарбий уйғурлар уху, ухэ, шарқий уйғурлар эса вэйхэ, юанхэ, деб аталган [120; 1-бет; 98; 11-бет]. Уху, ухэ деб номланган ғарбий уйғурлар Тангритоғ ва Иртиш дарёси билан Балхаш кўли оралиғида яшаган, вэйхэ ва юанхэлар деб аталган шарқий уйғурлар Сибирь, Байкал (Бойкўл) кўли атрофида ва Олтойнинг шарқий томонидаги жойларда яшаган. Бу ҳақида «Суй сулоласи тарихи» («Суй шу»)нинг «Шимолий турклар» («Бэйди») деб номланган 84-бобида «Тура (Тула, Дуло) дарёси шимолида ... вэйхэ, ... Ивирғул (Иву) ғарбида, Қарашар (Янци) шимолида, Оқтоғ (Байшан — Тангритоғ) атрофида уху яшар эди» деган маълумот келтирилган [2; 11718-бет (840); 7; 13881 (1325)-бет; 120; 13-бет]. Ушбу маълумот «Шимолий сулолалар» («Бэй ши»)нинг 99-бобида [7; 13881 (1325)-бет] ва «Тинчлик ўрнатилган юртлар баёни» («Тайпинг хуанюй цзи»)нинг 198-бобида [9; 1а—1б-бетлар] қайд этилади. «Тан сулоласининг янги тарихи» («Шинг Танг шу») ва «Тан сулоласи тарихининг қисқача баёни» («Танг хуэй яо») каби асарларда уху, ухэ ҳам уйғур эканлиги аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари, хитой манбаларида «жюшинг уху» («тўққиз ўғуз») ва «жюшинг хуэйхэ» («тўққиз уйғур») каби этнонимлар кўп учрайди. Буларнинг таркибини солиштирганимизда, икки хил аталган бу уйғурлар шарқий уйғурлар бўлиб, улар доирасида уйғур, буку, хун, байирқу, тунгро, изгил, чибни, басмил, қарлуқ каби 9 қабила бўлганлиги аниқланди. Демак,



Уйғур хонадони уйи. Ички кўриниши.

уйғур ва ўғуз икки қисмга бўлиниб кетган бир халқнинг икки хил номи бўлган. Бу хулосани Линг Хан, Гао Зихоу каби хитой олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди [98; 11-бет]. Айрим ҳолларда булар динглинг, гаочэ (қанғли), гаочэ динглинг (қанғли турклар), деб ҳам номланган.

Рус ва Европа тилларидаги адабиётларда ўғуз ва уйғурни ҳар хил авлодлар, деб ҳисоблаш одатга кириб қолган. Шу асосда икки хил ном билан аталган бир халқ иккига бўлиниб кетган. Кейинги асрларда ўғуз деб номланган ғарбий уйғурлар (араб ва форс тилларида

битилган асарларда гузлар, фузлар) аксарият туркий халқларнинг, шунингдек, ҳозирги ХХРнинг Цинхай (Кўккўл) ўлкасида яшайдиган салор халқларининг шаклланишида салмоқли ўрин эгаллаган [38; 10-жилд, 564-бет].

9 қабиладан ташкил топган уйғурлар азалий уйғур ёки ички уйғур («ней жүшинг угу»), деб номланган. Буларга адиз қабиласи қўшилгандан сўнг тарихда «ўн уйғур» («Шишинг хуэйхэ») атамаси пайдо бўлган [120; 12–13-бетлар]. Адиз қабиласи эса илгари Сирдарёнинг юқори оқими атрофида яшаган.

«Тўққиз уйғур» таркибига кирган сиртордуш сир ва тордуш каби 2 қабиладан, қарлуқ эса булоқ (мўлў, моло), ташли, жис (чжиси) каби 3 қабиладан ташкил топган. Буларнинг ҳаммасини умумлаштириб ҳисоблаганда, шу даврдаги шарқий уйғурлар таркибида жами 26 қабила бўлганлиги яққол кўзга кўринади. Кейинчалик ушбу қабилаларнинг кўпчилиги ўзини уйғур деб атаганлиги туфайли, уларнинг номлари манбаларда, жумладан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида учрамайди [24; 1-жилд, 37–38-бетлар, 3-жилд, 391–397-бетлар].

Хитой манбаларида қарлуқ ва қирғиз қабилалари уйғурлар таркибидан ажраб чиқиб алоҳида яшаганлиги ҳақида маълумотлар

учрайди. Масалан, VIII асрнинг ўрталарида қарлуқларнинг кучайиши кузатилган. Натижада улар уйғур иттифоқи доирасида устунликни қўлга олишга ҳаракат қилган. Аммо бу кураш уларга галаба келтирмаган. Шундан кейин қарлуқлар уйғур иттифоқидан ажраб чиқиб илгари яшаган Тангритоғ атрофидаги жойларни тарк этиб Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудига кўчиб келишга мажбур бўлган ва бу ердаги Суёб (Суйе), Тароз (Данлоси) каби шаҳарларни марказ қилиб олган. 840 йилда ички курашлар ва ташқи тазйиқ натижасида Уйғур хоқонлиги емирланидан сўнг шарқий уйғурлар таркибидаги 15 қабила ғарб томонга кўчиб бориб, қарлуқларга қўшилган [81; 508-бет; 131; 162-бет]. Бу шарқий уйғурларнинг Туркистонда тарқалишида йирик воқеа бўлган. Шундан кейин Туркистонда юз берган мураккаб сиёсий вазият қарлуқлар бирлигининг йўқолишига олиб келди. IX асрнинг ўрталарида қарлуқлар 3 қисмга бўлиниб, уларнинг бири ўз жойида қолди, иккинчиси Шарқий Туркистоннинг Оқсу вилоятига, учинчи бир қисми Тохаристонга (ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон, Шимолий Афғонистон) кўчиб борди [83; 66-бет; 159; 193–197-бетлар]. Шунинг учун «Девону луғотит турк»да қарлуқ, басмил, қирғиз каби қабилалар на туркга, на ўғузга ажратилмаган ҳолда келтирилган. Кейинчалик қарлуқ ва басмиллар ўзбекларнинг катта бир қисмини ташкил этди.

«Уйғур» атамасининг луғавий маъноси ҳақида олимлар ҳамфикрдирлар. Мазкур атама «уй» ва «ғур» каби икки сўздан ташкил топган. Буларнинг биринчиси «уюшиш», «бирлашмоқ», «иттифоқ» маъносини билдиради, иккинчисининг маъноси ҳақида эса турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар «ғур» «ғуз» сўзининг ўзгарган шакли дейдилар. Айрим олимлар тибет манбаларида уйғур атамаси «уйхўр» деб аталишини ва хитой манбаларида Қадимий Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонида яшаган барча халқлар умумий ҳолда «ху» (ғуз ёки хўр) деб аталганини кўзда тутиб, «уйғур» айнан шу «ғуз» ва «хўр» сўзларига уюшмоқни билдирувчи «уй»ни қўшиш асосида шакланган, деб ҳисоблашади. Бошқа бир олимлар «ғур» қадимий туркий тилда




Жума намозига ошиқшиш.

сўз тузишда ишлатиладиган қўшимча эди, шунинг учун уйғур этноними уюшганлар маъносини англатади, деб ҳисоблайдилар.

Фэн Цзяшэн, Чэнг Суло, Му Гуангвэн каби уйғуршунос хитой олимлари XIV асрда ёзилган Рашид уд-диннинг «Жоме ат-таворих» асарига ишора қилиб, уйғур этнонимининг маъноси уюшиш, бирлашишдан иборатлигини таъкидлаб ўтган [120; 1-жилд, 4-бет].

Япония ва Европа мамлакатлари олимлари асарларида ҳам «уйғур» атамаси айнан шундай маънога эга эканлиги эътироф этилади.

Уйғурлар кўп авлоддан ташкил топганлиги «Шажарайи турк» асарида ҳам айtilган. Чунончи, асарда уйғурлар «Юз йигирма уруқ эл эрдилар... Чингизхоннинг набираларининг замонида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди» деб ёзилган [23; 32–33-бетлар].



Муқом (мақом) ижроси.



Қадимий уйғур чолғу асбоби Қалун (Қонун) – 40 та тор тортилган.

Кейинги даврларда уйғур иттифоқига кирган қабилаларнинг кўпчилиги ўзларининг илгариги қабилани ноини ишлатмасдан иттифоқ номи — «уйғур» атамаси билан тарихда қолган. Юқорида тилга олинган «Шажарайи турк»да уйғурлар «юз йигирма уруқ эл эдилар» [81; 342–352-бетлар], деб таъкидланганлиги тўла асослидир. Келтирилган маълумотлар кўрсатиб турибдики, уйғур деганда бир қабиладан кўпайган халқ деб тушиниш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Ушбу халқни туркий қабилаларнинг катта бир қисмидан иборат деб билиш лозим. Хитой манбаларидаги туркий қабилалар ноини санаб чиққанимизда, уларнинг умумий сони 58 тадан иборатлиги маълум бўлади. Шулардан 22 таси уйғурлар таркибига киради [33; 22–23-бетлар]. Кейинчалик буларнинг кўплари ўзбеклар таркибига кириб кетган. Шунинг учун ҳам уйғурлар яшаган жойлар Шарқий Туркистон ҳудуди билан



чекланмайди. Уйғур тили билан ўзбек тилининг, урф-одатларининг ва мусиқа санъатининг яқинлиги бунинг исботидир.

Маълумки, уйғурлар яхлит бир халқ сифатида шакланган ва уларнинг аксарият қисми яшаган Шарқий Туркистон ҳудуди Осиёдаги энг қадимий маданият марказларидан бири бўлган. Кунчи дарё водийсида топилган 6–6,5 минг йиллик тарихга эга бўлган жасадлар ва улар ёнида сақланиб тошга айланиб қолган буғдой донлари ҳамда бошқа буюмлар бунга исбот бўлади. Шу билан бирга ушбу ашёвий далиллар ўша жойда яшаган халқ деҳқончиликни, жумладан буғдой экиш ва истеъмол қилишни яхши билганлигини кўрсатади. Аммо тоғ ва далаларда яшаган уйғурлар чорвачилик билан шуғулланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар кўп.

Ўзбек билан уйғур этник ва антропологик жиҳатдан ниҳоятда яқин. Фарқи шуки, ўзбекларнинг этник таркибига араб, эронликлар, покистонлик ва ҳиндистонликлар, тожиклар нисбатан кўпроқ аралашган. Уйғурлар таркибига эса Корея ярим оролига яқин жойларда яшаган ва ўрта асрларда турли сабабларга кўра ғарб томонга кўчган монголоид ирқига мансуб шарқий ғузлар (дунгху) кўпроқ аралашган. Ушбу аралашуш уйғурларнинг шарқий ва шимолий қисмида кўпроқ бўлган.

Ўтмишда уйғурлар таркибига кирган бир қанча уруф ва қабилалар кейинчалик ўзбеклар таркибига кириб кетган. Буни ўзбекларнинг 92 уруғи таркибига бир назар ташлаганда кўриб олишимиз мумкин. Ҳар икки халқ туркийзабон халқлар тоифасига киради. Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар орасида уйғурлар билан аралашиб кетганлар кўп учраб туради. Икки халқнинг аралашиб кетиши кўп асрлар давомида юз берган воқеа бўлиб, бу жараён Фарғона водийсида фаолроқ бўлган.

Мавжуд адабиёт ва манбалар билан танишганимизда, шундай фикрга келиш мумкинки, Ўзбекистонда уйғурларнинг пайдо бўлиши анча қадим замонларга бориб тақалади. Биринчидан, минг йиллар давомида ўзбек халқи билан уйғур халқи Буюк ипак йўли билан боғланиб келган. Ўзбек халқи Помир ва Тангритоғ (хитойча Тяньшан)нинг ғарбий томонидаги Буюк ипак йўлида фаол ҳаракат қилган бўлса, уйғур халқи ушбу тоғларнинг шарқий томонидаги савдо йўлларида фаол ҳаракат қилган. Маълумки, мазкур тоғларнинг икки томонидаги ҳудудлар Осиёдаги энг қадимий маданият марказларидан ҳисобланади. Бунга Мовароуннаҳрда ва Торим воҳасида топилган археологик маълумотлар исбот бўла олади. Шу боис ҳар икки халқ халқаро савдо ва маданий алоқаларда муҳим ўрин эгаллаган. Улар орасидаги борди-келди муносабат тўхтовсиз давом этган. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар каби

хонликлар даврида ўзбек ва уйғур халқлари яшаган ҳудудлар бир давлат доирасида бўлганида ва Амир Темур давлати замонасида уларнинг Буюк ипак йўлидаги борди-келди муносабатлари яна ҳам фаоллашиб кетган. Шунинг учун умумий бир тил, бир дин ва бир маданият вакиллари бўлган икки қардош халқ ўртасидаги этник аралашиб жараёни анча қадим замонлардан бошлаб жиддий тус олган.

Қадимий Буюк ипак йўли Қашқар шаҳридан ўтганлиги ва Ўзбекистонга келганлар асосан мазкур шаҳар орқали келганлиги туфайли ўтмишда ўзбек тилида «қашқарлик» деган атама ҳам пайдо бўлган. Мазкур атама асосида уйғурлар тўпланиб яшаган жойлар «Қашқар маҳалласи» деб айtilган.



Миллий кийимдаги уйғур аёли.

Худди шундай аҳвол уйғурлар орасида ҳам мавжуд. Ўзбекистондан шарқ томонга қараб кетадиган Буюк ипак йўли Андижон орқали ўтганлиги туфайли, Қашқарда ва бошқа қатор уйғур шаҳарларида ўзбеклар «андижонлик», улар тўпланиб яшаган жойлар эса «Андижон маҳалласи», деб айtilган.

Уйғурларнинг Ўзбекистонда қадимдан бери яшаб келишига сабаб бўлган иккинчи бир муҳим омил шу бўлганки, юқорида айтиб ўтилгандек, «уйғур» катта бир гуруҳ туркий қабилаларнинг бирикмаси бўлиб, улар шарқда Мўғулистон, ғарбда Балхаш кўлигача, жанубда Ҳимолай тоғларигача бўлган улкан заминда ҳаракат қилганлиги туфайли, сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра, улар орасидаги миграцион жараён тўхтовсиз давом этган. Айрим тарихий даврларда ушбу жараён тезлашган.

Қорахонийлар хонлиги даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган уйғурлар нуфуси кўпайган. Чингизхон ва унинг авлодлари даврида ҳам уйғурларнинг Ўзбекистон ҳудудига тарқалиши кучайганлиги кузатилган. Бунинг сабаби шу бўлганки, Чингизхоннинг 4-хотини қорахонийлар авлоди бўлган. Шу боис у ўзининг давлат ишларига, айниқса ёзув-чизув ишларга уйғурларни кўп жалб этган. Шу муносабат билан кўп зиёли уйғурлар мўғуллар даврида Ўзбекистоннинг турли вилоят ва шаҳарларида жойлашиб қолганлар. Мазкур жараён унинг авлодлари даврида ҳам



давом қилди. Бу ҳақда Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асарида қуйидагиларни учратиш мумкин: «Уйғур халқинда туркий тили бирлан ўқуғон кишилар кўп бўлур эрди. Чингизхоннинг набираларининг замонинда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди» [23; 33-бет].

XVIII асрнинг ўрталарида Или водийси ва Торим воҳасида яшаган уйғурларнинг Ўзбекистонга кўплаб кўчиб келиши кузатилди. Сабаби, ушбу асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган Жунғор хонлиги (1635–1758) ва Ёркенд хонлиги (1465–1759) бирин-кетин Хитойда ҳукмронлик қилаётган манжурлар сулоласи (Цин сулоласи – 1644–1911) қўшинлари томонидан йўқ қилиб ташланди. Иккала хонликнинг тахт ворислари ва цинларга қаршилик кўрсатган бошқалар қирғинга дуч келди [79; 102-бет]. Шунда кўп уйғурлар жазодан қутилиш мақсадида Туркистонга, жумладан Ўзбекистон ҳудудига кўчиб кетди.

Шундан кейинги 150 йил давомида Торим водийсида манжур маъмуриятига қарши кўп қўзғолонлар юз берди. Ҳар гал улар бостирилганда минглаб уйғурлар Қўқон хонлиги ҳудудларига кўчиб кетдилар. Айниқса, 1826–1828 й.ларда Жаҳонгирхўжа раҳбарлигида манжурлар маъмуриятининг зулмига қарши кўтарилган қўзғолон бостирилганда Торим водийсидан Ўзбекистонга кўчиб келганлар кўп бўлди. Қозоқ олими Чўқон Валихоновнинг маълумотига кўра, шунда «Фарғона ўлкасининг Қўқон, Шаҳрихон ва бошқа шаҳарларига 70 мингга яқин уйғурлар кўчиб келиб жойлашган. Ўша даврда Туркистонга кўчиб келган уйғурларнинг умумий сони 300 минг кишидан иборат бўлган [25а; 172-бет].



Зиёли уйғур аёли.

XIX асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистонда манжур истилочиларига қарши катта қўзғолон кўтарилган. Шу қўзғолон натижасида Шарқий Туркистон манжурлар назоратидан вақтинча озод бўлиб, у ерда тарихда «Етти шаҳар давлати»¹ деб номланган давлат

¹ Етти шаҳар тушунчасига Торим воҳасидаги Ёркенд, Хўтан, Қашқар, Учтурфан, Ақсу, Куча ва Қорашар (Қорашаҳар) каби шаҳарлар кирган.



ташқил топди. Унга пискентлик Ёқуббек қушбеги бошчилик қилган эди. Аммо 1878 йилда ушбу давлат манжурлар империяси томонидан йўқ қилинди, ҳаёт қолган қўзғолончилар ва уларнинг уруғ-аймоқлари яна Туркистон ҳудудига қочиб қутилди. Шунда Ўзбекистон ҳудудига келганлар сони нисбатан кўп бўлди [73; 95–104-бетлар; 177; 74–100-бетлар]. Рус олими Г.Б.Никольскаянинг маълумотиغا кўра, 1878 йилгача бўлган бир неча қўзғолон даврида Туркистонга кўчиб борган уйғурларнинг умумий сони 500 мингдан ошиб кетган.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон уйғурлари анча қадимий тарихга эга. Улар ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаб бошидан кўп воқеаларни ва офир кунларни ўтказган. Урушларда қон тўкишган, пахта далаларида ва завод, фабрикаларда ишлашган. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг, уйғурлар унинг ривожланиши ва келажаги учун ҳаракат қилмоқдалар.




ХИТОЙ, МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПААРО ЎТГАН ҚАДИМГИ ҚАРВОН ЙЎЛИ

«Хитой билан Фарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, хунлар, суғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евросиё шимолий савдо йўлини — яйловлараро ўтган ипак йўлини илк бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар милоддан аввал V асрлардан бошлаб то милодий X асргача бўлган 1500 йиллик давр давомида ипак йўли орқали амалга оширилган алоқаларни ривожлантиришда ҳаяжот улкан ҳисса қўшган».

Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи ва б.
«Ипак йўлидаги савдо тарихи»
китобидан.

湛舒挹之莫測其源故知蠢蠢凡
鄙投其旨趣能無疑惑者哉然則
基乎面土騰漢廷而較夢照東城
者亦形亦跡之時言未馳而成化

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ПОЙТАХТИ – ЧАНЪАН



Чанъан («абადий тинчлик» маъносини билдиради) топоними аслида кичик бир қишлоқ номи эди [125; 68-бет; 132; 550; 1832-бетлар]. Мил. ав. 200 йилда илк Хан сулоласи асосчиси Гаоцзэ (мил. ав. 206–195) ушбу қишлоқда сарой қуриб, уни пойтахт қилиб олган. Унгача Чанъаннинг шарқий томонидаги Лоян шаҳри пойтахт эди. Шу боис халқ орасида Чанъан Фарбий пойтахт (Шижин) деб ҳам номланган. Шундан кейин узоқ давр давомида ушбу шаҳар Буюк ипак йўлининг шарқий нуқтаси бўлиб дунёга танилди. XIII асрда Хитойнинг пойтахти Пекинга кўчирилиши муносабати билан Буюк ипак йўлининг Хитойдаги шарқий нуқтаси мазкур шаҳар бўлиб қолди. Бу ҳол Чанъаннинг мавқеини бирмунча пасайтирди. Чет эллик элчилар ва пойтахтда бўлишни истаган савдогарлар Пекинга борадиган бўлди. Аммо Фарбдан Хитойга импорт қилинган нарсаларнинг асосий қисми Чанъандан бошқа вилоятларга, экспорт қилинган хитой моллари, жумладан ипак матоларининг кўп қисми эса мазкур шаҳар орқали фарбий мамлакатларга жўнатилган. Чанъан халқаро савдо маркази сифатида сақланди.

Чанъан шаҳри ҳозирги ХХР Шэньси ўлкасининг марказидан ўтадиган ва Хуанхэ дарёсининг ирмоғи бўлмиш Вэйхэ дарёсининг жанубий соҳилида жойлашган. Қадимги Хитой ҳудуди доирасида шакланган савдо йўлларининг ҳаммаси Чанъан шаҳри билан боғланган. Қадим замонларда бу ерда яшаган марказийосиёликлар тилида ёзилган ҳужжатларда Чанъаннинг номи Кумдам (Kumdam) деб аталган [100; 132-бет]. Бир неча минг йил муқаддам бу ерда туркий халқлар яшаган, деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Чанъан шаҳри Фарбий Чжоу (Ши Чжоу; мил. ав. XI аср – 771), илк Чжао (Чян Чжао; мил. ав. 475–221), илк Чин (Чян Чин; мил. ав. 221–206), Фарбий Хан (Ши Хан; мил. ав. 206 – мил. 08), Фарбий Жин (Ши Жин; мил. 265–316), Фарбий Вэй (Ши Вэй; мил. 535–557), Шимолий Чжоу (Бэй Чжоу; 557–581), Суй



(мил. 581–618) ва Тан (мил. 618–907) каби хонликларнинг пойтахти бўлган. Илк Чин даврида ушбу шаҳарнинг номи Юнгчэн, Сянъянг деб юритилар, Хан давридан бошлаб эса, у Чанъан деб атала бошлади [139; 611-бет]. Фарбий Хан сулоласининг иккинчи ҳоқони Хуэйди (мил. ав. 194–188) тахтга келганда шаҳар атрофига 25 км узунликда девор қурдирган. Шундан кейин Чанъан Чанъанчэнг («атрофи девор билан ўралган шаҳар») номини олган. Шу даврдаги шаҳар деворининг бал. 8 м, қалинлиги 8–12 м гача (паст қисми қалинроқ, тепа қисми юқароқ) эди. Шаҳар деворининг шакли тўрт томонга қаратилган тўртбурчак бўлган. Унинг ҳар бир томонида 3 тадан, жами 12 дарвозаси бўлган. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос ном берилган. Дунгмэн (Шарқий дарвоза), Шимэн (Фарбий дарвоза), Бэймэн (Шимолий дарвоза) ва Нанмэн (Жанубий дарвоза) асосий дарвозалар ҳисобланар эди. Фарб томондан келган карвонлар Шимэндан кириши ва қайтишда шу давозадан чиқиб кетиши лозим эди [139; 64-бет].

Мил. 220 йилда Шарқий Хан (мил. 25–220) давлати емирилгандан кейинги 300 йилга яқин давр ичида Хитой майда хонликларга бўлиниб, ўзаро уруш алангасидан қутила олмаган. Шунда илгари қурилган шаҳар девори вайрон бўлиб кетган. Суй хонлиги (581–618) ташкил топгандан сўнг мазкур вайрона бўлган Чанъаннинг шарқи-жанубий томонида атрофи девор билан ўралган янги шаҳар барпо этилди. Қурилиш бошланган вақти 582 йил ҳисобланади. Қурилган янги шаҳар Дасинчэнг («Буюк гулланиш шаҳри») деб аталди.

Тан давлати (618–907) ташкил топгандан сўнг Чанъан шаҳрининг майдони тўртбурчак шаклида кенгайтирилди. Унинг атрофини ўраб турадиган деворлар узайтирилди. Шунда унинг ҳудуди айланмасига 35 км ни ташкил этди [109; 301–300-бетлар; 100; 132-бет]. Шаҳар кўчалари ҳам тўғри ва бир-бирини кесиб ўтадиган қилиб қурилди. Шаҳар маркази ўралган тўртбурчак шаклидаги деворлар узайтирилди. Тан даврида қурилган шаҳар девори бир неча марта қисман қайта қурилган ва таъмирланган. Шу боис мазкур девор ҳозиргача яхши сақланиб қолган бўлиб, унинг айланма узунлиги 13912 м дан иборат [129; 131-бет].

Тан даври Чанъанинг энг гуллаган вақти ҳисобланади. Шунда Чанъан шаҳри халқаро савдо маркази сифатида яна ҳам равнақ топди. Хитойнинг атрофидаги ва Узоқ Шарқ, Европа давлатларидан савдогарлар тинмай келиб-кешиб турди. Шу боис шаҳарнинг бозорлари



нафақат қўлами жиҳатидан, балки сон жиҳатдан ҳам кўпайди. Бозорлар ичида иккитаси энг катта бўлиб, уларнинг бири «Дунгши» («Шарқий бозор»), иккинчиси «Сиши» («Ғарбий бозор») деб номланган. Ҳар икки бозор халқаро савдо марказлари ҳисобланган. Шу даврда Чанъан бозорларига Хитойнинг барча вилоятларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар оқиб келиб турган [109; 301–306-бетлар].

«Шарқий бозор» шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган бўлиб, у маҳаллий савдогарлар билан чет эл савдогарлари орасидаги олди-сотди ишларни амалга оширишга қаратилган. Шунинг учун ҳукумат томонидан қўйилган назоратчилар ва солиқчилар маҳкамаси ушбу бозорда жойлашган эди. Ҳозирги тилда айтилганда, мазкур бозорни улгуржи савдо бозори деб айтиш мумкин.

«Ғарбий бозор» шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, унинг қўлами ва аҳамияти каттароқ эди. Чунки унда бутун дунёдан, жумладан Марказий Осиёдан олиб келинган моллар — пахтадан тўқилган матолар, қимматбаҳо тақинчоқлар, шишадан ясалган идиш-товоқлар, дориворлар сотилар эди. Савдо ишларига енгиллик туғдириш мақсадида, бозор турли молларга мослаштирилган махсус расталарга ажратилган. Тилла анжом ва тақинчоқлар растаси, дориворлар растаси, ипак матолар растаси, озиқ-овқат растаси ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Расталарда Шарқ мамлакатларидан келган одамларни кўп учратиш мумкин бўлган [109; 189-бет]. Ғарбий Хан давлати емирилгандан кейинги бир неча аср давомида Чанъан пойтахт бўлмай қолган. Шунда ҳам унинг халқаро савдо маркази сифатидаги мавқеи пасаймайди.

Тан хоқонлиги даврида Чанъан шаҳрида 1,5 млн. дан ортиқ аҳоли яшаган [109; 301-бет; 100; 132-бет]. Булар орасида доимий ёки вақтинча турадиган ғарбий мамлакатликлар, жумладан савдогарлар, дин арбоблари, элчилар ва бошқалар сони ҳам анча салмоқли бўлган. Шаҳарда муқим яшаб қолган савдо ишлари билан шуғулланувчи хорижликлар сони кўпчиликни ташкил этган. Масалан, ўша замонда яшаган Хитой олими Ли Би (762–789) фикрича, VIII асрнинг 3-чорагида Чанъанда мунтазам равишда яшовчи четэлликлар сони 4000 кишидан ошган [93; 221-бет].

Тан давлати ташкил топгандан кейин Хитойда будда динининг мавқеи яна ҳам ошган. Шу боис Чанъанда ушбу динга оид асарларни ўзга тиллардан хитой тилига таржима қилиш, ўқитиш ва бу динни тарғиб қилиш ишлари кенг қанот ёйиб кетган эди. 730 йилда Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларидан Хитойга



олиб келинган будда динига оид асарларни хитой тилига таржима қилиш билан шуғулланувчилар сони 176 кишига етган [144; 41-бет]. Хитойдан Шарқий Туркистон, Ғарбий Туркистон ва Ҳиндистондаги будда дини марказларига бориб келувчи хитойлар сони ҳам ошган. У ерлардан Хитойга келувчи буддавийлар ҳам кўпайган. Чанъан шаҳри ва унинг атрофида будда марказлари ва ибодатхоналарининг, хорижлик буддавийларнинг сони кўпайди [144; 41–46-бетлар].

Марказий Осиёда ислом дини ҳукмрон динга айлангандан сўнг, Чанъанда ва Хитойнинг бошқа йирик шаҳарларида ушбу минтақадан борган мусулмонлар сонининг кўпайиши ва ислом дини таъсирининг кучайиши кузатилган. Бунга Тан давлатининг солиқ сиёсатидаги ўзгариш бевосита таъсир кўрсатди. Масалан, 834 йилга қадар Тан сулоласи денгиз орқали Хитойга келган мусулмон савдогарларидан улар келганда ҳам қайтишларида ҳам солиқ олар эди. Шу йилдан бошлаб улардан фақат келганда бир марта солиқ олиш амалиёти жорий этилди. Шу билан бирга солиқ тўлаган мусулмонларга Хитойда эркин савдо қилиш ҳуқуқи берилди. 847 йилда Хитойда яшаб қолган мусулмонларга давлат идораларида хизмат қилиш ва амалдорлик лавозимларини олиш учун топшириладиган имтиҳонларда қатнашишга рухсат берилди. Бундай имтиҳонга қатнашиб илк бор ижобий натижага эришган киши араб миллатига мансуб Ли Яншэнг (мусулмонча исми маълум эмас) ҳисобланади [134; 5–10-бетлар].

Х асрнинг бошларида ички вазиятнинг ёмонлашиб кетиши, ўзаро курашларнинг авж олиши натижасида Тан империяси емирилди. Шундан кейинги бир аср давомида Хитойда 15 та хонлик юзага келади. Хитой тарихида ушбу давр «5 сулола ва 10 давлат даври» («Удай шиго») деб аталади [153; 179-бет]. Ундан кейин ташкил топган Шимолий ва Жанубий Сун хонликлари (960–1279) ҳам кучли давлат бўла олмади. Шунда Чанъаннинг иқтисодий аҳволи аввалгига нисбатан заифлашди, халқаро савдо алоқалари пасайди.

Тан давлатидан кейинги даврда Хитойдаги кучли давлат мўғулларнинг Юань империяси (1279–1368) бўлди. Аммо ушбу давлатнинг пойтахти Пекин бўлганлиги туфайли Чанъаннинг қадимги сиёсий мавқеи тикланмаган бўлса ҳам у халқаро савдо маркази бўлиб қолаверди. Бугунги кунда ушбу кўҳна шаҳар ўрнида бунёд этилган шаҳар Сиань деб аталади.



Сиань

Сиань — Хитойнинг марказий қисмидаги шаҳар. Вэйхэ дарёси (Хуанхэ дарёси ирмоғи) водийсида жойлашган. Шэньси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,7 млн. киши (1998). Транспорт йўллари чорраҳаси. Металлургия, кўп тармоқли машинасозлик (станок, прибор, автомашина, трактор ва самолётлар ишлаб чиқариш), керамика, тўқимачилик, фармацевтика, лок-бўёқ, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Университет, музейлар бор. Сиань — қадимий шаҳар. Шаҳарга мил. ав. 202 йилда Хан империяси пойтахти сифатида асос солинган ва Чанъан деб аталган. 3—6-асрларда Чанъан Шимолий Хитой давлатлари пойтахти бўлган. 583 йилда ҳозирги Сиань ўрнида Ян Цзян империяси даврида Хитойнинг янги пойтахти — Дасин шаҳри қурилган ва кейинроқ Чанъан деб қайта номланган. 10-асрдан бошлаб, Сиань аввалги мавқеини йўқота борган. 14-асрда янгитдан ташкил этилган Сиань округининг маъмурий маркази бўлган ва ўша вақтдан Сиань деб атала бошлаган. Меъморий ёдгорликларидан 3 ярусли миноралар (14-а.), шаҳар девори қолдиқлари, пагодалар (707—709) ва б. сақланган.

Сиань нуфусининг кўплиги жиҳатидан олганда, биринчи ўринда хитойлар (ханзу), иккинчи ўринда тунгонлар (хуэйзу) туради. Шаҳар атрофида яшовчи деҳқонлар, асосан, буғдой, маккажўхори, пахта, ёғ ўсимликлари, мева ва сабзавот етиштириш билан шуғулланади.

Сиань ХХР Шэньси ўлкасининг маркази бўлибгина қолмасдан, балки йирик замонавий шаҳар ва халқаро савдо марказидир. Баланг ва чиройли замонавий бинолар билан тарихий аҳамиятга эга бўлган иморатлар шаҳарга ўзига хос ҳусн бериб туради. «Ўзавтойўл» концерни делегацияси билан учрашув вақтида Сиань шаҳар ҳокими Фэнг Сюйчунинг айтган сўзларига қараганда, ХХРнинг ғарбий ўлкаларини ривожлантириш ва қадимги ипак йўлини замонавий ипак йўлига айлантириш дастурини амалга ошириш муносабати билан ҳукуматнинг Шэньси ўлкасига, жумладан, Сиань шаҳрига бўлган эътибори тобора ошиб бормоқда. Сиань шаҳри Хитойнинг барча ҳудудлари билан авто ва темир йўллари билан боғланганлиги туфайли, халқаро иқтисодий алоқаларда, айниқса, Хитой билан Марказий ва Жанубий Осий, Яқин


Шарқ ва Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларда аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда.

Айниқса, Шинжон-Уйғур мухтор райони (Шарқий Туркистон) билан ХХРнинг шарқий вилоятларини улаб турадиган «Лан-Шин телу» темир йўлнинг Алашанкоу орқали Қозоғистон темир йўлларига уланиб кетиши ва Туркманистон, Эрон темир йўлларининг уланишидан кейин Сианнинг халқаро иқтисодий алоқалардаги аҳамияти яна ҳам ошди. Чунки Сиань ХХРнинг ички ўлкаларидаги барча темир йўллар билан, ҳатто Вьетнамга борадиган темир йўл билан ҳам боғланган.

Шу билан бирга, ҳокимнинг сўзига қараганда, гарчи ҳозир Сиань Хитойнинг пойтахти бўлмаса ҳам, унинг тарихий аҳамиятини қайта тиклаш долзарб масала сифатида қаралмоқда. ХХРнинг «шимоли-ғарбий қисмини кенг қўламда ўзлаштириш» («Сибэй да кайфанг») деб аталган иқтисодий стратегиясини амалга оширишда Сиань шаҳрини ривожлантириш муаммоси давлат сиёсатининг марказида турибди.

Сўнгги йиллар давомида Сиань йирик туризм маркази бўлиб қолди. Шаҳардаги ва унинг атрофидаги тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, зиёратгоҳларга ва дам олиш жойларига айлантирилган. Сианга ўртача йилига 5 млн. чет эл туристлари, 12 млн. хитой сайёҳлари келиб кетади. Туризм бир томондан катта даромад манбаига айланган бўлса, иккинчи томондан аҳолининг катта бир қисмининг иш билан таъминланишига имконият яратиб бормоқда.

Сиань сари борадиган замонавий автойўл.





Айни пайтда «шимоли-ғарбни кенг кўламда ўзлаштириш» дас-тури бўйича Сиандан 9 йўналишда, яъни шаҳарни ХХРнинг 9 та иқтисодий марказлари билан улайдиган тезюрар автойўллар қурилмоқда. Ушбу йўлларнинг бири Сианни Шинжон-Уйғур мухтор районининг Турфон, Урумчи шаҳарлари, Алашанкоу чегара дарвозаси орқали Қозоғистонга боради. Бир неча йилдан сўнг ушбу йўллар ишга тушгач, Сианнинг сиёсий ва иқтисодий аҳамияти яна ҳам ошади, туризм яна ҳам жонланиб кетади.

МУСУЛМОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Сианда мусулмонларнинг алоҳида маҳалласи ҳам бор. Бу маҳалла хорижликлар зиёрат қиладиган жойлардан бири ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Сиань, яъни Чанъан кўп асрлар давомида Хитойнинг пойтахти бўлганлиги сабабли, ғарб томондан Буюк ипак йўли орқали келган элчилар, савдогар ва дин тарғиботчиларнинг йиғиладиган жойига айланиб қолган. VII асрга қадар бўлган 600—700 йил мобайнида ушбу шаҳарга ва унинг атрофидаги жойларга будда дини эътиқодчилари ва тарғиботчилари кўпроқ йиғилган. Бундан кейинги 500 йилдан ортиқ давр давомида Сианга мусулмонлар ва ислом тарғиботчиларининг кўп келиши кузатилди. Бундай ҳолат Хитойнинг бошқа шаҳарларида ҳам юз берди. 756 йилда Ан Лушан бошчилигидаги қўзғолончилар Чанъан (Сиань) ва Лоян шаҳарларини эгалламоқчи бўлиб турганида аббосийлар халифаси Абу Жаъфар Мансурнинг Тан сулоласи императори Су-зунг (756—762) илтимосига кўра юборган қўшинлари Хитойга етиб келган эди. Қўзғолон бостирилгандан сўнг улар Хитойда қолдирилган [167; 61-бет; 195; 63-бет]. Кейинчалик ушбу қўшин жангчилари бола-чақали бўлиб, мазкур шаҳарлардаги мусулмонлар сафини тўлдирганлар. Айтиб ўтиш жоизки, XIII асрда Хитойнинг пойтахти Пекинга кўчирилгандан кейин бу ерда хорижлик мусулмонлар кўпайган.

Ҳозир ХХРнинг ички ўлкаларида, жумладан Сианда яшайдиган мусулмонлар тунгон (рус адабиётида дунган) деб аталади. Улар ХХРдаги 13 та мусулмон халқлари ичида уйғурлардан ташқари энг кўп нуфусга эга бўлган этнос ҳисобланади (ХХРда яшовчи тунгонларнинг умумий сони 7 млн. кишидан ортиқ).

Тунгонлар

Айримлар тунгон халқини ислом динини қабул қилган хитойлар, деб ҳисоблайди. Аслини олганда, тунгонлар турли даврда ҳар хил сабаблар билан Хитойга келиб муқим яшаб қолган туркий халқлар, араблар ва эронликлар авлодларидан иборатдир. Шулар ичида бевосита савдо ишлари билан бориб қолганлар кўпчиликти ташкил этган. Шу боис Қадимги Хитойнинг пойтахти Чанъанда тунгон ёки мусулмон маҳалласининг шаклланиши ипак йўлининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ, деб айтиш ҳақиқатга яқиндир. Тили — хитойча, дини — ислом.

Мусулмон маҳалласи қандай юзага келган деган савол туғилиши табиий. Биринчидан, юқорида айтиб ўтилганидек, ислом дини тарихий саҳнага кириб келишидан аввалги бир неча асрлар давомида Чанъанда халқаро савдо ишлари билан шуғулланувчи туркистонликлар ўтроқлашиб қолган. Буларнинг кўпчилиги савдогар, таржимон, даллолар, карвонсарой эгалари ёки хизматчилари, ошпазлар, йўл бошловчи ва бошқалардан иборат эди. Бинобарин, буларсиз ғарбдан борган савдогарлар хитойлар билан ва маҳаллий амалдорлар билан мулоқатда бўлиши, олди-сотди ишларни амалга ошириши, овқатланиши ва турар жой масалаларини ҳал қилиши қийин эди.

Иккинчидан, VII асрдан бошлаб Чанъан йирик халқаро савдо маркази сифатида юксалиш туфайли шаҳарда Буюк ипак йўли орқали келаётган ва кетаётган карвонларнинг кети узилмасди. Ушбу карвонларнинг бир қисми элчиларга тегишли бўлса, катта бир қисми элчилар билан бирга келган хусусий савдогарларга тааллуқли эди. Ғарбдан келган карвонларнинг кўпайиши Чанъанда меҳмонлар билан хитойлар ўртасида воситачилик қила оладиган жамоанинг ташкил топишини тақозо этган. Бундай жамоани ташкил қилганларнинг кўпчилиги туркистонликлар ва бошқа ислом давлатларидан келганлардан иборат эди.

Учинчидан, Тан сулоласи ҳокимиятга келган даврда араблар ҳам йирик куч сифатида тарихий саҳнага кириб келган эди. Шу боис VII асрнинг ўрталаридан бошлаб араб савдогарлари денгиз йўли орқали Хитойга келиб, денгиз соҳиларида жойлашган шаҳарларни ўзлаштира бошладилар. Буюк ипак йўли билан эса, асосан, ушбу йўлдаги мамлакатларнинг мусулмон савдогарлари келиб Чанъанда тўхтадилар.



Тўртинчидан, Тан сулоласи хоқонлари халқаро савдодан, ипак маҳсулотини экспорт қилишдан яхши даромад олиш мумкинлигини англаб, Чанъан ва денгиз соҳилларида жойлашган шаҳарларда хорижий элчи ва савдогарларга ўз молларини сотиш ва улар эвазига хитой молларини сотиб олиш учун зарур шароитларни яратиб берган. Ушбу сиёсат ўз ҳаётини халқаро савдо билан боғлаган муҳожирларнинг Хитойда эркин ҳаракат қилиш ва муқим яшаб қолишига қулай шароит юзага келтирган.

Бешинчидан, географик жиҳатдан Чанъан қулай ерда жойлашганлиги туфайли шаҳар Хитойнинг барча вилоятлари ва шаҳарлари билан узвий боғланган ва боғлаб турувчи йўлларнинг хавфсизлиги таъминланган. Қолаверса, Чанъан билан вилоятлар ва шаҳарлараро савдо ишлари хитой савдогарлари қўлида бўлган. Хитой тилини билмаган хорижлик савдогарлар Чанъандан бошқа Буюк ипак йўлида бўлмаган шаҳарларга бориб, савдогарлик қилиши қийин кечган.

Олтинчидан, мусулмонлар Хитойга келгандан сўнг ғайридинлилар орасида ибодат қилишга, ўзларига тўғри келадиган овқатлар ейишга ва ҳаром деб белгиланган озиқ-овқатлардан холи бўлиш каби шароитларни ўзлари яратишлари керак эди. Бу эса улардан бир жойда жамланиб яшашни, махсус қарвонсаройлар, ошхоналар, озиқ-овқат бозорлари ва масжидлар барпо этишни тақозо этган. Шу сабабли Тан сулоласи даврида Марказий ва Жанубий Осие, Узоқ Шарқдан Хитойга борган мусулмон савдогарлари қаерда бўлмасинлар алоҳида маҳалла бўлиб яшаганлар. Кейинги даврларда бундай маҳаллаларни хитойлар «хуэйхуэй же» («мусулмонлар кўчаси») деб аташган.

Вақт ўтиши билан Хитойнинг барча вилоят ва шаҳарларида, жумладан Чанъанда муқим яшаб қолган хорижлик мусулмонларнинг авлодлари хитойлар томонидан «хуэйхуэй» деб номланиб, улар битта этнос тариқасида қабул қилинган. Ушбу янги этнос ҳозир «хуэйзу» деб аталади. Рус ва ўзбек адабиётида улар «дунган», «тунган» дейилади.

Чанъанда Тан даврида юзага келган мусулмон маҳалласининг бир қисми ва бу ердаги масжид ҳанузгача сақланиб қолган. Айрим адабиётларда ушбу маҳалла «Хуэйхуэй же» («Тунгон маҳалласи») деб ҳам аталади. Маҳалланинг сақланиб қолган қисмидан ўтган кўча ҳозир шахсий дўконлар растасига айланган. Хорижлик меҳмонлар бу ерга келмасдан кетмайди. Чунки улар ушбу тарихий жойни зиёрат қилибгина қолмасдан, балки у ердан замонавий дўконларда топилмайдиган турли майда-чуйда совғалар сотиб олиши мумкин. Дўконларда сотувчилик қилаётган тунгонлар, айниқса аёллар сиртқи

қиёфаси ва бошига оқ рўмол ўраб олганлиги билан хитойлардан фарқ қилиб туради.

Мазкур маҳалладаги масжид VIII асрнинг ўрталарида қурилган. У Хитойдаги энг қадимий масжидлардан бири ҳисобланади. Шундан бери ушбу масжид бир неча марта қайта қурилган ва кенгайтирилган. У шаҳарда сақланиб қолган қадимий тарихий ёдгорликлардан бири ҳисобланади.

ЧИН ШИХУАНГДИ (ЦИНЬ ШИХУАНДИ) ЗИЁРАТГОҲИ

Илк бор Қадимги Хитойни бирликка келтирган император Чин Шихуангди (Циньшихуанди; мил. ав. 259—210) дафн этилган жой Сиандаги энг йирик зиёрат маскани ҳисобланади. Бу ерда эртаю кеч узоқ-яқиндан келган зиёратчиларнинг кети узилмайди. Император қабристонини Сианнинг шимоли-шарқидаги Линдунг ноҳияси Сяхэ қишлоғи ёнида жойлашган. Хитойлар одатига қўра, улуғ мартабали зотлар вафот этгач, баланд ва қуруқ, гўзал манзарали жойга дафн этилиши лозим бўлган. Сяхэ қишлоғи атрофи айнан шундай талабларга жавоб берадиган ҳудудлардан биридир. 22 асрли тарихга эга бўлган Чин Шихуангди қабристонини Буюк ипак йўлидаги қадимий ёдгорликлардан, ҳозир эса у Хитойдаги йирик халқаро туризм масканларидандир.

Узоқдан Чин Шихуангди қабрининг усти катта тепаликка ўхшаб туради. Биринчи кўрганда одам бу бир кичик тоғ экан деб ўйлайди. Аслини олганда, ушбу тепалик сунъий равишда баланд жойда барпо этилган бўлиб, унинг баландлиги 56 м, атрофидаги майдоннинг умумий узунлиги — 2000 м келади. Чин Шихуангди қабри ҳозирча очилмаган. Аммо келажакда очилиши мумкин деган гап бор.

Хитой давлатларини бирлаштирган император Чин Шихуангди тахтиравонда.




Анъанага кўра, императорлар қабри жасад қўйилган хона ва унга кирадиган узун ер ости йўлакдан иборат бўлади. Ер юзидан пастга қараб чуқурлашиб борган ушбу йўлак бир неча қисмга бўлинган бўлиб, буларнинг биридан иккинчисига ўтадиган жойда қалин тошдан ясалган эшик ўрнатилган. Йўлакнинг деворларига дафн этилган кишининг ҳаётлигида яхши кўрган нарсалари, яқин одамлари ва уруғ-авлодларининг расмлари чизилган. Олимларнинг фикрича, қабри очишдан олдин уни қандай сақлаш мумкин, деган масалага эътибор бериш ва бу билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилиб олиш лозим.

Қабр атрофида катта чуқурлар қовлаб, уларнинг устини худди иморатнинг устини ёпгандек ёпишган. Бу ишни амалга оширишда ёғоч тўсинлардан фойдаланилган. Узун йўлак шаклида ҳосил қилинган чуқурларга маълум тартибда сополдан ясалган отли ва пиёда қўшинлар, ҳарбий амалдорлар жангга тайёр турган шаклида қўмилган. Ўша давр мантиқига кўра, мазкур қўшинлар тўрт томондан келиши мумкин бўлган душмандан ҳоқонни ҳимоя қилиб туради, деб қаралган. Қўмилган сопол (терракота) ҳайкалларнинг сони ҳоқон ихтиёрида бўлган қўшин сони билан тенг эди. Уларнинг катталиги ҳам ўша даврдаги одамлар катталиги билан барабар қилинган. Ҳозир зиёрат қилувчилар учун очиб қўйилган сопол ҳайкаллар қўшинларнинг бир қисмидан иборат. Ушбу ёдгорлик 1974 йилда қудуқ кавлаётган деҳқонлар томонидан тасодифан топилган. Унгача Чин Шихуангди қабри маълум бўлса ҳам, унинг атрофида ҳайкал қўшинларнинг қўмилганлиги сир бўлиб келган.

Сиандан икки ярим соат йўл юрилса, Хитойда илк бор барпо этилган Фамэнши (Будда ибодатхоналарининг ибтидоси маъносини

Император Чин Шихуангди қабридан қазиб олинган жангчи.

Император Чин Шихуангди дафн этилган жойдан топилган жангчилар ва отларнинг ҳайкаллари (терракота, мил. ав. тахминан 210 йил).





билдиради) ибодатхонаси зиёрат қилинди. Ушбу будда ибодатхона Фуфэн қишлоғида жойлашган бўлиб, мил. III асрда барпо этилган. Исломдан аввал бу ерда Туркистондан келган будда дини пешволари фаолият кўрсатган. Буддавий бўлган савдогарлар ҳам бу жойни зиёрат қилмасдан ўтиб кетмаган.

Сианга келган кунимизнинг эртаси мезбонлар экспедиция аъзоларини шаҳар атрофидаги замонавий автойўллар билан таништирдилар. Сўнг ҳозир шаҳардаги йирик туризм маскани ҳисобланадиган «Чянлу» номи Тан императорлари қабристонига олиб боришди. Ушбу қабристон Сиан шаҳрининг шимоли-ғарбий томонидаги Чянсян ноҳиясидаги Бэйлянг тоғи этакларидаги тепаликларда жойлашган. Қабристонда жами 18 та қабр, демак 18 та тепалик мавжуд. Аммо дафн этилганларнинг сони 19 кишидан иборат. Илк бор ушбу қабристонга 627–650 йиллари тахтни идора қилган Тан империясининг учинчи императори Гаозунг (исми Личжи), 705 йилда унинг хотини У Цзэтян (690–705 йилларида Учжоу-хуангди номи билан тахтда ўтирган) дафн этилган. Ўша замондаги анъанага кўра, хоқоннинг рафиқаси тахтда ўтирмаган бўлса, унинг мавқеини император билан тенглаштириш мумкин эмас эди. Шу боис қолган 17 қабрга биттадан олий зот дафн этилган. Тепаликларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 1048 м. Қадим замонда қабристон баланд девор билан ўралган. Ҳозир фақат деворнинг қолдиқ излари сақланиб қолган. Қабристоннинг умумий майдони 24 минг квадрат метрдан иборат.

Чянлу қабргоҳига боришда узун йўлдан юриб борилади. Йўлнинг ҳар бир томонига тошдан ясалган 5 та от, 10 та вазирлар ҳайкаллари ўрнатилган. Йўл тамом бўлган жойда икки томонга 6,5 м баландликдаги иккита яхлит тош минора ўрнатилган. Биттасига хат ёзилмаганлиги туфайли халқ уни ёзувсиз минора деб атайди.

Ушбу масканда зиёратчиларнинг эътиборини жалб этадиган яна бир тарихий ёдгорлик бор. Минорадан ўтганда икки томонга 61 тадан, жами 122 та тошдан ясалган хорижлик элчилар ҳайкаллари ўрнатилган. Ҳозирги кўринишда мазкур ҳайкалларнинг боши йўқ. Айтишларича, Тан империяси давридан кейинги асрларда ҳукуматга қарши бош кўтарган қўзғолончилар мазкур ажнабийлар ҳайкаллари нопок руҳлар учун макон бўлиб қолган, шу боис улар Хитой халқига балою офат келтиряпти, деб ҳайкалларнинг бошларини синдириб ташлашган экан. Хитойларнинг қадимги анъанасига кўра, бошдан жудо этилган тана руҳ учун макон бўла олмайди, руҳни маконсиз қолдириш эса офир жазо ҳисобланган. Қабр эшиги олдида икки томонга биттадан катта



шер ҳайкали ўрнатилган. Бу ердаги хоқонлар қабрлари ҳозирча очилмаган. Айтишларича, очилгандан кейин уларни сақлаш технологияси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Аммо Чянлу қабрининг ёнида юқорида тилга олинган император Гаозунгнинг У Цзэтяндан туғилган иккинчи ўғли Ли Шян қабри мавжуд. У ички курашлар қурбони бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, у ўлдирилганда 31 ёшда, бошқа бир маълумотларга кўра эса 19 ёшда эди. Ли Шян Сичуан ўлкасида ўлдирилганлиги туфайли, аввалига ўша жойда дафн этилган. Орадан 5 йил ўтгач, унинг жасади Чанъанга олиб келиниб, Чянлу қабристонининг ёнида махсус тайёрланган қабрга қайтадан дафн қилинган. 1971–1972 йиллари мазкур шахзоданинг қабри очилган.

Қабр гўри ер юзидан 7 м чуқурликда бўлиб, унга кириш учун 71 м масофа пастга қараб нишаб қилинган ҳолда узун туннел ясалган. Туннел 3 қисмга бўлинган, уларнинг бир-бирига ўтиш жойида тошдан эшик қилинган. Туннелнинг юқори қисми тупроқ билан қўмилган.

Туннелнинг деворлари расмлар билан безатилган. Расмларнинг умумий майдони 400 квадрат метрга тенг. Мазмунан ушбу расмлар шахзоданинг ҳаётига, унинг атрофидаги кишиларга ва ўша даврдаги вазиятга оид. Қабр очилганда унинг ичидан 600 га яқин идиш-товоқлар ва бошқа ҳар хил буюмлар борлиги маълум бўлган. Агар қабр бир неча марта талон-тарож қилинмаганида, эҳтимол ушбу рақам яна ҳам катта бўлиши мумкин эди.

Қабр қора мармар тошдан ишланган бўлиб, у тахминан 9 квадрат метр катталиқда ясалган қабр уйи ўртасида жойлаштирилган. Мавжуд маълумотларга кўра, шахзоданинг хотини ҳам ўша қабр ичида дафн этилган экан.

ХЭШИ ЙЎЛАГИДАГИ ИККИ КЎҲНА ШАҲАР

Ланчжоу (Гаолань). Сиань шаҳрини зиёрат қилиб бўлгандан сўнг Ўзбекистон делегацияси самолёт билан Ланчжоу, сўнг Дуньхуан шаҳрига етиб келди. Ушбу шаҳар Сиандан унча узоқ бўлмаса ҳам, унинг иқлими анча фарқ қилади. Ҳавонинг нисбатан қуруқлиги дарҳол билинади. Ланчжоу шаҳрида Ўзбекистон делегациясини Гансу ўлкасининг коммуникация назорати бошлиғи Сюй Куанлунг, автойўл юк ташув бошқармасининг бошлиғи Чэн Синьян ва уларнинг ёрдамчилари кутиб олди. 2000 йил 25 август куни делегация билан улар ўртасида расмий учрашув, Ланчжоуда эса маҳаллий автойўл



бошқармасининг бошлиғи Чжао Чжифу раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар билан суҳбат бўлиб ўтди. Учрашувлардан сўнг мезбонлар шаҳардаги Буюк ипак йўли билан боғлиқ бўлган бир нечта тарихий жойларни ва ёдгорликларни кўрсатдилар. Шаҳарда илк бор қурилган темир кўприк ана шу зиёратгоҳларнинг бири бўлди.

Мазкур темир кўприк 1907 йилда Германия компанияларининг иштирокида қурилган. 1954 йилда кўприкнинг тепа қисмига қўшимча металл конструкциялар қўшилиб, унинг мустаҳкамлиги оширилган. Биринчи темир кўприк қурилган жой қадимда дарёнинг асосий кечув жойи бўлган.

Хэши (дарёнинг ғарбий томони демакдир) йўлаги (коридори) Гансу (қадимги туркий номи Кенгсув) ўлкасининг асосий қисмини ташкил қилади. Ушбу ўлка ғарбдан шарққа чўзилган бўлиб, унинг узунлиги энига нисбатан анча катта. Буюк ипак йўли ушбу ўлканинг узунлиги бўйлаб ўтади. Гансунинг шимолий томони қумли чўл, жанубий томони тоғлардан иборат. Хитойдаги энг йирик икки дарёнинг бири бўлган Хуанхэ дарёсининг юқори қисми Цингхай (Кўккўл) тоғларидан бошланиб Ички Монголиягача жанубдан шимолга қараб оқади. Дарёнинг ушбу бўлаги ўлканинг шарқий томонидан ўтади. Шунинг учун қадим замонларда Хитой пойтахти Чанъандан ғарб томонга юришда мазкур дарёдан ўтмасдан иложи йўқ эди. Ўтмишда қиш кунлари дарё музлаганлиги туфайли йўловчилар ундан фақат ҳаво совуқ бўлганида ўтган. Манбаларда ёзилишича, қиш кунлари дарё юзини шундай қалин муз қоплар эканки, унинг устидан юзлаб туяларга ортилган юкларни, юк ортилган араваларни ўтказиш мумкин бўлган экан. Муз эригандан кейин дарёдан ўтиш лозим бўлса, 10—20 та эчки ёки бузоқ териларига ел тўлдириб ва уларни ёғочга боғлаб қилинган сол ёрдамида карвонни у қирғоқдан бу қирғоққа ўтказиш мумкин бўлган. Аммо бундай усул билан туя, арава каби ҳаракат воситаларини ўтказиш қийин ва хавfli эди. Ланчжоу шаҳри мазкур дарёнинг энг тор қисмининг шарқий томонидаги соҳилда жойлашган. Шунинг учун дарёдан карвон ўтказиш ишлари Ланчжоуда амалга оширилган. Бу ҳол эса мазкур шаҳарнинг халқаро савдодаги аҳамиятини оширган.

Қадим замонларда Хуанхэ дарёсининг Ланчжоу шаҳри ёнидан ўтган қисми тез ва буралиб оқар экан. Ҳозир дарёнинг юқори қисмида бир қатор сув омборлари, гидроэлектростанциялар қурилганлиги туфайли дарё суви секин оқадиган бўлиб қолган. Аммо суви ҳамон сап-сариқ ва лойқа. Баҳор ва ёз фаслари серёмғир келса, дарёнинг суви кўпайиб кетади.

Ланчжоу («Бинафша вилояти») Гансу ўлкасининг маркази бўлиб, у нафақат қадимий, балки замонавий шаҳарга айланган. Мил. III асргача бўлган минг йилдан ортиқ давр давомида у туркий халқлар қўлида



бўлганлиги туфайли Хитой манбаларида Ланчжоу ҳақида мазкур давр тарихига оид маълумотлар кам учрайди. Хитойлар таъсирига ўтгандан кейин узоқ вақт давомида Ланчжоу «Жингчэнг» ноҳияси (сян) бўлиб турган. IV асрда Хитой 16 кичик хонликга бўлиниб кетади. Мазкур хонликларнинг бири бўлган ва тарихда «сянби» деб номланган халқ ташкил этган «Ғарбий Чин» («Шичин») давлати (385–431) Ланчжоуни пойтахт қилади. Шунда Ланчжоунинг салоҳияти анча кўтарилиб, Жингчэнг (Олтин ўрда) номли пойтахт шаҳар мақомига эга бўлган. Суй хонлиги даврида (581–618) Жингчэнг яна ноҳия марказига айлантирилади. Тан хоқонлиги ташкил топганда мазкур шаҳар Ланчжоу деб номланади. Аммо Сун хонлиги даврида Ланчжоунинг илгариги Жингчэнг номи тикланади. Хитойда Юань сулоласи ҳокимиятга келгандан то ҳозирга қадар мазкур шаҳарнинг номи ўзгармасдан Ланчжоу деб аталиб келмоқда. 1420 йилда Шоҳрух номидан Пекинга олтинчи марта борган¹ элчилар таркибида бўлган Ғиёсиддин Наққошнинг маълумотига қўра, Ланчжоунинг туркий номи Ҳуснобод бўлган [167; 61-бет; 195; 63-бет]. Шунга қараганда, ушбу шаҳарга хитойча ном беришда гўзаллик маъносини билдирувчи ҳусн сўзини бинафша (орхидей) гулига тенглаштириб, Ҳуснобод атамасини Ланчжоу деб таржима қилишган. Ислом дини Хитойга тарқалгандан сўнг Ланчжоуда яшовчиларнинг кўпчилиги мусулмонлардан ташкил топган.

Ланчжоу

Ҳозир Ланчжоу Ганьсу ўлкасининг маркази ва катта саноат шаҳри ҳисобланади (етақчи саноат тармоқлари: нефть кимёси, нефтни қайта ишлаш ҳамда машинасозлик). Бойитилган уран, сунъий каучук, электр приборлари, жун газлама ишлаб чиқарилади. Цемент, ойна-шиша, кўн-тери, озиқ-овқат саноат корхоналари мавжуд. Шаҳар ўлканинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони 13 минг квадрат км га тўғри келади. Аҳолисининг сони 2,84 млн. га киши (1998). Шаҳарда бир неча олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот марказлари, кўп юлдузлик 17 та меҳмонхона ва 11 та халқаро, 52 та ички туризм ташкилотлари мавжуд. Ланчжоу ҳаво йўли, авто ва темир йўллари орқали ХХРнинг барча ўлкалари билан боғланган.

¹ Шунгача Пекинга 1410, 1413, 1415, 1417, 1418 йилларда Шоҳрух номидан элчилар келган.


Шаҳар Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимидаги ҳар икки соҳилида жойлашган. Ушбу дарёнинг энг тор жойи шаҳар ўртасидан ўтганлиги туфайли, бир томондан иккинчи томонга карвон ўтказишда Ланчжоунинг аҳамияти катта бўлган. Маълумки, Хуанхэ дарёси Буюк ипак йўлидаги кечиб ўтилиши муқаррар бўлган дарё ҳисобланади. Европа мамлакатларидан ёки Яқин Шарқ, Жанубий ва Ўрта Осиё давлатларидан юқорида тилга олинган 3 та йўл билан Хитойнинг пойтахти Чанъанга боришда Хуанхэдан ўтмай иложи йўқ эди.

Қадим замонларда дарёнинг суви қизғиш лойқа ва тез оққанлиги туфайли, ундан ўтиш мураккаб бўлган. Албатта, ҳозир дарё бўйлаб кўп сув омборлари қурилганлиги туфайли унинг оқим тезлиги қадимгидек эмас. Ўтмишда Хуанхэ дарёсидан ўтиш мумкин бўлган 3 та жой бўлган. Буларнинг бири дарёнинг ҳозирги Ланчжоу (қадимда Жингчэн, яъни Тилла қалъа) шаҳри ёнидан оқиб ўтадиган қисми эди. Бу ерда Чанъанга боришда шимолий соҳилдан жанубий соҳилга ўтилган.

Хуанхэдан ўтиладиган иккинчи жой Ланчжоу шаҳрининг жанубий томонидаги Юнчнинг ноҳиясида жойлашган ва будда маданиятида катта тарихий аҳамиятга эга бўлган Бинглинг ибодатхонаси ёнида бўлган. Хуанхэнинг ушбу жойдаги қисми икки тор орасидан ўтган бўлиб, у нисбатан тор эди. Бинглинг ибодатхонаси дарёнинг шимолий соҳилидаги тик қояга гор шаклида ўйиб қурилган. Ибодатхонанинг энг қадимий қисми мил. III асрда бунёд этилган. Ҳозир мазкур ибодатхона сайёҳлар учун зиёрат масканига айланган. Хуанхэдан ўтиладиган 3-кечув Ланчжоунинг шимолий томонидаги Чингоан (Хуэйнингуан) деган жойда бўлган [154; 119-бет].

Хуанхэ дарёсининг бир томонида шаҳарнинг асосий қисми жойлашган бўлса, унинг иккинчи томонида баландлиги унча катта бўлмаган ва усти қалин тупроқ қатлами билан қопланган тоғ мавжуд. Тоғ этаги аҳоли зич жойлашган эски маҳаллаларга тўла. Бу ер аҳолисининг кўпчилигини тунгонлар ташкил этади.

Лэшан тошбуддаси жаҳондаги энг катта буддadir. ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.





Мазкур тоғ тепаси боғ ва туризм масканига айлантирилган. Тепаликда узоқдан кўринадиган минора мавжуд. Бу минора «Байта» («Оқ минора») деб аталиб, XIII–XIV асрларда қурилган. Унинг барпо этилиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Кейинги бир неча асрлар давомида минора кўп марта таъмирланган. Дастлаб қурилганда минора оққа бўялганлиги туфайли унинг ўрнидаги тоғ чўққиси ҳам «Байташан» («Оқ минора тоғи») деб атала бошлаган. Тоғ тепасида минорадан ташқари яна бир қанча тарихий ёдгорликлар мавжуд. Ҳозир шаҳар томондан мазкур тепаликка чиқадиган осма йўл қурилган. Хорижий меҳмонлар осма йўл билан юқорига чиқиб, у ердаги ёдгорликларни кўриб, айланма йўл билан қайтиб тушадилар.

Хуанхэ дарёсининг асосий шаҳар томон соҳили дам олиш масканига айлантирилган.

Аммо шаҳар иқтисоди ва маданиятининг юксалиши билан бирга янги муаммолар ҳам юзага келган. Биринчидан, шаҳарнинг қадимий кўчалари тор бўлганлиги туфайли улардаги ҳаракат тифиз, машиналарнинг юриши қийин. Иккинчидан, шаҳарнинг ҳавоси бузилган. Ҳаво очиқ кунлари ҳам туман тушиб турганга ўхшайди. Юлдузлар чарақлаб турган тиниқ осмонни кўриб бўлмайди. Йўлларнинг икки томонидаги майда дўконлар ва ошхоналарнинг зичлиги, харидорлардан кўра сотувчиларнинг кўплиги шаҳарга биринчи келган кишининг кўзига дарҳол ташланади.

Ланчжоу шаҳри билан хайрлашгандан сўнг Ўзбекистон делегацияси Буюк ипак йўлидаги қадимий шаҳарлардан бири бўлган Дуньхуан шаҳрига етиб келди.

Дуньхуан (Даштота). Бу шаҳар қадимий Буюк ипак йўлининг шарқий қисмидаги яна бир муҳим чорраҳа ҳисобланган. Ҳозирги кўринишда у атрофи гиёҳ ўсмайдиган тоғлар билан ўралган қумли бир чўл ўртасида жойлашган. Шаҳар атрофдаги майда қишлоқларни қўшганда умумий ер майдони 31 минг квадрат км дан зиёд. Шундан атиги 4,5% қисми кўкаламзорлардан иборат. Иқлими қуроқ, ёмғир кам ёғади. Йиллик ёғин ҳажми 39,9 мм, йиллик ўртача ҳарорат эса 9,3° ни ташкил этади. Кўпроқ ипак пахта экилади. Пиллачилик ва боғдорчилик ҳам маҳаллий халқ ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Дуньхуан катта шаҳарлар қаторига кирмайди. Унда бор-йўғи 116 минг киши яшайди. Атрофдаги қишлоқларда яшовчиларни қўшиб ҳисобласа, ушбу рақам 150 мингга боради.

Дуньхуан Хитойдаги қадимий шаҳар. У бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан 3 минг йил муқаддам бу ерда хитой манбаларида



«рунг», «рунгди» деб номланган туркий халқлар яшаган. Мил. ав. V—III асрларда эса рузиелар (ҳозирги талаффузда юэжилар) яшаган. Маълумки, юэжилар хунлар билан бўлган курашларда мағлубиятга учраб, Или водийси орқали Амударё бўйига кўчиб кетишган. Мил. ав. I асрда Фарбий Хан империяси ушбу жойни хунлар қўлидан тортиб олган. Шунгача Дуньхуан Даштота деб аталган эди. Хитойлар ушбу номни аввалига Туенхуанг (Tuenhuang), кейинроқ «Дуньхуан», деб талаффуз этишган. Мазкур атамани ифода этувчи икки иероглифнинг луғавий маъноси «катта иссиқ жой» демакдир. Маъно жиҳатидан ўша «Даштота» топонимига мос келади. Дуньхуан вилоятининг атрофи кўчма қумдан иборат бўлганлиги туфайли, 619 йилда Тан империяси бу ерни ўз ҳудудига қўшиб олганидан бошлаб хитойлар уни «Шачжоу» («Қумли вилоят») деб аташади. Айрим сайёҳлар асарларида Дуньхуан Гуачжоу («Қовун-тарвуз водийси») деб ҳам ёзилган [130; 28-бет]. Сўнгги 20 йил ичида Дуньхуан шаҳри очиқ туризм шаҳрига айлантирилди. Ҳар куни Дуньхуанга бир неча минг киши келиб кетади. Айниқса, хорижлик туристлар Дуньхуанга кўп келади. 1998 йилда унга «намунали туризм шаҳри» мақоми берилди.

Узоқ ўтмишда Дуньхуан Буюк ипак йўлининг катта шаҳарлар қаторига кирадиган халқаро савдо маркази ҳам ҳисобланар эди. Ҳозир Хитойнинг шарқдаги ривожланган вилоятларидан Марказий Осиё давлатларига борадиган катта йўл Дуньхуандан ўтмайди. Қолаверса, бу ердаги иқлим ва чекланган сув захиралари уни катта шаҳарга айлантиришга йўл бермайди.

Бундан бир неча минг йил муқаддам Дуньхуан вилоятининг табиий шароити ҳозиргидан анча яхши бўлганлиги унинг обод бўлишига бевосита таъсир қилган. Манбаларнинг кўрсатишича, 22 аср муқаддам Дуньхуан шаҳри баланд девор билан ўралган. Археологлар маълумотларига кўра, у камида 3 минг йиллик тарихга эга. Қадим замонларда хитойликлар Дуньхуанни «Фарбий мамлакатлар дарвозаси» деб ҳисоблаганлар.

Дуньхуанда суғд тилида ёзилган ҳужжатлар кўп топилган. Уларда мазкур шаҳарнинг шарқий томонидаги мамлакат, яъни Қадимги Хитой «Нейди» («ичкари томондаги замин» маъносини билдиради) деб аталган. Мазкур атама ҳозирги хитой тилида мавжуд бўлиб, у айнан шу маънода ишлатилади.

2,5 минг йил муқаддам Хитойга борувчи савдогарлар Такламакон чўлининг жанубий томонидан ўтадиган йўл орқали



юришни маъқул кўришган, зеро, у бошқа йўлларга нисбатан яқин ва тинч бўлган экан. Энг муҳими, мазкур йўлдаги Хўтан, Қрурона каби шаҳарлар ўша даврдаги йирик маданият ва савдо марказлари бўлган. Археологик маълумотларга кўра, ана шу даврларда Дуньхуанда сугдийлар, хўтанликлар, ҳиндлар, тохарлар ва тибетликлар кўп яшаган. Кейинроқ Дуньхуанда яшаганларнинг кўпчилиги ўзларини турк деб аташган. Будда динининг Хитойга тарқалишида Дуньхуан катта роль ўйнаган. Шаҳар атрофида сақланиб қолган буддизмга оид тарихий ёдгорликларнинг кўплиги бунинг исботи бўла олади.

Дуньхуан

Ҳозир Дуньхуан «музей шаҳар»га айлантирилганлиги сабабли бу ердаги саноат корхоналари туристларга зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Шаҳар кўчалари дўконларга, ресторанлар ва бозорларга тўла. Қуни билан тарихий жойларни зиёрат қилиш билан банд бўлган сайёҳларга қулай бўлсин учун шаҳар марказида кечки бозор ташиқил этилган. Бозор кечаси соат 12—01 ларгача одамлар билан гавжум. Дуньхуанда ипак гилам тўқиш алоҳида эътиборга сазавор. Бу ердаги гилам тўқиш санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ривожланиши Шарқий Туркистон, Туркистон ва Эрон каби мамлакатлар маданиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун Дуньхуаннинг ипак гиламларида мана шу мамлакатларга хос гуллар ва ранглар кўриниб туради. Айрим гиламларда буддизм мавзуси акс этган.

Яқин ўтмишда дуньхуанликлар ипак гиламни фақат қўлда тўқишган. Ҳозир машинада тўқилган гиламлар кўпайиб бормоқда, аммо қўлда тўқилган гиламларга ҳамон талаб катта. Уларни айниқса хорижлик туристлар яхши кўрадилар.

Дуньхуан чеккаларида қишлоқлар мавжуд. Улар, асосан, булоқ атрофларида жойлашган. Шулардан бири «Янггуан» («Қуёш томондаги чегара кўриқхонаси») номли қадимий чегара қоровулхонаси ёнидаги қишлоқ ҳисобланади. «Янггуан» ёнидаги музей экспонатлари қадим даврда бу ерда саклар ва сугдийлар яшаганлигини кўрсатади. Айтишларича, мана шу қишлоқдан сал нарироқда қумга кўмилиб кетган сугдийлар қишлоғи мавжуд. Ҳозирча у очилгани йўқ.




«Янгуан» ёнидаги қишлоқ аҳолиси атига 60 хонадондан иборат бўлиб, улар, асосан узумчилик билан шуғулланади. Шунинг учун қишлоқ ўртасидан ўтган ягона кўча атрофи узумзор боғларга тўла. Қишлоқ атрофидаги тепаликларда эса тўрт томон деворлари майда дарчалардан иборат бўлган ва кишмиш қуритишга мослаштирилган уйлар кўп. Кишмиш қуритиш усули туркистонликларникидан фарқ қилмайди.

Дуньхуандаги «Минг уй» («Могаоку») ибодатхонаси Буюк ипак йўлидаги буддизм санъатига оид оламшумул тарихий ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Маҳаллий халқ анъанасига кўра, тоғни тешиб ясалган кўп сонли хужралар ёки уйчалардан иборат бўлган будда ибодатхоналарини «Минг уй» (хитойча «Чянфуодунг») деб аташган. Дуньхуанда мана шундай «Минг уй»нинг бири жойлашган. Унинг ҳозирги расмий номи «Могаоку» («Қумликдаги баланд будда ибодатхонаси») деб аталади. Баланддан қараганда, ибодатхонага «Могаоку» деб тўғри ном берилганлигига амин бўлади киши. Бинобарин, бу ибодатхона бепоён қумликдаги тоғнинг бир чеккасида уч қават қилиб қурилган.

Ибодатхонанинг илк бор барпо этилган хужраси мил. 366 йилга тўғри келади. Минг йилга яқин давр ичида шундай усулда жами 492 та хужра ясалган. Бунинг сабаби будда динининг етук олими бўлган ҳар бир зот битта хужра қуриши лозим бўлган. Хужраларнинг катта-кичиклиги бир хил бўлмай, уларнинг деворлари ва шипи буддизм мавзуга, тарихига ва афсоналарга бағишланган расмларга бой. Каттароқ хужраларда ҳайкаллар ўртада, кичикроқ хужраларда эса юқорида (эшик рўпарасида) ўрнатилган. Хужралар деворларига ва шипига солинган расмларнинг умумий майдони 45 минг кв метр, ичида

Дуньхуандаги “Минг уй”
 (“Могаоку”) ибодатхонасидаги
 буддизм санъатига оид
 ёдгорликлар.





жойлаштирилган ҳайкалларнинг умумий сони эса 2415 дондан иборат. Деворий расмлар ичида Марказий Осидан борган одамлар сурати ҳам учраб туради.

Ибодатхона жойлашган тоғ қиясининг узунлиги 1600 метр келади. Унинг қоқ ўртасида ибодатхонанинг марказий ҳужраси жойлашган бўлиб, унда баландлиги 33 метр келадиган будданинг катта ҳайкали ўрнатилган. Ушбу ҳужранинг олд томони очиқ бўлганлиги туфайли ёмғир, қор ва шамолдан асраш учун бир неча қаватли том билан ёпилган. VI асрдан кейин барпо бўлган ҳужралар ичидаги расмлар яхшироқ сақланган.

Ибодатхонанинг айнан шу ерда қурилишига сабаб бу ернинг нисбатан ҳоли эканлиги ва булоқ суви билан таъминланганлиги бўлган. Ибодатхона шаҳардан атиги 25 км масофада жойлашган. Булоқ сувининг жилдираб оқиши туфайли ибодатхонанинг олди дарахтзорга айланган [130; 28-бет; 136; 1072-бет].

«Могаоку»га яқин жойда яна бир булоқ мавжуд. Булоқ суви ҳисобидан катта ҳовуз пайдо бўлган. У қумликнинг ўртасида, кичик текисликда жойлашган. Булоқ бўйида туриб қараганда, унинг атрофи тоғ билан ўралганга ўхшайди. Булоққа элитадиган биргина йўл бор. Ҳар куни эрталаб соат 3—4 дан бошлаб бу ерда одам гавжум. Шу пайтда қумнинг ҳарорати оёқни босса куйдирмайдиган даражага келади, унганча қумда юриш қийин. Қизиб турган қумда даволаниш ҳам мумкин.

Баланд қум-тоғ ўртасидаги ҳовуз кўмилиб кетмай бир хилда туриши зиёратчиларни ниҳоятда ҳайратга солади. Айтишларича, қум кундузи булоқ сари 1,5 метр силжиб келади. Аммо кечаси тонг отгунча пастга тушган қум яна ўрнига кўтарилиб қолади. Агар шу ҳодиса рўй бермаса, булоқ бир неча кун ичида кўмилиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин эди.

Булоққа боришда туристлар учун турли транспорт воситалари, жумладан туялар тайёрлаб қўйилган. Қолаверса, сервис ишлари билан банд бўлган хизматкорлар сони кўп. Булоқ яқинида яна бир қишлоқ мавжуд. Бу ерда ҳам бозор ва этнографик уй-музей ташкил қилинган. Музейда XVII—XIX асрдаги хитойларнинг яшаш тарзи, тўй-ҳашамлар, урф-одатлар, қишлоқда ўтган улуф зотлар, ёвуз кучларга қарши курашган қаҳрамонларга оид экспонатлар қўйилган. Расм-удумлар, маросимлар манекенлар билан ифода қилинган.

КАТТА ҚАРВОН ЙЎЛИ ВА ЯЙЛОВЛАРАРО ЎТГАН ШИМОЛИЙ САВДО ЙЎЛЛАРИ

«Ипак йўли» атама сифатида ишлатила бошланганига кўп вақт бўлгани йўқ. У илк бор 1877 йилда немис географ олими Фердинанд Пауль Вильгельм (Вильгельм Рихтгофен) (1833–1905) томонидан нашр этилган «Хитой» номли китобда учрайди. Немис тилида ушбу атама «Сейден страссен» (Seiden strassen) деб аталган. Инглиз тилида чиққан китобларда мазкур атама «Зе Силк Роуд» (The Silk Road), кейинчалик рус тилида чиққан китобларда эса «Великий шёлковый путь» деб номланди. Хитой адабиётида у «Сичоу чжилу» деб юритилган. «Ипак йўли» атамаси адабиётга кириб келишидан олдин ҳар хил номларга эга бўлган. Қадимги Хитой манбаларида «дао» (йўл), «Шиюй дао» («Ғарбий мамлакатлар йўли») дейилган.

Вильгельм Рихтгофен «Ипак йўли» атамасини ишлатар экан, дастлаб у Хитой–Туркистон–Ҳиндистон йўналишидаги йўлни кўзда тутган. Кейинчалик унинг ишларини давом эттирган олимлар қадимги савдо йўлларини атрофлича тадқиқ қилиб, атаманинг мазмунига ўзгартириш киритганлар. Хусусан, Хитойнинг қадимги пойтахти Чангъан шаҳридан бошлаб Хэси йўлаги (Хэши коридори)¹, Такламакон чўли атрофи ва Туркистон шаҳарлари орқали Яқин Шарқ, Африка ва Европа мамлакатларини боғлаб турувчи қарвон йўлини назарда тутганлар.

Сўнги даврдаги асарларда Шарқ билан Ғарбни, яъни Осиё, Европа ва Африка қитъаларини боғловчи ер юзи ва денгиз йўлларини «Ипак йўли» деб аташ ҳам адабиётга кириб келди. Бундай мисолларни рус ва хитой адабиётида учратиш мумкин. Аммо хитой илмий адабиётида муаллифлар бир овоздан қадимги Чангъандан Такламакон чўли атрофи, Помир доvonлари, Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон ва Туркия шаҳарлари орқали Римга борган қарвон йўлини энг қадимий «Буюк ипак йўли» («Да сидао») деб эътироф этмоқдалар. Масалан, «Сўзлар денгизи» («Цихай») энциклопедик луғатида ушбу йўл қуйидагича таърифланади: «Ипак йўли» («Сичоу чжилу») Осиё қитъасининг у чеккасидан бу чеккасигача кесиб ўтадиган қадимий алоқалар йўлидир.

¹ Хитой адабиётида «Хэши зоуланг» деб номланади. «Хэши» сўзи дарёнинг ғарби деган маънони англатади. Одатда ушбу йўлак ғарбда Дуньхуандан Шарқда Ушюлин тоғигача бўлган узунлиги 1000 км, энига эса 10–100 км келадиган ва экин ўсадиган жойни ўз ичига олади. Ғарбдан шарққа чўзилган мазкур йўлак денгиз сатҳидан 1400 м баланд бўлиб, унинг икки томони тоғлар билан ўралган.



Унинг асосий қисми шарқда Вэйхэ дарёси¹ бўйларидан бошланиб ғарбга қараб чўзилган. Хэши йўлагидан ўтгандан сўнг, ушбу йўлнинг бир йўналиши Шарқий Туркистондаги Торим дарёсининг шимолий қирғоқлари, Сули (Қашқар шаҳри), Помир, Фарғона водийси (Дайюан, Даван), Кангкия давлатининг жанубий қисми (Самарқанд атрофи) орқали, иккинчи йўналиши Торим дарёсининг жанубидаги Ёркенд (ҳозирги Шачэ ноҳияси) ва Помирдан ўтиб ҳозирги Амударёнинг юқори ва ўрта оқими бўйларидаги шаҳарлар орқали ғарбга қараб кетган. Шундан кейин бу йўл Марв (Мулёй), Дамхон (Дамфон), Аман (ҳозирги Камадон), Бағдоднинг шарқи-жанубидаги вилоятлар ва Ўрта денгизнинг шарқий соҳиллари орқали Римга етиб борган. Мил. ав. II асрдан кейинги минг йил давомида Хитойдан кўп миқдордаги ипак матолар мана шу йўл орқали Ғарбга олиб кетилган. Шу боис бу йўл «ипак йўли» деб номланган [125; 53-бет]. Айнан шу йўл қадимги катта қарвон йўли бўлганлигини хитой манбалари ҳам тасдиқлайди.

Буюк ипак йўли ҳақида маълумотлар берадиган энг қадимги ёзма манбалар ичида хитой манбалари муҳим аҳамият касб этади. Хитой манбаларида илк бор савдо йўлини таърифлайдиган маълумот илк Хан сулоласи (Ғарбий Хан) тарихида (Чян Хан ши) учрайди. Одатда ушбу сулола тарихи Бан Гу (мил. 32–92 й.лар) томонидан ёзилган деб ҳисобланади, лекин унганча асар устида бир қатор сарой тарихчилари иш олиб борганлар. Бан Гу сўнгги муаллиф бўлганлиги учун унинг номини асар муаллифи қилиб кўрсатиш одат тусига кириб қолган.

Гарчи асар мил.ав. 104–91 йиллари ёзиб битирилган бўлса ҳам, унда келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги ундан аввалги бир неча аср давомида ёзилган тарихий хотиралардан олинган. Жумладан, Буюк ипак йўлига оид дастлабки маълумотлар мил. ав. II–I асрлар давомида тўпланган.

Одатда, савдо йўли хўжалик ривожланган жойлардан ва бозорлардан ўтган. Бундай жойлар эса шаҳарларга айланган маданий марказлардан ташкил топганлиги ҳаммага маълум. Шунга кўра аниқ айтиш мумкинки, қадимий савдо йўллари шаҳарлардан ўтган. Сўнгги икки аср давомида жаҳон олимлари кўпгина йўқолиб кетган шаҳарларни очишга муяссар бўлишди. Шу жараёнда улар томонидан топилган ашёвий далиллар атрофлича ўрганиб чиқилган ва таҳлил этилган.

Бундай шаҳарлар кўпроқ Марказий Осиёда, айниқса Ўзбекистон ҳудудида, Такламакон чўли атрофида топилган. Ўзбекистон ҳудудидан

¹ Вэйхэ дарёси — Хуанхэ дарёсининг ўрта қисмига қуйиладиган ва ғарб томондан шарққа қараб оқадиган катта ирмоғи.



топилиб ҳозир Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётган бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган одам суяги, Такламакон чўли атрофидан топилган ва айни пайтда Урумчи музейида сақланаётган 4–5 минг йиллик одам жасадлари ва буюмлар мазкур минтақалар маданиятининг тарихи ниҳоятда қадимий эканлигини кўрсатади. Шундан маълумки, бундан камида 2 минг йил муқаддам Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё қисми, яъни Ҳиндистон ва Эрон билан қўхна Хитой ўртасидаги энг қадимий катта савдо йўли Ўзбекистон, Помир ва Такламакон чўли атрофидаги қўхна шаҳарлардан ўтган. Ушбу ҳақиқатни хитой манбаларидаги аниқ маълумотлар тўла тасдиқлайди. Милоднинг бошидан бошлаб Тангритоғ (Тяньшан) этаклари, Или водийси, Иссиққўл атрофидаги шаҳарлар орқали ўтган йўллардан фойдаланиш жонланган. Қадимги Хитой ёзма манбаларида «Шимолий йўл» («Бэйдао») ва «Жанубий йўл» («Нандао») деб аталган йўллар Такламакон чўлининг шимолий ва жанубий томонларидан ўтган йўллардир. Улар Помирдан ва Ўзбекистон ҳудудидан ўтгач, Ҳиндистонга, Эрон орқали Яқин Шарқ ва Европа шаҳарларига кетган.

Қадимги Хитой манбаларидаги «Жанубий йўл»га оид маълумотларга кўра, у шарқ томонда ҳозирги Дуньхуан шаҳрининг ғарби-жанубий томонида жойлашган «Янгуан» номли чегара қопқасидан ўтиб, чўлнинг жанубидаги Ёркент (Шачэ) орқали ўтадиган йўл ҳисобланади. Ёркентгача ушбу йўлнинг узунлиги 1575 км бўлиб, у Дуньхуандан ўтгандан кейин Крурона (Лоулан), Пшамшан ёки Чарқлиқ (қадимда Шаншан, ҳозир Роучян), Черчен (Чемо), Хўтан (Юйтян) орқали Ёркентга борган. Ушбу йўл Ёркентдан ғарб томонга қараб кетар экан, бир йўналиши Помир тоғларининг жанубий томонидаги доvonлардан ўтиб, Кашмир, Ҳиндистон, Амударёнинг пастги соҳиллари ва Эрон билан уланиб кетган. Иккинчи йўналиши Ёркентдан Қашқарга бориб «Шимолий йўл» билан қўшилган.

Мил. ав. II асргача бўлган бир неча юз йил давомида Хэши йўлаги ва унинг ғарбий томонидаги жойлар ҳунлар қўлида бўлганлиги сабабли, Хитой билан Марказий Осиё мамлакатлари ва атрофдаги бошқа давлатлар ўртасида бўлган савдо алоқалари, асосан, «Жанубий йўл» орқали амалга оширилган. Манбада кўрсатилишича, савдогарлар айнан шу йўлдан юришни маъқул топишган.

«Шимолий йўл» ҳозирги Дуньхуан шаҳрининг ғарбий томонидаги «Юймэн» чегара дарвозасидан ўтиб, Такламакон чўлининг шимолий чеккаси бўйлаб Қашқарга борган. Ушбу йўл Юймэндан Қашқаргача 1875 км бўлиб, у Турфон, Кумуш, Қорашар, Кучар (Кусан, Куча), Оқсув каби



шаҳарлардан ўтган. Қашқардан тахминан 250–260 км юргач, йўл Помир тоғларидаги доволарга етиб борган. Сўнгра у доволар орқали Ўш, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари билан боғланиб кетган. Ушбу шаҳарлар орқали асосий йўл Эрон ва ғарб мамлакатларига ҳамда Ҳиндистонга кетган. У энг қулай ва тўғри йўл ҳисобланган. Помир доволари ичида Эркештом доволари нисбатан қулайроқ бўлган. Бундан бошқа Помир тоғларидан ўтадиган Мингтўқай, Тўрғот, Вахон бўғизи каби бир неча доволар бўлган. Тўрғот доволари орқали ўтган йўл Иссыққўл бўйига бориш учун қулайроқ ҳисобланган. Тошқўрғон орқали ўтадиган йўл Мингтўқай доволаридан ўтиб, Ҳиндистонга бориш учун яқинроқ бўлган. Аммо ушбу доволардан ўтгандан кейин Амударё бўйларига ҳам чиқилган. Мазкур доволардан ўтиш Эркештомга нисбатан қийинроқ кетган.

Эркештом доволари орқали ўтадиган йўл қачон очилганлиги ҳақида хитой манбаларида аниқ маълумот йўқ. Лекин Ғарбий Хан давлати даврида, яъни мил. ав. II–I асрларда ушбу йўл Қадимги Хитой билан Ғарб мамлакатлари ўртасидаги асосий йўл ҳисобланган. Ушбу йўлнинг Дуньхуандан Турфонгача ва Турфоннинг ғарбий томонидаги озгина чўл масофани ҳисобга олмаганда, йўлда қарвонлар учун сув ва ўт-чўп етарли эди. Бу катта қарвоннинг юриши учун муҳим аҳамият касб этган. Сўзимизнинг исботи сифатида хитой хоқони У-диннинг Туркистонга икки марта келиб кетган элчиси Чжан Цяннинг маълумоти асосида битилган «Илк Хан тарихи»да келтирилган қўйидаги маълумотга мурожаат қилишимиз мумкин: «Жанубий йўл Қрурона (Лоулан, Шаншан)¹ орқали Қорақурум (Қунлун) тоғларининг шимолий этаги бўйлаб ғарбга қараб кетади, сўнг у Ёркентдан ўтиб яна ғарбга қараб давом этади, Помир тоғларини (Цуньлин) кесиб ўтиб, Улуғ Рузие (Даюэжи) давлатига боради. Мазкур давлатдан ўтгандан сўнг йўл Парфия (Аньси) давлатига боради. Шимолий йўл Шимолий тоғнинг² шимолида жойлашган Турфон (Чян-Чэши) давлати марказидан ўтиб, Торим дарёси бўйлаб давом қилиб, Қашқарга боради. Шимолий йўл Помир тоғларидан ўтиб яна ғарбга қараб давом этиб, Фарғона, Канкия давлатларига, сўнгра Алан давлатига боради» [1; 2364-бет]. Шунга ўхшаган маълумот Сима Бяо (туғилган вақти номаълум — 306) томонидан ёзилган «Сўнгги Хан сулоласи тарихи» («Хоу Хан шу») да ҳам баён этилади.

Такламакон чўли.

¹ Қадимда Қрурона топоними хитойча Лоулан деб транскрипциялаштирилган. Ғарбий Хан сулоласи уни эгаллаб олганидан сўнг унга Шаншан (Пшамшан) деб ном берилган. Қруронадан ўтган йўл «Лоулан дао» («Қрурона йўли») деб аталган [105; 44-бет].

² Шимолий тоғ (Бэйшан) — Тангритоғ (Тяньшан)нинг жанубидаги тоғ қўзда тutilган.

Такламакон

Буюк ипак йўлидаги энг катта чўл. Шарқий Туркистон худудида жойлашган. Қадимги сайёҳлар ушбу чўл ва унинг атрофидаги йўллар ҳақида кўп маълумотлар қолдирган. Геологик тадқиқотларга кўра, ўта қадимги замонларда Помир нисбатан баланд бўлмаганлиги учун Фарғона водийси атрофидаги тоғлардан сув шарққа қараб оқиб Такламаконга қуйилганлиги туфайли ҳозирги чўл ўрни денгиз бўлган экан. Кейинги геологик ўзгаришлар натижасида ушбу сувлар шарққа оқмайдиган бўлган. Натижада денгиз ўрни чўлга айланган. Такламакон дунёда энг йирик қум чўлларида бири. Майд. 271 минг км². Узунлиги ғарбдан шарққа 1000 км дан зиёд, эни 400 км гача. Ер юзаси текис бўлиб, тўртламчи даврда тўпланган чўкиндилардан тузилган. Шим. ва шарққа томон 1200–1300 м дан 900–1000 м гача пасайиб боради. Чўлнинг ғарбий қисмида қумтошлардан иборат бир неча қояли қатор тепалар (Чўнгтоғ, 1664 м), қумоқ ва гилли тепаликлар (Мозортоғ, 1635 м, Тўхтақози, 1560 м) бор. Такламаконнинг жан.-ғарбида барханлар, шим.-шарқида бал. 300 м гача бўлган қум уюмлари учрайди. Чекка қисмидаги катта майдонларни шўрхоқлар эгаллаган. Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим. Йилига 50 мм дан кам ёғин ёғади, баъзи йилларда умуман ёғмайди. Кучли шамоллар эсиб, қум бўронлари бўлиб туради. Куньлундан оқиб келадиган дарёлар қумга сингиб кетади, Хўтан дарёсигина ёзда чўлни кесиб ўтиб, Тарим дарёсига қуйилади. Ер ости сувлари чуқур. Чўлнинг катта қисмида ўсимлик деярли учрамайди. Дарё водийларида терак, жийда, янтоқ, шўра, саксовул ўсади. Ҳайвонот дунёси камбағал. Аҳоли воҳа ва дарё водийларида яшайди, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Такламаконда фойдали қазилмалардан нефть, газ, кўмир конлари, полиметалл рудалари топилган.

«Пшамшандан Помир тоғлари орқали ғарбдаги мамлакатларга борадиган икки йўл бор, — деб ёзилади ушбу асарда — Кунлун тоғларининг шимолий этаклари ва бу ердаги дарё бўйлаб ғарбга қараб юрилса, Ёркентга бориш мумкин. Бу «Жанубий йўл» деб аталади. Ушбу йўл билан яна ғарбга қараб юриб Помир тоғларидан ошиб ўтилса,



Даюэжилар ва Аршак мамлакатларига етиб бориш мумкин. Турфондан Шимолий тоғ (Тангри тоғ) нинг жанубий этаги бўйлаб ғарбга юрилса йўл Сули (Қашқар)га олиб боради. Бу «Шимолий йўл» деб аталади. Ушбу йўл орқали Помир тоғларини ошиб ўтилса Фарғона, Кангкия ва Оурсу (Оврус, Янцай) давлатларига борилади» [19; 526-бет]. Вэй сулоласи тарихида ҳам айнан шундай фикр айтилганлигини учратиш мумкин. Чунончи, ушбу манбанинг «Ғарбий мамлакатлар» бобида қуйидагилар ёзилган: «Илгари ғарбий мамлакатларга борадиган икки йўл бор эди. Кейин йўллар тўртта бўлди. Илгариги йўлларнинг бири Юймэндан ўтгандан кейин кўчма қум орқали ғарб томонга 2000 ли (1000 км га яқин) юриб Пшамшанга етиб борадиган йўл эди. Иккинчиси Юймэндан ўтиб кўчма қум орқали ғарбга қараб 2200 ли юриб Чэшига (Турфон)¹ борадиган йўл эди. Биринчи йўл билан Шачэдан (Ёркент) ғарбга қараб 100 ли юрилса — Помирга, у ердан яна 1300 ли юрилса — Кабэйга (Ғарбий Помирдаги бирон бир жой бўлса керак) етиб бориш мумкин эди. Иккинчи йўл билан Шачэдан ғарбий-жанубий йўналишда 500 ли юрилса — Помирга, ундан кейин яна 1300 ли юрилса — Полуга (Жанубий Помирдаги жой номи) етиб бориш мумкин эди» [3; 8-жилд, 9696-бет].



Ушбу маълумотлар қадимги Буюк ипак йўли Такламакон чўли атрофидаги шаҳарлар, Помир тоғлари ва Ўзбекистон шаҳарлари орқали ўтганлигини аниқ кўрсатадиган энг қадимий ёзма

Олтой манзараси.
Шинжоннинг шимолий қисми.

¹ Турфон топоними хитой манбаларида ҳар хил транскрипцияланган. Масалан, мил. ав. ва мил. I—III асрларда Гуши, Чэши, VI—X асрларда Гаочанг, XIII—XVI асрларда Халахэчжа (Қорахўжа), XVII асрдан бошлаб Хуочжоу деб номланган [158; 130-бет].



маълумотлардир. Уларга қарши чиқиши мумкин бўлган биронта ёзма маълумот топилгани ҳам йўқ. Шунинг учун ушбу маълумотлар ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди.


Такламакон чўлининг жанубий ва шимолий томонидаги шаҳарлардан ўтиб, Помир тоғлари орқали Ўзбекистонга келадиган, сўнг ғарб томондаги мамлакатларга кетадиган йўл энг қадимий эканлиги бир қатор хитой олимларининг асарларида ҳам кўрсатилади. Масалан, Хитой тарихчиси Ли Мингвэй бизнинг имкониятларимиз доирасида бўлмаган бошқа манбаларга ҳам ишора қилган ҳолда «Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё қисми Хан даврида (хитойлар учун) очилган, шунда икки йўл бўлган, Тангритоғ (Тяньшан)нинг шимолий этаклари орқали ўтган йўл ушбу икки йўлдан кейин очилган бўлиб, у янги йўл ҳисобланади», [93; 97-бет] деб таъкидлайди. Ли Мингвэйнинг асарида баён этилишича, Суй сулоласи даврида (589–619) ёзилган «Ғарбий мамлакатлар географиясининг баёни» («Шиюй тужи») номли ноёб манбада ҳам қадимги Буюк ипак йўли ҳақида батафсил тўхталган. Ушбу манбада ёзилишича, Помир орқали Ўзбекистон ва атрофдаги қўшни давлатларга борадиган савдо йўли «Дуньхуандан бошланиб Ғарбий денгизга (Қора денгиз кўзда тутилган) боргунча уч йўлга бўлинган», деб кўрсатилган. Худди шунга ўхшаган маълумотлар бошқа хитой манбаларида ҳам учрайди.

Қадим замонларда Дуньхуан–Қашқар–Фарғона йўлида савдо ишлари билан шуғулланган туркистонликларнинг Такламакон чўлининг шарқий томонидаги Крурона, Чарқлиқ, Дуньхуан каби шаҳарларда фаол ҳаракатда бўлганлиги ҳам мазкур йўлнинг энг қадимий эканлигини кўрсатади. Келтирилган маълумотлар энг қадимги Буюк ипак йўли Ўзбекистон ҳудудидан ўтганлигини кўрсатиш билан бирга, ушбу йўл барча минтақалар доирасида шакланган савдо йўллари тизимини бир-бирига боғлаб турган магистрал йўл бўлганлигидан ҳам дарак беради.

Айнан шу йўл Ғарб билан Шарқ ўртасидаги асосий савдо йўли бўлганлигининг сабаби Ўрта денгиз атрофи, Месопотамия, Эрон ясси тоғлиги, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, ҳозирги Марказий Осиё давлатлари ва Хитой Халқ Республикаси ҳудудларида ташкил топган энг қадимий маданий марказлар ва давлатлар ушбу йўл орқали ўзаро боғланган. Булар орасидаги халқаро савдо, дипломатик ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун етарли талаб ва таклиф мавжуд бўлган. Акс ҳолда мазкур йўл магистрал савдо йўлига айланиши қийин эди.

Кушон давлати даврида, яъни милоднинг дастлабки 3 асри давомида Қашқар орқали Покистонга ўтиладиган йўл ҳам серқатнов бўлганлиги кузатилган. Бунинг сабаби, биринчидан, шу замонда Будда динининг Хитойда кенг тарқалишига кушонликлар катта ҳисса қўшган, иккинчидан, шу даврда мазкур диннинг маркази бўлган Гандҳара (Gandhar, санскритда Gandhavat, хитой манбаларида Гантоло, Жянтоло – Покистондаги Пешовар вилоятига тўғри келади) шаҳрини хитой роҳиблари томонидан зиёрат қилиш ишлари фаоллашган. Ҳозир бу йўл Қорақурум йўли, деб номланади. XX асрнинг 60-йиллари узоқ узилишдан сўнг ушбу йўлнинг қайтадан очилиши муносабати билан унда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу жараёнда Кушон подшолиги даврида йўл серқатнов бўлганлигини кўрсатувчи кўп тарихий ёдгорликлар ва ашғёвий далиллар топилган [100; 77-бет].

Яйловлараро ўтган шимолий савдо йўли. Сўнги йилларда рус тилида чоп этилган Буюк ипак йўли ҳақидаги бир қатор асарларда ушбу йўлнинг тарихига оид қизиқарли археологик ва бошқа турдаги маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга Фарб билан Шарқни боғлаб турган энг қадимги ипак йўли кўчманчи халқлар яшаган яйлов ва далалардан ўтган, деган фикр ҳам олға сурилади ва уни асословчи



Помир. Қорақўл манзараси.

маълумотлар ҳам келтирилади. Аммо кенг доирадаги маълумотларни чуқурроқ талқин қилиб кўрилса, бунга қўшилиш қийинлиги маълум бўлади.

Географик жиҳатдан Хитой, Ўзбекистон, Эрон, Туркия, Италия каби мамлакатларнинг шимолида бепоён далалар ва яйловлар кўп. Иқлим жиҳатдан улар қишда совуқ бўлса ҳам, ёзда салқин, серёмғир, серсув, чорвачиликка ниҳоятда қулай.

Бу ерда яшаган қадимги халқлар кўпроқ чорва билан шуғулланганлиги бежиз эмас. Археологик маълумотлар, қоя тошларга солинган суратлар ва ёзма манбалар ҳам ушбу далаларда бундан бир неча минг йиллар муқаддам чорвачилик билан шуғулланган халқлар яшаганлигини тўла тасдиқлайди.

Табий вазият ва ҳаёт тақозоси билан шимолий далаларда яшаган қадимги халқлар асосан от ва араваларда ҳаракат қилишган. Ушбу



ҳаракат воситалари узоқ масофага юк ташиш учун ҳам қулай бўлган. Монголия, Олтой, Шимолий Қозоғистон каби жойларда очилган қабрлар ичидан топилган ипак мато бўлаклари, мис ва жездан ясалган ойна, темир асбоблар ушбу минтақаларнинг Хитой ва Ғарб мамлакатлари билан алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Шунинг учун юқорида кўрсатилган мамлакатлар шимолидаги яйловлар ва далалар орқали Хитой билан Европани улаб турган қадимги савдо йўли бўлган дейиш асослидир. Хитой адабиётида ушбу қитъалараро йўл «яйловлар йўли» («Цавюан лу») деб аталади. Айрим муаллифлар уни «яйловлараро ипак йўли» («Цавюан сичоу чжилу») деб ҳам атайдилар. Ушбу йўл ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга [123; 9–19-бетлар]. Олимларнинг тахминига кўра, милоддан олдинги бир неча аср давомида Европа мамлакатларида пайдо бўлиб қолган Хитойнинг ипак матолари маълум миқдорда «яйловлараро ипак йўли» орқали бориб қолган. Ушбу фикрга тўла қўшилиш мумкин. Зеро, бундан 3–4 минг йил муқаддам Монголия ҳудуди, Хэши коридори, Олтой ва Тангритоғ атрофларидан бошлаб, Қора денгиз бўйларига қадар бўлган жойларда бир қатор кўчманчи халқлар яшаганлиги маълум. Улар савдо билан шуғулланмаган деб бўлмайди. Қолаверса, энг қадимий хитой манбаларида ҳам чорвадор халқлар ўзларининг маҳсулотини ипак матоларига айирбошлаганлари ҳақида қўп маълумотлар учрайди [123; 22–33-бетлар]. Чорвадор халқлар Хитойга қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ҳам олиб бориб, улар эвазига ипак матолари сотиб олганлигига оид маълумотлар ҳам йўқ эмас. Бундай маълумотлар ҳам яйловлараро ўтган савдо йўллари орқали иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлигини кўрсатади. Шу боис ушбу йўлни ҳам ипак йўли деб атаса хато бўлмайди. Аммо яйловлараро ўтган йўлни Буюк ипак йўлининг асосий магистрал йўналиши деб айтиш мумкин эмас. Бинобарин, ушбу фикрни кўшгина хитой тарихчилари, жумладан «яйловлараро савдо йўли» бўйича махсус тадқиқот олиб борган Лю Йингшэнг ва бошқалар қўллаб-қувватлайди.



Буюк ипак йўли шахобчаларидан.

Масалан, Лю Йингшэнг ўзининг ипак йўлига бағишланган китобида «Ипак йўли деганда шарқда бизнинг давлатимиздан бошлаб, ғарбда

Такламакон ёдгорликлари

Такламакон ёдгорликлари — Такламакон чўлидан топилган қадимий ёдгорликлар. Қум босган кўплаб кўҳна шаҳар харобалари аниқланган. 1979 йил Лобнор кўли яқинидан оқувчи Кунчи дарёси бўйида бундан 5—6 минг йил илгари яшаган одамларнинг қабри топилган. Жасадлар бошига учли кигиз қалпоқ кийгизиб қўйилган, улар юнгдан дағал тўқилган мато билан ўралган. Қабрдан, шунингдек, палос-гилам, кигиз, териға ишлов бериб қилинган этик нусхалари, нафис тўқилган саватлар ва улар ичидан чиққан буғдой донлари топилган. Топилмалар Такламакон чўли атрофида қадимда анча юксак маданият, хусусан, хунармандчилик ва деҳқончилик ривож топганлигини кўрсатади. Жасадлар махсус асбоблар ёрдамида Нанжин ш. (ХХР)да текишириб кўрилганда улардан энг қадимийларининг ёши 6 минг йилдан ошганлиги аниқланган. Айрим жасадларнинг нафақат териси, балки ички аъзолари ҳам яхши сақланган; ҳатто кичик томирлари микроскоп ёрдамида текиширилганда, унда ёғ ва тери безлари аниқ кўринган. Жасадлар орасида «Крурона гўзали» номини олган ўрта ёшли аёл жасади алоҳида эътиборга молик. Япония олимлари жасад асосида унинг асл қиёфасини тиклашган.

Шимолий Африка ва Европагача борадиган қадимги савдо йўли кўзда тутилади», деб ёзади [100; 19-бет]. Бошқа бир муаллифлар — Янг



Лобнор кўли яқинида топилган қадимги қабристон (мл. ав. XX аср).

Жяншин ва Лу Вэй: «Ипак йўлининг бошланиш нуқтаси Хитойдаги Чангъан шаҳри бўлиб, у Лунгси баландлиги, Хэши коридори, Шиюй (ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор ўлкаси) орқали ўтиб, Ўрта Осие, Жанубий Осие, Ғарбий Осие ва Европани бир-бирига улаб турадиган ер юзидаги магистрал йўл ҳисобланади», деб таъкидлайдилар [165; 108-бет]. Ушбу фикрнинг тўғри эканлигини мазкур ҳудудларда топилган ашъвий далиллар ва энг қадимий ёзма манбалар тўла тасдиқлайди.

ҚАДИМГИ ҚАРВОН ЙЎЛИНИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ДЕБ АТАЛИШИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, қадимги қарвон йўли яқин даврдан Буюк ипак йўли, деб атала бошланган. Шунинг учун ҳам узоқ ўтмишда битилган хитой манбаларида «Ипак йўли» («Сичоу чжилу») атамаси учрамайди. Бинобарин, нега мазкур йўлни бундай ном билан аташ ҳаммага маъқул бўлди ва бу атама тезда жаҳон адабиётига сингиб кетди, деган масала ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, аввало ипак маҳсулотининг ипак йўлидаги бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган халқаро савдода тутган ўрни қандай бўлганлигини тилга олмай бўлмайди.

Қадимги хитой манбаларида ипак қуртини боқиб, ундан ҳосил бўлган пилладан ип чиқариш ва мато тўқиш ҳақида кўп ривоятлар келтирилади. Ушбу ривоятлар олимлар ўртасида турли фикр-мулоҳазалар ва тахминлар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Кейинги пайтда археологлар топган ашёвий далиллар бу ривоятлар илмий хулоса чиқаришга тўла асос бўла олмаса ҳам уларни инкор қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Аммо ёзма манбалардан маълумки, суяк ва тошга ўйиб ёзилган илк ёзувлар (жягувэн) 4 минг йиллик тарихга эга. Ана шу ёзувларда ипак қурти ва ипак ипи каби сўзларни учраши [150; 35-бет] пиллачиликнинг тарихи анча қадимий эканлигини кўрсатади. Ёзма манбалардаги маълумотларга қўра, ипак ипидан тўқилган матоларни бўяш санъати илк бор Фарбий Чжоу (Ши Чжоу) давлатида пайдо бўлган. Шу замонда ёзилган битикларда «сюаний» (қизғиш қора рангли кийим), «чифу» (қизил яктак) каби атамаларнинг учраши ва ушбу кийимлар Чжоу ҳукмдорлари томонидан меҳмонларга ва қўл остидаги амалдорларга совға сифатида берилганлигининг акс эттирилиши бунинг мисолидир. Чжоу мамлақатида қизил ва қора ранглар осмон ва ер белгиси сифатида ишлатилган ҳамда унга катта ҳурмат ва эътиқод билдирилган [150; 40-бет]. Чжоу давридаги бўёқлар, асосан, қизил, қора, оч қизил, қизғиш қора каби ранглардан иборат бўлган. Қадимда «сюан» сўзи тўқ қора ранг — осмон ва шимол томон маъносида ишлатилганлиги хитой тили ёзувининг катта лугатида ҳам айтиб ўтилган [121; 1-жилд, 280–281-бетлар]. Юқорида таъкидланганидек, Чжоу авлоди, асосан, ҳозирги Шэньси ўлкасининг фарбий ва Гансу ўлкасининг шарқий қисмларида истиқомат қилган бўлиб, улар туркий халқлар ёрдамида кучайиб боришган.



Илк бор пиллачилик Хитойнинг қайси ўлкасида пайдо бўлган деган масалада айни пайтда уч хил фикр мавжуд. Буларнинг бирига кўра, ипак қурти боқиш биринчи бўлиб Хуанхэ дарёси соҳилларида, иккинчисига кўра, Жанубий Хитойдаги Янцзи дарёси (Чанцзян) бўйида, учинчисига кўра, бир вақтнинг ўзида бир қанча ҳудудда пайдо бўлган [150; 27-бет; 100; 1-бет]. Булардан ҳақиқатга яқинроғи учинчи фикр деб ўйлаймиз. Чунки тут дарахти Хитойнинг бир вилоятида эмас, балки бир қанча вилоятида ўсган. Шунингдек, ипак қуртининг асосий озиғи бўлган ушбу ўсимлик Хэши йўлагига, Такламакон воҳасида ва Помирнинг ғарбий томонидаги бир қатор жойларда ўсган. Шу ерларда ҳам бундан бир неча минг йил олдин ипак қурти мавжуд бўлган бўлиши керак.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозир ипак маҳсулотини экспорт қилишида Хитой Халқ Республикаси биринчи ўринни қўлдан бермай келмоқда. ХХРнинг йиллик экспорт ҳажми дунё бозорларида сотилаётган ипак маҳсулотининг 90% ни, тоза ипак маҳсулотининг 45% ни ташкил қилмоқда [150; 497-бет]. Сўнгги йилларда ипакдан тўқилган ва ипак матоларидан тикилган кийим-кечак ХХР томондан экспорт қилинаётган моллар орасида алоҳида ўрин тутади. Бундан олинаётган даромад ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

ХХРда ишлаб чиқарилган ипак маҳсулотининг нархи нисбатан арзон. Чунинчи, ипакдан тикилган бир хил кийим нархи Жанубий Кореяда 15 америка долларига тенг бўлса, Хитойда сотиладиган нархи 8 америка долларига тенг келади. Америка бозорларида айрим ҳолларда ипакдан қилинган матолар ва кийим-кечаклар пахтадан қилинганларга нисбатан арзон сотилиши кузатилмоқда.

Хитой адабиётларида пиллачилик даставвал бундан 4–5 минг йил муқаддам Хитойда пайдо бўлган, кейин Туркистон ва Европа мамлакатларига тарқалган, деб ёзилади. Бунинг исботи учун бир нечта маълумотлар келтирилади. Масалан, 1958 йилда Чжэяннинг вилоятининг Усин ноҳияси ҳудудида топилган ер ости қазилма буюмлари орасида ипак ип, белбоғ ва мато бўлаги ҳам бўлган. Ҳозирча улар ХХР ҳудудида топилган энг қадимий ипак маҳсулотлари ҳисобланади. Ушбу мато бўлагини олимлар томонидан атрофлича ўрганиш натижасида маълум бўлдики, у мил. ав. XXVII асрда, яъни бундан 4700 йил олдин тўқилган экан. Илмий тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ушбу мато бўлаги уйда сунъий равишда боқилган пиллани юқори ҳароратли сувда ивитиш асосида олинган



толалардан тўқилган [150; 27-бет; 100, 1-бет]. Шунга ўхшаган ипак мато бўлаги Хучжоу вилоятида ҳам топилган [150; 27-бет]. Мазкур маълумотлар асосида олимлар фикри ҳам ўзгармоқда. Илгари Хитой олимлари орасида пиллачилик фақат Хуанхэ дарёси бўйларида пайдо бўлган, деган қараш ҳукмрон эди. Кейинроқ ушбу дарёнинг жанубидаги вилоятларга тарқалган, деган фикр юзага келган. Юқорида айтиб ўтилгандек, бундан 4–5 минг йил илгари ушбу дарё бўйларида, айниқса унинг ўрта ва юқори қисми соҳилларида туркий халқлар яшаган. Хитойлар эса мазкур дарёнинг қуйи оқими жанубида яшашган. Бу ҳолда Хуанхэ дарёси бўйидаги ипакчилик маданияти хитой (хан) этносига тегишли бўлмай қолади. Эҳтимол бу ҳолат қадимда пиллачилик илк бор Янцзи (Чанцзян) дарёси бўйида пайдо бўлган [150; 27-бет], деган фикрнинг юзага келишига сабаб бўлгандир.

Ёзма манбаларда ипак қуртини сунъий ҳолатда боқиш ҳақидаги маълумот илк бор «Сяларга оид қисса» («Ся сяочжэн») номли хотирада учрайди [100; 2-бет]. Ушбу хотира эса мил. ав. битилган (аниқ вақти номаълум). Мил. ав. XVIII–XVII асрларда мавжуд бўлган ва юқорида тилга олинган Шанг ҳокимлиги даврида суякка ўйиб ёзилган хотираларда эса ипак қурти, тут дарахти ва мато тўқиш асбобларини ифода қилувчи иероглифлар учрайди [100; 2-бет]. Мил. ав. 1766–1122 йилларда Хитойда пилла боқиш ишларини бошқарувчи амалдорлар бўлганлиги ҳам қадимий хитой манбаларида тилга олинган. Бундай амалдорлар «дянси» («ипак бошқарувчиси ёки назоратчиси») деб аталган. Шу замонда ишлаб чиқарилган ипак матоларининг турлари ҳам анча кўпайганлиги ушбу манбаларда кўрсатилган бўлиб, улар ичида кенг тарқалганлари «сээнг», «жин», «су», «лян», «ша» («са»), «жюн», «чи», «лў» деб аталган. Тўқилган ипак матолар «хом», «пиширилган», «бўялмаган» ва «бўялган» ёки «гулик» каби турларга бўлинган [100; 3-бет]. Рангли ипак матолар тайёрлашда қўлланган услублар ҳам юксалган. Айниқса, рангли ипак мато тўқишдан олдин ипак ишларни керакли рангларда бўяш услуби кенг тарқалган [100; 4-бет]. Бундай услуб билан тўқилган ипак матолар нафис, юмшоқ ва ялтироқлиги билан фарқ қилган.

Ўзбекистонлик археолог-тарихчи олим, академик А.Асқаров Ўрта Осиё худудидаги Сополитепа, Кўлбулоқ, Жойгун, Бама, Найзатепа каби жойларда

Тошмунчоқ. Сополитепа (Сурхондарё). Мил. ав. XVII– XVI асрлар.

Жез даври буюмлари: сопол идишлар. Жарқўтон (Сурхондарё).





очилган ва мил. ав. XVI—XVII асрга таалуқли бўлган қабрлардан пилла, ипак матолар бўлаклари, ипак мато тўқийдиган дасттоҳлар топилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтиради. Бундай топилмалар Панжикент ва Ўратепа (Тожикистон), Тўғлоқдепа (Туркменистон) каби жойларда ҳам топилган. Ўзбекистон ҳудудида топилган ипак мато бўлаклари Тошкент тўқимачилик институтида янги замонавий техника ва услублар асосида атрофлича ўрганилиши натижасида булар Хитойдан олиб келинмай, балки Ўзбекистонда тўқилган матолар эканлиги аниқланган. Айрим жойларда тут ёғочи бўлаклари ва тут барги ҳам топилган [40; 133—134-бет; 45; 126-бет; 53; 16—17-бет]. Қолаверса, географик жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ҳудуди тут дарахтларининг ўсишига мос келади. Қўл хунармандчилиги маданияти нуқтаи назардан олиб қараганда ҳам, Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ҳудуди бундан 4—5 минг йил аввал юксак ривожланишга эга бўлган. Ушбу ҳудуд аҳолиси ўша замонларда пахтадан ва жундан ҳам сифатли матолар тўқишган.

Кейинги йилларда ХХРда пахта чиқиндисидан линтдан сунъий ипак толаси ишлаб чиқариш саноатини сифат ва ҳажм жиҳатидан ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабдан ХХРнинг линтга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бормоқда. Бу борада айтиб ўтмоқ жоизки, гарчи ХХР Ўзбекистондан 2 баробар кўп пахта толаси (4,5 млн. тоннага яқин) ишлаб чиқарса ҳам, Ўзбекистондан ва пахта экадиган қўшни давлатлардан линт сотиб олишга қизиқиб келмоқда. Зеро, айни пайтда, ипак маҳсулотининг таннархини пасайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини ошириш экспорт ҳажминини кўпайтиришнинг асосий мезони бўлиб қолган.

Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудида топилган ашъвий далиллар асосида ўзбек олимлари пиллачилик Туркистонда ҳам мустақил ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган, деган фикрга келишган [40; 133—134-бетлар; 45; 126-бет; 53; 16—17-бетлар]. Ўзбекистоннинг жуғрофик шароити, иқлими, тут дарахтининг қадимдан ўсиши, бир неча минг йил давомида маҳаллий шароитнинг ўзгармаганлиги бу фикрнинг асосли эканлигини кўрсатади. Фақат масала бошқача қўйилиши мумкин, пиллани сунъий шароитда, яъни уйда боқиш технологияси эҳтимол Хитойда биринчи марта пайдо бўлган бўлиши мумкин. Чунки қадимда Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатлар ҳудудига нисбатан Хитойга ўхшаган сернуфусли ва ер танқис бўлган мамлакатда пиллани сунъий услуб билан кўпайтириш зарурияти каттароқ бўлган.


Хитой олимлари Хитойнинг пиллачилиги 5 минг йиллик тарихга эга, ипак толасидан мато тўқиш илк бор Хитойда пайдо бўлиб, сўнгра гарбий қўшни давлатларга, кейинроқ Европага тарқалган, деб ҳисоблайдилар. Ушбу фикрга эътироз билдириш ёки унинг қайси даражада асосли ёки асоссиз эканлигини аниқлаш мазкур китобимиз вазифаси доирасига кирмайди. Аммо, академик А. Асқаров раҳбарлигида топилган ашёвий далиллар ва Тўқимачилик институтининг ипакчилик кафедрасида бажарилган илмий тадқиқотлар натижасини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, Хитой ҳудудида топилган пиллачиликка доир ашёвий далиллар бир вақтнинг ўзида Туркистон ҳудудида ҳам пиллачилик мустақил ҳолда пайдо бўлган бўлиши мумкин деган фикрни бутунлай инкор этишга асос бермайди.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг олиб борилаётган археологик тадқиқотлар янги натижалар бермоқда. Эҳтимол, яқин орада бу борада янги маълумотларга эга бўлармиз. Шунинг учун биз бу масала устида батафсил тўхтамаймиз. Аммо айтиб ўтиш жоизки, илмда бир-бирига зид фикрлар мавжуд экан, демак мунозара давом этади ва бу масала устида янги тадқиқотлар юзага келади, ҳақиқат барқарор топади.

Нима учун қадимда айнан Хитойда ипакчилик тез ривожланган деган савол ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бунинг, албатта, маълум сабаблари бор. Маълумки, бундан 2–3 минг йил муқаддам Хитой маданиятининг асоси Хуанхэ дарёсининг ўрта қисми соҳиллари ва унинг жанубидаги вилоятларда шаклланган. Бу жойнинг иқлими илқ, 4 фасл бир биридан сезиларли фарқ қилган, ерлари серсув, деҳқончиликка мос, аҳолиси зич бўлган. Мил. ав. III асрда майда хонликларга ёки ҳокимликларга бўлинган Хитой (Чжунго — марказий давлат маъносини билдиради) биринчи марта Чин Шухуангди бошчилигида ягона давлатга бирлаштирилганда хитойларнинг сони 60 млн.ни ташкил этган. Ер кам, аҳоли зич жойлашган бир вазиятда чорвадорлик билан шуғулланиш мумкин эмас эди. Мавжуд шароит аҳолининг меҳнат фаолиятини катта меҳнат эвазига дон ҳосилдорлигини кўпайтиришга, ҳунармандчиликка ва бошқа даромад манбаини излашга мажбур қилар эди. Ариқ бўйларига ва экин ерлар атрофига тут дарахтларини экиш, улар асосида пиллачилик билан шуғулланиш ана шундай даромад манбаларидан бири бўлган. Қолаверса, сарой аҳли, бойлар ва савдогарларнинг кийиниши ва уй буюмлари учун асосан ипак матолари ишлатилган. Ипак матоларидан фойдаланиш қўшни халқларда ҳам кенг одат тусига кирган. Шу сабабли кўп нуфусли Хитойда ипакка бўлган талаб ниҳоятда катта бўлган. У замонларда хитойлар ҳали



Жездан ясалган тоғ архари ва одам ҳайкалли қуйма соч тутгич. Сополлитепа (Сурхондарё).



Жарқўтон оташкадаси. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2 яри (Сурхондарё).



пахта билан таниш эмас эдилар. Пахтадан қилинган матолар Марказий Осий мамлакатларидан келтирилар эди. Пиллачиликдан келган даромад ерсизларни жалб этадиган муҳим омилга айланган.

Хитойнинг иккинчи марта бирлашиши асосида ташкил топган Хан империяси (Фарбий Хан — мил. ав. 206 — мил. 08) даврида пиллачилик билан шуғулланиш кенг тарқалган бўлиб, бу соҳада айниқса Шандун, Сичуань вилоятлари илғор бўлган. Давлат хазинасига тушадиган даромаднинг катта бир қисми пиллачиликка асосланган. Шарқий Хан империяси даврида (мил. 25—220) пиллачилик билан шуғулланувчи вилоятларнинг доираси яна ҳам кенгайган бўлиб, Хэбэй, Хубэй, Хунан, Гуандунг каби ўлкалар асосий ипакчилик ҳудудларига айланган. Мил. III асрда Янцзи дарёси жанубидаги ўлкаларда ҳам пиллачилик ривож топган.

Мил. ав. II ва мил. II асрларда Хитойда тўқиладиган ипак матоларнинг сифати, нафислиги анча юксак даражага етган. Айни замонда мато тўқиш учун ишлатиладиган ипак ипнинг қалинлиги 0,02—0,03 мм ни ташкил этган. Шу даврда Ҳиндистонда мато тўқиш учун ишлатиладиган ипак ипнинг қалинлиги 0,08—0,09 мм дан иборат бўлган. Хитой олимларининг фикрича, бунинг сабаби, Ҳиндистонда уйда пилла боқиш ҳали одат тусига кирмаган, ишлатиладиган ипак ип ёввойи пилладан олинган. Бундай ипдан тўқилган мато ўзининг чидамлилиги ва ялтираши билан фарқ қилганлиги сабабли маҳаллий халқ уйда пилла боқишга қизиқмаган. Хитойда бунинг акси кузатилган. Айни шундай ҳолатни Хитойда ҳозирги даврда ҳам кузатиш мумкин. Қишлоқ аҳолиси учун пиллачилик билан шуғулланиш сердаромад ишлаб чиқариш соҳасига айланган.

XXР нафақат ипак маҳсулотини ишлаб чиқаришда, балки улардан фойдаланишда ҳам дунёда биринчи ўринда туради. Айниқса шаҳарларда ва миллий мухтор ўлкаларида ипак матоларидан кийим кийиш, рўмоллар ва гиламлар тўқиш кенг тарқалган. Кейинги йилларда ипакдан дераза пардалари, дастурхон, уй жиҳозлари учун турли қопламалар тўқиш авж олмоқда. Зеро қундалик ҳаёт учун ипак гиламлардан ва ипак матолардан тикилган уй буюмларидан фойдаланиш бойлик белгисига айланиб қолган. Ўзбекистон атласларидан фойдаланиш фақатгина Шинжон-Уйғур мухтор районининг маҳаллий аҳолиси орасида кенг тарқалган.

Мутахассисларнинг фикрича, бундан кейин ҳам XXРда ипак маҳсулотига бўлган эҳтиёж тобора ортиб боради. Бу ҳол Хитойнинг ипак маҳсулоти экспортининг камайишига олиб келибгина қолмасдан, балки импортини кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Буюк ипак йўли қачон пайдо бўлган, деган савол ҳамон тадқиқотчиларни ўйлантириб келмоқда. Бинобарин, мазкур йўлнинг ёшини аниқлаш мураккаб масала. Айрим тадқиқотчилар хитой манбаларига ишора қилиб, ушбу йўл мил. ав. II асрда очилган, деб айтишади. Биз бу фикрни тўғри деб айтолмаймиз. Фикримизча, Буюк ипак йўли камида 3–4 минг йиллик тарихга эга. Бунинг далили сифатида айрим маълумотларга мурожаат қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Даставвал ана шу ишора қилинган хитой манбаларига синчиклаб эътибор бериб кўрайлик. Мил. ав. II асрдан кейин битилган хитой манбаларида «Илк Хан» империяси («Чян Хан» — мил. ав. 206 — мил. 08) элчиси Чжанг Чянинг¹ Фарғонага (Дайюан; ҳозирги талаффузда Даван), сўнгра Кангкия (Кангжюй) мамлакатига бориб келишидан олдин ушбу давлатлар ва уларга борадиган йўл ҳақида аниқ маълумотлар йўқ эди [78; 97-бет]. Хитойлар фақат ўзларининг шимолий ва ғарбий томонидаги ён қўшнилари яхши билишар эдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, Хитойда тарқоқлик ва ўзаро урушлар тугаб, илк бор марказлашган давлат қурилгунга қадар, унинг ғарбий ва шимолий томонида яшаган туркий халқлар марказлашган давлат тизимига эга эди. Мил. ав. III асрнинг ўрталарида ташкил топган Хун² давлати ана шулар жумласидандир. Мил. ав. II асрда ушбу давлат кучайиб, империяга, яъни хоқонликга айланди. Шунда унинг таъсир доираси шарқда Корея ярим оролигача, ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Ҳимолай тоғлари, Амударёнинг шимолий ҳудудларигача етиб борди. Хитойлар билан хунлар чегараси Буюк Хитой деворидан ўтган. Шу даврда Ғарб билан Хитойни боғлаб турган барча савдо йўллари хунлар назоратига ўтди. Шундан кейин Хун хоқонлиги Ғарбий Хан империясининг шимолга ва ғарбга қараб кенгайиш йўлини тўсиб қўйди. Хитой хоқонлари хунлар билан улар

¹ Чжанг Чянинг исми рус адабиётида Чжан Цянь деб ёзилади, лекин кейинги даврда нашр этилаётган ўзбек тилидаги китобларда «Чжан Цян» ёзилмоқда [37; 237–238-бетлар]. Ўзбекчада Чжанг Чян (Zhang Chian) ёзилса тўғри бўлади.

² Хун (хитой манбаларида сюн, сюнон, сюнну, рус адабиётида хунну, гуннў, юнон тилида Ниппои, лотин тилида Chinni) — бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд бўлган ва хитой манбаларида туик, тиук (ҳозирги талаффузда ди) номланган қадимий туркларнинг бир қисми бўлиб, улар Ордос яйловлари ва унинг атрофидаги жойларда яшаган. Хитойлар эса уларнинг жанубий қўшниси бўлган.

ҳудудидан ўтадиган савдо йўллари нозорат қилиш имкониятига эга бўлишган. Ҳунлар кучайишидан аввалги бир неча аср давомида Қадимги Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонидаги катта ҳудудни (Торим воҳаси, Хэши йўлаги ва Ордос яйловларини) шу даврда йирик кучга айланган ва Хитойга қўшни бўлган Рузие (ЮЭжи) давлати¹ нозорат қилиб турган. Рузиеликлар рухсатсиз ҳеч ким хитойлар юртига боролмаган [97; 6–7-бетлар].

Иккинчидан, хитой халқи ўзлари яшаган жойнинг табиий шароитига мослашган ҳолда деҳқончилик билан шуғулланишганлиги сабабли Хитойнинг ғарбий томонидаги чўллардан ўтиш учун уларда от ва туялар бўлмаган. Ҳунларда эса, аксинча, чорвачилик муҳим роль ўйнаганлиги сабабли уларда ҳаракат воситалари етарли бўлган. Шунинг учун ҳам Чжанг Чянгача бўлган даврда Хитойга Буюк ипак йўли билан бориб савдо-сотиқ қилганлар Марказий Осие халқларининг вакиллари бўлган. Хитойлар юэжилар ва ҳунлар нозоратидаги ерлардан ўтолмаган.

Ҳақиқатан ҳам, хитойлар учун ушбу йўлни биринчи бўлиб босиб ўтган шахс Чжанг Чян ҳисобланади (у ҳақида китобнинг алоҳида бобида тўхтаб ўтилган).



Хитой адабиётидаги Буюк ипак йўли чизма-харитаси.


¹ Ҳозирги хитой тилида «юэжи» деб ўқилган икки иероглиф қадимги талаффузда «рузие», деб ўқилган. Шунинг учун ушбу китобда атаманинг қадимги ўқилиши қўлланди. Рус тилидаги тарихий адабиётда «юэжи» атамаси этноним сифатида ишлатилади. Аксарият хитой луғатларда юэжи давлат номи эканлиги зикр этилган. Масалан, 1930 йилда Шанхайда нашр қилинган «Хитойнинг қадимги даврдан ҳозиргача бўлган ер номи катта луғати»да «Юэжи қадимги давлат номи. У қадимда Гансу ўлкасининг ғарбий ҳудудида жойлашган эди. Хан даврида (мил. ав. 206 – мил. 8 йилларида мавжуд бўлган Илк Хан давлати) ҳунлар томонидан тор-мор қилинган. Шундан кейин унинг аҳолиси Амударё бўйларига кўчиб кетган», деб баён этилган [132; 157-бет]. 1986 йилда Чэнду (Сичуань ўлкаси маркази) шаҳрида нашр қилинган кўп жилдли «Хитой тили ёзуви катта луғати»да «Юэжи Хан даврида Ғарбий мамлакатларда (Шиюй) мавжуд бўлган давлат номи» деб кўрсатилган [121; 3-жилд; 2130-бет]. Айнан шундай кўрсатма 1980 йилда Пекинда қайта нашр этилган 4 жилдли «Сўзлар этимологияси» энциклопедик луғатида ҳам ёзилган [126, 2-жилд; 1472-бет]. «Юэжи» атамаси дастлабда давлат номи бўлганлиги ва у кейинги даврларда этнонимга айланганлиги қадимий хитой манбаларида ҳам баён этилган.



Хитой манбаларини синчиқлаб ўрганганимизда шуниси маълум бўладики, Чжанг Чяннинг Туркистонга қилган икки сафари нафақат хитойлар учун мазкур минтақага йўл очиб берган, балки Хан империясига Буюк ипак йўлини ҳунлардан тортиб олишга замин яратган. Шунга асосланиб хитой тарихчилари Чжанг Чян Марказий Осиёга (Шиюй) йўл очди, деб таърифлайдилар. Аммо буни тўғри тушунмоқ лозим. Мазкур маълумотга кўра, ипак йўли хитой элчисининг фарбга қилган сафари билан очилган, ундан аввал у йўл йўқ эди, деб айтиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Бинобарин, хитой элчисининг Фарғонага боришидан кўп асрлар муқаддам Марказий Осиё мамлакатларидан, жумладан ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасидан Хитойга турли моллар олиб борилган. Бу ҳақда хитой манбаларининг ўзида кўп маълумотлар мавжуд.

Масалан, Қадимги Хитойнинг ғарбий томонидаги мамлакатлардан, хусусан ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасининг жанубий қисмида жойлашган Хўтан вилоятидан Хитойга кўп миқдорда нефрит (уйғур тилида ёзилган асарларда қош тоши) ва улардан ясалган идиш-товоқлар, тақинчоқлар, турли зебу-зийнат буюмлари олиб борилган. Зеро, ушбу буюмларга талаб Хитойда катта бўлган.


Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга кўра, мазкур буюмлар Хўтандан Хитойга хитойлар томонидан эмас, балки Марказий Осиё халқлари вакиллари томонидан олиб бориб сотилган ёки совға қилинган [78; 97-бет]. Хитой манбаларида яна шундай маълумотлар учрайдики, мил. ав. XVIII–XII асрларда мавжуд бўлган Шанг ва Ин хонликларида



Хўтандан олиб келинган ҳар хил рангли нефрит тошларидан ясалган рўзгорда ишлатиладиган турли идиш-товоқлар, тақинчоқлар, нефрит билан безатилган асбоблар каби нарсалардан фойдаланиш урф-одатга айланган. Ўша даврдаги анъанага кўра, хитойлар, айниқса бойлар учун нефритдан ясалган нарсалар ниҳоятда азиз ҳисобланган бўлиб, улар бойлик даражасини белгилаш мезонига айланган.

Сўнгги 30 йил давомида ХХР археологлари томонидан Қадимги Хитойнинг ҳар хил вилоятларидан топилган ашёвий далиллар ушбу фикрни тўла исботлайди. Чунончи, 1976 йилда Хэнан ўлкаси Анъянг вилоятида жойлашган Ин хонлиги ҳукмдори У-дининг канизаги Фу Хао қабри хитой археологлари томонидан очилганда, унинг ичидан қош тошидан ясалган буюмлар кўп топилган. Чунончи, 1928 та буюмдан 756 таси оқ, қора, яшил, новвотранг ва сариқ рангли қош тошларидан ниҳоятда юксак усталик билан ясалган буюмлар ва тақинчоқлар бўлиб, уларнинг кўп қисми Хўтандан олиб келинганлиги аниқланган [165; 2-бет]. Шундан маълум бўладики, бундан 3,5 минг йил муқаддам Хитой билан Хўтан орасида савдо йўли мавжуд бўлган. Акс ҳолда Хўтанда чиқадиган нарсалар қадимий хитой юртларида бўлиши мумкин эмас эди.

Ушбу фикрнинг исботи бир қанча қадимий битикларда, хусусан «Тоғ ва денгизлар баёни» («Шанхай жин»), «Тангри фарзанди Му ҳақида қисса» («Му тянзи жуан») да ҳам учрайди (бу ҳақда китобнинг махсус бобида тўхтаб ўтилади).



Сопол идишлар ва олтин зирак.
Кумул вилоятидан топилган (мил.
ав. XII–X асрларга оид).

Қимматбаҳо тошлар ўрнатилган
олтин зирак (мил. ав. XII–V
асрларга оид). Такламакон
чўлининг шарқий қисмидан
топилган.





Шарқий Туркистон ҳудудида ҳам мил. ав. IV—III асрларга оид бўлган қабрлар ичидан Хитойда лақдан¹ ясалган ликопча, жез ва бошқа металлдан ясалган кўзгулар топилган. Ушбу ашёвий далиллар ҳам Чжанг Чянгача бўлган давр давомида Қадимги Хитойдан ғарб томонга қараб юриладиган йўллар мавжуд эканлигини кўрсатади.

Мил. ав. IV—III асрларда Қадимги Хитой ипак матоларининг Ҳиндистон ва Европа мамлакатларида кенг тарқалиши ҳам Чжанг Чяннинг Фарғонага боришидан аввал Хитойдан Жанубий Осиё ва Европа мамлакатларига Ўзбекистон орқали ўтадиган қадимий савдо йўли бўлганлигидан далолат беради.

Искандар (Искандар Мақдуний, Александр Македонский — мил. ав. 356—323) қўшинлари Ҳиндистонга юриш қилганда унинг одамлари мазкур мамлакатнинг шимоли-ғарбий вилоятларида енгил ва юмшоқ ипак матоларини кўришган. Шунда уларга ушбу матолар маҳаллий халқ томонидан тўқилган деб айтишган. Аммо хитой олимлари бу пайтда ҳиндистонликлар ипак мато тўқишни билмаганлар деб ҳисоблашиб, Искандар одамлари кўрган ипак матолар Хитойдан олиб борилган бўлиши керак, деб ҳисоблашмоқда [123; 12-бет]. Ҳиндистон манбалари ва тарихчи олимларнинг тадқиқотларини ўрганмай туриб хитой олимларининг хулосалари қайси даражада асосли эканлигига

Или водийсидан топилган мил. ав. даврга оид архар ҳайкали (бронзадан ясалган).



Туя ва арслон шаклидаги олтин безаклар (мил. ав. III—II асрларга оид). Торим воҳаси.



¹ Ёғоч, сопол ва бошқа нарсалардан ясалган буюмларни бўяш ва ялтиратиш учун ишлатиладиган ҳамда тез қурийдиган рангсиз ёғсимон елим (смола). Хитойда лакни қолип устига қўп марта суриб қуриштириш асосида идиш-товоқлар ясалган. Бундай идишлар енгил ва осон синмайдиган, ранги оч жигарранг бўлган.



баҳо бериш қийин. Аммо Хитойдан Ҳиндистонга ипак матолари олиб борилганлиги ҳақиқатга тўғри келмайди, деб ҳам айтиб бўлмайди.

Хитой олимларининг асарларида ёзилишича, мил. ав. IV асрда Хитой матолари Ҳиндистонда ва Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Ҳиндистонда ушбу матолар «чайна патта» («Sina patta»), деб аталган бўлса, Европа мамлакатларида «сер» («ser») деб номланган. Ипак етиштирадиган мамлакат эса «Серика» дейилган. Аммо «Серика» деб қайси мамлакат аталганлиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Хитой олимларининг кўпчилиги «Серика» деб Хитой аталган, деган фикрни маъқуллашса, айрим хорижий мамлакатлар олимлари мазкур ном билан Қашқария (Торим воҳаси ёки Хўтан, Ёркент, Қашқар, Кучар каби шаҳарлар) аталган дейишади [169; 37–38-бетлар]. Юнон олимларининг ёзишича, Серика деб аталган мамлакат ҳудудидан Ойхарт дарёси ўтган [44; 8-бет]. Ушбу дарё ҳозирги Торим дарёси эканлигини ҳисобга олинса, бу ерда «Серика» деб аталган мамлакат ҳақиқатдан ҳам Қашқария бўлиб чиқади.

Мил. ав. V асрнинг охирида Юнонистонда ипак матодан узун қилиб тикилган ва кийим устидан кийиладиган либос удум бўлиб, у маҳаллий тилда «Аморгиам» («Amorgiam») деб аталганлиги маълум. Мазкур либосни тикиш учун ишлатилган ипак мато «Аморгис» («Amorgis»), деб аталган. Рим олими Г. Плинийнинг «Табиат тарихи» асарида ёзилишича, унинг юртида ҳам ипак матолардан кийим кийиш кенг тарқалган. Шу сабабдан мазкур матони Рим империясига кўплаб олиб келиш ниҳоятда катта миқдорда тилла пул сарфлашни талаб этган. Ўрта ҳисобда ипак мато импортига сарфланадиган маблағ 50 млн. тилла тангага тенг бўлган. Хитойга эса йилига 3,5 млн. атрофида Римнинг тилла тангалари оқиб келган. Натижада Римда тилла

танганинг танқислиги юзага келганлиги туфайли маҳаллий ҳукумат ипак матолар ва бошқа ипак маҳсулотлари импортини чеклаш ҳақида

Ордос маданиятига оид мисдан ясалган кандакорлик буюми.





махсус қарор қабул қилишга мажбур бўлган [119; 105-бет; 93; 7-бет; 97; 68-бет]. Шунингдек, Ғарбий Олмониянинг жанубий вилоятида очилган мил. ав. V асрга оид қабр ичида Хитойдан олиб келинган ипак матодан тикилган кийимнинг бўлаклари топилган [165; 4–5-бетлар; 93; 6-бет]. Сурияда ҳам милоднинг бошларига оид бўлган бир амалдорнинг қабри очилганда жасад ипак мато билан ўралганлиги аниқланган [93; 6-бет]. Ушбу маълумотдан Яқин Шарқда ҳам кундалик ҳаётда ипак матодан фойдаланиш кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Г. Плиний асари билан Хитой манбаларида келтирилган маълумотларни қислаш натижасида маълум бўлишича, римликлар Хитойдан олиб борилган матоларни чувиб қайтадан ингичкароқ ип қилиб, ундан ўзларига мос юпқа матолар тўқиганлар [44; 12-бет]. Ушбу маълумот, бир томондан, бундан 2 минг йил муқаддам Римда мато тўқиш санъати юксак даражада ривожланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Хитойнинг айрим ипак матолари хом ашё сифатида ҳам ишлатилганлигини кўрсатади. Аммо Хитой олимлари «Шарқий Рим мамлакатига ипак қуртини боқиш санъати мил. VII аср атрофида тарқалган», деб ҳисоблайдилар [111; 40-бет]. Чунончи, Ин Чинг «Пиллачиликнинг Ғарбга тарқалишига оид тадқиқот» («Чунгъе сичжуан янжю») номли мақоласида ушбу фикрни Г. Плинийнинг маълумоти билан асослайди. Хитой олими ўз асарида мазкур масалага оид зикр этилган фикрни рус олимлари таржимасидан биров бошқароқ қилиб қуйидагича таржима қилган: «Серикаликлар дарахтдан ипак олишади ва уни юни деб атайди. Дарахт барги устида пайдо бўлган ипакни иссиқ сувга ивитиб ип чиқаришади. Сўнгра нафис мато тўқиб, Римга олиб боришади. Бойлар ва олий табақа аёллар булардан ялтираб кўзни қамаштирадиган кийим тиктиришади» [111; 40-бет]. Кўриниб турибдики, Ин Чинг таржимасидан римликлар Серикадан ёки Хитойдан олиб борган матони чувиб, қайтадан тўқийди деган маъно чиқмайди. Айрим хитой олимларининг тадқиқотларида кўрсатилишича, «Шарқий Чжоу (Дунг Чжоу — мил. ав. 720–250) хонлиги даврида Хитойдан ипак матолар экспорт қилинган» [123; 12-бет].

Хулоса қилиб айтганда, бундан 4 минг йил муқаддам Қадимги Хитой билан унинг ғарбида жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари ва ушбу алоқаларни амалга ошириш учун карвон йўллари мавжуд бўлган. Аммо 3,5 минг йил муқаддам, яъни Шан ҳокимлиги даврида (мил. ав. XVI–XI асрлар) Хитойнинг ҳудуди «шимолда ҳозирги Хэбэй ўлкасининг ўрта қисмигача, жанубда Янцзи дарёси ва



Хубэй ўлкасигача, шарқда Шаньдун, ғарбда Шэньси ўлкаларигача бўлган заминдан ташкил топган» [152; 3-бет]. Узоқ ўтмишда одамлар ғарбдан шу Қадимги Хитойга бориш ва келишда қайси йўлдан фойдаланганларини билиш, шунингдек, қадимий магистрал ипак йўлини аниқлаш масаласи алоҳида эътиборни талаб этади. Бу ҳақида хулоса чиқаришдан олдин, манбаларга мурожаат қилганимиз маъқул.

Хитой олими Ли Мингвэй «Ўрта денгиз билан Хитойнинг шимолий вилоятларини боғловчи ҳудудлар ушбу денгизнинг шарқий томонидаги Икки дарё оралиғида, Эрон ясси тоғлиги, Афғонистон ва Марказий Осиё диёридан иборатдир», деб ёзади [93; 5-бет]. Хитой ҳудудининг ғарбий томонидаги ипак йўли Шиюй (бу ерда Шарқий Туркистон кўзда тутилган), Ўрта Осиё, Ғарбий Осиё, Жанубий Осиё ва Европани (Шарқий Рим империяси)ни боғловчи йўлдан иборатдир» [93; 99-бет], деб баён этади. Айтиш жоизки, «Тангри фарзанди Му ҳақида қисса»да қайд этилишича, ўта қадим замонларда яшаган Хуанди исмли ҳукмдор ғарбга сафар қилганда, кўчма қумлик ва Кунлун тоғига борадиган йўлдан юрган. Ғарбий денгиз (Лобнор кўли) жанубидаги кўчма қумлик чеккасида Кунлун деб аталадиган катта тоғ мавжуд» [165; 7-бет]. Маълумки, Хўтан ушбу тоғнинг шимолий этагида жойлашган. «Тоғлар ва дарёлар тазкираси» («Шанхай жин») асарида кўрсатилишича, бу ерда айтилган кўчма қум Такламакон чўлининг жанубий қисми ҳисобланади [165; 7-бет].

Юқорида тилга олинган ҳоким Му сафарга Хоужин шаҳридан (мил. ав. VIII асрда мавжуд бўлган Ғарбий Чжоу хонлигининг маркази, ҳозирги Сиань шаҳри) отланиб, Нинся, Ганьсу вилоятлари ва Қашқария орқали Помирдан ўтиб, ҳозирги Қирғизистон ҳудудига етиб борган. Сафар давомида у Турфон, Қорашар, Хўтан, Кунлун тоғи этакларидаги вилоятлар, Қорақош, Помир тоғи, Сарикўл каби жойларда бўлиб, сўнг қирғиз далаларига борган [165; 7-бет]. Цинь (Чин) ҳоконлиги даврида (мил. ав. 221–207 й.лар) битилган манбаларда Яв ва Тсинг исмли шахслар «Такламакон чўли, Кунлун тоғлари орқали Помирдан ўтиб, унинг ғарбидаги Гуйшан тоғига борган ва у ерда Сиванму («Ғарбдаги она подшоҳ» маъносини англатади) билан учрашган», деб баён этилади [165; 8-бет]. «Шанхай жин»да тилга олинган аёл подшоҳ йўлбарс ва арслонни ўзларига белги (тотем) қилиб олган бир қабиланинг бошлиғи эканлиги зикр этилади.

VI–IX асрларда, яъни Суй ва Тан ҳоконликлари даврида Марказий Осиё ва Европа билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари ўтган даврларга нисбатан тез суръатда ривожланган. Хитой маъмурияти учун ушбу




алоқаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин бўлган барча йўллари ўрганиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган. Шу боис ипак йўлига бағишланган бир қатор асарлар юзага келган. «Ғарбий мамлакатлар хариталари ва баёни» («Шиюй тужи»), «Ғарбий мамлакатлар хотираси» («Шиюй чжи») каби асарлар шулар жумласидандир. Мазкур асарларда эътироф этилишича, гарчи у даврда Хитойни Марказий ва Жанубий Осиё, Европа билан боғлайдиган йўллар анча кўпайган бўлса-да, Такламакон чўлининг шимолий қисмида жойлашган шаҳарлар орқали ғарб томонга бориладиган йўл асосий йўл бўлиб қолган.

Хитой олими Ли Мингвэй ушбу йўлни «Катта ипак йўли» («Дасидао») ёки «Асосий ипак йўли» («Чжугандао») деб атайди [93; 86–87-бетлар]. Ушбу йўл Кучар ёнидаги Сайрам, Бай, Оқсу, Учтурфон, Иштик каби жойлар орқали Сирдарёнинг юқори қирғоқларига чиққан. Сўнг шимоли-ғарбий томонга бурилиб, Иссиқкўл бўйига, ҳозирги Тўқмоқ шаҳрига, сўнг Жамбулга ўтиб борган. Мазкур йўл «Шимолий йўл» («Бейдао») деб аталган.

Мил. ав. II асрнинг 2-ярмида Фарғонага келган Хитой элчиси Чжанг Чян (мил. ав. 164–114) ҳам Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон–Хитой бўлагидаги айрим жойларни айланиб чиққан. У хунлар юртидан қочганидан сўнг хуфиёна равишда сўқмоқ йўллар орқали Фарғонага келган, сўнгра фарғоналиклар ёрдамида Кангкия давлати ҳудудидан ўтган йўллар орқали Амударёнинг жанубидаги Улуғ гуз (Дайрузие, ҳозирги талаффузда Даюэжи) мамлакатига борган. Бунинг сабаби, биринчидан, Шарқий Туркистондан кўчиб келгандан сўнг гузлар (рузиелар) Юнон-Бақтрия подшолигини йўқ қилиб Амударёнинг жанубида ўзларининг давлатини ташкил этган, хитой манбаларида бу давлат Дайрузие деб аталади. Шимолий Афғонистондаги Балх шаҳри яқинида жойлашган Боло-Ҳисор (Bala-Hisar) шаҳри ушбу давлат маркази бўлган [131; 549-бет]. Иккинчидан, ўша замонда Кангкия давлатига тегишли ҳудуд Амударё бўйлариғача етиб борганлиги туфайли, Улуғ гуз мамлакатига бориш учун, албатта, мазкур давлат заминидан ўтиш лозим эди. Учинчидан, Кангкия давлати билан Хун хоқонлиги ўртасидаги алоқалар яқин бўлган, ҳатто икки давлат ҳукмдорлари ўртасида қудачилик муносабатлари ўрнатилган.

Хитой манбаларида Чжанг Чяннинг юрган йўли батафсил кўрсатилмайди. Шу сабабли бу ҳақда олимлар турли фикрларни билдирганлар. Аммо уларнинг кўпчилиги Хитой элчиси Фарғонага Тангритоғнинг шимолий этаклари бўйлаб юриладиган йўл орқали борган, деган фикрни маъқуллайди. Зеро, айнан шу йўл билан юэжилар илгариги



яшаган жойидан, яъни Хэши йўлаги ва Тангритоғнинг Шарқий Туркистон қисмидан Или водисига, сўнгра Жанубий Қозоғистон орқали Амударё бўйига кўчган эдилар. Улуғ гуз (Дайрузие, Юэжи) мамлакати билан алоқа боғлашни мақсад қилиб қўйган Хитой элчиси, албатта, улар юрган йўлни ва йўл устидаги халқларни, мавжуд вазиятни яхшироқ ўрганиш ниятида бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Мазкур фикрга асосланилса, Чжанг Чян шимолий йўлдан юриб, Фарғонага, сўнгра Тароз (Авлиёта)га, у ердан жанубга юриб, Амударёнинг юқори соҳилларидаги вилоятлар орқали манзилга етиб борган бўлиб чиқади.

Чжанг Чян биринчи марта сафарга чиққанда Хэши йўлаги ҳунлар қўлида, иккинчи марта сафарга отланганда эса, мазкур жой хитойлар назорати остида эди. Шу сабабдан у усунлар мамлакатига Тангритоғ этаклари орқали ўтадиган йўлдан юриб борган. Қайтишда яна шу йўлдан юрган. Хитой элчиси ўз вазифасини бажариш учун кўп вақт сарфлаганлиги туфайли, у йўллар ҳақида кўпроқ маълумотлар тўплашга эришган. Гарчи Чжанг Чян саёҳатнома ёзиб қолдирмаган бўлса ҳам, унинг маълумотлари ўз даврида битилган тарихий асарларда ўз аксини топган.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ПОМИР (КЎКОРТ) ДОВОНИ

Помир тоғлари (Кўкорт)га оид маълумотлар ҳам энг қадимий Буюк ипак йўли қайси йўл эканлигини кўрсатади. Бинобарин, Помир Ўзбекистондан Қадимги Хитойнинг пойтахти Чанъан шаҳригача бўлган масофада учрайдиган энг катта табиий тўсиқ бўлганлиги шубҳасиз. Аммо бундан бир неча минг йил муқаддам одамлар ундан ўтишни билганлар. Хитой манбаларда Помир тоғлари «Цунглин» (рус адабиётларида «Цунлинь») деб аталади. Ушбу атама ифодаланган икки иероглиф маъносидан келиб чиқилса, у «Пиёз доvon» маъносини англатади. Айрим муаллифлар мазкур хитой атамасидаги «лин» сўзини тоғ деб таржима қилишган. Умуман олганда, буни хато деб бўлмайди. Аммо масалага чуқурроқ ёндошилганда, «лин» шунчаки тоғ эмас, балки оралигида жилғалар ва сойлар бўлган тоғ чўққилари, деган маънони англатади. Бундай жилғалар ва сойлар орасидан одам пиёда ёки от-эшакларда юриши мумкин бўлган. Шу боис хитойларда «тоғ ошиш учун улар орасидаги доvonлардан ўтиш керак» («фаншан юэлинг») деган мақол пайдо бўлган. ХХРда уйғур тилида нашр этилган китобларда «Цунглин»ни «Кўкорт» («Баландликдан ўтиш» маъносини билдиради), деб аташмоқда [19; 564-бет].



«Цунглин» атамаси илк бор юқорида тилга олинган «Тангри фарзанди Му ҳақида қисса» («Му тязи жуан») битигида учрайди.

Асарда Му Такламакон чўлининг жанубий томони орқали ўтадиган йўлдан юриб, Помир тоғларини ошиб ўтганлиги қайд этилади. Мазкур асарда Помир тоғлари «Чунлин» деб номланган, ундаги чун иероглифи «баҳор» маъносини англатган.

«Цунглин» атамаси юқорида тилга олинган «Тарихий хотиралар» («Ши жи») нинг «Фарғона тазкираси» («Дайюан жюан», ҳозирги ўқилишда «Даван жуан»), «Хан сулоласи тарихи» («Хан шу»)нинг «Фарбий мамлакатлар тазкираси» («Шиюй жуан») ва Фарғонага қўшин бошлаб бориб уруш қилган «Ли Гуангли тазкираси» («Ли Гуангли жи») номли бобларида ҳам ишлатилган.

«Хан сулоласи тарихи»нинг «Фарбий мамлакатлар тазкираси»да «шимолий йўл» («бэйдао») деб Тангри тоғнинг жанубий этагидаги шаҳарлар ва Қашқар—Помир доvonлари орқали Фарғонага борадиган йўл аталган. Шу билан бирга ушбу йўл Помирдан ўтгандан сўнг аввал Фарғонага, сўнг унинг шимоли-ғарбида жойлашган Кангкия (Кангкия, Кангжюй) давлатига боради, деб кўрсатилган. «Тарихий хотиралар»нинг «Фарғона тазкираси»да баён этилишича, Чжанг Чян дастлаб хунлар қўлидан қочиб қутилгандан сўнг Торим воҳасига келиб, бу ердан Оқсу орқали Тангри тоғдан ёки Қашқар орқали Помирдан ўтган. Аммо қайси доvonдан ўтганлиги манбада номаълум қолган. Шу боис адабиётларда ҳар хил тахминлар пайдо бўлган. Мавжуд таҳлилларга кўра, айрим муаллифлар Чжанг Чян Эркештомдан ўтган деса, бошқа бирлари эса у Музрат доvonидан ўтган бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Аммо манбалардаги аниқ маълумотларга кўра, қайтишда хитой элчиси Помир орқали Ёркенд ва Хўтан каби шаҳарлардан ўтадиган «жанубий йўл» билан сафарга чиққан [110; 17–20-бетлар].

Мил. ав. 119 йилда Чжанг Чян иккинчи марта Туркистонга сафар қилганида, 300 киши ҳамроҳлигида Дуньхуан, Крурона, орқали ғарб томонга юриб, Такламакон чўлининг шимолий

Помир доvonидан ўтган йўл.





қисми бўйлаб Музрат доवони орқали айланиб Или дарёси бўйидаги Усун давлатининг марказига борган. Бу навбатдаги сафариди хитой элчиси Фарғонага, Ҳиндистонга ва атрофдаги бошқа давлатларга ўзи бормай ёрдамчиларини юборган. Унинг вакиллари мазкур мамлакатларга Қозоғистон ҳудудидаги йўллар орқали борганлар [110; 17–20-бетлар]. «Ли Гуангли тазкираси» бобида келтирилган маълумотларга кўра, Ли Гуангли (туғилган йили номаълум, мил. ав. 80 йили ҳунлар билан бўлган урушда ҳалок бўлган) хитой хоқони У-дининг қайининиси бўлган. Мил. ав. 104 йилда у хоқоннинг фармони билан қўшин бошлаб, Дуньхуан орқали йўлга отланган. Шунда Ли Гуангли бир неча ўн минг (айрим маълумотларга кўра, 20–30 минг) кишидан иборат бўлган қўшин билан Торим дарёси бўйларидаги шаҳарларни босиб ўтиб, Помир орқали Фарғона давлатига етиб борган. Аммо у мағлубиятга учрагандан сўнг келган йўлидан орқага қайтиб кетишга мажбур бўлган. Хитой хоқонига бу ҳақда хабар қилинганда, ҳарбий юриш йўлнинг узоқлиги ва озиқ-овқатнинг етишмаслигидан барбод бўлди, деб айтилган. Буни эшитган хитой хоқони қаттиқ хафа бўлган. Аммо ўз ниятидан қайтмаган.

Мил. ав. 101 йил У-ди хоқон Ли Гуанглига катта маблағ ва 60 минг кишидан иборат қўшин бериб, уни иккинчи марта Фарғонага юборди. Шунда Ли Гуангли қўшин билан иккинчи марта олдинги йўлни босиб ўтади. Икки йилдан сўнг Ли Гуангли «ғалаба» билан қайтиб келади ва У-ди хоқоннинг мукофотига сазовор бўлади [139; 309-бет].

Мазкур маълумотдан кўриниб турибдики, Ли Гуангли юрган йўл Такламакон чўлининг шимолий чеккаларида жойлашган Турфон, Қорашаҳар, Кучар (Кучар), Қашқар каби шаҳарлар ва Помир орқали Қадимги Хитойдан Фарғона водийсига келадиган асосий ипак йўли эди. Ўша замонларда ушбу йўл орқали йирик қўшин ўта олганлиги, гарчи Помир доvonларидан ўтиш мураккаб бўлса ҳам, улар инсон учун тўсиқ бўла олмаганлигидан далолат беради ва қулай фасларда катта қарвонлар ҳам ўтиши мумкинлигини кўрсатади. Қолаверса, «Цунглин» атамаси хитой элчиси Чжанг Чян ва лашкарбоши Ли Гуангли Фарғонадан қайтиб боргандан сўнг хоқонга тақдим этган ҳисоботлари асосида битилган ёзма манбаларда қайд этилган.

Айрим тарихий-географик асарларда Помирда пиёз кўп ўсганлиги туфайли хитойлар унга «Цунглин» деб ном беришган деган фикр илгари сурилади [88; 35-бет]. Хитойнинг географик луғатларида кўрсатилишича, Помирдаги тоғ чўққилари баланд бўлганлиги туфайли



узоқдан худди далада тўкиб қўйилган бош пиёзга ўшаб кўриниб турган. Шунинг учун Помир тоғи «Цунглин» («Пиёзбоши») деб аталган [132; 1058-бет].

Дарҳақиқат, баланд чўққилардан иборат бўлган Помир тоғлари Ҳимолай, Тангритоғ (Тяньшан), Ҳиндикуш ва Қора Кунлун тоғлари туташган ерда жойлашган. Уларнинг ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 5000 метрга ва айрим тоғ чўққиларининг баландлиги 6000 метрга тенг.

Хитой сайёҳлари асарлари орасида Помир тоғларига оид батафсилроқ маълумотни будда дини пешволаридан бўлган Фа Шян (мил. 337—422) хотираларида учратиш мумкин. Чунончи, у 399 йилда Чанъан шаҳридан йўлга чиқиб, ўша даврда будда дини марказларидан бири бўлган Хўтан шаҳри орқали Помир тоғларидан ошиб, Ҳиндистон томон йўл олган. Асарда эътироф этилишича, «Цунглинда қишин-ёзин қор эримас экан. У ерда жаҳлдор аждарҳо яшар, кимки унинг қаҳрига учраса, у пуфлаб қаттиқ шамол чиқариб қор, ёмғир ёғдирар экан. Шамол чиққанда қум ва майда тош аралаш тўзон кўтарилади. Шунда бу ердан ўтувчи йўловчилар қийин аҳволга тушиб қолади» [154; 123-бет].

641 йилда яна бир будда дини пешвоси Шюан Занг (Сюан Цзань) (600—664) 17 йиллик Ҳиндистон сафарини тамомлаб, ватанига қайтишда Помирдан ўтган. Шунда у Буюк ипак йўлининг Такламакон чўли жанубий қисми бўйлаб ўтадиган йўлдан юрган. Хўтан (Юйтян) ва Чарқлиқ (Чемо) каби қадимий шаҳарларда тўхтаб ўтган [100; 171-бет]. Ўзининг «Буюк Тан даврида Фарбга қилинган саёҳат хотираси» («Да Танг шиюжи»)да Шюан Занг Помир тоғининг номини «Пўмило» деб атаб, у ҳақида маълумот қолдирган: «Пўмилода шамол қаттиқ эсади, баҳорда ва ёзда қор, ёмғир ёғиб туради, ери шўр, шағалтошли, экин экиб бўлмайди, ўт-чўп кам учрайди. Ҳаво исиб турган бир пайтда ҳам, бирданига осмонни булут қоплаб, қор ёғиб қолади, бу ердан ўтишда савдогарлар ва сайёҳлар қийналади» [154; 123—124-бетлар]. Қадимда Фарғонадан Қашқарга Помир тоғларини ошиб ўтиш учун асосан икки довондан фойдаланилган. Буларнинг бири Эркештом довони, иккинчиси Тўрғот довони ҳисобланган. Ҳиндистон, Кашмир, ҳозирги Афғонистон ва Эрон каби мамлакатлардан Қадимги Хитойга борувчилар Қашқарга кирмасдан ўтмоқчи бўлсалар, Жанубий Помирдаги Тошқўрғон орқали Хўтанга бориб, ундан кейин Такламакон чўлининг жанубидаги йўл билан Хитойнинг «Янгуан» номли чегара дарвозасидан ўтиб, Чанъанга борар эдилар. Зеро, ушбу йўл улар учун энг яқин ҳисобланган. Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, ушбу



йўл Ёркенддан Янгуангача 1575 км ни ташкил қилади. XX асрда Қадимги Хитойдан Дуньхуан, Хўтан, Ёркенд ва Помир орқали Мовароуннаҳр, Эрон, ҳозирги Афғонистон ҳудуди ва Кашмирга борадиган йўлда топилган археологик маълумотларга кўра, ушбу йўлнинг очилганига камида 3,5 минг йил бўлган [139; 262-бет].

Аммо Ҳимолай тоғининг ўсиши ва Такламакон чўлининг жанубида иқлим ниҳоятда исиб бориши натижасида бу ердаги маданий марказлар ўзининг қадимги мавқеини йўқотган. Улар орқали юриладиган йўлнинг табиий шароити мураккаблашган. Лекин Такламаконнинг шимолидаги Турфон, Қорашар, Кучар, Қашқар каби маданий марказлар орқали Помирдан ўтадиган йўл ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Шу боис Эркештом, Тўрғот доvonларининг серқатновлиги сақланган.

605 йилда Пэй Жюй (туғилган йили номаълум — 627) томонидан ёзилган «Ғарбий мамлакатларга оид чизма хариталар ва хотиралар» («Шиюй тужи») асарининг 3-бобида қуйидаги маълумотларни учратиш мумкин.

«Дуньхуандан Ғарбий денгизгача (Сихай, Ўрта денгиз кўзда тутилган) 3 йўл бор бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян жойлардан ўтади. Шимолий йўл Ивурғул (Иву, ҳозирги Қумул ёки хитойча Хами), Барқўл қўли (Пулэйхай), телелар яшайдиган жойлар, Турк хоқонлигининг пойтахти орқали жанубдан шимолга оқадиган дарёдан (Иртиш дарёси) ўтиб, Шарқий Рим империяси (Фосэнг) ва Ўрта денгизгача боради» [88; 38-бет].

Мазкур асарга кўра, иккинчи йўл «ўрта йўл» деб аталиб, у Турфон, Қорашаҳар, Кучар, Қашқар, Помир доvonлари, Фарғона, Самарқанд, Каттақўрғон, Ўратепа, Бухоро каби хонликлар ва Эрон орқали Ўрта денгизга борган. Учинчи йўл «жанубий йўл» деб аталиб, у Пшамшан (қадимги Круро́на), Хўтан, Помир тоғлари, Тохаристон орқали Ўрта денгизга борган [88; 38-бет]. Демак, VI асрда Ўзбекистон билан Қадимги Хитой ўртасидаги Дуньхуан, Қашқар, Помир ва Фарғона орқали ўтадиган йўл ўз мавқеини йўқотмаган.

Буюк ипак йўли орқали Ўзбекистондан Хитойнинг қадимий пойтахти Чанъанга боришда Помирдан ўтгандан кейин Такламакон чўли атрофидан юришга тўғри келган. Чўлнинг умумий майдони 320 минг квадрат км бўлиб, уни айланиб ўтиш ниҳоятда мураккаб бўлган. Иқлимнинг қуруқлиги, ёмғирнинг кам ёиши, шамол бўлиб чанг-тўзон кўтарилиши, айниқса сув етишмаслиги йўловчиларнинг сафарини мураккаблаштирган. Бу ҳақда мазкур чўл бўйлаб атрофида юрган сайёҳлар батафсил ёзиб қолдиришган.

Сўнги икки аср давомида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Такламаконнинг иқлими борган сари қуриб бормоқда, унинг доираси ҳам секин-аста кенгаймоқда. Ушбу ходиса чўлнинг жанубий чеккаларида кўпроқ сезилмоқда. Бундан 2—2,5 минг йил муқаддам чўл жанубида мавжуд бўлган 30 га яқин шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳлари қум тагида қолиб кетган. Уларнинг айримлари 150 км, айримлари 20—50 км қум ичкарасида қолган. Масалан, қадимги Нийя ва Черчен — 150, Пейшан — 170, Ёркенд — 20, Тўнғизбоши — 40, Кучар — 3 км масофада чўлнинг ичида қолиб кетган [157; 494—498-бетлар]. Шундан маълумки, бундан 2—3 минг йил муқаддам Такламакон чўли атрофини айланиб ўтган қадимий карвон йўллари ҳозирги йўللardan бироз фарқ қилган.

ТАКЛАМАКОН ЧЎЛИ АТРОФИДАГИ ҚАДИМИЙ САВДО МАРКАЗЛАРИ


Сўнги 20 йил давомида Хитой археологлари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида Такламакон чўли атрофида бундан бир неча минг йил муқаддам анча юксак маданиятга эга бўлган халқлар яшаганлиги исботланди. Бунинг мисоли тариқасида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги ХХР нинг Шинжон-Уйғур автоном райони маркази — Урумчи шаҳридаги музейда қадимий одамларнинг мумиёланган жасадлари сақланади. Уларнинг энг қадимийлари мил. ав. 6—4 минг йилликларга тааллуқдир.

Жасадлар кийимлари билан бирга яхши сақланиб қолган. Бунинг сабаби, жасад кўмилган жойлар ниҳоятда қуруқ ва иссиқ қумликдан иборат бўлганлиги ва қумдаги туз миқдорининг баландлиги туфайли, ундаги сув тез тортилиб, микроорганизмлар туз таъсирида йўқолиб кетган. Натижада жасадлар худди муз орасида яхлатиб сақланганга ўхшаб қум тагида кўмилиб ётган. Энг яхши сақланган жасад Такламакон чўлининг шарқий қисмидаги Черчен деган жойдан топилган. Қотиб қолган жасад худди кийим кийган

Такламакон чўлининг шарқий қисмидан топилган жасадлардан бирининг бош қисми. 3 минг йил олдинги даврга оид.

Такламакон чўлининг шарқий қисмидаги Кўрла шаҳрига яқин жойдан топилган 25 ёш атрофидаги эркак киши жасади.





ҳолда, тиззасини бироз кўтариб чалқанча ётиб ухлаб қолганга ўхшайди. Баданининг оқлиги, сочининг қизғиш малла ранглиги, кўзининг кўклиги аниқ кўриниб туради. Жасаднинг сочи иккита қилиб ўрилган бўлиб, унга озгина оқ оралаган. Шунга асосланиб олимлар унинг ёши 50 атрофида бўлган, деб ҳисобламоқдалар.

Мазкур жасад топилган жойда яна 3 нафар аёлнинг жасади ҳам қазиб олинган. Улардан бири айниқса яхши сақланган бўлиб, унинг бўйи 191 см, сочи қизғиш малла ранг ва иккита қилиб улама соч билан ўрилган.

Такламакон чўлининг шарқий қисмидаги иккинчи бир кўҳна шаҳар Крурон (Лоулан)да ёш аёлнинг жасади топилган. Маҳаллий халқ уни «Крурона маликаси», «Ухлаётган гўзал» деб аташади. Юз тузилиши юқорида айтилган жасадларга ўхшаш бир типга киради. Кўзи кўк, монголоид типининг хусусиятлари йўқ, хитойлардан тубдан фарқ қилади.

Япония мутахассислари жасад боши ва сочлари асосида «Крурона маликаси»нинг бош қисмини тириклик вақтидаги шаклига келтиришган ва шу асосда унинг фото суратини ишлаб чиқишган. Ана шу суратга қараганда, у уйғурлар, ўзбеклар ва бошқа туркий халқлар орасида учраб турадиган ва монголоид типининг хусусиятлари йўқ бўлган аёлларга ўхшайди.

Круронанинг шимолий томонида жойлашган ва Буюк ипак йўлидаги қадимий маданий марказлардан бири бўлган Қумул (Иверғул, Иву, Хами) вилоятининг Қизил чўққи деб номланган тепалигидан ҳам анчагина жасадлар топилган. Улар Круронадан топилган жасадларга қараганда нисбатан яхши сақланмаган. Аммо уларнинг қиёфаси қандайлигини ҳам аниқ кўриш мумкин. Топилган жасадлар устидаги кийимлар жундан катак қилиб тўқилган матолардан тикилган. Айримларининг оёғида теридан оддий услуб билан тикилган маҳсига ўхшаш узун қўнжли оёқ кийими бор.

Черчен, Крурона ва Қумул каби жойлардан топилган ва табиий шароитда мумиёланиб қуриб қолган жасадларни ўрганиб чиққан Британия олимаси Элизабет Уэйлэнд Барбер уларни қадимий шотландиялик ва ирландиялик одамларга ўхшатиб, уларнинг келиб чиқишида алоқадорлик бўлса керак, деган тахминни олға суради. Кейинги пайтда Европа олимлари томонидан ўртага қўйилган тахмин ва хулосаларга кўра, бундан 8—10 минг йил, балки бир неча ўн минг йил муқаддам дунёдаги иқлимнинг ўзгариши туфайли халқларнинг гарбдан шарққа кўчиши ҳолати юз берган. Ушбу фикрлар ҳам Буюк ипак йўлининг тарихи ниҳоятда узоқ даврларга бориб тақалишидан далолат беради.

Мазкур вилоятларда очилган қабрлар ичидан буғдой ҳам топилган. Маълумки, бундан 5 минг йил илгари хитойлар буғдой билан таниш эмас эди. Улар гуруч экиш маданиятига эга бўлган.

Келтирилган маълумотлар Такламакон чўлининг шарқий томонидаги ушбу вилоятларнинг бундан 4—5 минг йил муқаддам анча юксак маданиятга эга бўлганлигидан, тўқимачилик, тикувчилик, этикдўзлик каби хунармандчиликнинг ва деҳқончиликнинг ривожланганлигини кўрсатади. Демак, ушбу вилоятлар қадимий савдо йўлининг шарқий қисмидаги муҳим савдо марказлари бўлган, деган хулоса тўла асослидир.


✽ Қашқар ✽

(Қошғар, Ўрдукент; хитой манбаларида Каши, Кашигэр)

Қадимги Буюк ипак йўлидаги чорраҳа ва кўҳна савдо, маданият маркази сифатида дунёга танилган шаҳар. Қадимда Қашқар Сули, Сувлик, Сувбоши деб номланган бўлиб, у ҳозирги Қашқар шаҳрининг жанубидаги Эскисаркентнинг шимолида жойлашган. Кўҳна Қашқар билан Янги Қашқар шаҳрининг оралиғи 26 км келади [183; 62-бет]. «Сули» топонимининг маъноси «сувлик», «серсув» демакдир. Ҳақиқатдан ҳам у Торим воҳасидаги сув манбаига энг бой вилоятдир. Шаҳар ёнидан Тумандарё, Қизилсув (Қашқардарё), Газдарё, Талвичўқдарё каби дарёлар оқади. «Қашқар» топоними VIII асрда пайдо бўлиб, «қош тоши (нефрит) кони» маъносини англатади. ХХРда нашр этилган хариталарда Кўҳна Қашқар ҳали ҳам Сулэ деб номланади.

Қашқарнинг аниқ ёши маълум эмас, шунга қарамай, ишонч билан айтиш мумкинки, унинг тарихи Буюк ипак йўлининг тарихидан кам эмас. Агар ушбу масалада хитой манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, фикримиз ҳақиқатдан узоқ эмас эканлигини кўришимиз мумкин.

Қадимий хитой манбаларида Қашқарнинг номи Сулэ деб кўрсатилган. Илк бор у Фарбий Хан (Илк Хан) сулоласи (мил.



Сувбоши (ҳозирги Қашқар) харобаси.



ав. 206 — мил. 8) тарихида (Чян Хан шу) учрайди. Ушбу манбада кўрсатилишича, Хитой элчиси Чжанг Чян Фарғонага келган даврда Сулэ шахри Сулэ давлатининг маркази бўлиб, унда анча ривожланган маданият бўлган [132; 926-бет].

Ғарбий Хан сулоласи тарихида қайд этилишича, мазкур сулола ҳокимият устида турганда Қашқар шахрининг аҳолиси 1500 тутун ёки 18647 кишидан иборат бўлган [131; 2373-бет]. Сўнги Хан сулоласи тарихида ёзилишича, Шарқий Хан хоқонлиги (мил. 25—220) даврида Сулэ шахрининг аҳолиси 21 минг тутун ёки 30 минг кишидан ортиқ бўлган [19; 546-бет]. Қашқарнинг ҳозирги аҳолиси 400 минг кишидан зиёд (2005).

«Вэй сулоласи тарихи»да (Вэй шу): «Сулэ давлати Хан даврида мавжуд бўлган қадимий хонликдир. Ушбу давлат хони бошига шер шакли туширилган тилло тож кияди. Унинг ҳудудида гуруч, буғдой, тариқ ва каноп кўп экилади, мис, темир, қалай, аёллар учун шойи-атлас ишлаб чиқарилади. Ушбу давлатдан ғарбга қараб 1000 чақиримдан ортиқ (500 км га яқин) юрилса, Фарғона давлатига етиб бориш мумкин», деб баён этилган [3; 9700-бет]. Ислом динига қадар Қашқар будда дини марказларидан бир сифатида дунёга машҳур бўлган. Хитой манбаларида ушбу диннинг Хитойга тарқалишида Қашқарнинг роли ниҳоятда катта бўлганлиги кўрсатилади. Зеро, айнан шу даврда кўпгина будда динига оид асарлар хитой тилига таржима этилган. Ҳиндистонга борган хитой буддавий сайёҳлари ҳам Қашқарни зиёрат қилмай, уни айланиб ўтиб кетмаган. Ислом дини ҳукмрон динга айлангандан кейин Қашқар ислом маданияти марказларидан бири бўлиб қолган.

Чифатойхон тангалари
(олтин ва қумуш) (XIII аср).



Қорахонийлар тангаси (X аср).





Юсуф Хос Ҳожиб

Асл исми Юсуф (тахм. 1020/21, Болосоғун – ?) туркигўй шоир, мутафаккир, давлат арбоби. «Қутадғу билиг» достони муаллифи. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берувчи ягона манба ҳам «Қутадғу билиг» китобидир. Ушбу китобга кўра, у замонасининг барча асосий илмларини атрофлича ўрганган, араб ва форс тилларини мукамал билган. Маҳмуд Қошғарий каби туркий тилнинг мавқеини ошириш, унинг маданий-адабий ҳаётдан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун курашган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўловчи билим», 1069–70) асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарди. У нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. «Шоҳнома» каби мутақориб вазнида ёзилган ва «Туркий Шоҳнома» номи билан шуҳрат қозонган (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат).

«Қутадғу билиг» — XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган. Юсуф Хос Ҳожиб уни Болосоғунда бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор Тавғоч Буғрохонга тақдим этган. Буғрохон муаллифни тақдирлаб, унга «Хос Ҳожиб» («Эшик ораси») унвонини берган. Шундан кейин шоир «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан машҳур бўлган. Лекин достоннинг охиридаги шикоят оҳангларига қараганда, шоир умрининг охири бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келган, шунга мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечган. Шоирнинг Қашқардаги мақбараси зиёратгоҳга айланган.

Қашқарнинг бундай марказга айланиши ипак йўлининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудидан ўтган энг қадимий катта ипак йўли Фарғона ва Ўш каби шаҳарлар орқали Помир доvonларидан ўтгандан сўнг, албатта, Қашқар орқали Такламакон чўлининг жанубий ёки шимолий томонидан айланиб, Қадимги Хитойнинг маркази Чангъанга борганлиги хитой манбаларида кўп марта қайд этилган. Бу ҳақда юқорида тўхтаб ўтилган эди. Бунинг сабаби шуки, географик жиҳатдан олганда, Қашқар шаҳри жойлашган вилоят Помир тоғларининг шарқий этагидаги кўкаламзор ва серсув,



Юсуф Хос Ҳожиб мақбараси.

иқлими муътадил, қатнов учун чорраҳа вазифасини ўтай оладиган ўтроқ ҳаётга мос текисликдир.

IX асрнинг ўрталаридан XIII асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар Қашқар қоракхонийлар хонлигининг пойтахтларидан бири бўлган.

Шунда ушбу шаҳар нафақат ислом дини, балки илм-фан марказларидан бирига айланган. Шунинг учун Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий каби йирик олимлар Қашқарда фаолият кўрсатган ва абадий макон топган.

Маҳмуд Кошғарий

Маҳмуд Кошғарий ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад (11-а.) — туркишунослик илмининг асосчиси, филолог олим, этнограф. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қоракхонийлар сулоласига мансуб. Отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад ўша даврдаги Барсған шаҳрининг амири бўлган. Кошғарий боиланғич маълумотни ўз қишлоғида, юқори маълумотни эса Қашқар мадрасаларида олган, араб, форс, туркий каби 7—8 тилни пухта эгаллаган. Сўнг у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларида билимини оширган. 1056—57 йилларда мамлакатдаги ички низолар натижасида олим ўз ватинини тарк этиб, 15 йил давомида атрофдаги қардош халқлар орасида юришга мажбур бўлган. Ана шу йилларда у туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб, бу ерлардаги туркий қabila ва уруғлар, уларнинг келиб чиқиши ва номланишлари, жойлашиш ўринлари, урф-одатлари, айниқса, тил хусусиятларини синчиклаб ўрганади. Сўнг Бағдодга бориб, анча вақт шу шаҳарда ижод қилган, хусусан, 1072 йил (баъзи манбаларда — 1074 йил ва ундан ҳам кейин) дунёга машҳур асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони»)ни ёзиб битиради ва уни аббосийлардан бўлган Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо биамриллоҳга бағишлайди. Ушбу асар туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик луғатларнинг барча унсурларини қамраб олувчи дастлабки универсал луғат бўлиб, ўз муаллифини

дунёга улуғ адабиётчи, тарихчи, географ ва б. кўп фанлардан яхши хабардор бўлган йирик фан арбоби, қомусий олим сифатида танитди. Бу асарида олим туркий қабил ва уруғлар (халқлар) тилларидаги сўзлар маъносини араб тилида изоҳлаб беради. Мисол сифатида эса мақоллардан ва бадий адабиётдан парчалар келтиради.

Маҳмуд Кошғарий мазкур асарига ўзи тузган дунё харитасини илова қилади. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, кўл, дарё қабиларнинг номлари ёзилган.

Кошғарий 1080 йилда (ёки 1118 йилда) ватанига қайтиб келиб, Ўпалдаги Азиқ қишлоғида, Ҳазрати Мулломо тоғи этагидаги тепалиқда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан машғул бўлган (хоз. мазкур мадрасанинг фақат пойдеворлари сақланиб қолган). Кошғарий 1105 йилда (ёки 1126 йилда) 97 ёшида вафот этиб, Ўпалдаги унинг аждодлари мақбарасига дафн этилган. Мақбара ҳозиргача «Ҳазрати Мулломо мазори» номи билан машҳур.

Ўзбекистонлик йирик олим ва ислом дини арбоби, тасаввуф илмининг етакчиларидан бири бўлган Маҳдуми Аъзам (1463/64–1542)нинг авлоди бўлмиш Офоқхўжа ва унинг авлоди Қашқарда яшаган ва фаолият кўрсатган. Шу даврда Қашқар тасаввуф илмий марказларидан бирига айланган.


XVIII асрнинг 2-ярмидан бошлаб, яъни Ёркенд хонлиги манжур (Цин) истилочилари томонидан йўқ қилиб ташлангандан кейин Қашқар вилоят марказига айланиб қолганлиги туфайли унинг мавқеи пасайиб қолган. Аммо у мусулмонлар учун зиёратгоҳ сифатида ўз аҳамиятини ҳамон сақлаб келади. Шу боис халқ орасида ҳажга боролмаган мусулмон Қашқарни зиёрат қилса ҳам ўз бурчинини адо этган бўлади, деган ибора тарқалган.



Маҳмуд Кошғарий
хайкали.



Маҳмуд Кошғарий
ёдгорлик мажмуи.



Офоқхўжа



(1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695,
Қўқон қишлоғи, Қашқар вилояти)

Ислоҳ ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтга ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Абзамнинг авлоди. Офоқхўжанинг исми Ҳидоятулло бўлиб, у халқ орасида хурмат белгиси бўлган «Офоқ» («Ёруғ дунё» ёки «Ёруғлик эгаси») — хўжа номи билан машҳурдир. Офоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммад Юсуф ибн Эшон Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқтоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офоқхўжа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетда 2 йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йил Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон «Офоқхўжа мазори» деб номланиб, зиёрат масканига айланган.

Ҳозир Қашқар замонавий шаҳарга айлантирилмоқда. Сўнги йиллар давомида шаҳарда катта қурилишлар амалга оширилган. Кўп қаватли иморатлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда, шаҳардаги мавжуд йўллар кенгайтирилмоқда, янги бетон йўллар қурилмоқда. Булар яқин

Офоқхўжа мақбараси.

Офоқхўжа мақбарасининг ички кўриниши.





келажакда Қашқар кўп нуфусли замонавий шаҳарга айланишидан дарак беради. Аммо Қашқарнинг эски шаҳрини зиёрат қилганимизда, ўзимизни худди узоқ ўтмишга қайтиб қолгандек тасаввур этдик. Биз Қашқар эски шаҳрининг Мизли (янги номи Озод) ва Кўҳна дарвоза деб аталган тор кўчаларидан юриб ўтдик. Ушбу кўчалар жуда қадимий бўлиб, уларнинг боши берк эмас. Улар орқали юрилса, айланиб катта йўлга чиқиш мумкин.

Ҳозирча кўҳна Қашқарнинг катта бир қисми сақланиб қолган. Бу ердаги тор ва эгри кўчалар Тошкентнинг эски шаҳридаги айрим жойларга ўхшаб кетади. Кўчаларнинг икки томонида зич жойлашган бир қаватли эски иморатлар, кўчанинг устига қурилган болахона уйлар шаҳарнинг кўҳна қисмида аҳоли зич жойлашганлигидан дарак бериб туради. Аммо бу ерда яшаётганларнинг айтишича, улар шу ерда яшашга ўрганиб қолишган, энг муҳими ота-буваларидан қолган уйларнинг чироқларини ёритиб яшаштилар. Одамлар бир-бирларини яхши билишади ва бирорта ҳодиса юз бергудек бўлса, улар ўзаро ёрдамлашади.

Қашқар шаҳридаги «Марказий Осиё бозори» замонавий зиёрат масканларидан бири ҳисобланади. У 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, халқ орасида «Катта бозор» деб ҳам аталади. Бозорнинг умумий майдони 8 гектарга яқин бўлиб, унда 5000 дан ортиқ дўкон жойлашган. Расмий маълумотларга кўра, бозорни ташкил этишдан мақсад МДҲ давлатлари, Покистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар билан савдо алоқаларини амалга ошириш эди.

Дастлабки йилларда мазкур давлатлардан келган савдогарлар ва туристлар орқали олиб келинган моллар сотилган. 90-йиллардан бошлаб ушбу бозор ХХРнинг турли вилоятларидаги майда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган молларни Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Покистон ва Афғонистон каби давлатларга экспорт қилиш масканига айланган.

Қашқардаги Ҳайитгоҳ майдони (маҳаллий халқ тилида Ҳайитка) ва бу ердаги масжид Буюк ипак йўлидаги тарихий ёдгорликлардан ҳисобланади. Маҳаллий урф-одатларга кўра, қадимдан мазкур майдон ҳайит байрамлари ўтказиладиган маскан ҳисобланган. Шаҳарнинг ҳар томонидан келадиган бешта кўча мана шу майдонга келиб туташади. Ҳозир атрофдаги иморатлар, жумладан «рус клуби»ни бузиб ташлаш ҳисобига майдон кенгайтирилган. Ҳайит кунлари майдонда карнай, сурнай, ноғора овози кун давомида янграб туради, одам ҳам аримайди. Маҳаллий халқ ҳайит кунлари яқин қўшнилар, қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар уйига бориб табриклайдилар. Ҳамма ҳайит кунига дастурхон



ёзиб, уни турли пишириқлар билан тўлатиб қўядилар. Қурбон ҳайитида дастурхонга пишириқлардан ташқари қурбонлик қилиб сўйилган қўй гўшгидан пишириб қўядилар. Пишириқлар орасида лаганга ёки патнисга 7—8 қават қилиб чиройли тахланган ҳолда ўртага қўйиб қўйилган «сангза» алоҳида кўзга ташланиб туради.

Ҳайитгоҳ масжиди нафақат Қашқар шаҳрининг, балки бутун Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасининг асосий масжиди ва ислом дини маркази ҳисобланади. Масжид 1426 йилда (ҳижрий 846 йил) қурилган бўлиб, унинг умумий майдони 16 минг квадрат метрни ташкил этади. Масжид намоз ўқиладиган хоналар ва мадраса каби икки қисмдан иборат. Масжиднинг пешайвони 158 та тўсин билан қўтарилиб туради. Ҳайит кунлари масжидга киришдаги пештоқли дарвозахона устида карнай, сурнай ва ноғора чалинади.

✧ Крурона ✧

(Кюророн, Кирурайн, Қрорайна)

Крурона давлати хитой манбаларида «Лоулан го» деб ёзилади. Ушбу давлат ҳозирги Хитой Халқ Республикаси Шинжон-Уйғур мухтор районининг шарқий томонидаги Лобнор (Лўбнур) қўли бўйи ва жанубий томонига тўғри келади. Қадим замонларда мазкур қўлнинг жанубий томонидан ўтган савдо йўли серқатнов бўлган. Мавжуд маълумотларга кўра, мазкур давлатнинг маркази Крурона шаҳри ҳисобланади. Аммо бошқа фикрлар ҳам йўқ эмас.

Юқорида тилга олинган мил. ав. II асрда илк бор умумлаштириб ёзилган тарихий асар ҳисобланмиш «Тарихий хотиралар» («Ши жи») номли ноёб хитой манбасида ва ундан кейинроқ ёзилган «Илк Хан сулоласи тарихи» («Чян Хан шу»), «Сўнги Хан сулоласи тарихи» («Хоу Хан шу») каби қадимий хитой манбаларида Крурона кўп марта тилга олинади. Ундан кейинги хитой манбаларида Крурона давлати қайд этилмаган. Шу боис мазкур давлат ҳақида ҳар хил ривоятлар пайдо бўлган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жаҳон олимлари орасида Крурона давлати ва унинг маркази бўлган Крурона шаҳри катта қизиқиш уйғотди. Шу боис бир қатор йирик олимлар Лобнор қўли атрофида археологик қазишма ишлари олиб бордилар.

1900—1901 йиллари биринчи бўлиб швед археологи Свен Хедин (Sven Hedin, хитой адабиётида Сивэ Хэдин) қадимий Крурона шаҳрининг ўрнини топишга муяссар бўлди. Мазкур шаҳар ўрнидан




топилган хужжатларда «Крорайна» («Krogaina») деган сўз борлигидан келиб чиқиб, хитой манбаларидаги «Лоулан» айнан шу сўзнинг транскрипцияси, деган хулосага келган. Ушбу хулосани кўпчилик олимлар қўллаб-қувватлаб келмоқда [105; 4-бет].

1900 йилда инглиз олими Марк Фурул Стейн (Mark Furul Stein) ҳам Крурона ва унинг атрофидаги бир қатор жойларда археологик қазишма ишларини олиб бориб, унинг тарихини ўрганиб чиқди. Булардан кейин Круронанинг тарихини ўрганиш билан Япония ва Европа мамлакатлари, жумладан Россия олимлари ҳам шуғулланишди. 1979–1980 йиллари Лобнор кўли атрофидаги тарихий ёдгорликлар ва Крурона шаҳри тарихига оид маълумотлар билан танишиш мақсадида ХХР олимлари томонидан икки марта экспедиция уюштирилди. Экспедиция натижасида кўп масалалар аниқланди.

Хитой олимларининг фикрича, мил. III асрда ёзилган «Дарёлар баёни» («Шуй жин») асарида Лобнор кўли Ловланхай («Ловлан денгизи») деб аталган. Ушбу денгизнинг ҳозирги номи (Лобнор) кейинги даврда тибетликлар тилидаги қўл номини англатувчи «Ноб» «Лоб» сўзлари асосида пайдо бўлган. Шу асосда улар Лоулан давлати ва Лоулан шаҳрининг номи мазкур денгиз номидан келиб чиққан, деган хулосага келганлар.

Денгиз қадимдан бўлганлигини ҳисобга олиб, хитой олимлари Лоулан топоними Лоулан давлати ташкил топишидан олдин мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар [105; 22-бет]. Шу билан бирга улар Крурона давлати ҳудуди ва Крурона шаҳри қадим замонлардаги йирик маданият ўчоқларидан бири эканлигини ўз тадқиқотларида айтиб ўтадилар. Бу ерда топилган тошдан ясалган асбоблар ва қуроллар, очилган қабрлар ичида сақланиб қолган жун, ипак ва пахтадан тўқилган мато, гиламлар, қўй териси ва ундан тикилган оёқ кийимлари, тепаси чўққи қалпоқлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, улар билан безатилган белбоғлар, ўсимлик навдаларидан тўқилган саватлар ва улар ичида сақланиб қолган буғдой доналари, суяк, сопол ва ёғочдан ясалган идиш-товоқлар, мис ва тилладан қилинган кўзгу ва бошқа буюмлар хитой олимларининг ушбу хулосалари асосли эканлигини кўрсатади [105; 26-бет; 99; 25–37-бетлар]. Лобнор кўли атрофида, яъни Крурона (Лоулан) давлати ҳудудида очилган қабрларнинг айримлари мил. ав. XX–XVIII асрларга тааллуқли бўлган [105; 26-бет]. Мазкур қабрлар ичидан топилган айрим буюмлар ва қимматбаҳо тақинчоқлар хорижий мамлакатлардан олиб келинганлиги аниқланган [105; 278-бет]. Шунга қараганда, Крурона мамлакати камида 4 минг



йиллик тарихга эга бўлиб, у ерда яшаган халқлар атрофдаги узоқ-яқин мамлакатлар билан савдо алоқалар қилиб турган.

Хитой манбаларида Қрурона «ғарбий мамлакатлар дарвозаси» деб таъкидланган [135; 843-бет]. Мазкур маълумот Қрурона мамлакатининг халқаро савдо алоқаларда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

Ушбу манбаларнинг кўрсатишича, Қрурона хонлиги нисбатан унча катта давлат бўлмаган. Унинг қачон ташкил топганлиги ҳам номаълум. Аммо унинг ҳудудида топилган нозик ишланган тош буюмлар ва тошдан ясалган асбоблар бу ерда камида 6–7 минг йилдан бери одам яшаётганлигини кўрсатади [99; 58-бет]. Мазкур хонликнинг барҳам топган вақти милоднинг бошларига тўғри келади. Айрим маълумотларга қараганда, айти замонда у қўшни бўлган Пшамшан (Шаншан) давлати билан бирлаштирилган [99; 59-бет]. Бошқа бир маълумотларга кўра, мил. ав. 77 йилда Ғарбий Хан сулоласи Бо Жези исми бир одамни юбориб, у орқали хунларга суяниб иш кўрган Қрурона хонини ўлдиради. Хоннинг ўрнига ўзининг одами бўлган Вэйтуни хон тахтига ўтқзади. Шундан кейин Қрурона давлатининг номи Пшамшан (Шаншан) давлати деб аталади [99; 59-бет]. Хан сулоласи тарихида ҳам Қрурона (Лоулан) давлатининг номи кейин Пшамшанга ўзгарганлиги қайд этилган. Чунончи, ушбу манбанинг «Ғарбий мамлакатлар тазкираси» номли бобида «Шаншан давлати илгари Лоулан давлати деб аталган эди. Шунда хоннинг ўрдаси Юйни шаҳрида жойлашган», деб ёзилганлигини учратиш мумкин [99; 58-бет]. Мил. ав. III асрдан бошлаб Қрурона мамлакати хитойлар ва хунлар ўртасида талаш бўлганлиги ҳам унинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий аҳамияти катта бўлганлигини кўрсатади.

Маълумки, айти замонда Хитой ҳали ягона давлатга бирлашмаганда, хунлар Монголия, жумладан ҳозирги ХХР ҳудудидаги Ички Монголия автоном райони ҳудудида кучли давлат ташкил этган эди.



Хитойни илк бор бирлаштирган Цинь (Чин) хонлиги (мил. ав. 221–207) хунларга қарши туролмай ўзининг шимолий чегараси бўйлаб девор қуриш йўли билан мудофаага

Кигиздан тикилган тепаси чўққи қалпоқ (Такламакон чўлининг шарқий қисмидаги мил. ав. VIII–V асрларга оид қабрдан топилган).



ўтган. Мазкур хонлик ўрнига ташкил этилган Фарбий Хан хонлиги (мил. ав. 206 — мил. 8 йиллар) анча вақтгача хунлар билан беллаша олмай, Цинь хонлигининг мудофаа услубини давом эттиришга мажбур бўлган.

Фарбий Хан хонлиги кучайгунча, яъни мил. ав. 207—130 йиллар давомида хунлар Қадимги Хитойнинг шимолий ва фарбий томонидаги барча ерларни, жумладан Хэши йўлаги, Лобнор кўли атрофи ва Такламакон чўлининг жанубий томонларидаги мамлакатларни ўз таъсир доираларига киритиб олишган эди [131; 843-бет]. Натижада Хитой билан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини боғлаб турувчи Буюк ипак йўли хунлар назоратига ўтиб қолган.

«Тарихий хотиралар»да ёзилишича, мил. ав. 176 йилда хунлар хоқони Маодун (Моде Ботур Тангриқут, Ўғузхон деб ҳам аталади, мил. ав. 210—174 йиллари тахтда ўтирган) Фарбий Хан сулоласи хоқони Вэндига мактуб йўллаб, «Тангрим шарофати, лашкарларим ғайрати ва отларим қуввати билан юэжилар (рузие)ни мағлубиятга учратиб, итоатдан бош тортганларни бошидан жудо этиб, Лоулан, Усун, Хуже (Ўғуз) ва улар атрофидаги 26 давлатни бизга итоат қилдирдим», деб ёзган [99; 21-бет]. Аммо ушбу даврда хоқоннинг Такламакон чўли жанубида жойлашган мамлакатлар устидан олиб борган назорати нисбатан бўшроқ бўлган. Қолаверса, ўша даврда мазкур мамлакатларнинг иқлими ҳозиргидан анча яхши бўлган, улар орқали ўтадиган йўл ҳам нисбатан яқинроқ ҳисобланган. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларда мил. ав. II—I асрлардан бошлаб будда маданияти яхши ривожланган. Шу боис савдогарлар ушбу мамлакатлар орқали юришни маъқул кўришган. Шунда Қруронанинг аҳамияти яна ҳам ошган эди.

Мил. ав. 126 йилда Хитой элчиси Фарғонага биринчи марта келиб Чанъанга қайтиб боргандан кейин Фарбий Хан хоқони У-дига (мил. ав. 140—85 йиллар) тақдим қилган ахборотида, Қрурона шаҳрининг атрофи девор билан ўралганлиги таъкидлаб ўтилган [99; 21-бет].

Келтирилган маълумотлар Қрурона шаҳрининг анча қадимий ва ривожланган эканлигини ва хунлар империяси даврида уларга итоат қилганлигини кўрсатади.

У-ди хоқон даврида Фарбий Хан давлати кучая бошлайди. Атрофдаги мамлакатлар, жумладан Буюк ипак йўли устидан назорат қилишни хунлар қўлидан тортиб олиш мазкур хоқоннинг асосий мақсадига айланади.



У-дининг элчиси Чжанг Чян Фарғона, Қанғли ва Уйсун давлатларига бориб, уларни хунларга қарши курашишга даъват қилиб натижасиз қайтиб келгандан кейин, хунлар билан ханлар ўртасидаги кураш жиддий тус олади [99; 58-бет].

Мил. ав. 121 йилда У-ди қўшинлари Хэши йўлагини эгаллаб олади. Шундан кейин 20 йил давомида У-ди қўшинлари Лоулан ва Турфон каби жойларни хунлардан тортиб олиш учун курашади. Ғалаба қўлдан қўлга ўтиб туради. Мил. ав. 60 йилга келиб (Сюанди хоқон даврида — мил. ав. 73—47 йиллар) Ғарбий Хан хонлиги Турфонни ўз назорати остига олади. Шундан кейин Такламакон чўлининг шимолий томонидаги Қорашар, Кучар каби шаҳарлар орқали Қашқарга, ундан Помир доvonларидан ошиб, Туркистонга ўтадиган йўл Хитой учун очилади.


Крурона гўзаллари

Неолит даврига мансуб икки аёл жасади. Хитойлик археологлар Крурона худудидаги Кунчи дарёси яқинида жойлашган икки қадимги қабрдан топишган (1979, 1980-й.лар). Биринчи қабр тепасига нур сочиб турган қуёшни эслатувчи 6 қатор доира шаклида қозиқлар қоқилган. Унга тахминан 20 ёшларда вафот этган, бошига чўққи наMAT қулоқ, оёқларида этик, бир аёл ва гўдак дафн қилинган бўлиб, улар дағал наMAT устида ётибди. Жасаднинг икки ёнида навдалардан нафис қилиб тўқилган, ичига буғдой солинган саватлар бор. Бу аёлнинг ҳаётлик чоғида ҳоятда гўзал бўлганлиги унинг елкасига қадар тушиб турган заррин сочлари, узун киприклари, нозик лаблари ва қирра бурнидан яққол кўриниб турибди. Иккинчи қабрдаги аёл жасади эса қўй териси билан кафанланиб, тик ҳолда дафн қилинган. Тахм. 40 ёшларда қазо қилган бу аёл ҳам аввалгиси каби кийинтирилган, юз тузилиши чиройли. Унинг атрофига тош, суяк ва ёғочдан ясалган хайкалчалар қўйилган. Унинг ҳам бошида чўққи наMAT қулоқ, оёқларида этик, бўйлари 5 см дан 50 см гача, энсаларига қадар тушиб турган сочлари эса майда қилиб ўрилган, кўзлари қора ва лаблари қизил бўёқ билан пардозланган. Иккала аёл жасади ўзлари кўмилган заминнинг қулай табиий шарт-шароити туфайли, гўё мўмиёлангандек жуда яхши сақланган.

Тадқиқотлар Крурона гўзалларининг қум бўронида қолиб ҳалок бўлганини кўрсатди. Шунингдек, Крурона гўзаллари ёши дастлабки текширишларда 6412 (+117) йил деб белгиланган бўлса, кейинги чуқур таҳлиллар натижасида бу сана 4900 йил деган қатъий қарорга келинди.



Мил. ав. 57 йилда хунлар империяси Ғарбий ва Шарқий хонликларга бўлиниб кетади. Шундан кейин ҳам савдогарларнинг кўпчилиги Туркистондан Қашқар орқали Хан давлатига борадиган йўл билан сафар қилишни маъқул кўришган. Шунга қараганда, мазкур йўл Такламаконнинг жанубий томонидаги йўлга нисбатан хавфсизроқ ва қулайроқ бўлган бўлса керак. Қолаверса, ушбу чўл жанубидаги иқлимнинг қуриб бориш жараёни кучайиб, катта қарвонларнинг юриши қийинлашган. Бу аҳвол Қруронанинг халқаро савдодаги аҳамиятини пасайишига олиб келган. Аммо Қрурона давлати барҳам топгандан кейин анча вақтгача Қрурона шаҳри ипак йўлининг муҳим чорраҳаси сифатида мавжуд бўлган. Хитойга бораётган савдогарларнинг ҳужжатларини таржима қилиш ва қарвонларни йўл



Такламакон чўлининг жануби-шарқидаги Зағунлуқ қадимий қабристони гўридан топилган 42–45 ёшли аёл жасади ва унинг боши асосида тикланган «Қрурона гўзали».

бошловчилар билан таъминлаш ишларида шаҳар аҳолиси муҳим роль ўйнади. Ғарбий Хан хонлиги Қрурона мамлакатини эгаллаб олганидан сўнг, ушбу шаҳар унинг ноиби турадиган жойга айланди. Мил. тахминан 330 йилдан бошлаб Қрурона шаҳри вайронага айланади. Бунинг сабаби ҳақида олимлар ҳамфикр эмаслар. Айрим олимлар шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи пасайиши туфайли у вайрон бўлган, деб ҳисобласа, бошқа бирлари географик вазиятнинг ўзгариши ва бошқа йўлларнинг очилиши натижасида шундай бўлган, деб айтишади [99; 59-бет]. Мазкур фикрларнинг биронтасини рад этиб бўлмайди. Бинобарин, ушбу омиларнинг барчаси шаҳарнинг вайрон бўлишига маълум даражада таъсир кўрсатган.

❁ Кучар ❁ (Кучан; хитойча Кучэ)


Торим воҳасида жойлашган бўлиб, Буюк ипак йўлидаги қадимий маданият марказлардан ҳисобланади. Унинг ёши ҳанузгача аниқланмаган, аммо археологик маълумотларга қараганда, Кучар бир неча минг йиллик тарихга эга.



Кучар қадимий хитой тилида «Киве-тсиэ» деб ўқиладиган икки иероглиф билан транскрипцияланган. Ҳозирги хитой тилида ушбу иероглифлар «Гуйзи» ёки «Цюйзи» деб талаффуз этилади. Муғуллар даврида ушбу топоним Кушиян (Кусян), Кутса (Куца) деб ўқиладиган иероглифлар билан ифодаланган. 1758 йилда Цин (манчжурлар) империясининг қўшинлари Кучарни босиб олгандан сўнг расмий ҳужжатларда ушбу шаҳар номи Кучэ деб ўқиладиган иероглифлар билан ёзила бошланди. Шундан бери Кучарнинг номи хитой адабиётида Кучэ деб ёзилмоқда. Рус адабиётидаги Куча айнан шунга асосланган.

Мил. ав. III—II асрларда хитойларга маълум бўлган маълумотларга кўра, Кучар анча катта ва кучли давлат бўлиб, унинг аҳолиси 80 минг, қўшини 20 минг кишидан ташкил топган. Давлат маркази Кучар шаҳри бўлиб, у узунлиги 3,5 км га яқин бўлган баланд қалъа девори билан ўралган. Хитой олимларининг ёзишича, «шаҳар деворининг гўзаллиги Чанъан (Қадимги Хитойнинг маркази, ҳозирги Сиань) шаҳри деворидан қолишмас эди» [88; 11-бет].

Хитой манбаларининг маълумотига кўра, Кучар вилояти қадимдан серсув, иқлими илқ — деҳқончиликка мос жой бўлган. Шу боис унинг маҳаллий аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Эрақ ва аёл узун соч қўймаган. Узун соч қўйиш фақат хонга мумкин бўлган. Кучарда болаларни ёшлигидан япалоқ бош қилиб ўстиришган. Санъатда, жумладан уйин ва газалхонликда кучарликлар моҳир бўлишган. Ёзув-чизув ишлари маҳаллий ва ҳинд ёзувларида олиб борилган. Кучар Буюк ипак йўлида жойлашганлиги учун унинг аҳолиси ичида савдо билан шуғулланувчилар кўп бўлган.



Кучар хитойларга илк бор маълум бўлган даврлардаёқ юксак даражада иқтисодий ва маданий ривожланган. Шу замонларга оид олтин, мис, темир, қалай ва қўрғошин конлари мавжуд бўлганлиги бунинг исботидир. Ҳозирги Кучар вилоятида жойлашган Чимбоф номли кўҳна қабристондан бир қабр очилганда, унинг ичидан қора ва қизил сопол идишлар, темир, мис, ёғоч ва суюқлардан ясалган буюмлар Қумтўла «минг уйи» (80 та ҳужрадан иборат будда ибодатхонаси).

топилган. Очилган қабр 3 минг йил олдинги даврга оидлиги олимлар томонидан аниқланган [112; 319-бет]. Кучар вилоятида очилган қабрлардан топилган ва бундан 2,5–3 минг йил олдин маҳаллий усталар томонидан тўқилган матолар ва жундан ишланган гиламлар бу ерда тўқимачилик саноатининг анча катта тарихга эга эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари Кучар атрофида «қуюқ ва сассиқ ҳидли суюқлик» оқиб турадиган жой ҳам бўлган экан. Кейинчалик ушбу булоқ нефть эканлиги аниқланган.

Шулардан маълумки, бундан 2,5–3 минг йил муқаддам Кучар давлати анча юксак маданиятга ва ҳунармандчиликка эга бўлган. Бу эса Кучарнинг халқаро савдода тутган ўрни баланд бўлганлигидан далолат беради.

Манбаларга қараганда, Кучар давлатида зотли отларни ва халқаро савдода мавқеи баланд бўлган товус қушларини кўпайтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Пахтадан мато ва жундан гилам тўқиш, ҳайвон териларига ишлов бериш, аёллар учун зарур бўладиган турли хушбўй ҳидли, упа ва бўёқлар ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги ҳам юксак ривожланган [88; 59–72-бетлар].

Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ва маҳаллий ҳунармандчиликнинг ривожланганлиги сабабли қадим замонлардаёқ Кучар халқаро савдо марказларидан бирига айланган. Аммо милонинг 1-минг йиллигида Кучарнинг халқаро савдо алоқаларда тутган мавқеи яна ҳам ошиб кетади. Бунга сабаб, биринчидан, мазкур даврда Буюк ипак йўлининг Қашқар–Кучар–Дуньхуан–Чанъан қисми ниҳоятда гавжум ва серқатнов бўлган, иккинчидан, милонинг I асридан бошлаб Кучар давлати будда динининг йирик марказларидан бирига айланган эди. Мил. III–IV асрларда Кучар давлатида мингдан ортиқ будда ибодатхоналари мавжуд бўлган. Учинчидан, айни замонда Кучарда будда динини ҳурмат қилган савдогарларга катта имтиёзлар берилган [112; 319-, 407-бетлар].




Қумтўла «минг уйи» ҳужраси деворига ишланган расмлар намунаси. IV аср.



Натижада Буюк ипак йўли бўйлаб сафарга чиққан ҳар бир будда дини эътиқодчиси ҳисобланган савдогар Кучарни зиёрат қилиб ўтишни маъқул кўрган. Бу ҳолат ушбу вилоятда ислом дини тарқалгунча давом қилган.

Кучар буддизмни Хитойга тарқатишда ҳам катта роль ўйнаган. Кучарликлар Хитойга бориб, у ердаги буддавийларга сабоқ беришда фаол қатнашган. Чунончи, 399 йилда Хитойдаги будда дини пешволаридан бири Фа Сян Буюк ипак йўли бўйлаб сафарга отланишидан олдин Чанъанда кучарлик йирик дин арбоби Жюмўлоши (Жумолч бўлиш мумкин) маҳаллий буддавийларга сабоқ берган. Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Чин давлати ҳокими Яо Син 800 нафар хитой роҳибларини сафарбар қилиб Жюмўлоши бошчилигида буддизмга оид асарларни хитойчага таржима қилдирган ва илгари қилинган таржималарни тузаттирган [157; 297-бет].



Қизилгор.

540-бет]. Шу даврда Кучардан ўтадиган қарвон, албатта, ҳунлар назорати остида бўлган. Мил. ав. I — мил. II асрларда Кучар Ҳун империяси билан Фарбий Хан ва Шарқий Хан (милодий 25—220 йиллар) давлатлари ўртасидаги қурашларда талаш бўлган.

Мисдан ясалган безакли буюм. IV—VII асрларга оид.

Кучар оқтепаси.



Милоднинг 2-минг йиллигида Кучар кўп марта уруш алангасида қолган. Айниқса, XVII–XIX асрларда Кучар учун фожеалик воқеалар кўп юз берган. Шу боис халқаро савдо маркази сифатида Кучарнинг салоҳияти нисбатан пасайган. XIX асрнинг сўнгги 10 йили давомида Кучар вилоятдан катта нефть ва газ захираси топилган. Буларни қазиб олиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Сиань—Ланчжоу—Урумчи темир йўли Қашқаргача олиб борилган. Кучар мазкур йўлдаги йирик бекатга айланган. Натижада Кучарнинг мавқеи яна кўтарила бошлаган.

✽ Турфон ✽

Бу шаҳар Буюк ипак йўлининг Такламакон чўлининг шимолий томонидан ўтадиган қисмида, аниқроғи Тангритоғнинг шарқий қисмидаги Бугдо тоғларининг жанубий этагида жойлашган қадимий савдо ва маданий марказ ҳисобланади. Шаҳарнинг умумий майдони 15,73 минг квадрат км дан иборат. Расмий маълумотларга кўра, Турфоннинг аҳолиси 240 минг кишига яқин бўлиб, уларнинг аксарият қисмини уйғурлар ташкил қилади (2005). Кейинги даврда аҳолининг хитойлардан ташкил топган қисми ичкари ўлкалардан келган ёрдамчилар ҳисобига кўпайиб бормоқда. Турфондан Урумчигача бўлган масофа 260 километр келади. Сўнгги йиллар давомида ушбу масофада тез юрар автойўл қурилган. Йўлдан кесиб ўтиш учун чорраҳаларда кўприклар барпо этилганлиги туфайли, автомашинада Турфонгача бўлган йўлни бетўхтов босиб ўтиш мумкин. Худди шундай тезюрар автойўл Қашқаргача қурилмоқда.

Турфондан 24 тилда ёзилган ҳужжатлар ва мактублар топилганлиги ушбу заминнинг турли маданиятлар учрашган чорраҳа эканлигини кўрсатади. Археологик маълумотларга кўра, Турфон бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимий хитой манбаларида Турфон вилояти «Хуочжоу» («Ёниб турадиган вилоят») деб аталиб, унинг атрофидаги гиёҳ ўсмайдиган тоғлар эса «Хуояншан» («Алангалиб турадиган тоғ») деб номланган. Маҳаллий халқ уни «Ёлқин тоғ» («Алангали тоғ») деб атайтиди.

Олтиндан ясалган тож
(мил. ав. III–I асрлар).





Бундан 225 млн. йил муқаддам Турфон водийси (ботиқлиги) ўрнида катта денгиз бўлган экан. Кейин ушбу денгиз қуриб, унинг ўрни текисликка айланиб қолган. Турфон вилоятида топилган тошга айланиб кетган балиқлар, турли ҳайвон суяклари, айниқса мазкур вилоятда 1994 йилда улкан динозавр суягининг топилиши шундан далолат беради. Ҳозир ушбу динозавр суяги шаҳардаги тарих музейида сақланмоқда.

Турфон вилояти денгиздан 4,2 минг км узоқликда, денгиз сатҳидан эса 154 метр пастда бўлганлиги туфайли, унинг иқлими қуруқ иссиқ, ёмғир кам ёғади. Маҳаллий халқ ёзда иссиқдан сақланиш учун уйларининг тагига қурилган ва яхши безатилган ертўлаларида дам олишади. Вилоят ер ости сувига бой бўлганлиги сабабли ўтмишда бу ерда коризчилик, яъни қудуқлар қовлаб ер устига сув чиқариш санъати яхши ривожланган. Айрим катта кориз тизимининг узунлиги 5–10 км бўлиб, улар 130–250 та қудуқлардан иборат бўлган. Ўртача олганда, Турфонда коризлар оққали ер юзига сув чиқариш учун ҳар 20–30 метрда биттадан қудуқ қовлаш одат бўлган. Қудуқларнинг энг чуқурлари 6–7 метр, энг саёзлари 1–2 метрдан қавланган.

Турфон бир қатор хонликларнинг пойтахти бўлганлиги учун, бу ерда анчагина тарихий ёдгорликлар мавжуд. Шулар ичида 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган Ёрғул шаҳри харобаси алоҳида ўринда туради. Мазкур шаҳар харобаси хитойча «Жияохэ гучэнг» деб номланган. Ҳозир ушбу шаҳар харобаси музейга айлантирилган. Мил. ав. III – мил. II асрларда Ёрғул шаҳри Буюк ипак йўлидаги катта маданий марказ ҳисобланган. Айрим тадқиқотларга кўра, Ёрғул ўрта асрларда вайрон бўлган.

Сопол идиш
(мил. ав. V–III асрлар).



Остона қабристонидан топилган ёғочдан ясалган ҳайкал
(мил. ав. I аср).



Эркак ҳайкали (III–V асрлар).





Турфон водийсидаги иккинчи қадимий савдо ва маданият маркази «Идиқут шаҳри» (хитой манбаларида «Гавчан гучэнг») бўлган. Унинг номи айрим адабиётларда «Қутчур қўғони» деб ҳам ёзилади. Ушбу шаҳарнинг равнақ топган вақти мил. ав. III—мил. XII асрларга тўғри келади.

Милодий 1-минг йилликда Турфонда будда дини юксак даражада ривожланган. Турфон шаҳрининг шарқ томонида 45 км наридаги тоғ этагида сақланиб қолган ибодатхона бундан далолат беради. Ибодатхона 77 та ҳужрадан иборат бўлиб, шулардан 40 тасининг деворларига будда маданиятига оид чизилган расмлар сақланиб қолган. Расмлар солинган деворлар юзасини умумлаштириб ҳисоблаганда, ҳажми 1200 квадрат метр келади.

Турфонда ислом динининг ҳукмрон динга айланиш вақти тахминан XII асрга тўғри келади. Шунгача икки дин тарафдорлари орасида қаттиқ курашлар юз берган. Ушбу курашлар Турфондаги будда маданиятига катта путур етказган.

Маълумки, узоқ ўтмишдан бери боғдорчилик, айниқса узум етиштириш Турфоннинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Қуритилган узум, айниқса тиниқ ва оч яшил кишмиш унинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий халқ узум сайлига катта эътибор беради. Узум сайли ўтказиладиган катта боғ (хитойча Путоу гоу)нинг айнан Турфонда ташкил топиши бунинг мисолидир. Ушбу боғ катта узумзордан ташкил топган бўлиб, у аҳолининг дам олиш, сайёҳларнинг зиёрат қилиш масканига айлантирилган. Дам олиш кунлари бу ерда одам гавжум, кўпчилик ерга гиламлар солиб ўтириб дам олишади. Боғнинг бир қанча жойларида концерт намоиш этилиб туради. Узумзорга кириш ва чиқиш йўли тепаси ишқом билан Сулаймонхўжа мақбараси.

Турфон манзараси.




ёпилган узун ва катта йўлакга айлантирилган. Унинг икки томони дўконларга ва ошхоналарга тўла. Сотувчиларнинг харидорларни чорлаш мақсадида юмшоқ сўзлар билан ва шеърий услуб билан баён этилган таклифлари бу ерга келганларни бефарқ қолдирмайди ва ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетишга қўймайди.

Турфонда будда ёдгорликлари билан бир қаторда ислом дини билан боғлиқ ёдгорликлар сақланиб қолган. Булардан, айниқса, Сулаймонхўжа мақбараси (1977 йилда қурилган) сайёҳларни ўзига кенг жалб этади.

✻ Ёркенд ✻

Бу шаҳар Такламакон чўлининг жануби-ғарбий чеккасида Қашқар билан Хўтан оралиғида жойлашган бўлиб, у қадимий Буюк ипак йўлидаги чорраҳалардан бири ҳисобланади. Зеро, Ёркенддан ғарб томонга кетадиган бир йўл Қашқарга, жанубга қараб кетадиган иккинчи бир йўл Қорақурум тоғлари орқали Хиндистонга, шарққа қараб кетадиган учинчи бир йўл Хўтан, Қуруна ва Дуньхуан орқали Қадимги Хитой пойтахти Чанъанга борар эди. Кам фойдаланилган бўлса ҳам юриш мумкин бўлган яна бир йўл Ёркенддан Такламакон чўлининг ғарбий чеккасини кесиб ўтиб Кучар вилоятига борган.

Шарқий Хан сулоласи (милодий 25—220) тарихида кўрсатилишича, аини замонда Ёркенд алоҳида бир хонлик бўлиб, ундан Хитойнинг иккинчи пойтахти Лоян шаҳрига борадиган йўлнинг узунлиги 10950 қақирим (ли)дан иборат бўлган [19; 540-бет].



Мазкур манбада Хўтандан ғарб томонга юрилганда Тошқўрғон ва Урий хонлиги (ҳозирги Афғонистоннинг ёки Бадахшон тоғларининг шимолий-шарқидида жойлашган) орқали Хиндистонга бориш мумкинлиги баён этилган [19; 540-бет].

Хитой манбаларида Ёркенднинг номи ҳозирги хитой тилида «Шачэ» деб аталади. Ушбу топоним ифодаланган икки иероглиф қадимги хитой тилида «Suachia» Жоме масжиди (XV аср).

(қум арава) деб ўқилган. Ёркенд нима учун хитой тилида бундай номланганлиги ҳозирча номаълум.

Милодий VIII асрга қадар, яъни ислом дини тарқала бошлагунгача бўлган минг йил давомида Ёркенд будда дини марказларидан эди. Хитой манбаларининг маълумотларига кўра, Ёркендда ниҳоятда кўп ибодатхоналар мавжуд бўлган.

Ҳозир Ёркендга борган киши будда динига оид биронта ёдгорликни учратмайди. Чунки улар ислом дини кириб келиши билан йўқ қилиб ташланган. Фақат Урумчи музейида ва Санкт-Петербургдаги Эрмитажда қадимий Ёркенднинг будда маданиятига оид экспонатларни кўриб, бу маданиятни тасаввур этиш мумкин. Айниқса Урумчидаги тарихий музейда сўнгги 20 йил давомида топилган ёдгорликлар эътиборга сазовор.

Қадимда Ёркенд гоҳ Қашқар (Сули) давлати, гоҳ Хўтан давлати таъсир доирасига ўтиб турган. Мил. ав. II — милодий II асрлар давомида Хун империяси таъсири остида бўлган. Ўша замонларда Ёркенд қош тошлари (нефрит)ни ва ундан ясалган буюмларни жаҳон бозорларига экспорт қиладиган шаҳар сифатида дунёга танилган.

1465 йилда ёркендиклар Мирзо Абубакр бошчилигида мўғулларга қарши кўзғолон кўтариб озодликни қўлга киритишгач Ёркендда кичик бир хонлик ташкил этишган. Шундан кейинги ярим асрдан кўпроқ вақт давомида мазкур хонлик ҳудуди кенгайиб, унга Шарқий Туркистоннинг ҳамма вилоятлари кирган. Хонликнинг шарқий чегараси Буюк хитой деворининг ғарбий томонидаги сўнгги нуқтаси бўлган Жяюйгуан (рус адабиётида Цзяюйгуань)га етиб бораган [82; 85–86-бетлар]. 1758 йилда Ёркенд хонлиги Цин (Чин) номи билан Хитойда ҳукмронлик қилган манжурлар сулоласи томонидан йўқ қилиб ташланди. Шунгача 293 йил давомида Ёркенд шаҳри ушбу хонликнинг пойтахти бўлганлиги сабабли унинг халқаро савдо ва маданий алоқаларда тутган ўрни юксалди.

Султон Саидхон (1514–1533) даврида Мовароуннаҳрдан Хожа Аҳрорнинг набираси Муҳаммад

Султон Саидхон мақбараси
(1533 йилда қурилган).





Юсуфхўжа укалари билан Ёркендга келиши муносабати билан Ёркенд нақшбандия тариқатининг марказидан бирига айланди. XVIII асрнинг бошларида Ёркенд хонлигининг тахти қорахонийлар авлодидан бўлган, Туркистондаги нақшбандия тариқатининг пешвоси ва назарийтчиларидан ҳисобланган Махдуми Аъзам Косоний (1464–1542)нинг авлодлари бўлмиш хўжалар қўлига ўтади. Шундан сўнг Ёркенд ислом дини марказларидан бирига айланади.

Ёркенд хонлиги манжур истилочилари томонидан йўқ қилингандан сўнг Ёркенд шаҳрининг мавқеи пасайиб, ноҳия марказига айланади. Манжурлар ўзларининг бош вакилини Или водийсига, унинг ўринбосарини эса Қашқарга жойлаштиришади. Шундан сўнг Ёркенднинг сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамияти секин-аста пасайган.

Фурқат Ёркендда

Асл исм-шарифи Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли (1859, Қўқон – 1909, Ёркенд) – тараққийпарвар шоир, мутафаккир, публицист.

Фурқат 1893 йил мартада Кашир ва Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркендда турғун яшаб қолди. Оила қурди. Табибликдан хабардор бўлган шоир доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи дўкон очди, ижодий иш ва хаттотлик билан шуғулланди. Фурқат доимо Ватанига қайтиш умиди билан яшади. Аввал бошлаган «Саёҳатнома» асари устидаги ишни Ёркендда давом эттирди. Лекин бу асар хануз топилгани йўқ. У ердан Тошкентга публицистик асарлар, турли мавзудаги хатмақолалар, Фарғона ва Тошкентдаги ёр-дўстларига мактублар йўллаб турган. Фурқат ўзбек матбуоти тарихида фельетон жанрини бошлаб берди («Ҳинд найрангбози Ёркендда», 1905).

Баркамол лирикаси, жозибали насри ва публицистикаси билан 19-аср охири ва 20-аср бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Фурқат она-ватанидан узоқда вафот этди. Унинг жасади Ёркенднинг Донгдор қабристонига кўмилган. 1990 йил шоир қабри устига мақбара қурилган.



Хўган тангаси.

Хўжалар ҳокимият тепасига келгандан сўнг Ёркендда ўзбекларнинг нуфуси кўпайган. Шаҳарда ўзбек маҳалласи ва ўзбек қабристони пайдо бўлган. Маҳаллий халқ ўзбекларга ниҳоятда катта ҳурмат ва иззат билан қараган. 1893 йилда ўзбек шоири Зокиржон Фурқатнинг (1859–1909) Ёркендга бориб, у ерни макон тутиши ҳам тасодифан эмас. Шоирнинг жасади шаҳар ичидаги Донгдор қабристонига дафн этилган.

✻ Хўтан ✻

(Қадимда Удун, Илчи, Йўтқон деб ҳам номланган)

Бу шаҳар қадимий ипак йўлидаги йирик маданий марказ бўлганлигини бутун дунё илм аҳли бир овоздан эътироф этади. Хитой манбаларига кўра, бу шаҳар Ғарбий Хан давлати даврида (мил. ав. 206—мил. 8) Юйтян давлатининг маркази бўлган. Шунда унинг аҳолиси 3300 тутун ёки 19,3 минг кишидан иборат эди. Хитойда Инь ҳокимлиги (мил. ав. XV—XI асрлар) даврига оид қабрлар очилганда, улардан кўп миқдорда Хўтандан олиб борилган ҳар хил рангдаги нефрит (қош тошлари)дан қилинган буюмлар ва тақинчоқлар чиққан [139; 23-бет]. ХХРнинг Ганьсу вилоятида очилган янги тош даврига оид қабрларда ҳам Хўтаннинг нефрит тошидан қилинган буюмлар топилган. Мутахассисларнинг аниқлашича, ушбу буюмларнинг аксарият қисми бундан 3 минг йил олдин Хўтандан олиб борилган [157; 173-бет]. Мазкур ашёвий далиллар Хўтаннинг қадимийлигини ва унинг ипак йўлида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Хўтан орқали Хитойга борадиган савдо йўли бундан 3000 йил илгари мавжуд эканлигини англатади.

Қадимшунос Б.А.Литвинский «Мил. ав. X асрда Шарқий Туркистон билан Европа яйловлари ўртасида муносабатлар бўлган», деган хулосага келган. Хўтанда топилган одам ва ҳайвон суяклари ушбу хулосанинг тўғри эканлигини кўрсатиш билан бирга, мил. ав. минг йиллик давомида европаликлар Хўтанга келганлигини ва бу ерда маълум вақт давомида яшаганлигини кўрсатади [157; 173-бет]. Милоддан аввалги даврларда ипакчилик ва гилам тўқиш соҳаларида ҳам Хўтан дунёга машҳур бўлган.

Ислом динига қадар ушбу шаҳар будда динининг асосий марказларидан бўлган [92; 152-бет]. Хўтаннинг номи хитой манбаларида Юйтян («Нефрит тоши макони» демақдир) деб аталади. Шаҳарнинг номи энг қадимий хитой битикларида учрайди. Шу билан бирга, уларда бундан 3—4 минг йил муқаддам ушбу шаҳардан Қадимги Хитойга нефрит тошидан ясалган буюмлар ва тақинчоқлар олиб



Хўтандан топилган сопол идишлар
(мил. ав. II асрга оид).

борилганлиги зикр этилади. Шунга қараганда, Хўтаннинг ёши ва бу ердан ўтган савдо йўли бир неча минг йиллик тарихга эга.


Хитой сайёҳи ва будда динининг йирик арбоби Фа Сян (367–422) милодий IV асрнинг бошида (у Чанъандан 399 йилда сафарга отланган) Хўтанга келиб, ушбу шаҳарнинг катталиги, ривожланганлиги, аҳолисининг бой яшаши, бу ерда будда дини ниҳоятда равнақ топганлиги ва йирик диний олимлар кўплиги, буддавийлар учун шаҳар муқаддас зиёрат маскани эканлиги ҳақида маълумотлар қолдириб кетган [92; 152-бет]. Милоднинг дастлабки бир неча асри давомида Хўтанда будда динига оид асарларни хитой тилига ўтириш, сўнг уларни Хитойга юбориш ишлари амалга оширилган [117; 41-бет]. Ушбу маълумот ҳам бундан 2 минг йил муқаддам Хўтанда анча юксак маданият мавжуд бўлганлигидан ва Буюк ипак йўли орқали будда динини Хитойга тарқатишда хўтанликлар фаол қатнашганлигидан далолат беради.

Хўтан вилоятида, айниқса Хўтандан 100 км шимолда қум тагида кўмилиб кетган қадимий Ниядан кўп ноёб нарсалар топилган. Терига, тошга, суякка ва ёғочга ҳар хил тилларда 1–2 минг йил олдин ёзилган ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатларнинг кўп қисми савдо ишларига оид бўлган. Шундан маълумки, Хўтан Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо алоқаларда муҳим роль ўйнаган.

Милодий 982 йилда Хўтан қорахонийлар сулоласи назорати остига ўтганидан кейин унда ислом дини ҳукмрон динга айланиб, будда дини сиқиб чиқарила бошланди. Ана шу жараёнда буддавийларнинг кўпчилиги Тибетга қочиб қутилган. Хўтанда 1870 йилда қурилган жоме масжиди ислом маданиятининг диққатга сазовор ёдгорликларидан ҳисобланади.

Хўтан вилояти ипакчилик ва гилам тўқиш соҳасида қадимдан жаҳонга машҳур бўлиб келган. Ҳозиргача топилган маълумотларга кўра, Хўтаннинг ипакчилик санъати бир неча минг йиллик тарихга эга. Хитой олимлари ипакчилик санъати Хўтанга Хитойдан тарқалган, деган фикрни олға суриб келишмоқда. Аммо азалдан Хўтаннинг ўзида чиқадиган табиий ипак бўлган, деган фикр ҳам мавжуд.

Хўтан жоме масжиди.





Манбаларда кўрсатилишича, Хўтанда намат, гилам тўқиш санъати камида 3 минг йиллик тарихга эга. Ҳанузгача Хўтан намати, гилами жаҳон бозорларида ўз мавқеини йўқотмай келмоқда. Хўтанликларнинг тўқиган намат ва гиламлар ўзига хос ранги, гули, чидамлилиги, зич тўқилиши билан фарқ қилади.

Хўтанда чиқадиган нефрит тоши билан хитойлар танишганига 4 минг йил бўлган. Мил. ав. XX–X асрлар давомида Хўтан нефритидан ясалган буюмлардан фойдаланиш бойлик мезони бўлган эди. Шундан бери Хўтаннинг нефрит тошлари Буюк ипак йўли орқали Хитойга ва Европа мамлакатларига олиб бориб сотиладиган моллар ичида муҳим ўрин эгаллаб келган. Уларнинг ранглари асосан қизғиш яшил, сариқ, қора, оқ, ҳаво ранг бўлган.

Хўтан вилоятининг иқлими узум ва анжир ўстириш учун ниҳоятда қўл келади. Вилоятнинг Лоп ноҳиясида 140 ёшдан ошган ток мавжуд. У ўрта ҳисобда 2 минг кг ҳосил беради. Қуритилган узум ва анжир ҳам чет мамлакатларга олиб кетиладиган маҳсулотлардан ҳисобланиб келинган.


Ҳозир Хўтан вилояти 8 ноҳиядан иборат бўлиб, унинг аҳолиси 1,5 млн. яқин кишидан иборат. Вилоят маркази Хўтан шаҳри. У нисбатан катта шаҳар ҳисобланмайди. Вилоятни шимол томондан қум босиш жараёни давом этмоқда.

✽ Урумчи ✽

Бу шаҳар қадимда Такламакон чўлининг шимолий томонидан ўтадиган савдо йўлидаги шаҳар ҳисобланган. Ҳарбий жиҳатдан унинг аҳамияти катта бўлган. У ҳозирги Хитой Халқ Республикаси Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасининг марказидир. XX асрнинг охири чораги давомида ушбу шаҳар халқаро савдо ва маданий алоқалар марказига айланди.

Урумчи Тангритоғнинг шимолий этагида жойлашган бўлиб, дунё миқёсида денгиздан энг узоқ (4500 км) шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Урумчи ёнидаги Қутбий ноҳиясидан топилган қоя расмларнинг бир бўлаги (мил. ав. X аср).



Шу боис шаҳар жанубдан шимолий-ғарб томонга қараб чўзилган. Ушбу йўналишда шаҳар чексиз кенгайиши мумкин.

2005 йилги маълумотга кўра, шаҳар аҳолиси 2,5 млн.га яқинлашган. 2004 йилда «Дабазар» («Катта базар») деб номланган халқаро савдо бозори ҳам қуриб битирилган. Ҳозир Урумчи шаҳри мамлакатнинг энг йирик савдо маркази ҳисобланади. Хитой билан Европа мамлакатларини улаб турадиган қитъалараро темир йўли Урумчидан ўтади. Шунинг учун унинг замонавий Буюк ипак йўлидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

«Урумчи» топоними мўғул тилида «атрофи ўралган дала» маъносини англатади. 1733 йилда манчжурларнинг Чин (Ўзин) сулоласи Урумчи шаҳрини ҳали эгаллаб олмасдан, унинг номини «Дихуа» («Ўзлаштириш») деб атаган. Шундан кейинги асрлар давомида хитойлар шаҳарни ушбу ном билан атадилар. 1954 йилдан бошлаб шаҳарнинг аввалги маҳаллий номи унинг расмий номига айлантирилган [158; 123-бет].


Геологик маълумотларга кўра, Урумчи шаҳрининг тагида қалин кўмир қатлами, шаҳар атрофида бир қанча кўмир кони ҳам бор.

XIX–XX асрлар давомида Урумчи тарихи сиёсий воқеаларга бой бўлган. Урумчи атрофидаги тоғларнинг манзараси ниҳоятда гўзал бўлганлиги сабабли, у ерларда дам олиш масканлари кўп. Шаҳар тоғлардан оқиб тушиб турадиган сув билан таъминланади.

Урумчи шаҳри нисбатан ёш шаҳар. Қадим замонларда у биронта давлатнинг маркази бўлмаган. Ҳар ҳолда бу ҳақда маълумот йўқ. Аммо археологик маълумотларга қараганда, ҳозирги Урумчи шаҳрининг атрофида бундан 2000–2500 йил муқаддам одамлар яшаган. XVIII асрнинг 2-ярмидан бошлаб Урумчининг сиёсий аҳамияти Хуоянишан – Ёлқинтоғ манзараси.



Урумчи топилмалари (мил. ав. V–III асрларга оид қабр ичидан чиққан).





ошган туфайли, у катта шаҳарга айлана бошлаган. 1913 йилдан Урумчи «Шинжон»нинг марказига айлантирилгандан сўнг, унинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи яна ҳам оша бошлаган. Сўнгги 20 йил давомида Урумчи бутунлай ўзгариб кетди. Шаҳарда замонавий осмонўпар иморатлар кўп. Кўча юзига қурилган иморатларнинг биринчи қавати катта-кичик дўконлардан иборат. Ўтмишда шаҳар ўртасидан ўтган сой бўйлаб қурилган тезюрар йўлни ҳисобга олмаганда, кун сайин кўпайиб бораётган автомашиналар мавжуд кўчаларга текилиб қола бошлади. Аини пайтда Урумчида амалга оширилаётган қурилишлар шаҳарнинг сиёсий-иқтисодий аҳамияти тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Мавжуд режаларга кўра, Урумчи яқин келажакда Хитойни Жанубий Осиё ва Европа давлатлари билан ҳаво йўллари орқали улаб турадиган асосий манзилга айланади.

Урумчи шаҳрининг кечки бозорлари ўзига хос хусусиятга эга. Шаҳарда бир нечта кечки бозорлар мавжуд. Уларнинг айримлари кийим-кечакларга, айримлари озиқ-овқатга мослаштирилган. Хорижликлар учун озиқ-овқат бозори айниқса қизиқарли. Баҳоси унча баланд бўлмаганлиги сабабли айрим шаҳарликлар учун бундай бозорлар фақатгина овқатланиш эмас, балки дам олиш маскани ҳисобланади. Маҳаллий урф-одатга кўра, мусулмонлар хитойлар тайёрлаган овқатни емайди. Шунинг учун овқат қилиб сотувчилар мусулмон бўлиши, албатта, ёзиб қўйилиши ва овқат қилишда мусулмончиликнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим. Акс ҳолда улар дўконига мусулмонлар кирмайди.

Кечки бозорда тайёрланадиган овқатларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса стол ўртасига ўрнатилган қайнаб турган қозонча атрофида ўтириб, ўзлари хоҳлаган нарсаларни қозоннинг бир бурчагида пишириб еб ўтирганлар хорижликларнинг эътиборини кўпроқ жалб қилади.

Бугдо кўли.





Кечки бозорлар, асосан, шаҳар марказларидаги ўртача кўчаларда, кечкурун соат 6 дан кейин бошланади. Унгача бундай кўчалар шаҳар транспорти учун очиқ. Кечаси бозор тамом бўлгандан сўнг қўйилган дўкончалар олиб ташланади. Эрталаб шу кўчалардан ўтган одамлар кеча бу ерда бозор бўлганлигини сезмайдилар.

Буғдо қўли Урумчи атрофидаги тоғ орасига жойлашган гўзал манзарали дам олиш маскани ҳисобланади. Қўлнинг номи «Буюк қўл» маъносини англатади. Айрим ривоятларга кўра, ушбу ном «Туя шаклидаги қўл» маъносини билдиради. Қўл Урумчи шаҳри ёнидаги Буғдо тоғининг шимоли-ғарбий этагидаги тоғ орасида денгиз сатҳидан 1980 м баландликда жойлашган. Қўлнинг умумий майдони 5 кв. километр, чуқурлиги 105 м келади. Бу ерни зиёрат қилган хитой сайёҳлари қўлга «Тянчи» («Осмон қўли») деб ном қўйишган.

Ривоятларга кўра, қўлнинг пайдо бўлиши илоҳий кучларга боғлиқ бўлган.

Сўнги йиллар давомида Буғдо қўли дам олиш ва зиёрат масканига айланган. Қўл атрофидаги табиат гўзаллиги бу ерга келган кишини бефарқ қолдирмайди. Қўлнинг суви ниҳоятда совуқ ва тиниқ. Тоғ



Ҳозирги Урумчи манзараси.

ҳавосининг тозаллиги сезилиб туради. Айтишларича, қўлнинг юқорисида кичикроқ яна бир қўл мавжуд. У ҳам Буғдо қўли деб аталар экан. У қўлга пиёда ёки от билан бориш мумкин эмиш. Ҳозир қўлга чиқиш учун автомобиль йўли ва осма йўл мавжуд. Йўл бўйлаб бир қанча дам олиш жойлари ҳам бор.

ҚАДИМГИ ХИТОЙНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ЧЕГАРА ҚЎРИҚХОНАЛАРИ

✽ Юймэнгуан ✽

Дуньхуаннинг шимоли-ғарбида, шаҳардан 80 км наридаги чўл ерда жойлашган. «Юймэн»нинг луғавий маъноси «Қош тоши (нефрит) дарвозаси»ни англатади, «гуан» — «чегарадан ўтадиган жой» демакдир. Қадимий хитой манбаларига кўра, бундан бир неча минг йил илгари Хўтандан Қадимги Хитой шаҳарларига нефрит тош (қош тош)ларини ва ундан ясалган буюмларни олиб бориб сотишган. Ана шунда савдогарлар ушбу чегара дарвозасидан ўтишган. Шунга кўра, хитойликлар ушбу жойни «Юймэн» («Қош тош дарвозаси») деб аташган.

Ғарбий Хан давлатининг хоқони У-ди даврида бу ерга қоровулхона қуриш муносабати билан мустаҳкам қалъа барпо этилган. Мазкур қалъа «Юймэнчэнг» («Қош тош дарвоза қалъаси») деб аталган. У кўп марта таъмирланганлиги туфайли ҳозиргача яхши сақланиб қолган.

Юймэн қалъаси узунчоқ тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг умумий майдони 633 кв. м га тенг. Шарқдан ғарбга қараб қурилган деворнинг узунлиги 24 м., жанубдан шимолга қараб қурилган деворнинг узунлиги эса 26,4 м.га тенг. Деворларнинг баландлиги 9,7 м. Қалъанинг ғарбий ва шимолий деворларида биттадан дарвоза очилган. Шимолий дарвоза олдидан Қадимги Хитойдан ғарб томонга борадиган йўл ўтган. Ушбу дарвозадан 100 метрга яқин ердан «Сули хэ» деб номланган ариқ ўтган. Хитой манбаларида Қадимги Хитойдан Юймэн орқали ғарб томонга кетадиган йўл шимолий йўл (бэйлу), унинг жанубидаги Янгуан орқали юриладиган йўл эса жанубий йўл (нанлу) деб аталган.

✽ Янгуан ✽

Ҳозирги Дуньхуан вилоятидаги зиёрат масканларидан бири ҳисобланади. Ўтмишда у Қадимги Хитойнинг ипак йўли устидаги ғарбий чегараларидан бири бўлган. Дуньхуан шаҳридан 70 км наридаги Гудунгтан («Қадимий ёдгорликлар даласи» маъносини билдиради) номли тепалигида жойлашган. Ўтмишда ушбу тепаликда Шоучангчэнг деб аталадиган қалъа мавжуд бўлиб, унинг шарқий томонида экинзор ва боғлар бўлган. Ҳозир ушбу қалъа деворининг бир бўлаги сақланиб қолган.



Гудунгтанда шамол таъсирида очилиб қолган тарихий ёдгорликлар орасида мисдан ясалган ўқ-ёй учи (пайкон), тангалар, сопол идиш парчалари, нефрит тошидан қилинган қўл тегирмони Янгуаннинг 2 минг йилдан ортиқ тарихга эга эканлигидан далолат беради. Айрим хитой манбаларида ёзилишича, Янгуан мил. ав. II асрда Фарбий Хан давлати Дуньхаун вилоятини эгаллаб олгандан сўнг барпо этилган бўлиб, шу замонда бу ерда булоқдан бошланадиган ариқ мавжуд бўлган [136; 1071-бет].

Одатда Янгуан жанубий чегара дарвозаси, Жяюйгуан эса шимолий чегара дарвозаси деб аталади. «Янгуан» атамасининг луғавий маъноси «жанубий чегара дарвозаси» (қоровулхонаси деб айтиш ҳам мумкин) демакдир. Қадим замонларда Хитойдан фарб томонга қайтиб кетаётган элчилар, обрўли меҳмонлар ва олий зотларни шу жойгача кузатиб қўйиш одат бўлган экан. Зеро, бу меҳмонни уйдан кўча эшигигача кузатиб қўйиш маъносини билдирган. Марказий Осидан Хитойга борувчилар мана шу жойда назоратдан ўтган, мактуб ва бошқа ҳужжатларини хитойчага таржима қилиб, расмийлаштиришган ва зарур солиқларни тўлаб, ундан ўтишга ижозат кутишган.

Хитой олимлари Янгуанни инсоннинг томоғига қиёслаб таърифлайдилар. Масалан, «Хитойдаги машҳур тарихий ёдгорликлар» китобида «Янгуан Хитойнинг чет эл мамлакатлари билан боғлаб турадиган катта йўл ер устидаги кекирдақдир, у қадимий ипак йўлининг муҳим чорраҳаси бўлиб, ушбу йўл орқали сафарга отланганлар учун қўниб ўтиш муқаррар бўлган жойдир», деб ёзилган [136; 1071-бет].

Қадимги қоровулхона ҳозир бир тепаликка айланиб қолган. Янгуаннинг бугунги кўриниши кейинги даврда қурилган. Тепаликнинг бир томонида музей, иккинчи томонида катта дўкон бор. Музей экспонатлари узоқ ўтмишда бу ерда саклар ва суғдийлар яшаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон делегациясини кутиб олиб, Янгуан атрофидаги боғдорчилик билан таништирган боғбон аёлнинг айтишича, уларда узум сентябрь ойининг охирларида пишади. Ҳосилнинг бир қисми сотилади, яна бир қисми қуритилади. Улгуржи савдогарлар олдиндан келишиб қўйганликлари учун, ҳосил йиғилган заҳотиёқ уни олиб кетишади. Ҳозирча ҳосилнинг сотилмай қолиш ҳоллари кузатилмаган. Узумчилик билан шуғулланган деҳқонларнинг моддий аҳволи ҳам бошқа деҳқонларга нисбатан яхшироқ.

Маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, Янгуан ёнидаги қишлоқда узумнинг бир неча хил навлари мавжуд. Ҳусайни узум

ўсмайди, лекин ҳасайни узумга ўхшаган нав кўпроқ экилади, чунки у ўзининг серҳосил ва харидорбоблиги билан фарқ қилади. Токчилик маданияти анча қадимий тарихга эга бўлиб, у бу ерга Марказий Осиё мамлакатларидан Буюк ипак йўли орқали келган.

✽ Жяюйгуан ✽

Бу чегара қўриқхонаси Буюк хитой деворининг ғарбий нуқтаси ҳисобланиб, рус адабиётида Цзяюйгуань деб ёзиб келинган. Айни шу жойда жануб томондаги Чилин тоғи билан шимол томондаги Лунгшоу тоғи оралигида ягона тор йўлак ҳосил бўлган. Бу жойнинг шарқий томони катта чўл билан тутшиб кетган. Тарихда ушбу икки тоғ оралигидаги ҳудуднинг сиёсий ва ҳарбий аҳамияти катта бўлган.

Мин сулоласи даврида (1368–1644) мазкур тор йўлак Қадимги Хитойнинг асосий чегара дарвозасига айланиб, унда мустаҳкам қалъа қурилган (1372). Шундан бери Хитойдан ғарб томонга ва ғарб томондан Хитойга келувчилар шу жойдан ўтиши шарт ҳисобланган.

1971 йилда Хитойнинг шарқий вилоятларини Урумчи шаҳри билан боғловчи темир йўл қурилиши муносабати билан Жяюйгуан шаҳарга айлантирилган. Ҳозир унда пўлат ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, кимё ва цемент ишлаб чиқариш соҳалари бўйича бир нечта завод ва фабрикалар мавжуд. Айни замонда ХХРнинг шарқий порт шаҳри бўлмиш Лянжунгандан ғарбий томонидаги Алашанкоу (Олай тоғи чегара дарвозаси)гача 1997–2007 йиллар дастурига биноан қурилаётган замонавий тезюрар автойўл ҳам ушбу шаҳардан ўтади. Шу боис Жяюйгуан замонавий ипак йўлининг муҳим манзили сифатида хизмат қилмоқда.

Жяюйгуан қалъасининг умумий майдони 33,5 кв м, 4 томон деворларининг умумий узунлиги 733 м га тенг. Деворларнинг баландлиги 10 м дан иборат. Шарқий ва ғарбий деворларда биттадан дарвоза очилган. Қалъанинг сув таъминоти унинг ўртасида қазилган қудуққа асосланган. Ҳозир ушбу қудуқ кўмилиб кетган. Қалъанинг ташқариси яна бир қават девор билан ўралган бўлиб,

Жяюйгуан.





унинг бир томони Буяк хитой девори билан уланиб кетган. Қурилгандан кейинги 6 аср давомида қалъа кўп марта таъмирланганлиги сабабли яхши сақланиб келган. Айни замонда сайёҳлар учун очиб қўйилган зиёрат маскани ҳисобланади [136; 1055-бет]. «Жяюйгуан» атамаси ўша жойдан ўтган тоғ ирмоғи Жяюйшан (Жяюй тоғи) номидан келиб чиққан. Ушбу атама қачон тоғ номига айланган ва қандай маънога эга эканлиги ҳозирча номаълум. Аммо уни ифодалавчи иероглифлардан келиб чиққанда, у «Бахт тоғи» ёки «Омад тоғи» демакдир.

МУВАНГНИНГ ҒАРБИЙ САФАРИ

Муванг (ҳоким Му), адабиётларда «Мутянзи» («Тангри фарзанди Му») деб ҳам аталади. Унинг ушбу номлари ҳукмдор бўлганидан сўнг пайдо бўлган. Айрим муаллифлар «Му» сўзини қадим замонларда йўқолган қитъа ёки мамлакат номи деб ҳисоблайдилар [46; 97–101-бетлар]. Агар шунга асослансак, «Муванг» «Му мамлақати ҳукмдори», «Мутянзи» эса «Му мамлақатидаги тангри фарзанди» деган маъноларни англатади. Шуниси қизиқки, ҳукмдорни «тангри фарзанди» деб аташ одати фақат хитойларда эмас, балки хунларда ҳам мавжуд. Аммо бу сўз хун тилида «тангриқут» деб талаффуз этилган.

«Му» сўзини ифода этувчи иероглифнинг луғавий маъносидан келиб чиққанимизда, у «ҳурмат», «илиқ» маъносини англатади. Бинобарин «Муванг» «ҳурматга сазовор бўлган ҳукмдор», «Мутянзи» «ҳурматга сазовор бўлган тангри фарзанди» каби маъноларга эга.

Ҳар икки тушунчани умумлаштирган ҳолда масалага ёндошилса Муванг, Мутянзи каби номлар тарихчилар томонидан қўйилган номлар эканлиги аён бўлади. Мувангнинг ҳукмдорлик қилган вақти мил. ав. 1001–947 йилларга тўғри келади. Манбалар маълумотига кўра, у ўз замонасининг моҳир сиёсатдон ҳукмдори ва тиниб-тинчимас сайёҳи бўлган. У «осмон тагидаги заминларни» кезиб чиқишни ўзи учун мақсад қилиб олган.

Мувангнинг «Тангри фарзанд Му ҳақида» қисса «Мутянзи жуан» асари мавжуд сафарномалар ичида энг қадимийси ҳисобланади. Ушбу китоб 6 бобдан иборат бўлиб, унинг 1–5 боблари Мувангнинг ғарбий саёҳатига бағишланган. Аксарият хитой олимларининг фикрича, ушбу асар қадимги йўллар ҳақида аниқ маълумот берадиган муҳим манба ҳисобланади. Асарнинг сақланиб қолган қисмида муаллиф ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Шу боис бу ҳақда кўпдан бери олимлар томонидан ҳар хил тахминлар айтилиб келинмоқда.



Ушбу битик тасодифий сабаб билан маълум бўлган. Бундан XVI аср муқаддам Хэнань ўлкасидаги Жисян ноҳиясида яшаган Бухуай исмли ўғри бойлик ахтариб мил. ав. 276–252 йилларда Анли номи билан ҳукмронлик қилган Вэй сулоласига тобе бир ҳокимнинг қабрига кечаси ўғирликка тушган.

Аксига юриб Бухуай ўғирликка тушган қабр ичида бойликлар унча кўп бўлмаган. Аммо ўғри қабр ичида бойлик ўрнига иероглифлар ёзилган хитой қамишидан ясалган тахтачаларга дуч келган. Ўғри сотиб пул қилишга арзигулик нарсаларни олиб, ёзувли тахтачаларни сочиб кетган. Орадан кўп ўтмай одамлар қабрга ўғри тушганлигини билиб сочилган тахтачаларни йиғишган. Ушбу тахтачаларни олиб кетиш учун 10 та аравадан фойдаланишган.

Олимлар тахтачалардаги ёзувларни ўқиб ва уларни тартибга солиб қараб чиққанида, улар 100 минг сўздан иборат бир китоб эканлиги маълум бўлган. Шунини қайд этиш лозимки, қороз ихтиро этилишидан аввал Хитойда хотиралар хитой қамишидан ясалган тахтачаларга ёзилиб, уларнинг ҳар 20–40 таси ип билан ёнма-ён ҳолда бир-бирига улаб чиқилган. Улардаги ёзувлар (иероглифлар), яъни расмлар шаклидаги белгилар юқоридан пастга қаратиб ёзилган. Тахтачаларнинг бундай ҳолда улаб чиқилишининг сабаби, уларни сақлашда ўраб тахлаб қўйиш, ўқишда эса бир чеккадан очиб қарашга осон бўлиши кўзда тутилган. Шу сабабли битта кичик асар ҳам кўп ўрамлардан ташкил топган.

Хитойда топилган қамиш тахтачаларига ёзилган китоблар ичида энг машҳурлари иккита бўлиб, буларнинг бири «Мутянзи жуан» бўлса, иккинчиси «Чжушу жинян» («Қамиш китоб хотиралари») дир. Буларда баён этилган воқеаларни айрим тарихчилар шунчаки ривоят деб ҳисоблайдилар. Шунга қарамай, уларга кўп олимлар муҳим манба сифатида мурожаат қилиб келмоқдалар. Ҳозирги давргача ушбу манбанинг асл нусхасидан 6 минг сўздан иборат қисми сақланиб қолган [117; 4-бет].

«Мутянзи жуан»да келтирилган маълумотларга кўра, ҳоким Му – Муванг (асли исми Жиман) Ғарбий Чжоу давлатининг (мил. ав. XI аср – 771 йил) бешинчи ҳокими ҳисобланади. Мувангнинг мамлакати ҳозирги ХХРнинг Шэньси ўлкасидаги Вэйхэ дарёсининг юқори оқими соҳилларида жойлашган. Мазкур ҳокимлик ўша даврда хитойлар яшаган жойнинг ғарбида бўлганлиги туфайли, у «Ғарбий мамлакат» («Ғарбий Чжоу») деб аталган. Кейин ҳокимликнинг ҳудуди шарқ томонга кенгайтирилган [81; 74–77-бетлар].

«Мутянзи жуан»да баён этилишича, Муванг овга ишқибоз бўлган. Қунларнинг бирида у ов қилиш мақсадида ҳамроҳлари билан шимол



томонга юриш қилади. Шунда Хэзунг-бўяо исмли бир амалдор унга Помирдан олиб келинган қимматбаҳо қош (нефрит тоши)ни совға қилган. Совғани кўрган Муванг уни қаердан олиб келинганлиги билан қизиққан. Амалдор унга нефрит тоши Помир ва Кунлун тоғларидан чиқишини ва у ерга бориш учун йўл борлигини сўзлаб берган. Ёш ва бақувват бўлган Муванг амалдорнинг сўзларини эшитиб, ушбу тош конига боришга қарор қилади. Шу тариқа Мувангнинг ғарбий сафари бошланган.

Боришда Муванг одамлари билан бирга Цинхай (Чингхай) ўлкаси (Тибет тоғларининг шимолида) орқали Торим воҳасига келган. У ерда Оққош дарёси (Байюйхэ) ва Қорақош дарёси (Хэйюйхэ) дан ўтиб Помирга етиб борган. Помир тоғларини ошиб ўтаётганда Муванг ов қилган. Помирда маҳаллий ҳокимлар унга Хўтаннинг нефрит тошидан ясалган буюмларни ҳадиа этишган.

Помир орқали ғарб томонга кетаётган Муванг Тошқўрғонда тўхтаган. У ердан анча кун йўл юриб Сюнчи қўлига етиб борган. Ушбу қўлни айримлар Амударё деб шархлайди, айримлар Иссиққўл, деб кўрсатишади. Шундан сўнг Муванг яна анча йўл юриб, Шивангму (Сиваньму) давлатига боради. Ушбу мамлакатнинг жойлашган ҳудуди ҳақида ҳам қатъий бир фикр йўқ. Айрим муаллифлар Шивангму давлати ҳозирги Ироқда бўлган деса, бошқа бирлари Эронда бўлган деб ҳисоблашади.

Шивангму давлатидан Муванг шимоли-ғарб томонга бурилиб ўз сафарини давом этади. Сўнг Қирғизистон яйловлари орқали яна келган йўли билан орқага қайтади. «Мутянзи жуан»да Муванг ва унинг одамлари Норин дарёсидан (Чухэ) сув ичганлиги, Ёркенд дарёсидан (Хэйшуйхэ) ўтиб, кўп нефрит тошларидан олиб Қумул (Хами) ва Хэши йўлаги орқали ватанига қайтиб келганлиги таъкидланган [117; 1–6-бетлар].

Мазкур маълумотдан кўриниб турадики, Муванг ғарбга саёҳат қилганида, у Буюк ипак йўлининг Такламакон чўли жанубидаги йўл билан юриб, Помир орқали Туркистонга келган. Қайтишда сайёҳ Ёркендга Помирнинг шимолий томони орқали ўтиб келиб, сўнг яна чўлнинг жанубидаги йўл билан Қумулга борган. У ердан Хэши йўлаги орқали юртига қайтиб кетган.

Муванг яшаган вақт ҳисобга олинса, унинг ғарбий сафари бундан 3 минг йил муқаддам Ўзбекистон—Хитой оралигидаги Буюк ипак йўли орқали амалга ошганлиги маълум бўлади. Бу ушбу йўлнинг ундан ҳам олдин мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

ДЕНГИЗ ЙЎЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА БУЮК ИПАК ЙЎЛИГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ

Маълумки, қадим замонларданоқ Буюк ипак йўли орқали Осиё, Европа ва Шимолий Африка давлатлари ўзаро савдо-сотиқ қилиб келган. Ушбу давлатларнинг асосий магистрал йўл устида жойлашганлари боис бошқа давлатларга нисбатан қулайроқ шароитда бўлганлиги шубҳасиз. Мазкур йўлдан узоқроқдаги халқларнинг халқаро савдо алоқаларида қатнашишлари, албатта, қийинроқ кечган. Айниқса, денгиз бўйи халқларининг ушбу савдо алоқаларида қатнашиши бир мунча мушкул бўлган. Шунинг учун улар денгиз орқали халқаро савдо йўллари ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Лекин денгиз йўлининг ривожланиши кемасозликнинг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган. Бу соҳада эришилган ҳар бир ютуқ ушбу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган.

Милоднинг бошларида кемасозлик ва денгиз йўлини ўзлаштириш жуда ривожланди. Шу сабабли денгиз бўйларида яшовчи халқлар денгиз йўли орқали халқаро савдо ва элчилик алоқаларини янги даврга олиб чиқиш имкониятига эга бўлдилар.

Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, мил. 166 йилда Рим (хитойча номи Дачинг) империясининг элчилари илк бор Вьетнам портларига (Ринанчюн) келиб, Хитой билан алоқа боғлаган [151; 21-бет]. Римликларнинг денгиз орқали шундай катта масофани босиб ўтиши денгиз сайёҳлиги юксак даражага кўтарилганлигини исботловчи оламшумул воқеа бўлган. Шу билан бирга йиллар давомида устунликни сақлаб келаётган Буюк ипак йўли монополиясига барҳам берган. Бу ҳолат икки турдаги йўл ўртасида рақобат пайдо бўлишига олиб келган.

Ўша даврда Хитойнинг денгиз йўллари очишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳали ривожланиш босқичида эди. Хитой манбаларига кўра, янги тош (неолит) даврида хитойлар сув юзаси бўйлаб қатновни йўлга қўйишга ҳаракат қилишган. Аммо узоқ масофани босиб ўтиш имконияти уларда анча кейин пайдо бўлган. Хитойни илк бор бирликка келтирган Чин Шихуангди (мил. ав. 259–210) умрни узайтириш дорисини топиш мақсадида «Шарқий денгиз» («Дунгхай») га кема билан одам юборганлиги маълум. Фарбий Хан даврида хитой кемалари Ҳинд океанигача борган. Аммо хитой денгизчиларининг катта талофати бу соҳада муайян қадам қўйишга имкон бермаган. Хитойга римликлар



кетидан бошқа давлатлар ҳам кемалар юборган бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақда ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ. Хитой манбаларига кўра, Такламакон чўли ва Помир орқали Ҳиндистонга борган хитой роҳибиди Фа Сян (399—413) ватанига қайтишда Шри Ланка кемасидан фойдаланганлиги маълум [151; 21-бет]. Шунга қараганда, ўша замонларда кўп давлатлар денгиз йўлидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Суй сулоласи даврида Хитойнинг денгиз орқали халқаро савдо алоқаларида қатнашишга қаратилган саъй-ҳаракатлари анча жонланган. Айни вақтда Чанг Жюнь бошчилигидаги хитой элчилари ҳозирги Таиланд давлати ҳудудида жойлашган Читуго давлати ҳукмдори ҳузурига денгиз йўли орқали бориб, 5000 бўлак ипак мато совға қилишганлиги фикримизнинг далили бўла олади [151; 21-бет].

Араблар кучайиб, Араб халифалиги ташкил этилгандан бошлаб, денгиз йўлининг ривожланиши анча юксалди. Бунда арабларнинг катта ҳиссаси борлигини хитой манбалари ҳам тўла тасдиқлайди. Уларда баён этилишича, биринчи гуруҳ араб кемалари Хитойга 651 йилда келган. Шундан кейинги 150 йилга яқин давр давомида араблардан Хитойга жами 37 марта савдо кемалари келган. 674—676 ва 730—805 йилларида Хитойнинг икки гуруҳ савдо кемалари Эрон ва Арабистон ярим ороли бандаргоҳларига борганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд [151; 128—131-бетлар].

Шу даврда араб савдогарлари қуруқликдаги Буюк ипак йўлида ҳам фаол ҳаракат қилишган. Улар асосан Бағдод, Ҳамадон, Бухоро,

Самарқанд ва Сирдарё бўйларидаги шаҳарлар ва Помир орқали Хитойга ўтадиган йўлдан фойдаланишган. Ушбу йўлни улар «Хуросон йўли» деб ҳам аташган.

Манбаларда кўрсатилишича, денгиз йўли билан Хитойга келган кўп араб савдогарлари Хитой шаҳарларида, айниқса Жанубий Хитойдаги

Денгиз бўйидаги шаҳар. Шанхай манзараси.





йирик бандаргоҳларда қолиб ўтроқлашган. Улар денгиз йўли ва Буюк ипак йўли орқали келган молларни бозорга чиқариш ва хитой молларини экспорт қилиш ишларида фаол ҳаракат қилишган. Эҳтимол, тил масаласи бунга муҳим замин яратиб берган. Хитой пойтахти Чанъанда топилган арабларнинг тилла тангалари ҳам уларнинг Хитойдаги халқаро савдо алоқаларда фаол бўлганлигидан далолат беради. Хитойга араблар томонидан олиб келинган моллар асосан ипак матоларига айирбош қилинган ёки тилла пулга сотилган. Демак, хитойнинг ипак маҳсулоти денгиз йўли орқали Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларига етиб борган.

Араблар ҳар икки йўл орқали савдо алоқаларни қўлга олиш билан бирга ислом динини тарғиб қилиш ишларини ҳам қўлдан бой беришмаганлиги ҳақида хитой манбаларида кўп маълумотлар келтирилади. Айниқса, IX асрда Хитойнинг ички сиёсий ва иқтисодий вазияти заифлашиб қолганда, ислом тарғиботчиларининг фаолияти кучайганлиги кузатилган. 842–847 йилларда Аббосийлар халифалиги томонидан юборилган Муҳаммад Хоразмий (Муханмодэ Хулазму) ва таржимон Абдусалом (Саламу)ларнинг Хитойга келиши билан бу ердаги исломни тарғиб қилиш ҳаракати жонланиб кетган [151; 131-бет].

Кейинги бир неча асрлар давомида ҳам Яқин Шарқдан келган савдо кемаларининг кети узилмаган. Булардан олинадиган солиқ Хитой учун муҳим даромад манбаига айланган. Чунончи, XI асрнинг бошида денгиз йўли савдосидан олинган даромад Хитойнинг умумий даромадининг 60 дан бир қисмини ташкил қилган бўлса, ушбу асрнинг ўрталарида бу соҳадаги даромад 60 дан 20 қисмга кўпайган [151; 132-бет]. Мўғуллар Хитойни истило қилиб, Юань сулоласини (1280–1368) ташкил қилгандан сўнг халқаро денгиз йўли савдоси тез ривожланганлиги кузатилган. Шунда ҳам Хитойга келган араб кемаларининг ўзгалар кемасидан устунлиги манбаларда қайд этилади. Аммо мўғуллар сулоласи денгиз савдосини ўз қўлига олиш учун бу ишга қарам мамлакатлардан олиб келинган қобилятли, билимдон кишиларни жалб қилган. Улар Хитойнинг бандаргоҳ шаҳарларига кемасозлик ва савдони яхши билган одамларни ҳоким қилиб тайинлайдилар.

1282 йилда Эронда мўғулларга қарши ҳаракат жиддий тус олгани туфайли мўғул хонлари Боло исмли амалдор бошчилигида денгиз йўли орқали Форс кўрфазига ҳарбий кемалар юборган. 1304 ва 1307 йиллари Суй Янгчюй бошчилигидаги савдо кемалари икки марта Форс

кўрфазидаги бандаргоҳларга келган. 1334–1339 йиллари мўғуллар томонидан узоқ сафарга юборилган Ван Даюан раҳбарлигидаги савдо кемалари Арабистон ярим ороли қирғоқларигача етиб борган [151; 132–134-бетлар]. Бу сиёсатни Юань сулоласи ўрнига келган хитойларнинг Мин сулоласи (1368–1644) ҳам давом эттирган. Бунинг мисоли сифатида Маҳмуд (Чжэн Хэ) нинг 7 марта катта ҳажмда ипак матолар, чинни идишлар ва бошқа моллар билан денгиз сафарига чиқиб, Арабистон ярим ороли ва Африканинг шарқий соҳаларидаги давлатларни зиёрат қилиб қайтганлигини қайд этиш мумкин (бу ҳақда китобнинг кейинги бобларида батафсилроқ тўхтаб ўтилади).

XVI асрдан бошлаб денгиз йўли орқали амалга оширилган халқаро савдо алоқалари Европа мамлакатлари қўлига ўтган ва тобора кенгайиб, бошқа қитъаларни ҳам қамраб олган. Буюк ипак йўли ундаги халқлар ва давлатларнинг тўқнашувлари таъсирида ривожланган бўлса, аксарият денгиз йўлининг юксалиши фан, техниканинг ривожланиши билан боғлиқ бўлди. Шу боис Буюк ипак йўли ўз аҳамиятини бутунлай йўқотмасда денгиз йўлининг ривожланишидан маълум даражада зарар кўрди. Аммо ҳозирги даврда Буюк ипак йўлининг аҳамияти яна ошиб бормоқда. Бунинг сабаби, биринчидан, бир неча аср давом этган ривожланиш натижасида денгиз йўлларида чексиз кўпайиб кетган ҳаракат воситалари экологияга салбий таъсир кўрсатаётганлиги кузатилди. Айниқса сўнгги ярим аср давомида бу ҳолат тобора кучайиб бормоқда. Иккинчидан, Евроосиё мамлакатлари ўртасида денгиз йўли орқали юк ташиш муддати замон талабига жавоб бермай қолмоқда. Учинчидан, кейинги даврда темир ва авто йўлларининг қурилиши ҳамда автотранспорт ишлаб чиқариш соҳаларидаги ютуқлар Буюк ипак йўли мавқеини оширмоқда. Давлатларнинг уни замонавий йўлга айлантиришга қизиқиши ва бу ғояни қўллаб-қувватлаши ҳам кучаймоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссаси каттадир.



ИПАК ЙЎЛИ – МУЛОҚОТ ЙЎЛИ

Буюк ипак йўли нафақат савдо, балки дипломатия ва маданий муносабатлар йўлидир. Турли даврларда мазкур йўл орқали хитой элчилари ва будда роҳиблари дастлаб Туркистон шаҳарларига келган, сўнгра бошқа мамлакатларга борган. Фарб элчилари ва миссионерлари Туркистон минтақаси орқали Хитойга, Корея ва Японияга йўл олган. VIII асрдан бошлаб ушбу йўлдан ислом тарғиботчилари Шарққа қараб юрган.

Хитой элчиси ва сайёҳи Чжанг Чян Фарғонага бориши билан хитойлар учун Марказий Осиё давлатларига борадиган йўл очилди. Мазкур элчигача бўлган узоқ вақт давомида эса Қадимги Хитой билан Фарбий Осиё ва Европа ўртасидаги савдо алоқаларига, асосан, Марказий Осиё халқлари воситачилик қилган.



湛辭挹之莫測其源故知蠢蠢凡
鄙投其旨趣能無疑惑者哉然則
基乎面土騰漢廷而皎夢照東城
者亦形亦跡之時言未馳而成化

ЧЖАНГ ЧЯННИНГ ФАРҒОНАГА КЕЛИШИ



Чжанг Чян (Чжан Цянь; туғилган йили номаълум — мил. ав. тахминан 103 й.) — хитойлик машхур дипломат ва сайёҳ. Хитой учун узоқ даврлар давомида ёпиқ бўлган Ўрта Осиёга биринчи марта бориб, ушбу минтақадаги йўллар, мамлакатлар ва халқлар ҳақида маълумот тўплаб келган биринчи расмий давлат элчисидир. Элчилик вазифасини амалга ошириш натижасида Чжанг Чян машхур бўлиб тарихга кириб қолган. Ундан олдин у жамятда унча катта мавқега эга бўлмаган кичик бир амалдор эди, холос. Сафар жараёнида Чжанг Чян хотира ёзган ёки ёзмаганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо у қайтиб келганидан сўнг ўз ҳукмдорига ёзма ҳисобот бериб кўрган-билганларини батафсил баён этган. Шу асосда унинг сафари, борган жойлари ва кўрганлари ҳақидаги маълумотлар сарой тарихчилари томонидан расмий тарихга киритилган. Катта илмий аҳамиятга бўлган ушбу маълумотлар «Тарихий хотиралар» («Ши жи») ¹ номли йирик асарнинг «Чжанг Чяннинг таржимаи ҳоли» ва «Фарғона тазкираси» номли бобларида илк бор учрайди.

«Тарихий хотиралар»да баён этилишича, мил. ав. III асрда Қадимги Хитойни биринчи марта бирликка келтирган Цинь (Чин) империяси (мил. ав. 221–207) Қадимги Хитой ҳудудини анча кенгайтиришга эришган бўлса ҳам Буюк ипак йўлининг шарқий бўлагини назорат қилиш ҳуқуқини хунлар қўлидан тортиб ололмаган. У фақат ўзига тобе ҳудудни хунларнинг отлиқ қўшинлари ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида шимолий чегара бўйлаб Буюк хитой деворини барпо этишга улгурди, холос. Бу ишни узоқ уруш ва жангу-жадаллар оқибатида

¹ «Ши жи» ота-бола сарой тарихчилари Сима Ян (? — мил. ав. 110) ва Сима Чялар (туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас) томонидан мил. ав. 104–91 йилларда ёзилган ва биринчи умумлаштирилган тарихий асар ҳисобланади. Уни ёзишда муаллифлар ўз замонасигача ёзилган турли битиклар ва хотиралар, кичик тарихий асарлар, сарой ҳужжатларига асосланишган. Аммо Сима Чяннинг ўзи ҳам сарой тарихчиси бўлишидан аввал узоқ йиллар давомида мамлакат бўйлаб сафарда бўлиб кўп маълумотлар тўплаган ва уларни ҳам асарга киритган. Асарнинг умумий ҳажми 130 бобдан иборат.



Цинь империяси ўрнига ҳокимият тепасига келган Фарбий Хан сулоласи тезда кучайиб, ушбу ҳуқуқни хунлар қўлидан тортиб олишга ҳаракат қилди. Аммо мазкур сулола ташкил этилгандан сўнг, унинг биринчи ҳукмдори Гаоцзу (мил. ав. 206—195) мил. ав. 200 йилда хунлар билан урушда мағлуб бўлиб, маълум даражада уларга тобе бўлиб қолган эди. Аввалига Хитой ҳоқони хунлар билан тузилган битимга риюя қилиб ва улар билан қуюқ муносабатда бўлиб «ўз бозорларини уларга очиб бериб, сахийлик билан муомала қилади» [13; 418-бет]. Хитойнинг халқаро савдодан келган даромадининг катта бир қисми хунлар қўлига ўтиб туриши уларнинг Хитой билан савдо муносабатларни ривожлантиришга жиддий киришишига яна ҳам катта тurtки бўлган.

Мил. ав. 140 йилда Хан сулоласи тахтига Лю Чэ (мил. ав. 156—87) ўтиради. Шу муносабат билан хитойлар анъанасига кўра, унга У-ди (Жанговар хоқон) деб ном беради. Тахтга келиши билан у металл эритиш, пул чиқариш, савдо ва юк ташиш каби соҳаларни давлат тасарруфига олган, ўлкалар ва вилоятлар ҳокимларининг ҳуқуқларини чеклаб, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатган. Шу боис халқаро савдо ишлари ҳам Фарбий Хан сулоласи қўлига ўтган, амалдорлар ҳам тижорат билан шуғуллана бошлаган. У-ди қобилиятли жангчи ва сиёсатчи бўлиши билан бирга манманликда, такаббурликда ва қаттиққўликда уруф-аймоқлари ичида тенгги йўқ шахс ҳисобланган. Хунларга нисбатан амалга оширилган сиёсатда ҳам у аввалги хоқонларга кўра бошқача иш тутди. Натижада У-ди даврида Фарбий Хан сулоласининг Хун давлатига нисбатан сиёсати ўзгарди.

У-ди хунларнинг таъсиридан қутилиш мақсадида 3 марта (мил. ав. 127, 121, 119 йиллари) уларга қарши ҳарбий юриш қилиб, катта зафарларга эришди [186; 125—126-бетлар]. Аммо хунларнинг қудратини батамом синдира олмади. Улар Хитой учун кучли рақиб сифатида сақланиб қолди. Хан империяси уруш учун катта ҳаражат қилишга мажбур бўлганлиги сабабли иқтисодий қийинчиликка дуч келди. Шундан сўнг У-ди қайтадан хунлар тазйиқига тушиб қолмаслик учун «ёвни ёв қўли билан йўқ қилиш» (хитойча «йоуйи жийи») сиёсатини амалга оширишга киришди. Бу борада у ўтмишда хунлар билан бўлган жангда мағлубиятга учраб ўз жойларини ташлаб Амударё бўйига кўчиб кетишга мажбур бўлган улуг ғузлар (дайрузиелар, даоэжи) билан алоқа боғламоқчи ва улар қўли билан хунларга зарба бермоқчи бўлди. Мил. ав. 138 йилда мазкур мақсадни амалга ошириш учун У-ди Чжанг Чяни келиб чиқиши хунлардан бўлган серғайрат таржимон Тангйи Ганфу ҳамроҳлигида улуг ғузлар юртига элчи қилиб жўнатди.



Хитой элчиси Гансу (Кенгсув) ўлкасининг Лунгши деган жойидан йўлга чиққанлигига қараганда, Буюк ипак йўлининг жанубий йўналиши орқали манзилга етиб бормоқчи бўлган [17; 54-бет]. Аммо улар кўп юрмасдан Крурона мамлакатада хунлар қўлига тушиб қолган.

Даван

Даван (қадимий хитойча Даюань) – Фарғона водийсидаги қад. давлат. Мил. ав. 2–1-а.лардаги Хитой манбаларида кенг, обод, бой мамлакат – Даван ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Даван шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуғ ҳукмдор қароргоҳи Гушан (ҳоз. Ўзган ш. деб тахмин этилади)да бўлган. Подшо ҳокимияти қабила зодагонларидан иборат оқсоқоллар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. Олий кенгаш ҳукмдорни подшоликдан тушириши, ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган. «Даван» атамаси тарихий адабиётларда мил. III асргача учрайди. Сўнгра Даван ўрнига «Бохань» ва «Полона» (мил. V аср) атамалари учраб муаррихлар ушбу атамалар қад. Даванга мос келади деб қайд этиб ўтганлар. Хитойликлар Даван деб номи тохарлар (тахват) билан боғлиқ бўлган мамлакатни аташган деган фикр бор.

Мил. ав. II аср охиридаги маълумотларга кўра, Даван аҳолиси 300 минг кишини ташкил қилган, даванликлар кўзлари киртайган, қалин соқолли халқ бўлиб, савдо-сотик ишларида моҳирликлари билан ном чиқаришган. Даванда хотин-қизлар иззат-икром қилинган. Даванда етиштирилган «осмон тулпорлари» – арғумоқлар Шарқда машҳур бўлган.

Манбаларнинг кўрсатишига қараганда, хунлар бола-чақалик бўлса ўз мақсадидан қайтиб қолади, деган фикр билан Чжанг Чянни маҳаллий аёллардан бирига уйлантириб қўйишади. Лекин элчи уйланиб ҳам ўз вазифасини ёдидан чиқармайди. Ўн йилдан кўп вақт ўтгандан сўнг хунлар назоратининг сусайганлигидан фойдаланиб, хитой элчиси тутқинликдан қочиб, улуғ фузлар юртига йўл олади ва ўн кун йўл юргандан кейин Фарғонага етиб боради. Шунга қараганда, тутқинликнинг сўнги даврларида у Иссиққўлга яқин жойда бўлган. Фарғона хони Чжанг Чянга хизмат кўрсатиб, яхши кутиб олиш билан бирга, уни Кангкия (Қанг, Қонгқа, Қангар) давлатига, Кангкия давлати

эса элчини улуф гузлар давлатига бориб олишига кўмаклашади. Акс ҳолда у ўз манзилига етолмас эди, зеро Фарғонанинг ғарбий ва жанубий томонидаги Амударёгача бўлган ерлар Кангкия давлати назорати остида бўлган [67; 67–75-бетлар].

«Хан сулоласи тарихи» («Хан шу»)нинг «Чжанг Чян тазкираси»да айтилишича, мазкур элчи шахсан ўзи Фарғона, Даюэжи, Бақтрия, Кангкия каби давлатларга борган. Уларнинг атрофидаги 5–6 давлат ҳақида бошқалар орқали суриштириб билиб, уларнинг ҳудуди, бойлиги ва иқтисодий аҳволи тўғрисида ўз ҳукмдори У-дига ахборот берган. Чжанг Чяннинг маълумотига асосан битилган манбаларда қуйидагилар қайд этилади.

«У-ди Фарғона, Кан, Аршак (Анши, Парфия)¹ ларнинг катта мамлакат эканлиги, уларда ғаройиб нарсаларнинг кўплиги, халқи ўтроқлашган бўлиб, урф-одатлари хитойликлар билан ўхшашлиги, лекин ҳарбий жиҳатдан ожизлиги, Хан сулоласининг молларини қадрлаши, уларнинг шимолида Даюэжилар билан Кангкия давлатлари борлиги ва уларнинг ҳарбий қудрати нисбатан кучлироқ эканлиги, мол-дунё ва бойлик берилса улар фойдани кўзлаб, зиёратга келишлари мумкинлигини эшитади. Шундан сўнг У-ди уларни қонун-қоидамизга бўйсундириш имкониятига эга бўлсак, заминимизни [Хитой ҳудудини] чексиз кенгайтиришга муяссар бўламиз. Шу билан бирга қонун-қоидаларимизни ўз тилимиздан улар тилига таржима қилиш йўли билан уларни узоқ юртларга тарқатиб, ушбу юртларни қўлга киритишимиз, Хан сулоласининг важоҳати ва меҳр-шафқатини бутун оламга тарқатишимиз мумкин, деб ўйлади. У бу ҳақда ўйлаган сари қувониб, узоқ юртларга элчилар жўнатиш учун фармон берди» [17; 447–449-бетлар].

Чжанг Чян элчи сифатида
Фарғонага йўл олди.



¹ Аршак (хитойча Анши, Анси), Арсак мил. ав. 250 – мил. 224 йилларда Парфияда (ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий ва Туркманистоннинг жануби-ғарбий қисми) ташкил топган давлат номидир. Ушбу атама мил. ав. 250 йилда сакларнинг «дай» қабиласидан бўлмиш сардорга берилган ном бўлиб, у саклар тилида «Эр-шак» (Ботир сак, Эрак сак) сўздан келиб чиққан. Ғарб томонда мазкур давлат Рим империяси билан чегарадош бўлганлиги сабабли Буюк ипак йўлида катта салоҳиятга эга эди.

Жанубий Сун (1127–1129) хонлиги тарихчиси Юан Шу (1131–1205)нинг ёзишича, Хан хоқони У-ди Чжанг Чян зиёрат қилган давлатларнинг ҳарбий жиҳатдан кучли эмаслигига алоҳида эътибор бериб, уларни эгаллаб олиш қийин бўлмайди, агар «элчи тилга олган бепоеъ заминни қўлга киритсак, бизнинг шон-шухратимиз ва қувватимиз ошади, тўрт денгиз оралиғида (дунёда) буюк бўлиб кетамиз, деб ўйлаб қолди» [16; 1-жилд, 2-қисм, 41-бет]. Хоқоннинг ушбу фикри унинг Фарғонага қўшин юбориб уруш очишига ва айни замонда Хитой учун зарур ва ноёб бўлган учқур отлар етиштирадиган жойларни эгаллаб олишга қаратилган ҳаракатларига асос бўлган.

Хитой хони «Ипак йўли»да хунларга ўхшаш кўчманчилик билан ҳаёт кечирадиган усунлар ҳам, улуг рузийлар (дайрузийлар) каби Шарқий Туркистоннинг шарқий вилоятларидан фарбга кўчиб бориб жойлашганлиги ва хунларнинг назоратидан чиқиб мустақил сиёсат олиб бориш нияти бор хонлик эканлиги ҳақида Чжанг Чяндан маълумот олади [20; 496-бет].

Чжанг Чян илк бор Буюк ипак йўли орқали фарбга сафар қилганидан сўнг Хитой хони томонидан тақдирланиб, лашкарбоши лавозимига кўтарилди. Аммо мил. ав. 121 йилда хунларга қарши урушда белгиланган жойга вақтида етиб келолмаганлиги сабабли ўлим жазосига маҳкум этилган. У пул эвазига ўлимдан қутилиб қолиб [17; 449-бет], ўз мавқеини тиклаш ниятида юрганида У-ди хоқоннинг фарб мамлакатларига қизиқиши ортиб бораётганлигидан хабар топади. Фурсатдан фойдаланиб у хоқонга Усун давлати ҳақида ўз

мулоҳазаларини ва ушбу давлат билан алоқа боғлаб, ундан хунларга қарши курашда фойдаланиш мумкинлигини билдиради. Бу пайтда Хитой хоқони Улуғ ғуз (Дайрузие) ва унинг атрофида жойлашган давлатлар билан алоқа боғлаб, улардан ўз мақсадида

Сугд ихшиди Вархуман саройига бораётган Хитой, Чағониён, Чоч элчилари. Афросиёб деворий расмлари.





фойдаланиш ниятидан воз кечмаган эди. Чжанг Чян У-дига «Усунлар Хитой билан бирлашгандан сўнг, уларнинг фарбидаги Бақтрия каби хонликларни қўлга киритиш ва уларни Хан сулоласининг чет эллардаги мустамлакасига айлантириш имкони бўлади» [17; 497–498-бетлар, 450–451-бетлар] деган фикрни билдирган. Мазкур фикр Хитой хоқони томонидан маъқул топилганидан сўнг Чжанг Чян яна унинг эътиборига сазовор бўлган.

Чжанг Чян Бақтрияга борадиган уч йўл борлигини кўрсатган. Биринчи йўл кянглар (чянг) юртидан ўтадиган хатарлик йўл эканлигини, кянглар хитой элчиларини ўз элидан ўтказмаслигини айтган.

Кянг

(замоनावий талаффузда чянг, рус адабиётларида цян)

Қадимги халқлардан бири. Бир неча минг йил муқаддам Шарқий Туркистон худудид ва Хуанхэ дарёсининг юқори қисми атрофида яшаган. Фарбий Хан империяси даврида уларнинг бир қисми Тибет томонига сиқиб чиқарилган. Сўнгги «Ханнома»да айтилишича, чянгларнинг келиб чиқиши туркий халқларнинг аждодларига бориб тақалади [19; 433–440-бетлар].

Бу огоҳда Чжанг Чян Тибет орқали Ҳиндистонга ва ундан Бақтрияга борадиган йўлни кўзда тутган. Иккинчи йўл хунлар назорати остидаги Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғи бўлганлигини ва бу йўлдан хунлар ўтказмаслигини таъкидлайди. Учинчи йўл Хитойнинг жануби-фарбидаги Шу (Сичуан) вилоятидан Ҳиндистонга борадиган йўл бўлганлигини ва у хатарсиз эканлигини, Бақтрияга шу йўлдан Чюнгшан тоғининг бамбук асоси¹ ва Шу элининг матолари² бориб қолганлигини айтган [20; 494-бет; 17; 448-бет].

Чжанг Чяннинг маълумотини эшитгач, Хитой хоқони Бақтрияга яқин йўл излаб, катта маблағ ва ёрлиқ билан янги ташкил топган Шу³ ва Чянвей⁴ вилоятлари орқали узоқ сафарга отланиш ҳақида фармон

¹ Ханномада Чюнгшан тоғ номи эмас, балки жой номи, деб кўрсатилади. Бамбукдан ишланган асо ҳақида гап кетганига қараганда, Хитойнинг жанубидаги бамбук ўсадиган қўшниси кўрсатилади [17; 447-бет].

² Шу элининг матолари деганда, ипак матолари кўзда тутилган бўлса керак.

³ Замоनावий хитой тилида Шу топоними Сичуань вилоятининг қисқача номи ҳисобланади. Лекин қадимда ушбу ном билан аталган мамлакат ҳозирги Сичуань ўлкасининг фарбий қисмида жойлашган [20; 180-, 184-бетлар].

⁴ Чянвей — ҳозирги Сичуань ўлкасининг жанубидаги Минжёнг ва Мабян дарёлари қўшилган жойга тўғри келади [20; 523-бет].

беради [20; 502-бет]. Мазкур фармонга кўра, мил. ав. 122 йилда ғарб мамлакатларини ўрганиб келиш учун Ҳиндистонга иккинчи марта хитой элчилари жўнатилган [174; 192–193-бетлар].

Ушбу мамлакатга элчилар бир вақтнинг ўзида тўрт жойдан йўлга чиқади. Буларнинг ҳаммаси Ҳиндистон орқали Бақтрияга бориши лозим эди. Режага биноан «биринчи йўналишдаги элчилар Монг¹ деган жойдан, иккинчи йўналишдаги Ран², учинчи йўналишдаги Ши³ деган жойдан, тўртинчи йўналишдагилар Чюнг ва Бу⁴ деб номланган вилоятлардан йўлга чиққан. Ушбу элчилар гуруҳининг ҳар бири 1000–2000 ли (1 ли 576 м га тенг) йўл юради. Шимолий йўл билан юрган элчилар тиук (ҳозирги талаффузда ди, яъни турклар)⁵ юртида ва Зў⁶ заминида, жанубий йўл билан юрганлар Ши⁷ ва Кунминг⁸ деган жойда ушланиб қоладилар. Манбага кўра, «Кунминг атрофидаги ерларнинг бош ҳокими йўқлигидан маҳаллий халқ ўғирлик ва талончилик билан

шуғулланар эди. Хитой элчиларини кўрса, соғ қўйишмас эди, ҳеч бўлмаганда йўлини тўсар эди. Шу боис мазкур йўллардан ўтиш мумкин бўлмаган» [20; 494–495-бетлар; 17; 449-бет]. Демак, Хан сулоласи томонидан Ҳиндистонга ва ундан Бақтрияга юборилган элчилар шимолда туркий халқлар (тиуклар)нинг, жанубда кунминликларнинг тўсқинликлари

Оқсув вилоятидаги «Қизил минг уйи» (236 ҳужрадан иборат ибодатхона; III–IV асрлар).



¹ Монг — жой номи бўлиб, у ҳозирги Сичуаннинг Моввен Чанг зу мухтор туманидаги аймақларнинг ғарбига тўғри келади.

² Ран — Рунгжуо вилоятининг шимоли-ғарбига тўғри келади [20; 523-бет]. «Ханнома»да мазкур жой «Зу» деб ёзилган бўлиб, у зу қабиласининг яшаган ўрни деб кўрсатилади [17; 449–468-бетлар].

³ Ши — қадимий хонлик номи бўлиб, у ҳозирги Сичуань ўлкасининг Тяньчоан ноҳиясининг жануби-шарқига тўғри келади (Чжанг Чян, Ли Гуангли таржимай ҳоли [17; 468-бет]. Ҳозирги Юньнань ўлкасининг Юнлунг вилояти ғарбида ҳам шу ном билан аталган жой бўлган [20; 523-бет].

⁴ Чюнг ва Бу деган жойлар аниқланмаган.

⁵ «Ханнома» («Ханшу», яъни «Хан сулоласи тарихи» уйғурча таржимаси)да «ди» туркий халқларнинг аждоди бўлиши динглинглардир деб кўрсатилади [17; 449-бет]. Аслида «ди» иероглифи хитой манбаларида дилинг сўзининг пайдо бўлишидан илгари мавжуд бўлиб, у ўз даврида туек, теук, диук деб ўқилган ва турк атамасининг бундан 3,5–4 минг йил олдинги хитойча транскрипцияси сифатида ишлатилган. Бу ҳақда муаллифнинг махсус тадқиқотларида батафсил тўхтаб ўтилган [61, 62, 66].

⁶ Зў (Цзо) — Сичуань ўлкасидаги Ханьюан деган мавзенинг шимоли-шарқига тўғри келади [20; 523-бет].

⁷ Ши — Юньнань ўлкасининг Юнлунг вилояти жануби-ғарбига тўғри келади [20; 523-бет].

⁸ Тахт ворислиги учун бўлган кураш натижасида Усун хонлиги учга бўлиниб кетган эди [20; 499-бет].



туфайли манзилга етиб бора олмаган. Шу билан У-дининг режаси барбод бўлади. Аммо Хитой хоқони Бактрияга жойлашиб олган дайрузиелар билан алоқа боғлаш ва уларни хунларга қарши курашга жалб этиш ниятидан қайтмагач, яна бир марта Чжанг Чянни фарбга юборади. Бу гал Усун эли орқали бориш мўлжалланади.

Мил. ав. 119 йилда Чжанг Чян элчилик дастагини тутиб, лашкар мансаби билан 300 кишидан таркиб топган катта қарвон билан йўлга чиқади. Қарвонга совға-салом учун катта миқдорда олтин, қумуш, қимматбаҳо ипак матолар юклайди. Сафар қатнашчиларининг озиқ-овқатлари учун ўн мингдан кўп сигир, қўй ва бошқа нарсалар, миниш учун ҳар бир кишига иккитадан от берилган.

Манбаларда кўрсатилишича, Чжанг Чян «Буюк ипак йўли» орқали юрган иккинчи сафари давомида на хунлар, на бошқа хонликлар томонидан жиддий қаршиликка учрамайди. Зеро, ипак йўлидаги барча

давлатлар халқаро савдо муносабатларидан манфаатдор эди. Катта мол-дунё билан кетаётган мазкур элчиларни жойларда йирик савдогар сифатида қабул қилишган. Хунлар азалдан Хитой билан бўладиган савдо муносабатларнинг тарафдори бўлиб келганлигидан, Чжанг Чян бошчилигидаги қарвоннинг асли мақсади бошқа



«Қизил минг уйи» хужралари шипига ишланган расмлар намунаси.

бўлганидан беҳабар қолганлар. Қолаверса, улар хитойларнинг халқаро савдодаги мавқеи билан ҳисоблашган.

Бундан ташқари хунлар анча йиллар давомида Хан сулоласи билан бўлган урушда катта талофат кўрганлигидан иложи борича Хитой билан яхши алоқада бўлишни истаб, ўз ноибларига қаршилик қилмасликни тайинлаган бўлишлари ҳам мумкин.

Савдогарлар қиёфасида сафарга отланган Чжанг Чян бошчилигидаги элчиларнинг қайси йўл билан юрганлиги ҳақида хитой манбаларида маълумот берилмаган. Аммо айрим бунга алоқадор маълумотларни таҳлил қилиш асосида уларнинг юрган йўлини билиб олиш мумкин. Чунончи, Чжанг Чян Удун (Хўтан)га алоҳида элчи

юборганлигига қараганда [20; 453-бет], улар Такламакон чўлининг шимолий қисми бўйлаб ўтадиган йўлдан юришган. Ушбу йўл манбаларда «Бўстонлиқ йўл» ёки «Шимолий йўл» деб аталади. Хитой элчилари Чолиш (Қорашаҳар) шаҳрининг шимолидан ғарбга юриб, Фарғонадан ўтмасдан, Тангритоғ доvonлари орқали Усун давлатига борган.

Усун хони Чжанг Чянни зўр эътибор билан кутиб олади. У элчи томонидан келтирилган совғаларни Хитойга ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб қабул қилади. Аммо у ички келишмовчиликларни баҳона қилиб ҳунлардан тортиб олинган жойларга кўчиб бориш ҳақидаги Чжанг Чян таклифини рад этади. Маълумки, ушбу жойларда илгари усунлар яшаган. Кейин улар ҳунларнинг тазйиқи остида у ерларни ташлаб кетишган. Чжанг Чян томонидан усунларнинг «азалий юрти» деб тилга олинган бу жойга кўчиб бориш хитойлар таъсирига ўтиш билан баробар эди. Албатта, Усун хони Хитойга тобе бўлишни ва бу пайтда ҳунлар билан яхшиланиб қолган муносабатларни бузишни хоҳамас эди.

Натижада Хитой хони режалаштирган «душманни ёвлар қўли билан даф қилиш» ва Усунларни ҳунларга қарши «жонли тўсиқ» қилиш нияти амалга ошмайди. Лекин Усун хони Хитойни билиш ва у билан алоқани ривожлантириш мақсадида Чжанг Чянга қўшиб ўз ўғли бошчилигида У-ди ҳузурига элчилар жўнатиб, совға тариқасида отлар юборади [20; 498–499-бетлар]. Усунлар юборган отлар У-дига ниҳоятда ёқиб кетади. Хитой хони далаларда ўтлаб турган отларга ҳавас билан қараб, уларни «тянма» («тангри отлари») деб атаydi [20; 501-бет].

Иккинчи сафар жараёнида Чжанг Чян Ўрта Осиё мамлакатларининг аҳолиси, иқтисодиёти, маданияти ва урф-одатлари ҳақида аввалгидан ҳам кўпроқ маълумотлар олиб келган. Бундан Хитой хони беҳад хурсанд бўлган. Шундан кейин Хитой хоқонлари мазкур мамлакатлар билан яқинроқ алоқада бўлиш мақсадида кўп марта элчилар юборган. Хитойга ҳам Марказий Осиё мамлакатларидан элчилар келиб турди. Натижада Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари ривожланибгина қолмасдан, балки икки минтақа маданиятларининг ўзаро таъсири кучайди. Марказий Осиё санъати, жумладан мусиқа, чолғу асбоблари, рақс Хитойга кенг тарқалди.

Хуллас, Чжанг Чянгача Хитой билан Ғарб ўртасидаги савдо алоқаларида Туркистон халқлари асосий омиллардан ҳисобланган бўлса, кейинчалик улар қаторига хитойлар ҳам қўшилди. Бу ҳол Буюк ипак йўлининг яна ҳам жонланишига олиб келди.

Хитой элчиларининг кўпчилиги Фарғонадан ўтганлиги сабабли Фарғона давлати тўғрисидаги маълумотлар Қадимги Хитой манбаларига



кўпроқ кириб қолди. Ушбу маълумотларга кўра, Фарғона атрофидаги мамлакатлар узум ўстирибгина қолмасдан, балки узумдан мусаллас тайёрлашни ва уларни узоқ муддат давомида сақлаш илмини яхши билган. Бадавлат хонадонлар «миллион жинг» (500 минг кг) дан кўп мусаллас сақлаш имкониятига эга бўлган. Шунингдек, Фарғонада асл зотли отларнинг борлиги, уларнинг жуда ноёблиги тўғрисидаги маълумот Хитой хоқонининг эътиборини кўпроқ ўзига тортган.

Чжанг Чян ва унинг сафдошлари томонидан келтирилган маълумотлар Туркистон—Хитой муносабатларида янги саҳифани очиш билан бирга айрим низоларга ҳам сабабчи бўлди. Хитой тарихида Хан сулоласининг хоқони У-ди даврида хитойликларнинг мил. ав. 104—101 йилларда Фарғонага икки марта юриш қилганлиги алоҳида тилга олинади.

Хитой қўшинининг қайси йўл билан юрганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Қўшиннинг Лобнор кўли атрофида жанг қилганлигига қараганда, Тангритоғнинг жанубий этаги орқали юрганлиги ойдин бўлади. Уруш тафсилотларида қадимий Қашқар (Сули, яъни Сувли) шаҳри тилга олинмаган. Уларнинг кейинчалик Ўзган шаҳрида қаттиқ қаршиликка йўлиққанлигини ҳисобга олганда ҳам улар Қашқарга кирмасдан шимолга кўтарилиб, Норин ирмоқлари билан юрганлиги кўринади. Демак, Фарғонага сафар қилган қўшин ҳозирги Бугур, Қорашаҳар, Курла, Оқсув, Учтурфон каби Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарларнинг атрофларидан ўтган.

Фарғонага қилинган юриш Буюк ипак йўлининг Туркистон—Хитой қисмидан катта қўшиннинг ўтиши мумкинлигидан далолат беради. Биринчи юришда қатнашган аскарлар таъминоти билан шуғалланган кишилар ва уларга ҳамроҳлик қилган савдогарларнинг сони 40—50 минг кишидан иборат бўлган. Фарғонага иккинчи марта қилинган юришда биргина Дуньхуан (Даштота)да 180 минг қўшин жойлаштирилган. Шунга кўра Фарғонага қилинган иккинчи ҳарбий юришда Хан империяси 300 мингдан кўп кишини сафарбар қилган.

Чжанг Чян сафаридан сўнг хитой миллатига мансуб элчи ва савдогарларнинг Марказий Осиёдан ўтадиган Буюк ипак йўлида қисқа бир муддат бўлганлиги ҳақидаги маълумот хитой манбаларида кўп қайд этилади. Фарб

Кўҳна шаҳарлардан топилган олтин безаклар (мил. ав. IV—III асрлар).



мамлакатларининг Хитойга нисбатан олислиги, йўл машаққатларининг ғоятда қўплиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий дипломатларни элчи бўлишга даъват этмас эди. Шу сабабли ҳар хил касб эгаларидан кимда-ким элчи бўлиб боришни хоҳласа, элчилик гувоҳномаси бериларди. Улар фойда кетидан қувиб, қўп ҳолларда ёлгон хабарлар тарқатар эди [20; 502–503-бетлар]. Бундай элчилар «доим [хан] хоқоннинг юборган совғаларини арзон баҳода сотиб, пулини чўнтакларига солар эдилар. Чет эликлар эса уларнинг шароитга тўғри келмайдиган бемаврид гапларидан безор бўлиб, ўртадаги масофа йироқ, Хан лашкарлари бу ерга етиб келолмайди деб ўйлаб, Хан элчиларини озиқ-овқат билан таъминламай, қийинчилик туғдирар эди. Элчиларда оч қолиш, ҳатто улар [элчилар] орасида бир-бирига ҳужум қилиш ҳолатлари содир бўлган» [20; 503-бет]. Шу боис хорижий мамлакатлар Хитойнинг катта, кучли мамлакат эканлигини билсалар-да, унинг элчиларини қадрламас эди. Бундан Хитой элчилари норози бўлишар ва зинҳор ўзларини айбдор деб ҳисобламасдилар. Аксарият ҳолларда Туркистонга хитой савдогарлари давлат номидан ва давлат маблағи ҳисобидан элчи бўлиб келар эдилар.

Сиёсий мақсадни устувор қўйган У-ди хоқон Чжанг Чяннинг охири сафаридан сўнг, Марказий Осиё давлатларига давомли суратда элчилар ва қарвонлар жўнатиб турди, бу амалиёт баъзан давлатга моддий зарар келтирган бўлса-да, ғарбий мамлакатлардан элчилар келишининг қўпайишига олиб келди. Айниқса Усун Хитой муносабатлари жонланди.

Хитойликлар хориждан келганларни яхши кутиб олиши ва ўз давлатининг куч-қудратини ва бойлигини кўз-кўз қилиш учун меҳмонлар олиб келган молига нисбатан қўп совға билан қайтариб турган.

Чжанг Чяннинг элчилик сафаридан сўнг хитойликлар Помирнинг ғарбий томонларидаги мамлакатлар билан танишиш борасида катта

ютуқларга эришган бўлса-да, Хан сулоласи учун бу ютуқлар анча қимматга тушади. Хитой манбаларда «Хан У-дининг дастлабки чоғларидан бошлаб, Хан сулоласининг қўшинлари чет элларга тинимсиз юришлар қилди. Бундай юришлар 32 йил давом қилиб, давлат захирасини қуритди. Мил. ав.

Турфон вилоятидаги қадимий қабр ичидан чиққан Шарқий Рим империяси ва Эрон кумуш тангалари.





90-йилда Эрши санғуни (Фарғонанинг Эрши шахрини оладиган қўмондон) Ли Гуангли қўшинлари билан хунларга таслим бўлди. Шундан эътиборан Хан хоқони У-ди ўзининг олисга юриш қилганлигидан пушаймон бўлди» [17; 504-бет] деб ёзилган.

Кейинги даврларда Марказий Осиёга хитой элчилари келганлиги ҳақида маълумотлар анча бўлса-да хитой савдогарларининг келганлиги тўғрисида маълумот кам. Бунинг сабаби Туркистон—Хитой савдо муносабатларида марказийосиёликлар Буюк ипак йўли савдосида асосий мавқени эгаллаганлигидадир.

БАН ЧАОНИНГ ҒАРБИЙ САФАРИ

Бан Чаонинг исми ёшлигида Чжунг Шэнг бўлиб, у мил. 32 йилда ҳозирги Шэньси ўлкасининг Анлин вилоятида туғилган. 102 йилда вафот этган. У балоғатга етган даврда Шарқий Хан империяси билан Хун империяси ўртасида Буюк ипак йўли учун навбатдаги кураш бошланади. Шунда Хитой хоқони Чжанди (73–88) Ба Чаога хунлар қўлидан Буюк ипак йўлини назорат қилиш ҳуқуқини тортиб олиш вазифасини топширади. Шу муносабат билан Бан Чао унга берилган лашкарларга бош бўлиб сафарга отланади. Унинг 73 йилда бошланган сафари 29 йил давомида Дуньхуан, Юймэнгуан, Пшамшан (аввалги Қрурона), Черчен, Хўтан, Ёркенд, Қашқар, Оқсу, Кучар, Қорашар, Турфон йўналиши билан Такламакон чўлини бир айланиб чиқиш билан яқунланади. Кўп ҳарбий тўқнашувлар билан давом этган сафар Бан Чао учун осон кечмади.

Мил. I асрнинг 2-ярмида Хитойда юз берган очарчилик ва мураккаб сиёсий вазият туфайли Шарқий Хан сулоласи Буюк ипак йўлини тўла равишда ўз қўлига ололмади. Шу боис бироз танаффусдан сўнг 123 йил ушбу сулола Бан Чаонинг ўғли Бан Юнни ҳарбий юришга юборади. Бан Юн Юймэнгуан орқали Турфон ва Урумчи вилояти томон йўл олади. Аммо у Урумчидан нарига ўтолмайди.

Сафар жараёнида ота-бола йўллар ва шаҳарлар ҳолатини яхши ўрганиб, қўрган билганларини ёзиб қолдирдилар. Афсуски, улар томондан битилган «Ғарбий мамлакатларнинг иқлим ва заминига оид хотиралар» («Шиюй фэнту чжи») асари бизнинг давримизгача етиб келмаган. Аммо улардан кейинги бир неча аср давомида ёзилган ва сақланиб келган асарлар учун, жумладан, сўнгги «Хан сулоласи тарихи» («Хоу

Хан шу)нинг «Ғарбий мамлакатлар хотираси» («Шиюй чжуан») боби учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Хотиранинг мазкур бобида Хитойнинг пойтахти Чанъандан бошланган Буюк ипак йўли йўналиши Дуньхуандан, Юймэнгуан, Турфон каби жойлардан ўтгандан кейин Торим дарёси бўйлаб давом қилиб, Қашқаргача, у ердан Помир орқали Фарғонага, Самарқандга, сўнгра Орол кўли бўйига боради, деб зикр этилган. Шу билан бирга ушбу бобда йўлда шаҳарлар кўп бўлиб, улар кўкаламзор вилоятларда жойлашганлиги ва уларда деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик ва савдо ривожланганлиги таъкидланган [117; 26–35-бетлар].

ҚАДИМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ЗИЁРАТ ҚИЛГАН ХИТОЙ РОҲИБЛАРИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, мил. III асрдан бошлаб Қадимги Хитой Хан империяси даврида қўлга киритган мавқеини йўқотиб, заифлашади. Мамлакатнинг парчаланиши натижасида юзага келган майда хонликлар орасидаги курашлар узлуксиз давом этади. Жамиятда янги гоя ва янги мафкурага бўлган эҳтиёж кучаяди. Юзага келган вазиятда будда динининг жамиятга кўрсатаётган таъсири кучаяди. Шу боис III аср давомида Хитойда буддизм яна ҳам чуқур илдиз отиб ривожланган бўлса, IV асрда юксак даражага етади. Мамлакатда ушбу диннинг фалсафий ва амалий қонун-қоидаларини чуқур билиш зарурати туғилади. Аммо хитой тилига таржима қилинган асарлар сон, савия ва сифат жиҳатидан ўсиб бораётган талабга тўла жавоб бера олмайди. Бунга амин бўлган айрим етук буддавий роҳиблар юзага келган камчиликлардан қутилишнинг ягона йўли фақат Будда ватани Ҳиндистонга бориб таълим олиш, бирламчи диний асарлар тилини ўрганиб, уларни хитой тилига мукамал таржима қилишдан иборатдир деб биладилар. Йўл азобини яхши англаган ҳолда улар ушбу оғир вазифани бажаришга ҳаётларини бағишлайдилар.

Марказий Осиёга, айниқса Шарқий Туркистонга ислом дини тарқалгунга қадар минг йилга яқин давр давомида бир қанча хитойлик йирик буддавий роҳибларнинг Буюк ипак йўли орқали Ҳиндистонга борганликлари маълум. Аммо ҳозирги давргача улардан фақат айримларига оид маълумотлар сақланиб қолган, холос. Шу боис мазкур йўлнинг Хитой—Помир—Ҳиндистон йўналиши бўйича юрган кўйидаги буддавий роҳибларнинг исмларини тилга олиб ўтиш мумкин.



✻ Чжу Сишинг ✻

295–299 йиллар оралигида таваллуд топган. Буюк ипак йўли орқали Хитойдан Ғарбга сафар қилган биринчи буддавий олимлардан. Ёшлигидан будда динига кўнгил қўйиб, ҳаётини унинг Хитой ҳудудида кенг тарқалишига ва ривожланишига бағишлаган.

Ўз мақсадига эришиш учун Чжу Сишинг дастлаб Қадимги Хитойнинг иккинчи пойтахти Лоян шаҳрида таълим олади. Ана шу даврда у буддизмга оид бўлган ва хитой тилига таржима қилинган асарларни чуқур ўрганишга киришади. Бу орада у хитой тилидаги таржима асарлар етарли эмаслигини англайди. Шу боис 260 йилда Чжу Сишинг бир неча ҳамроҳлари билан Чанъан шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган Юнҗжоу вилоятидан сафарга отланади.

Чжу Сишинг Хэши йўлагидан ўтиб Дуньхуанга боради. У ерда бироз тўхтагач Такламакон чўлининг жанубидаги йўл орқали ўша даврда буддизм марказларидан бирига айланган Хўтан шаҳрига келади. Шу ерда у умрининг охиригача яшаб, 80 ёшида оламдан ўтади.

Хўтанда Чжу Сишинг буддизм асосларини чуқур ўрганишга киришади. Бунинг учун у бир неча йил давомида тил ўрганади. Сўнгра бу ердаги олимлар ёрдамида диний асарларни хитой тилига таржима қилиш ва шарҳлаш билан шуғулланади. 282–291 йилларда у биринчи марта ўзининг шарҳли таржималарини ватанига юборади. Унинг таржималари Хитойда буддизмнинг ривожланишига катта тurtки бўлади [117; 38–46-бетлар]. Чжу Сишингнинг маълумотларига кўра, ўша даврда Такламакон чўлининг атрофидаги шаҳарларда буддизм маданияти юксак даражада ривожланган. Сўнгги 1–2 аср давомида Европа ва Хитой олимлари томонидан қум тагидан топилган шаҳарлар ва буюмларнинг гувоҳлигига қараганда, кейинги 1000 йил давомида шу даврдаги халқаро савдо ва маданият марказларига айланган айрим



Будда издоши (Хитой ибодатхонасидаги ҳайкал, тахминан 1503 й.).



шаҳарларни қум ютиб кетган. Мазкур воқеа Такламакон чўли атрофидан, айниқса жанубий қисмидан ўтган савдо йўли тобора Кунлун тоғлари этаги томонга қараб силжиганлигидан далолат беради.

✽ Фа Сян ✽

Ҳозирги ХХРнинг Шаньси ўлкасининг Линфэн вилоятида таваллуд топган бўлиб, унинг исм-шарифи Гунг деб аталган. Фа Сяннинг болалик даври ички урушлар авж олиб кетган бир вақтга тўғри келиб қолган, учта акаси ёшлигида шу урушларда ўлиб кетган. Эндигина 3 ёшга тўлган Фа Сянни асраб қолиш мақсадида, отаси уни будда ибодатхонасига олиб бориб қўяди. Орадан бир оз вақт ўтгач, унинг отаси оламдан ўтади. Фа Сян балоғатга етганда онаси уни уйга олиб кетмоқчи бўлади, лекин у ибодатхонада қолишни маъқул кўради.

399 йилда Фа Сян 65 ёшида — буддавийлар орасида катта обрўга эга бўлган чоғида ўзи билан бирга ўқиган дўстлари Хуэй Жин, Дао Жэн, Хуэй Йин ва Хуэй Вэй каби 4 нафар роҳиблар ҳамроҳлигида Ҳиндистонга қараб сафарга отланган.

Фа Сяннинг сафари Чанъандан 399 йилнинг баҳорида бошланади. У Ланчжоу вилоятининг ғарбида жойлашган Гангуй давлатига етиб келганда, Буюк ипак йўлидаги Чжангъе вилоятида уруш бошланиб қолади. Шу сабабли у мазкур давлатда 3 ой тўхтаб қолишга мажбур бўлади. Шунда Фа Сян ҳамроҳлари билан Дуньхуанга Чинхай ўлкасида жойлашган Ноутан давлати орқали айланиб келади. Йўлда унга яна бир неча сайёҳ роҳиблар қўшилади.

Дуньхуандан ғарбга қараб юришда хавфсизликни таъминлаш мақсадида, маҳаллий амалдорлардан бирининг маслаҳатига кўра, Фа Сян элчиларга қўшилиб олиб, Янгтуан чегара дарвозаси орқали ўз сафарини давом эттиради. 17 кун йўл юриб, Пшамшан давлатига етиб келади. Фа Сяннинг маълумотига кўра, бу вақтда мазкур давлатда буддизм юксак даражада ривожланган бўлиб, у ерда 4 мингга яқин роҳиблар истиқомат қилар экан. Шу боис Фа Сян Пшамшанда бир ой қолиб кетади. Сўнг у Қумул, Турфон орқали буддизм ривожланган иккинчи бир давлат — Қорашарга бориб, у ердаги ибодатхоналарни зиёрат қилади. Шундан кейин у қолган йўлни қисқартириш мақсадида Қорашардан Такламакон чўлини кесиб ўтадиган йўл билан Хўтанга боради. Мазкур йўл ниҳоятда мураккаб бўлиб, ундан кам фойдаланилган. Ушбу йўлни Фа Сян 35 кунда босиб ўтади.



Хўтанда ҳар йили 4-ойнинг 1-куни ўтказиладиган янги ясалган будда ҳайкаллари кўргазмаси байрамини зиёрат қилиш мақсадида бир оз тўхтайди. Шунда у Хўтан ибодатхоналарини бирма-бир зиёрат қилиб чиқади. Байрам ўтгандан кейин Фа Сян ҳамроҳлари билан Тошқўрғон орқали Помир тоғларига келади. Бир ой давомида Помирдаги аҳоли яшайдиган жойларни зиёрат қилиб чиқади. Шу сабабли Фа Сяннинг йўл хотирасида мазкур тоғларга оид маълумотлар нисбатан кўпроқ учрайди. Помирнинг жанубидаги тоғлардан ўтиб, Фа Сян Ҳиндистоннинг шимолига, сўнгра бошқа буддизм марказларига боради. 10 йилга яқин давр давомида буддизм асосларини чуқур ўрганишга муяссар бўлади.

411 йил кузида у мақсадига етиб, денгиз йўли билан ҳозирги Шри Ланка орқали ватанига қайтади [117; 38–46-бетлар].

Сафар жараёнида Фа Сян барча кўрганларини хотирлаб, «Буддизм мамлакатлари хотираси» («Фого жи») асарини ёзади. Мазкур асарда Буюк ипак йўлига оид қизиқарли маълумотлар бор.

❁ Сунг Юн ва Хуэй Шэнг ❁

Бу роҳибларнинг ғарбга сафари хитойларнинг шимолида яшовчи сянби халқи томонидан ташкил этилган Шимолий Вэй давлати (386–534) даврида содир бўлган. Улар ана шу хонлик фуқаролари сифатида диний зиёратни амалга ошириш билан бирга элчилик вазифасини ҳам бажариб келишган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уларнинг сафари осон ва нисбатан қисқа муддатда кечган.

Сунг Юн ва Хуэй Шэнг бир неча роҳиблар ҳамроҳлигида 518 йилда 11-ойда Синин шаҳрининг жануби-ғарбий томонидаги Чилин (ҳозирги Юэшан) тоғларидаги ибодатхоналарнинг биридан йўлга отланган. Шунда мазкур тоғ Шимолий Вэй давлатининг ғарбий чегараси ҳисобланар эди. Улар Дуньхуан, Пшамшан, кейинги замонларда қум тагида қолиб кетган Ўзанг-тат (Утсинг-тати), Хўтан, Қарғалиқ (Ечэнг), Тошқўрғон, Помирдаги Тўқай доvon (Тегай дабан) ва Вахон вилояти каби жойлардан ўтиб Ҳиндистонга боришган.

Бунгача ушбу икки нафар сайёҳ Ида (Яда) давлатининг хони қабулида бўлиб, унга ўзлари билан бирга олиб келишган ёрлиқни топширишган. Шундан кейин Ида давлати билан Вэй давлати ўртасида расмий алоқалар ўрнатилган.

520 йилда Сунг Юн ва Хуэй Шэнглар ҳозирги Афғонистоннинг шарқий қисми ва Покистоннинг Пешовар вилоятида жойлашган

Гандхара (Гантоло, Чянтоло) давлатида бўлишган. Улар қолдирган маълумотларга кўра, ушбу мамлакатда буддизм маданияти юксак даражада ривожланган бўлиб, хонлик пойтахтининг ёнида унинг рамзи ҳисобланадиган, баландлиги 233 метрга яқин келадиган катта минора мавжуд бўлган [117; 65–75-бетлар].

Хитой сайёҳлари Гандхара давлатидаги барча зиёрат масканларини айланиб бўлганларидан сўнг, келган йўллари билан орқага қайтиб, 522 йилда Лоянга етиб келишган. Шундан кейин улар кўрганларини ёзиб қолдиришган. «Вэй давлати ғарбидаги 15 та давлат воқеаси» ва «Хуэй Шэнгнинг саёҳат хотираси» каби асарлар шулар жумласидандир.

Манбаларга кўра, қайтишда мазкур сайёҳлар ҳар хил совғалардан ташқари ўзлари билан бирга 70 та буддизмга оид диний китоблар олиб келганлар.

✽ Шюан Занг ✽

Бу роҳиб халқ орасида Тангсинг (Тан давридаги роҳиб) деб ҳам аталади. Рус адабиётида Сюань Цзан шаклида ёзиб келинган. Хэнань ўлкасининг Янши вилоятида амалдор оиласида туғилган. Унинг болалик даври Суй давлатининг (581–618) таназзулга учраган, мамлакатда ички курашлар авж олган даврига тўғри келган. У 10 ёшли пайтида отаси вафот этиб, оиласи қийин аҳволда қолади. 13 ёшга кирганда оиладаги қийинчиликни енгиллаштириш мақсадида иккинчи акаси сингари Лоян шаҳридаги «Тэнгту» ибодатхонасига кетади. Бу ерда Шюан Занг буддизм, айниқса унинг фалсафий асосларини чуқур ўрганади. 627 йилда у Чанъанга келиб яшайди. Шюан Занг бу ерда истиқомат қилаётган ҳиндистонлик буддавий олим Пўмидўло билан танишиб қолади. Унинг таъсирида Шюан Занг Ҳиндистонга боришга астойдил бел боғлайди. Аммо у яқиндагина ҳокимиятга келган Тан сулоласидан хорижий мамлакатларга бориш учун рухсат ололмади.

Орадан кўп ўтмай шу йилнинг ўзида Тан сулоласининг иккинчи хони Ли Шимин тахтни қўлга олади. Шу муносабат билан амалдорларнинг ушбу воқеа билан банд бўлиб турган фурсатидан фойдаланиб, Шюан Занг бир ўзи шаҳардан қочиб чиқиб сафарга отланади. Ланьчжоу шаҳри (ҳозирги Ганьсу ўлкасининг маркази) орқали Лянжжоу (Ланьчжоунинг ғарбий томонида) вилоятига келганда тўсиққа учрайди. Шу даврда ушбу вилоят ҳали Тан сулоласига тобе эмас эди. Шунда роҳиб ўз ҳаётини хавф остига



Шюан Занг.



қўйиб, чегарадан қочиб ўтади. Гуачжоу (ҳозир Анси ноҳияси)га келганда Шибанто исмли бир туркистонлик киши билан танишиб қолиб, унга ҳамроҳ бўлади. Сўнгра Шибанто уни Буюк ипак йўлида кўп марта юрган бир қария билан таништиради. Мазкур қария роҳибга ҳурмат билдириб, унга йўлдаги аҳволни батафсил тушунтириш билан бирга ёрдам тариқасида ғарб томонга борадиган йўлни бир неча марта босиб ўтган қари отни совға қилади. Шибанто ёрдамида Шюан Занг Юймэн чегара дарвозасидан ўтиб олишга муяссар бўлади. Кейинги сафарини роҳиб бир ўзи давом эттиради.

Тан давлати чегарасидан ўтгандан сўнг Шюан Зангнинг сафари Турк хоқонлиги таъсири остидаги йўллар орқали давом қилади. Сафар давомида йўл азобини ҳисобга олмаса, у деярли тўсқинликларга учрамайди.

Хэши йўлагидан ўтгач, Шюан Занг чўл йўллари орқали Турфон (Гаочан) давлатига тобе бўлган Иверғул (ҳозирги Қумул, хитойча Хами) шаҳрига етиб келади. Бироз вақт тургандан сўнг у Турфон хонининг таклифига биноан унинг ҳузурига келади ва бу ерда у катта ҳурмат билан кутиб олинади. Шу даврда Турфон Шарқий Туркистондаги будда дини марказларидан бири эди. Турфондан кетаётганда хон унга йўлда ҳеч ким тўхтатмаслиги учун мактуб, 30 та от билан 4 нафар будда роҳиблари, 25 нафар хизматкор ҳамроҳларни кераклик озиқ-овқатлар билан қўшиб беради. Шундан кейин Шюан Занг қийналмасдан Қорашар, Кучар орқали Оқсуга боради. Сўнгра у ғарбга йўл олиб, 7 кун давомида Музрат довони орқали Тангритовни ошиб ўтиб, Иссиққўл бўйига келади. У ердан 500 ли (288 км) йўл юргандан сўнг, Суйе шаҳрига боради. Сайёҳнинг гувоҳлигига қараганда, бу вақтда мазкур шаҳар йирик маданий марказларнинг бири бўлган. У шу ерда Турк хоқонининг овга чиққанлигини кўрган.

Суйе

VI–VIII асрларда Суйе Буюк ипак йўлидаги йирик шаҳар сифатида шаклланган. Айрим маълумотларга кўра, у Фарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлган. Ушбу шаҳарнинг ўрни тарихий Тарозга, ҳозирги Тўқмоқ шаҳрининг ўрнига тўғри келади деган фикрлар мавжуд. Қорахонийлар давлатининг биринчи пойтахти бўлмиш Боласоғун шаҳри ҳам Суйе ёнида жойлашган.

Шюан Занг Суйе шаҳридан Чоч (Тошкент)га, сўнгра Сирдарёдан ўтиб Самарқанд ва Бухорога келган. Бухородан жануб томонга юриб, икки томони баланд қоятош оралиғидаги йўлдан ўтган. Ушбу жойни сайёҳ «Темэнгуан» «Темир дарвоза» деб ўз хотирасида ёзиб кетган. Мазкур жойдан ўтгач, Шюан Занг ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятига, сўнгра Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистон ҳудудига кириб борган. Боришда ватанидан Ҳиндистонгача бўлган йўлни Шюан Занг қийналмасдан бир йилда босиб ўтган. Бунга сабаб — унинг даврида Хитойдан буддизм ватанига борадиган йўлда яшовчи халқлар будда динига эътиқод қилишган. Кимки ушбу диннинг Хитойда ривожланишига ҳисса қўшиш мақсадида Ҳиндистонга боришни истаса, улар бундай шахсларга ҳурмат билдириб ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилишган.

Ҳиндистонга етиб боргач, Шюан Занг 17 йилга яқин вақт ичида у ердаги барча йирик буддизм маданияти марказларини, машҳур ибодатхоналарни зиёрат қилиб чиқади. Шу орада Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий ҳудудида жойлашган Харбандободдаги Наланда (Наланто) ибодатхонасида 5 йил таҳсил олади. 640 йилда бу ерда 18 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган катта халқаро анжуманда маъруза қилиб, йирик буддавий роҳиблар қаторидан жой олади. 643 йили қайтишда у катта ҳурмат ва иззат билан кузатиб қўйилади. 19 йиллик айрилиқдан кейин 645 йилда Шюан Занг ўзи билан кўп ноёб китобларни олиб, Чанъанга қайтиб келади.

Ватанига қайтишда Шюан Занг Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб, Помирдаги Қорақўл, Тошқўрғон йўналиши бўйлаб доволардан ўтиб, Қашқар, Янгиҳисор (Янгисар), Қарғалиқ орқали Хўтанга келади. Бу ердан у Тан хоқонига мактуб йўллаб, Чанъанга қайтиб боришга ижозат сўрайди. Рухсат олгач, роҳиб Хитойга кетаётган карвонга қўшилиб, Чарқлиқ, Ния, Пшамшан, Янгуан, Ланчжоу каби жойлар орқали Чанъанга келади [165; 205-бет].

Чанъандан Ҳиндистонга кетаётганда Шюан Занг махфий равишда йўлга чиқишга мажбур бўлган бўлса, қайтиб келганида у катта ҳурмат ва иззат билан кутиб олинган. Ҳатто унга хорижга чиқиш учун рухсат бермаган Тан хоқони Ли Шимин (627–650 йиллари Тайзунг номи билан тахтда ўтирган) Шюан Зангни Лоян шаҳридаги саройига таклиф этиб, у билан Марказий Осиёнинг мамлакатлари, халқлари, иқтисодий аҳволи ва ҳарбий кучлари ҳақида суҳбатлашган. Сўнг бу ҳақда батафсил ёзиб беришни буюрган. Чунки, айни пайтда Тан сулоласи Турк хоқонлигига қарши кураш олиб бораётган бир даврда бундай маълумотлар унга зарур эди [117; 98-бет].



Ватанига қайтиб келгандан сўнг Шюан Занг ўзининг йўл хотиралари асосида барча кўрган-билганларини ёзиб қолдирган. Ушбу асар «Буюк Тан саёҳатномаси» («Да Танг шиюжи») деб аталган. Марказий Осиё тарихи учун ушбу асар катта аҳамиятга эга. Кейинги даврларда мазкур асар асосида кўп ҳикоя ва романлар ёзилган. XX асрнинг охири чорагида кўп серияли бадий кинофильм ҳам ишланган (мазкур фильмнинг айрим сериялари Ўзбекистон телеэкранларида ҳам намойиш этилган). Бироқ бадий тўқима асарлар оригинал саёҳатномадан фарқланиб, уларда Шюан Зангга йўлда кўрсатилган ҳурмат ва иззат баён этилмай, унинг акси тасвирланган.


«Буюк Тан саёҳатномаси» асарини ёзишдан ташқари Шюан Занг ҳаётининг сўнги дамларигача Ҳиндистондан олиб келган буддизм назариясига ва қонуниятларига оид китобларни хитой тилига таржима қилиш билан шуғулланади. Мавжуд маълумотларга кўра, у жами 1335 бобдан иборат 74 та асарни таржима этган. Ушбу таржималар будда динининг Хитойда яна ҳам чуқур илдиз отиши учун хизмат қилган.


664 йилда Шюан Занг Чанъандаги «Юйхуа ши» деб аталган будда ибодатхонасида вафот этган. Лекин унинг жасади Чанъан шаҳрининг жанубий чеккасидаги «Шингцзяо» («Гуллаган дин») ибодатхонаси ҳовлисида дафн этилган [131; 850-бет].

✿ Ву Кунг ✿

Туғилган йили номаълум бўлиб, у Тан империяси даврида Буюк ипак йўли орқали Ҳиндистонга сафар қилган сўнги буддавий роҳиб ҳисобланади. У ҳозирги ХХРнинг Анси вилоятида таваллуд топган. Ву Кунгнинг фамилияси Дунгши, исми Фэнгчао бўлиб, у Қадимги Хитойнинг шимолида яшовчи ва келиб чиқиши туркийларга алоқадор бўлган кўчманчи халқлардан бири сяньби (сяньпи)ларнинг «тоба» уруғига мансуб эди. Хитой манбаларида кўрсатилишича, у болалик даврида буддизм ибодатхоналарида таҳсил олган. Балоғатга етгандан кейин Тан сулоласи хонадонидида хизмат қилган.

Утайшан (Шаньси) тоғи буддистларнинг муқаддас маскандир.





750 йилда Тан империясининг қўшинлари араб қўшинлари билан Толас дарёси бўйларида жанг қилаётган бир даврда Кашмирда жойлашган бир давлатдан элчилар келади. Элчилар кетаётганда Тан хоқони Шюанзунг (712–756) Чжанг Таогуанг бошчилигида 40 нафар кишини уларга қўшиб юборади. Бу Кунг ҳам ана шулар қаторидан жой олади.

Кашмирга боришда хитой элчилари Такламакон чўлининг шимолий томонидан айланиб ўтиб, Помир орқали ўтадиган йўлдан юришади. Улар 753 йили Жянтоло шаҳрига етиб келишади. Қайтиш арафасида Бу Кунг оғир хасталаниб, шерикларидан ажраб қолишга мажбур бўлади. Касали тузалгунча у будда ибодатхоналарида яшайди. Саломатлиги бир оз яхшилангандан сўнг, Бу Кунг Кашмирдан йўлга чиқиб, Тохаристон, Ваҳон орқали келишда юрган йўли билан Кучарга келиб олади. Маълум бир давр давомида у Кучарда яшаб, Урумчи ёнидаги Жимуса шаҳрига келиб, анча вақт шу ерда қолиб кетади. Чунки бу пайтда ушбу шаҳар йирик буддавий марказлардан бирига айланган эди. Жимусадан Чанъанга Ва Кунг 789 йилда қайтиб келади.

48 йил давомида Бу Кунг элчи ёрдамчиси сифатида Чанъандан чиқиб кетиб, буддизм роҳиби бўлиб қайтиб келган бўлса ҳам, у борган жойининг сиёсий-иқтисодий, маданий ва этник вазиятини чуқур ўрганиб чиқади. Қайтиб келгандан сўнг бу ҳақдаги хотираларини Тан хонадонига топширади. Эвазига у хоқондан катта мукофот билан ҳарбий унвон олади [117; 98-бет].

ИПАК ЙЎЛИДА САВДО АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНГАН ДАВРЛАР

Буюк ипак йўли орқали савдо алоқалари қачон бошланган деган савол ҳаммани қизиқтиради. Лекин бу ҳақда ёзма маълумот йўқлиги туфайли, унга аниқ бир жавоб бериш қийин. Шунга қарамай, археологик маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ушбу алоқалар камида 3–4 минг йиллик тарихга эга. Холбуки, Буюк ипак йўлидаги савдо алоқаларининг бошланиши инсоният фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва ўз маҳсулотини ўзгалар маҳсулоти билан алмаштиришни ўрганган даврига бориб тақалади. Буюк ипак йўли манзилларидан топилган энг қадимий металлдан ясалган асбоблар, қимматбаҳо тошлардан қилинган буюм, тақинчоқлар, сопол идиш-товоқ ва бошқа нарсалар бунга далил бўлиши мумкин. Айниқса, бундан 3–4 минг йил илгари Қадимги Хитой ҳудудидаги ҳукмдорлар ва зодагонлар қабрларидан



топилган буюмлар орасида Марказий Осиёдан чиқадиган қимматбаҳо тошлар, жумладан Торим воҳасидан чиқадиган қош тоши (нефрит)дан қилинган буюмларнинг бўлганлиги ҳам Буюк ипак йўлидаги савдо алоқаларининг бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигидан дарак беради.

Аммо Буюк ипак йўлидаги савдо алоқалари доим бир хил ривожланган деб бўлмайди. Йўлда майда хонликлар кўпайиб, улар орасида урушлар юз берганда мазкур алоқалар кўлами камайган, марказлашган йирик давлатлар ташкил топганда эса йўлларнинг хавфсизлиги ва осойишталиги таъминланганлиги сабабли ушбу алоқалар фаоллашган ва мазмунан бойиган.

Қадимий Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва Европа мамлакатлари манбаларига кўра, Буюк ипак йўлида савдо алоқаларининг илк бор юксалган даври мил. ав. III — мил. III асрларга тўғри келади. Маълумки, ушбу даврда Буюк ипак йўлининг шарқий бўлагида хунлар империяси, фарб томонида мил. ав. 558—330 йилларда Эроннинг Аҳоманийлар давлати, мил. ав. III асрда ҳозирги Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган ҳамда 600 йилдан ортиқ яшаган Қанг (Кангкия, Кангуй, Кангжюй) давлати мавжуд эди. Хунлар империяси ташкил топишидан олдинги 800 йил давомида Буюк ипак йўлининг шарқий қисмини Хэши йўли ва Тангритоғнинг шарқий ён бағрини марказ қилган Рузие (Юэжи) давлати назорат қилиб турган. Ўша замонда Рузие давлатининг шарқий томонида, яъни Қадимги Хитойда майда хонликлар мавжуд бўлган. Ушбу хонликлар йирик қўшни давлатлар билан ҳисоблашишга мажбур эди. Аҳоманийлар ҳукмронлиги даврида Буюк ипак йўлининг катта бир қисми улар назорати остида бўлиб турганлиги сабабли, улар таъсиридаги мамлакатлар Буюк ипак йўлида ўзларини эркин ҳис қилиб, халқаро савдо алоқаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Мил. ав. III асрдан бошлаб Қадимги Хитойнинг шимолидаги улкан заминни марказ қилган Хунлар (Сюнну) давлати Буюк ипак йўлининг шарқий қисмини ўз назоратига олган. Шундан кейинги 500 йилга яқин давр давомида хунлар билан яхши муносабатда бўлган барча хонликлар Буюк ипак йўлидаги савдо алоқаларида фаол қатнашиб, уларни жонлантиришга ўз хиссаларини қўшди.

Айрим олимлар Хунлар давлатини кўчманчилар империяси деб ҳисоблаб, унинг халқаро савдо алоқаларига қўшган ҳиссасига етарли эътибор бермайдилар. Аммо сўнгги бир аср давомида уларда деҳқончилик ва темирчилик ривожланганлигидан далолат берадиган ашёвий далиллар



кўп топилган. Хусусан, хунларга оид қабрлар ичидан темирдан анча сифатли ясалган пичоқ, ханжар, қилич, найза ва ўқ-ёй учлари (пайконлар), теша, болта, кетмон, курак, отлар учун эгар, тақа, ер ҳайдашда ишлатиладиган буюмлар чиққан. Мазкур ашёвий далилларга кўра, мил. ав. III асрда хунларда темир эритиш хунари ривожланиши билан бирга темирдан ясалган асбоблар кўп миқдорда ясалган ва улар экспорт моллари ичида муҳим ўрин олган. Шу билан бирга хунларда кулочилиқ, жунга мослашган тўқимачилиқ, аравалар ва ҳарбий қуроолар яшаш санъати, тери ишлаш ва ундан кийим-кечак тикиш, безак маҳсулотларини тайёрлаш юксак даражада ривожланган. Бу нарсалар фақат Хитойда эмас, балки бошқа мамлакатларга олиб бориб сотилган.

Хитой манбаларида кўрсатилишича, хунларда чорвачилиқ юксак даражада ривожланган бўлиб, от, қорамол, қўй ва туя боқиш улар иқтисодининг асоси ҳисобланган. Қўй билан қорамол озиқ-овқат учун ишлатилган бўлса, от ва туялардан Буюк ипак йўлидаги асосий ҳаракат воситаси сифатида фойдаланилган. Қолаверса, энг кучли тез ҳаракат қилувчи ҳарбий қўшинларни отсиз тасаввур қилиб бўлмаган. Шунинг учун қўй, қорамол, туя ва от биринчи даражали савдо моллари ҳисобланган [109; 21–26-бетлар]. Бу орада Хун империяси Буюк ипак йўли орқали бўладиган халқаро савдо алоқаларига катта эътибор бериб, уни ўз назорати остида ушлаб туришга ва бу алоқаларни ривожлантиришга интилган.

Илк бор Хитойни бирлаштирган Цинь давлати (мил. ав. 246–207) қанча ҳаракат қилмасин хунлардан Буюк ипак йўлининг шарқий бўлагини назорат қилиш ҳуқуқини тортиб ололмади. Хитойни иккинчи марта бирлаштириш асосида мил. ав. 206 йил ташкил топган Фарбий Хан ва унинг ўрнини эгаллаган Шарқий Хан (8–220) давлатлари ушбу йўлни ўз қўлига олиш учун кўп ҳаракат қилди. Гарчи уларнинг ҳаракати қисқа муддатли ютуққа олиб келган бўлса ҳам, мақсадга эришишга асос бўла олмади.

Ушбу давлатлар орасида баъзан тўқнашувлар бўлиб турган бўлса ҳам, улар томонидан халқаро савдо алоқаларига бўлган эътибор катта эди. Йўл хавфсизлиги таъминланганлиги туфайли мил. ав. III асрдан мил. III асргача бўлган даврда Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо алоқалари яхши ривожланди. Милодий III–IV асрдан бошлаб Хитой ва Марказий Осиё ҳудуди яна майда мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Улар орасида тўқнашувлар бўлиб турди. Айниқса Хитойда ички кураш авж олди. Шу боис 400 йилга яқин давр ичида Хитой майда хонликларга бўлиниб яшади. Хун империяси доирасида бўлган турклар

ҳам майда ҳокимликлар ва қабилалар гуруҳларига бўлинди. Хитой манбаларида кўрсатилишича, III–V асрларда турклар қуйидаги қабилалардан ташкил топган: буғу (пуғу, буку, буқу), тунгро (тунгло), уйғур (вэйхэ), бойирғу (боеғу), бўркли (фуло, фуфуло), мчин (мэнчэн), тууроғур (турухэ), ҳун (хун), хў (хо), сир (сие), изгил (сиже), чибни (чевик, жабирқо, чиби), бўри (боло), жида (озий, жииде), сигнақ (субо, супо), нак (нахэ), ўғуз (уху), қирғиз (хэгу), иртиш (еде), униғур (урянғхай, юйниху), сиртордүш (шеянто), длер (жаруқ, дэлээр), забандер (шибан, шипан), туркеш (дачи), одиз (хэде, оде), хозар (хазор, хэже), булғор (боху), бижанақ (бэйган), тўғой (тўрғой, кўғой, жюйхай), абуси (қипчоқ, босмил, хэбейси), бургас (хасо, хэсуо), сувор (сибир, субо), емак (емок, емо) кэдо (гот, гоч), сароугур (саригур, сулуже), саксин (сақсин, сансуян), мокшос (мокшўс, мезу, метсзу), черкес (саху), онғор (онгор, энчюй), олон (алан, алань), бошқирд (бейру), қутриғур (қутригур жюлифу), оворхун (овор-хун, вохун), тубо (туво, дубо). Ушбу қабилалар шарқда ҳозирги ХХРнинг шимоли-шарқий ҳудуди бўлмиш Манжуриядан бошлаб, ғарбда Қора денгиз ва Ўрта денгиз соҳилларигача бўлган улкан ҳудудда бир нечта гуруҳларга бўлиниб яшаган [71; 11–18-бетлар]. Бу ҳол улар юртларидан ўтган Буюк ипак йўлининг хавфсизлигини таъминлай олмаганлиги туфайли, у орқали бўладиган халқаро савдо алоқалари ҳам нисбатан сусайди.

Мил. I асрнинг 1-ярмида ташкил топган Кушон (хитой манбаларида Дайрузие, ҳозирги талаффузда Даюэжи)¹ давлати кучайиб, 3 аср давомида Буюк ипак йўлининг ҳозирги Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва жанубий Шарқий Туркистон бўлагини назорат қилиб турди. Шунда Ғарб билан Хитой ўртасидаги алоқалар асосан мазкур давлат назорати остидаги йўллар орқали амалга ошди. Айниқса IV асрга қадар бўлган давр ичида кушонлар ички ва халқаро савдо ишларини ривожлантириш учун бир қанча чоратадбирларни амалга ошириш билан



Савдогар (Бағдод қўлёзмаси, 1237; Париж Миллий кутубхонаси).

¹ Хитой манбаларида Кушон давлати ҳам Дайрузие (Даюэжи) деб номланган.



бирга танга пул чиқаришни йўлга қўйиб пул муомала ишларини тартибга солади. Шу боис қушонлар даврида Буюк ипак йўлидаги савдо алоқалари жонланади. Мил. III асрда Сосонийлар давлати кучайиб кетиши натижасида маълум бир давр давомида эронликларнинг Буюк ипак йўлига бўлган таъсири кучаяди. Айниқса ушбу йўлнинг ғарбий бўлаги анча вақтгача улар назорати остида бўлади. Эронликлар савдо ишларига моҳирлиги ва уларнинг манфаати бунга бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, улар халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Буюк ипак йўлининг юксак даражада равнақ топган яна бир даври мил. VI–XII асрларга тўғри келади. Бунга қуйидаги йирик воқеалар сабаб бўлади. VI асрда катта нуфузга эга бўлган турклар кучайиб, улар Ашина авлоди бўлмиш турк қабиласи етакчилигида бирлашади. Натижада тарихий саҳнага Турк хоқонлиги (552–742) кириб келди. Хитойнинг ғарбий чегараси Жяньюйгуандан бошлаб, ғарбда Қора денгиз бўйларигача бўлган замин ушбу хонлик таъсирига ўтиб, ундаги савдо йўлларининг хавфсизлиги таъминланди.

Турк атамаси

Бундан 3,5–4 минг йил муқаддам расмсимон иероглифлар билан ёзилган битикларда учрайди. Қадимда ушбу атама ифодаланган иероглифлар «тиек» (*tiek*), «диек» (*diek*), «тиаук» (*tiauk*), «диаук» (*diauk*) деб ўқилган. Замонавий хитой тилида улар «ди», деб талаффуз этилади. «Турк» сўзининг маъноси «бақувват», «камолатга эришган», «адолатли» каби маъноларни англатади, деган фикрлар мавжуд. Қадимги Хитой манбаларида турклар қиёфаси чуқур кўзли, қирра бурунли, катта гавдали ва серсочли деб кўрсатилади. Ўтган 4 минг йил давомида турклар кўп марта бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг таркиби ўзгариб турган. Кўп ҳолларда улар бир қанча қабилалар иттифоқларига бўлиниб кетган. Шу боис хитойлар уларнинг номини ёзиш учун турли иероглифлар ишлатган. Ҳозирги замон талаффузида ушбу иероглифлар ди, дили, динглинг, теле, цилэ, тужюэ (қадимги талаффузда тиек, тиеклэ, тиенглиенг, тиетлэ, ту-квет (*tu-kwet*) деб ўқилган. Буларнинг ҳаммаси турк атамасининг ҳар хил даврлардаги хитойча транскрипциясидир.



618 йилда турклар ёрдамида Хитой ҳам бирликка келиб, у ерда Ли Юань¹⁷ етакчилигида марказлашган Тан давлати (618–907) ташкил топди. Ушбу давлат ҳам Буюк ипак йўли орқали бўладиган савдо алоқаларига катта қизиқиш билан қаради. Унинг устига Тан сулоласи даврида Хитой иқтисодиёти тез ривожланиб, мамлакат молларини экспорт қилиш эҳтиёжи ошади. Қолаверса, хитойларнинг ҳаёт даражаси кўтарилиши билан импорт молларига қизиқиши ҳам кучаяди. Мавжуд эҳтиёжни қондириш мақсадида Тан сулоласи йўл хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, пойтахт Чанъан шаҳрини ва йўлдаги бир қанча шаҳарларни чет эл савдогарларига очиб беради. Шу билан бирга уларга зарур имтиёزلарни ҳам жорий этди. Натижада Чанъан шаҳри халқаро савдо марказига айланди.

Турк қабиласи

«Турк» деб номланган қabila Ашина авлодларидан ташкил топган бўлиб, у қадимги туркларнинг бир қисми эди. Хитой манбаларида зикр этилишича, ушбу авлод дастлаб Орол денгизининг ғарбий соҳилларида яшаган бўлиб, кейин Монғолия худудига, сўнгра Тангритоғнинг (Тяньшан) ўрта қисмига (ҳозирги Урумчи шаҳрига яқин жойи), охири Олтойга кўчган [161; 63–71-бетлар]. Олтойда ушбу авлод ўзларини турк деб атаган. VI асрда Ашина авлоди кучайиб барча қардош қабилаларни бирлаштириш асосида Турк хоқонлигини ташкил этган. Дастлаб ушбу қabila номи «турка» (turka) деб талаффуз этилган, айрим тарихий адабиётларда у Кўктурк деб ҳам аталади.


Тан сулоласи кучайиши билан у Буюк ипак йўлини назорат қилиш ҳуқуқини ўз қўлига олишга ва таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Натижада Тан давлати Турк хоқонлиги билан тўқнашиб қолди. Узоқ давом этган курашлар фақатгина ички зиддиятларни кучайтиришга олиб келибгина қолмасдан, балки Турк хонлигининг икки қисмга бўлиниши ва охирида йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

¹⁷ Ли Юань (566–635) 618 йилда Гаоцзу, яъни сулола асосчиси номи билан тахтада ўтирган. Қозирги Гансу ўлкасининг Чинъан вилоятида туғилган. Айрим маълумотларга қўра, унинг этник келиб чиқиши туркларга алоқадор [125; 856-бет]. Унинг аждодлари келиб чиқиши турклардан бўлган Ғарбий Вэй сулоласи (535–557) хизматида бўлган [153; 128-бет].

Ўша пайтда Марказий Осиёда бир томондан Тибетнинг, иккинчи томондан арабларнинг таъсири кучаяди. 747 йилда Тан сулоласи фарб томонга ҳарбий юриш қилди. Этник келиб чиқиши корейлик бўлган Гао Шанчжи (Сянь)¹ қўмондонлигидаги хитой қўшинлари Торим воҳасидаги шаҳарларга ҳужум уюштирди. 748 йилда улар Тўқмоқ (Суййе) шаҳрига, 750 йил Чоч (Тошкент)га юриш қилди. Чочда бўлиб ўтган жангга маҳаллий ҳукмдор Джабши (Чэбиши) асирга олиниб Хитойга жўнатилди, унинг ўғли қочиб бориб Хуросандаги араблар вакили Абу Муслимдан ёрдам сўради. Араблар вакили ушбу илтимосга ижобий ёндошиб Хитой қўшинларига қарши юриш қилди. Араб ва Хитой қўшинлари 751 йилда Толас (Тараз) дарёси бўйида учрашди. 5 кунга чўзилган жанг араблар фойдасига ҳал бўлди. Ушбу жангга Гао Шанчжи қўшинлари сафидаги қорлуқларнинг араблар томонига ўтиб кетиши муҳим аҳамият касб этди [133; 255-бет]. Араб манбаларининг кўрсатишича, Толас дарёси бўйида юз берган катта тўқнашишда 50 минг хитой лашкарлари қурбон бўлган, 20 минг киши асирга тушган [79, 43-бет]. Хитойнинг мағлубияти унинг ташқи сиёсатига қаттиқ таъсир кўрсатди. Шундан кейин Хитой узоқ асрлар давомида Марказий Осиёга қўшин юборишни режалаштирмаган. Лекин мазкур минтақа билан дипломатик ва савдо алоқаларини фаол равишда сақлаб қолди.



Отнинг боши (Хан сулоласи; Лондон, Виктория ва Альберт музейи).



Оқ йўлбарс (нефрит, Хан сулоласи; Париж, Рим музейи).

Арабларнинг Марказий Осиёда ҳукмронлиги узоқ сақланмади. Аммо Турк хоқонлигидан кейин ташкил топган Уйғур хонлиги (742–846) ва Қорахонийлар хонлиги (850–1212) Буюк ипак йўлининг шарқий

¹ Гао Шанчжи (?–756) – Кореядаги гавли авлодига мансуб бўлиб, у Тан сулоласининг йирик саркардаларидан бири эди. Араблар билан бўлган жангга мағлубиятга учрагандан сўнг Хитойга қочиб бориб у ердаги Ан Лушан қўзғолонини бостиришда қатнашган. Бу ишда ҳам омад ундан юз ўтиргани туфайли қатл этилган [131; 160-бет].



қисмини назорат қилиш ҳуқуқини қўлдан бермади. Айниқса Уйғур хонлиги даврида Хитойнинг ички вазияти кескинлашиб кетиши натижасида юзага келган Ан Лушан қўзғолонини бостиришда Тан сулоласи ушбу хонлиқдан ёрдам сўради, кўрсатилган ёрдам эвазига эса Хитой шаҳарларида эркин савдо қилиш учун янги имтиёзлар олди.

Ан Лушан

Туғилган йили номаълум — 757 йилда вафот этган, асл исми Ялошан, Лушан, этник келиб чиқиши турк. Унинг аждодлари аслида самарқандлик бўлганлиги туфайли Хитойда уларга Канг (Самарқанд топонимининг хитойча қисқартирилган транскрипцияси) фамилияси берилган. Онаси турклар таркибидаги Ашидэ авлодидан бўлган. Отаси бевақт оламдан ўтгандан сўнг онаси Ан Янъян исмли ўрта даражали бир турк зобитига турмушга чиққанидан сўнг унинг номи Анга ўзгартирилган. Мазкур ном, одатда, Бухородан Хитойга бориб ўтқолашиб қолганларга берилар эди. Ан Лушан 9 тилни билиш билан бирга, довлар ва моҳир жангчи бўлган. Тан сулоласи ҳоқони Сюан-зунг (712—756) унинг бу қобилиятидан тўла фойдаланиб, уни бир қатор вилоятларга ҳоким (жедуши) этиб тайинлаган. Қорахитойлар (қитон)га қарши урушда Тан сулоласи 150 минг кишили қўшинни унинг ихтиёрига топшириб ғалабани қўлига киритган. 755 йил қиш фаслида у ҳукумат сиёсатидан норози бўлиб қўзғолон кўтарган [125; 1003-бет]. Исён бостирилган сўнг Ан Лушан ўлдирилган [10; 15400-бет; 195; 63-бет].

Тан сулоласидан кейин ҳокимиятга келган Сун сулоласи (960—1279) ҳам халқаро савдони ривожлантириш орқали давлат хазинасини тўлдириш сиёсатини амалга оширди. Бу борада у, бир томондан, чет эллик савдогарларга имтиёзлар берди, иккинчи томондан, бу иш билан боғлиқ бўлган сарой ва маҳаллий ҳукумат амалдорларининг манфаатини хорижий савдогарларнинг Хитойда кўпайиши билан боғлиқ қилиб қўйди. Бу ишда фаол амалдорларни мукофотлади ва лавозимларини оширди. Ушбу чора-тадбирлар Хитойга ижобий натижалар келтирди [167; 84—95-бетлар]. Айниқса денгиз йўллари орқали бўлган халқаро савдо алоқалари яхши ривожланди.



Қорахонийлар давлати ҳам Хитой билан бўлган савдо ишларига катта эътибор берган. Бу ҳақда Хитой Халқ Республикасида сўнгги 25 йил давомида нашр этилган асарларда маълумотлар келтирилади. «Марказий Осиёнинг қисқача тарихи» («Чжунъя шиганг»), «Фарбий мамлакатларнинг умумий тарихи» («Шиюй тунгши») [159], «Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи» («Халахан вангчао шигао») [83], уйғур тилида нашр этилган «Қорахонийларнинг давлат ташкилоти» [183] «Шинжонда ўтган ислом хонликларининг қисқача тарихи» [181] каби китоблар шулар жумласидандир. Мазкур асарларда баён этилишича, Қорахонийлар давлати даврида халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши билан бирга илм-фан соҳалари ҳам яхши ривожланган. Айни шу даврда Туркистонда Абу Наср Ғоробий (873–950), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абу Райҳон Беруний (973–1050), Юсуф Хос Хожиб (1018–1085), Маҳмуд Кошғарий (1008–1105) каби буюк алломалар фаолият кўрсатган.

Қорахонийлар давлатининг таъсир доирасига Шарқий Туркистоннинг катта бир қисми кирганлиги, айниқса, савдо ишлари учун муҳим аҳамият касб этган. Помир доvonлари, Ёркенд, Хўтан ва Или водийсидан ўтган йўллар қорахонийлар ихтиёрида бўлиши, уларнинг халқаро иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришдан манфаатдор бўлганлиги [83; 61–65-бетлар, 91–193-бетлар] Буюк ипак йўли орқали амалга оширилган савдо алоқаларнинг юксалишига замин яратиб берди. Ушбу даврда савдо ишлари, айниқса, халқаро савдо алоқалари яхши ривожланган.

Маълумки, 1040 йилда Қорахонийлар давлати Фарбий қорахонийлар хонлиги (1040–1212) ва Шарқий қорахонийлар хонлиги (1040–1210) каби икки қисмга бўлиниб кетди. Самарқанд Фарбий қорахонийлар, Қашқар эса Шарқий қорахонийларнинг пойтахти бўлди. Ана шу даврда Самарқанд, Бухоро, Қашқар каби шаҳарларнинг халқаро савдо алоқалардаги мавқеи юксак даражада эди. Қорахонийлар даврида Туркистоннинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Европа мамлакатлари билан бўлган савдо алоқалари яхши ривожланди. Биринчидан, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳунармандчилик кўлами, сифат ва мазмун жиҳатдан юксак даражада ривожланди. Жаҳон бозорларида туркистонликларнинг молларига бўлган талаб ошди.

Иккинчидан, ҳудудий бирлик ички ва халқаро савдо алоқаларининг ривожланишига замин яратиб берди. Ушбу



алоқаларни ривожлантириш учун давлат томонидан савдо жараёнини яхшилаш мақсадида танга пуллар жорий этилган.

Мўғуллар хони Чингизхон даврида Буюк ипак йўлидаги айрим шаҳарлар вайронагарчиликка учради. Аммо мўғуллар даврини яхлит олиб таҳлил қилганда, Буюк ипак йўли савдоси яхши ривожланганлигини кузатиш мумкин. Биринчидан, Пекин шаҳри Хитойнинг пойтахти бўлганидан сўнг, Буюк ипак йўлининг бошланиш нуқтаси анча шарққа, яъни денгиз соҳилига яқин жойга сурилди. Иккинчидан, нафақат Тинч океан соҳиларидан бошлаб Европагача бўлган Буюк ипак йўли, балки ҳозирги Монголия, Шимолий Қозоғистон, Урал ва Жанубий Россия каби ҳудудларда жойлашган далалар ва яйловлар орқали ўтадиган «яйлов савдо йўллари» ҳам мўғуллар назорати остига ўтди. Натижада якка эгалик асосида қитъалараро яхлит савдо йўллари тизими шаклланди. Барча йўлларнинг хавфсизлиги таъминланди. Учинчидан, мўғуллар ўзларининг маданий савияси ўтроқ халқларга нисбатан пастроқлигини инobatга олиб нафақат савдода, балки давлатнинг молиявий ишларида билимдон одамлардан фойдаланиш сиёсатини қўлайдилар, савдогарларга шарт-шароит яратиб берадилар. Улар Хитой шаҳарларининг, жумладан Пекиннинг қурилишида туркистонлик усталардан фойдаланадилар. Бу ҳол туркистонлик савдогарларнинг Пекинда ва бошқа хитой шаҳарларида фаол ҳаракатланишига имкон берди. Тўртинчидан, мўғуллар савдо ишлари билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш мақсадида, улардан олинадиган солиқ ҳажмини пасайтиришган. Натижада, бир томондан, халқаро савдо алоқалар ривожланган бўлса, иккинчи томондан, солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши ҳисобига давлатнинг даромади ошган. Бешинчидан, савдо йўларида карвонсаройлар қурилиб, сафарда чарчаб қолган от ва туяларни алмаштириш, карвонларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш, синган араваларни тузатиш ёки алмаштириш ишлари йўлга қўйилди [109; 499–520-бетлар]. Булардан ташқари, савдогарларнинг молларини сотиб олиш ва уларга мол сотишда қулай бўлиши учун Хитой доирасида мўғуллар ипакдан ясалган қороз пул ва кумуш тангаларни тарқатиб, уларни назорат қилиш учун махсус амалдорлар ва маҳкамалар ташкил қилишган. Хитойга Туркистондан кўп усталарни олиб келиб ишлатишган. Биргина Самарқанддан олиб келинган усталар 30 минг кишини ташкил қилган [109; 499–518-бетлар].

ИПАК МАТО, ОТ, ЧОЙ, ЧИННИ ИДИШЛАР САВДОСИ ҲАҚИДА

✧ Ипак матолар савдоси ✧

Қадим замонларда Хитойдан Туркистонга, сўнгра Европага олиб кетилган моллар ичида ипак матолар ва бошқа ипак маҳсулотлари асосий ўринни эгаллаган. Кўп ҳолларда ипак матолари халқаро савдо алоқаларда сотиладиган ва сотиб олинадиган молларнинг баҳосини белгилловчи ўлчов ёки пул ўрнида ҳам ишлатилган. Милоддан аввалги даврларда ва милонинг бошларида Хитойнинг ғарбий томонида яшовчи халқлар полиз экинлари маҳсулоти, мева ва қуритилган мева кабиларни ҳам ипак матога айирбошлашган. Хитойга аёл қулларни олиб бориб сотишда ҳам унинг нархи ипак мато билан белгиланган. Чунончи, Такламакон чўлининг жануби-шарқий томонида жойлашган қадимги Ния шаҳри харобасидан топилган бир ҳужжатда «Сужидэнинг хабар қилишига қўра, Сужисака аёлининг нархи 41 ўрам ипак матодан иборат. Ушбу тамғаланган хат қўлингга теккандан кейин, шахсан ўзинг у аёлнинг ҳақиқатдан сотиб олинган ёхуд олинмаганлигини суриштириб қўр Ҳамма нарса қонуний бўлиш керак» [109; 79-бет], деб ёзилган. Ушбу ҳужжат мазмунидан қадим замонларда бир аёл қулнинг нархи Хитойда 41 парча (бўлак – қадимги ўлчовда 546,53 метр) ипак матога тенг бўлганлиги маълум бўлади.

Хўтан вилоятдан топилган ипак белбоғ
(мил. ав. III–I асрларга оид).

Жундан тўқилган мато бўлаги
(мил. ав. XIII–XII асрларга оид
қабр ичидан чиққан).





Хан сулоласи тарихида «Ғарбий мамлакатларга борган элчи ёки савдогар ипак матоларни иложи борича кўп олиб бориши керак. Акс ҳолда «ейишга овқат ҳам тополмаслиги мумкин», деб ёзилган мисраларни учратиш мумкин [109; 79-бет]. Ушбу маълумот ҳам Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо алоқаларда ипак матолари муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

«Тарихий хотиралар» китобида «Хитойга Ғарбдан ва Шимолдан келган элчиларнинг кети узилмайди. Марказий Осиёдан келганлар ичида Анси (Аршак, Парфия) давлатидан келганлар бошқа тилда сўзлашса ҳам савдо қилишни яхши билишади. Дася (Қадимги Рим) давлати Даван (Фарғона) давлатининг ғарбида жойлашган бўлса ҳам, у ердан келганлар ҳам савдолашишни яхши билишади» [109; 79-бет], деб ёзилган. Буюк географ Птолемейнинг маълумотига кўра, Искандар (Александр Македонский)нинг савдогарлари Бақтрия ва Торим воҳаси орқали Хитойга бориб ипак матоларини олиб келганлар [109; 79-бет].

Мил. ав. Рим давлатида бойларда, айниқса аёллар орасида ипак матодан кийим кийиш шу даражада одат тусига кирганки, римликлар ҳинд савдогарларидан йилига ўрта ҳисобда 5500 «сестерций» (sestertius) олтин танга ҳажмида турли хил газлама сотиб олишган. XIX асрдаги нарх билан ҳисоблаганда, 5500 «сестерций» 1 млрд. франк олтин тангага тенг бўлган [109; 81-бет]. Шулар ичида Хитойдан олиб келинган ипак матолар ҳажми салмоқли эди. Римда Хитойнинг ипак матолари, асосан, олтин пулга сотилган. Ҳатто мил. I асрдан кейин Римда Хитой ипак матосини сотадиган махсус бозор ҳам очилган. Рим давлатидан Хитойга келган карвон македониялик йирик савдогар Мейлсга (хитойча Мэйси) тегишли бўлган. У шахсан ўзи Хитойга бормаган, аммо унинг карвони мил. 99 йилининг кеч кузида Македониядан сафарга отлашиб, Дамашқ, Хамадон, Ҳирот, Помирдаги Ваҳон йўлаги, Тошқўрғон, Торим воҳасидаги Ёркенд, Хўтан, Қрурона ва Хэши йўлагидаги Дуньхуан вилояти орқали роппа-роса 12 ой йўл юриб Хитойнинг иккинчи пойтахти Лоян шаҳрига етиб борган [109; 81–82-бетлар].

Келтирилган маълумотлар, бир томондан қадимда Хитойдан Европа мамлакатларига экспорт қилинган моллар орасида ипак

Турфон вилоятидан топилган ипак мато бўлаги (III–V асрларга оид).





матолари асосий ўринда турганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Хитойнинг ипак газламалари мазкур мамлакатларга Торим воҳаси, Помир, Ўзбекистон ва Эрон орқали олиб кетилганлигини англатади. Бу яна бир бор мазкур ҳудудлар орқали ўтган савдо йўли ҳақиқий Буюк ипак йўли эканлигидан далолат беради.

Бундан 2000 йил муқаддам Хитойда ипак матоларини савдога қўйганда, уларнинг оғирлиги, тури, қалин ёки юпқалигига қараб баҳо белгиланган. Уларнинг узунлиги «пи» (ўрама ёки бўлак, парча) билан ўлчанган бўлиб, ҳар бир пининг узунлиги 13,33 метрга тенг бўлган. Ипак матоларининг қалин ва юпқалиги оғирлик ўлчови билан ўлчанган. Ўртача ҳисобда, оғирлиги 25 лянг (932,5 грамм)га тенг бўлган бир бўлак қалин тўқилган оқ ипак матонинг нархи 680 чян (танга), оғирлиги 24 лянг (895,2 грамм) келадиган бир бўлак парча мато 367 чян (танга) эди. Агарда ипак матоларининг нархини пахтадан тўқилган матолар нархи билан солиштирилса, у анча баланд бўлганлигини кўриш мумкин. Чунончи, пахтадан тўқилган матони ипак матога алмаштирганда, 13,33 метр узунликдаги бир бўлак оқ сурп 290 танга, бир бўлак дока сурп 106,3 тангадан ҳисобланган [109; 91-бет].

Ўша даврдаги кийиниш урф-одатига кўра, 13,3 метр келадиган бир бўлак ипак матодан битта узун қўйлак тикилган. Бир қўйлаклик ипак мато сотиб олиш учун деҳқонлар арзончилик бўлган йиллари 10 пуд (600 кг), қимматчилик бўлган йиллар 6 пуд (360 кг) дон сарфлаши лозим эди. Шу ҳисобдан келиб чиқиб айтганда, 5 кишидан иборат оиласи бўлган ўртаҳол деҳқон учун йиллик ҳосил қўпи билан 5 та қўйлаклик ипак мато сотиб олишга етган. Бу ҳолда аҳолининг қўп қисми учун оила аъзоларини йилига бир марта ипак матодан тикилган кийим-кечак билан кийинтириш қийин эди. Шундан маълумки, қадим замонларда Хитойда тайёрланган ипак маҳсулотининг асосий қисми экспорт қилинган.

Ипак матонинг нархи маълум бўлгандан сўнг қадим замонда кўрсатилган узунликдаги бир бўлак ипак мато тўқиш учун қанча вақт кетган экан, деган савол туғилиши табиий. «Ғарбий пойтахт хотираси» («Шижин зажи») асарда ёзилишича, ҳозирги ХХРнинг Хэбэй ўлкаси Пингшянг вилоятида Чэнг Гуангюй исми бир кишининг аёли ниҳоятда тез ва олий сифатли ипак мато тўқир экан. Унинг тўқиган ҳар бир бўлак ипак Сайёҳлар Хангжодан шойи харид қилмоқдалар.



матоси 10 минг тангадан сотилган. Ана шу аёл бир бўлак ипак мато тўқиш учун 60 кун сарфлаган [109; 91-бет]. Албатта, бундай қиммат ипак матоларни, асосан, ҳукмдорлар ва бойлар ишлатишган. Уларнинг ҳажми ҳам кўп бўлмаган бўлса керак. Шундан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, бундан 1500—2000 йил илгари Хитойда бир бўлак ўртача сифатли ипак мато тўқиш учун бир уста бир ой вақт сарфлаган.

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, қадим замонларда ипак маҳсулоти Хитойнинг асосий экспорт маҳсулоти бўлибгина қолмасдан, балки ўзга халқлардан сотиб олинган моллари учун бериладиган тўлов воситаси ҳам эди.

✿ От савдоси ✿

Хитой билан Туркистон ўртасидаги от савдоси Чжанг Чянинг Фарғонага келиши ва бу ерда арғумоқ отларни кўриши билан боғлиқ. Бинобарин, шундан илгари хитойлар ишлатган отлар, асосан, Монголия ҳудудида етиштирилган отлардан иборат бўлган эди. Ушбу отлар кенг яғринли, оёқлари нисбатан калтароқ, бўйи пастроқ бўлиб, нисбатан тез чопмаган. Чжанг Чян Фарғонада кўрган арғумоқ отлар эса тезликда ва узоққа чопишда мазкур отлардан катта фарқ қилган. Шу боис элчи арғумоқларнинг хусусиятлари ва уларни боқиш усули билан яхши танишган.

Чжанг Чян Чанъанга қайтиб боргандан сўнг У-ди хоқонга арғумоқ отлар ва уларни боқиш учун муҳим аҳамият касб этадиган ўсимлик — беда ҳақида барча кўрган ва билганларини сўзлаб берган. Хитой хоқони элчининг гапини эшитиб, дарҳол шундай учқур тулпор отлар билан ўз қўшинларини тўла таъминлаб, уларнинг жанговарлигини ошириш режасини туза бошлаган. У-ди арғумоқ отлар олиб келиш учун ушбу мамлакатга катта бойлик билан одам юборади. Аммо фарғоналиклар бир-иккита от совға қилиш билан чекланиб, кўп миқдорда от сотишга розилик бермайдилар.

Шундан кейин мил. ав. 104 йилда У-ди Фарғонага Ли Гуангли қўмондонлигида катта қўшин юбориб, маҳаллий ҳукуматни арғумоқ отларни беришга мажбур қилмоқчи бўлади. Лекин биринчи марта Фарғонага юборилган қўшин мақсадга эришолмай, Ўзгандан қайтади. Мағлубиятга қўника олмаган Хитой хоқони бундан қаттиқ хафа бўлиб, Ли Гуанглини катта қўшин

Тулпор.



билан иккинчи марта Фарғонага юбориб уруш қилади. Бу уруш ҳам хитой хонига у қутган натижани бермайди. Мил. ав. 102 йилда юз берган қаттиқ жанглardan сўнг Ли Гуангли, айрим маълумотларга қараганда 14 та, бошқа бир маълумотларга кўра, 30 дан ортиқ от олиб қайтиб кетишга мажбур бўлади [78; 105–106-бетлар]. Шундан бошлаб Хитойда секин-аста зотли отлар пайдо бўла бошлайди.


Мил. ав. II асрдан мил. II асрнинг ўрталаригача бўлган давр давомида Хитойнинг атрофидаги от боқиладиган жойлар Хун империяси назорати остида бўлганлиги туфайли отларни импорт қилиш хитойлар учун мураккаб масала эди. Шу боис от нархи ҳам баланд бўлган. Ўша замонда, битта салт отнинг баҳоси 100 тиллага, битта юк ташиш ёки арава учун ишлатиладиган отнинг нархи эса, энг арзон баҳода ҳисоблаганда, 5 минг танга бўлган. Айрим даврларда отнинг нархи ниҳоятда баланд бўлганлиги маълум. Чунончи, мил. ав. 93 йилда миниладиган битта отнинг нархи 150 минг тангага кўтарилиб кетган экан. От нархи билан ипак мато нархини солиштирганда, арзончилик бўлган йиллари энг арзон от сотиб олиш учун 8–9 бўлак ипак мато сарфлаш лозим бўлган. Минадиган от сотиб олиш учун эса камида 200 бўлак ипак мато сарфлаш керак эди.

Ўрта асрларда, айниқса Тан сулоласи даврида от боқиладиган айрим ҳудудлар ушбу сулола томонидан эгаллаб олинган эди. Шу боис ўша



Сарбоз (Холчаён топилмаси;
тикланган кўриниш).

Учқур отлар. Қоя расми. Аравон,
Фарғона.





даврдa Қадимги Хитойда от нархи анча арзон бўлганлиги кузатилган. Чунончи, битта ўртача отнинг нархи 40—50 бўлак ипак матога тенг эди. Ипак матога нисбатан от баҳосининг арзонлашиши кейинги бир неча асрлар давомида ҳам кузатилди. Бунинг сабабларидан бири Марказий Осиё халқлари орасида чой ичиш одати кенг тарқалганлиги, иккинчидан Хитойга борган савдогарлар олиб борилган отларнинг катта бир қисмини чойга алмашганлиги, учинчидан, Хитойда чой нархи тобора ошганлиги эди.

Аммо хитойлар билан ўзга халқлар ўртасидаги савдо алоқаларнинг умумий кўлами нуқтaи назардан қараганда, Хитой учун от савдоси юқори ўринда турган.

Бунинг биринчи сабаби, аҳолиси зич бўлган Хитой ҳудуди чорвага мослашмаганлиги ва хитойлар от боққан ҳолда ҳам уларни кўпайтириш имкониятига эга бўлмаганлигидадир. Бундай имкониятга хитойлар бепоён яйловлар жойлашган Монголия, Тибет, Шарқий Туркистон каби минтақаларни эгаллаб олганларидан кейингина эга бўлишган. Шу туфайли хитойлар учун от ниҳоятда азиз ва қимматбаҳо савдо моли ҳисобланган.

Иккинчидан, ўша замонларда от фақат ҳаракат воситаси бўлибгина қолмасдан, балки тез ҳаракат қилувчи қудратли жанговар ҳарбий кучнинг асоси ҳисобланар эди. Шу боис қадим замонларда қайси давлат ёки халқнинг ҳарбий кучи отлиқ қўшинлардан иборат бўлса, шулар кучли ҳисобланган. Бу ҳол Хитой билан унинг шимолидаги кўчманчи халқлар ўртасидаги тўқнашувларда кузатилган. Хитойлар ўзларининг отлиқ рақибларининг ҳужумига қарши курашиш мақсадида бир неча минг километр келадиган шимолий чегаралари бўйлаб баланд деворлар қуришган. Бунинг учун маблағ ва инсон меҳнати сарфланган. Портлатувчи қуроолларнинг пайдо бўлишига қадар мазкур деворлар маълум даражада ўз самарасини кўрсатганлиги ҳаммага маълум. Хитойдек катта нуфузли давлатнинг ҳарбий кучини отлиқ қўшинлар

Қимматбаҳо эгар-жабдуғ билан безалган от ҳайкали (Тан даври; Лондон, Виктория ва Альберт музейи).



билан таъминлаш отларнинг сонини кўпайтириб, қариб қолган отларни ёш отга алмаштириб туришни тақозо этар эди. Бунинг учун давлат катта ҳажмда маблағ сарфлаб доимий равишда от сотиб олишга мажбур эди. Айниқса, Даван (ҳозирги Фарғона)да етиштирилган «осмон тулпорлари» — арғумоқлар Хитойда машҳур бўлган.

Арғумоқ

Зотли чопқир отларга Шарқ халқлари берган умумий ном. Бу ном билан аталувчи отлар кўпроқ араби от, ахалтака, ёвмут, қорабайир от зотларига мансуб. Халқ оғзаки ижодида арғумоқлар бедов, тулпор ва дулдул номлари билан ҳам маълум.

Учинчидан, Хитойнинг ўзида от етиштирилган бўлса ҳам, хитойлар учун отда юриш ниҳоятда катта обрў ҳисобланарди. Шу сабабли бойлик орттирган ҳар бир киши зотли от сотиб олишга интиларди.

Хитойга келган элчилар ва карвон эгалари маҳаллий хонларга ва амалдорларга от совға қилишса, уларнинг бу совғалари юксак баҳоланган. Албатта, отнинг баҳоси ҳар доим бир хил бўлмаган. Аммо ўртача олганда, VII–VIII асрларда Хитойга олиб келинган ҳар бир отга 40–50 бўлак (ҳар бир бўлаги 13,3 метрдан) ипак мато алмаштириб олиш мумкин эди.

Ўрта асрларда Хитойга от олиб бориб сотиш, асосан, туркий халқлар, жумладан, уйғурлар ва тибетликларга мансуб бўлган. Улар Хитойга от сотиш учун сафарга чиққанларида, камида 3–4 минг от ҳайдаб боришган. 735 йилда турклар Хитойга 15 минг от олиб бориб сотганлиги маълум. Шунда ушбу отлар эвазига тўлаш учун



мамлакатдаги мавжуд ипак матолар етмай қолган экан. 830 йилда уйғурлар томонидан Хитойга сотилган отлар эвазига ҳукумат 230 минг бўлак ипак мато тўлаган. Айрим йиллари сотиб олинган отларга тўлаш учун

Эгар устига солинадиган гилам. Хўтандаги мил. ав. 1-минг йилликка оид қабрдан топилган.



ипак матолар етмай қолиб қарз эвазига от сотиб олган ҳоллари тез-тез учраб турган. 780 йилга келиб, Тан сулоласининг уйғурларга бўлган қарзининг умумий миқдори 1,08 млн. бўлак ипак матони ташкил қилган. Шундан кейин Тан сулоласи ушбу қарзнинг бир қисми учун 100 минг лянг (мисқол, 1 лянг 37,3 граммга тўғри келади) олтин билан қайтарган [109; 417-бет]. Ушбу рақамлар фақат давлатлараро от савдосига тааллуқли эди. Шу тарзда сотиб олинган отларнинг ҳаммаси деярли ҳарбий мақсадлар учун ишлатилган. Бундан ташқари Хитойга хусусий савдогарлар томонидан ҳам от олиб бориб сотилган. Одатда, хусусий савдогарлар томонидан сотилган отлар, асосан, мириладиган зотли отлар бўлган.

Бу борада шуни айтиб ўтиш жоизки, Хитойга экспорт қилинган отларнинг сони кўпайиши билан бирга, Марказий Осиёдан олиб борилган эгар-жабдуқларнинг миқдори ҳам ошиб борган.

Қадим замонларда Хитой катта нуфузли деҳқончиликка асосланган мамлакат бўлганлиги туфайли, у доим чорва маҳсулотларини импорт қилишга муҳтож эди. Бу соҳадаги импортда қўй ва қорамол каби уй ҳайвонлари салмоқли ўрин тутарди. Бундан ташқари гилам, мўйна, ишланган тери, жундан ва пахтадан тўқилган матолар Хитой импортида муҳим ўрин олган. Уларни ҳам Хитойга олиб бориб сотиб, эвазига ипак мато олиш мумкин эди.

✽ Чой савдоси ✽

Халқимиз орасида қуритилган чой баргидан дамлама тайёрлаб ичиш шу даражада одатга кириб кетганки, чойсиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. Чойнинг кўк ва қорага ажратилиши унинг қовурилмай ёки қовуриб қуритилганлигига, олий ва паст навлари унинг янги кўкариб чиққан ёки пишиб етилган барглاردан тайёрланганлигига боғлиқ. Асрлар давомида чой ўзининг хушбўйлиги, чанқовни қондирувчанлиги, инсон саломатлиги учун фойдалиги билан нафақат Марказий Осиёда, балки бутун жаҳонда катта эътиборга сазовор бўлди ва халқаро савдо алоқаларда муҳим ўрин тутди. Унинг истеъмолчилари ҳам тобора кўпайиб борди. Аммо Марказий Осиёга, жумладан Ўзбекистон ҳудудига чой қачон кириб келган деган саволлар ҳамон сир бўлиб келмоқда.

Хитой манбаларидаги маълумотлар чойнинг илк ватани ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг жануби-шарқий вилоятлари бўлганлигини кўрсатади.



Чой

Мил. ав. IV асрда Хитойда чой ўсимлиги табиий ҳолда ўсганлиги маълум. Чой IX асрдан Япония ва Кореяда, XIX асрдан Индонезия, Ҳиндистон, Шри Ланкада экила бошлади. 1885 йилдан Грузияда, 1901 йилдан Россиянинг Краснодар ўлкасида, 1913 йилдан Озарбайжонда чой плантациялари ташкил топди.

Ўзбекистонда чой ичиш қачондан бошлаб урф бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Айрим манбаларга кўра, Туркистон шаҳарларида хитой, хинд савдогарлари чой савдоси билан шуғулланганлар.

Шаҳарлар ва йирик қишлоқлар гузарларида фақат чой ичимлиги ва тамадди (нон, қанд-курс) билан савдо қиладиган чойхоналар бўлган. XX аср бошларида хинд савдогарлари Самарқандда чой қadoқлаш корхонасини ташкил этганлар. 1913 йилда Ўрта Осиёга четдан 720 минг пуд чой келтирилган (75% и кўк чой), унинг 240 минг пуди Туркистон ўлкасида, 150 минг пуди Бухоро хонлигида, 40 минг пуди Хива хонлигида сотилган.

1923 йилда Ўрта Осиёда ягона ва четдан келтириладиган хом ашёда ишлайдиган Самарқанд чой қadoқлаш фабрикаси ишга туширилди.

90-йиллар бошидан Самарқанд, Наманган, Тошкент шаҳарларида Буюк Британия, Ҳиндистон, Аргентина, Шри Ланка, Хитой фирмалари («Вета Теа», «Тата», «Импра», «Акбар», «Липтон» ва б.) билан ҳамкорликда чой импорти, қadoқлаш ва сотиш билан шуғулладиган кўшма корхоналар ташкил топди ёки чет эл фирмаларининг ваколатхоналари очилди.

Хитой тили катта луғатида «Чой дарахти (чашу) ватанимиздаги Янцзи (рус адабиётида Чанцзян, Янцзи – муаллиф) дарёси бўйларида ва унинг жанубидаги вилоятларда ўсади ва парвариш қилинади; Япония, Непаль, Ҳиндистон ва умуман Ҳиндистон ярим оролига Хитойдан тарқалган» [121; 9-жилд, 3207-бет], деб ёзилган. «Чой» сўзининг Хитойдан дунёга тарқалиши ҳам чой Хитойдан тарқалган, деган фикрни тасдиқлайди. Ҳақиқатдан ҳам Хитойнинг мазкур вилоятларининг иқлими нам иссиқ, серёфин, қиш кунлари қаттиқ совуқ бўлмаслиги ва қор деярли ёғмаслиги чой дарахтининг ўсишига мос келади.



Ҳозирги хитой тилида чой «ча», айрим шеваларда «са, ца, ша, шэ», деб аталади, лекин унинг ушбу тилда шундай номланиши нисбатан кейин пайдо бўлган. Масалан, Шарқий Жин мамлакати¹ олими Го Пунинг (273–324) «Шарҳлар тўплами»² асарида қайд этилишича, қадимда хитойлар чойни бошқа иероглиф билан ифодалаганлар [121; 5-жилд, 3207-, 3282-бетлар].

Тан сулоласи (618–907) даврида яшаган Лу Юй (туғилган ва вафот этган йиллари номаълум) томонидан махсус чойга бағишланган «Чой қонуни» («Чацзин») асарида баён этилишича, «чой» сўзини ёзиш учун ишлатилиб келинаётган «ча» иероглифи ўт-хашак ва ёғочни билдирувчи икки иероглифнинг бирлаштириш асосида 713–741 йиллари юзага келган [121; 5-жилд, 3207-бет]. Ундан олдин чой «ту», деб ўқиладиган иероглиф билан ифодаланган. Қадимроқ даврда хитойлар чойни «минг» (ming), «жя» (jia), «ше» (she), чуан (chuan) деб аташган. Лекин «минг» ва «чуан» иероглифлари чойнинг ўсиб етилган ва қариб қолган баргларига нисбатан қўлланган. Чойнинг «шэ» (she) деб номланиши ҳозирги Хитойнинг Сичуань ўлкаси жанубида яшаган халқ тилига хос. «Хитойнинг Буюк ипак йўли лугати» («Чжунгуо сичоу чжилу цидян»)да ҳам чой илгари «минг» деб номланганлиги кўрсатилган [139; 573-бет].

Мил. III асрлардан олдин битилган асарларда, жумладан сулолалар тарихида ва шоирлар асарларида чой баргидан дамлама тайёрлаб чанқовбосди ичимлик тариқасида истеъмол қилиш ҳақида маълумот учрамайди. Ҳозирги замон хитой тарихчилари асарларида ҳам Фарбий Хан сулоласи даврида (мил. ав. 221 – мил. 8) чой макони бўлмиш Сичуань вилоятида чой дарахти баргидан чанқовбосди ичимлик тайёрлаш одати йўқ эканлиги баён этилган [139; 486-бет; 93; 237-бет]. Ли Мингвэй Хитойда «чой ичишга оид илк маълумот Фарбий Хан сулоласининг сўнгги даврида бўлса керак», деб тахмин қилади [93; 237-бет]. Лекин унинг бу маълумотлари чойни чанқовбосди ичимлик сифатида истеъмол қилиш милоднинг бошида пайдо бўлганлигини билдирмайди [139; 573-бет].

«Уч хонлик тазкираси» («Сангуо чжи») асарида «ароқ ўрнига хуфиёна равишда пишиб ўтиб кетган чой баргининг дамламаси берилди», деган маълумот келтирилади. Сун сулоласи даври (420–479)да яшаган

¹ Шарқий Жин (Цзинь), хитойча Дунгжин – ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Жянгу (Цзянсу) ўлкаси ҳудудида жойлашган хонлик.

² Го Пунинг асарида тилга олинган «Эръя» мил. ав. II аср билан мил. II аср оралиғида яшаган олимлар томонидан ёзилган «Шарҳлар тўплами» ҳисобланади.



адабиётшунос олим ва ёзувчи Лю Йичиннинг (403–444) «Дунёдаги янги сўзлар» («Шишуо шинюй») асарида «зиёфат пайтида ўткир ичимликлар берилганда, меҳмонлар бу «ча»ми ёки «минг»ми деб сўрашди», деган маълумот келтирилган [121; 5-жилд, 3207-, 3208-бетлар]. Шундан маълумки, III–IV асрларда Хитойда чой баргидан ароқга ўхшаган ўткир ичимлик тайёрлаш одати пайдо бўлган.

Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, чой дарахти баргидан дамлама тайёрлаб ичиш илк бор Хитойнинг жанубида пайдо бўлиб, унинг шимолига нисбатан кейинроқ тарқалган. Масалан, Хитойнинг шимолида чой дарахти баргидан дамлама тайёрлаб ичиш ҳақидаги илк маълумот «Лоянгдаги буддизм ибодатхонаси хотираси» («Лоянги чилан цзи») асарида учрайди [109; 418-бет]. Ушбу асар эса Хитойнинг шимол томонида яшаган ва чорвачилик билан шуғулланган халқ томонидан ташкил этилган Шимолий Вэй (386–534) давлатида таваллуд топган ёзувчи Янг Сюанчжи қаламига мансуб. Муаллифнинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум, лекин у 547 йилда ушбу давлатнинг пойтахти Лоянги шаҳрини зиёрат қилган ва бу ердаги будда ибодатхонаси билан танишган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Хитойнинг шимолида — аниқроғи ҳозирги Пекин атрофида чой дамламасини ичиш VI асрнинг 1-ярмида удум бўлган.

V асрда Хитойда чой шу даражада эъзозланганки, у никоҳ тўйи совғалари орасида ноёб нарсага айланган. Хаттоки, никоҳ тўйи пайтида қиз томонга совға юбориш маросими «чой юбориш» («шяча»), қиз томонидан ушбу совғани қабул қилиш эса «чой қабул қилиш» («шоуча») деб аташ одатга кирган. Ҳар хил сабабларга кўра ўтказилган меҳмондорчилик «чой тадбири» («чали») деб номланган. Жиддий ишлар ҳақида гаплашиш ёки маслаҳатлашиш учун тўпланган анжуман «чой мажлиси» («чахуэй» ёки «чатангхуэй») деб номланган [126; 4-жилд, 2651–2652-бетлар]. Қадим замонларда бундай мажлисларни ташкил этишга фақат бойларнинг қурби етган.

Манбада ёзилишича, Тан сулоласи императори Сюнзунг даврида (712–755) «чой Жянгуэй [вилоятдан]дан олиб келинар эди, бунинг учун кемалар ва аравалар бетўхтов юриб турарди, чой тоғ этакларида кўп ўсарди. Чанъан ва шунга ўхшаган йирик шаҳарларда чой барги сотиладиган дўконлар очилган, уларда чой дамламаси ҳам сотилар эди» [109; 418-бет].

«Тан сулоласининг Кўхна тарихи» («Жю Танг шу»)нинг 73-бобидаги «Ли Жюе тазкираси»да чой ўстириш оддий деҳқоннинг ҳаёт манбаига айланиб қолди, деб кўрсатилган [109; 418-бет].



«Тан сулоласи янги тарихи» («Син Танг шу»)нинг 136- ва 196-бобларида келтирилган маълумотларга кўра, VII асрнинг ўрталарида Хитойда чой баргидан дамлама тайёрлаб ичиш одати кенг тарқалган бўлиб, у маҳаллий халқнинг кундалик ҳаётида гуруч ва туз каби доимий озиқага айланган [109; 418–419-бетлар].

Чойнинг халқ орасида кенг тарқалганлиги шу даврда яшаган шоирлар асарларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, хитой халқи орасида чойнинг билимдони ва «чой пири» («чашэнг») деб танилган шоир ва олим Лу Юй ўз асарида «чой ичиш одати шамол каби тез тарқалди», деб ёзган [109; 418-бет].

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, милондинг бошларида ва ундан олдинги даврда «ча» деб номланган ўсимлик хитойларга маълум бўлган, аммо улар бу ўсимлик баргидан чанқовбосди ичимлик тайёрлашни ҳали билмаган. Мил. III асрда Хитойда чой баргларида спиртли ичимлик тайёрланган ва у хуфиёна истеъмол қилинган, чойнинг ёш баргларида чанқовбосди ичимлик дамлаб ичиш одати эса IV асрнинг 1-ярмида пайдо бўлган. Шундан кейинги икки аср давомида чой дамламасини истеъмол қилиш маҳаллий халқ орасида кенг тарқалган. Демак, чой Туркистонда V асрдан олдин тарқалмаган.

Юқорида тилга олинган «Лоянгдаги буддизм ибодатхонаси хотираси»да Тан сулоласи ташкил топишидан олдин Хитойда чой ичиш кенг тарқалмаган, яйловларда яшайдиган ва чорва билан шуғулланувчи халқлар чой истеъмол қилишмас эди, деб баён этилган [109; 418-бет].

1987 йилда Қадимги Хитойнинг иккинчи пойтахти Чанъан (ҳозирги Сиань) шаҳрининг ёнида жойлашган Фаминши («Буддага эргашганлар ибодатхонаси» маъносини англатади) номи буддизм ибодатхонасининг минораси остидаги ертўладан мил. VII–IX асрларга тегишли бўлган буюмлар топилган. Шулар ичида чой баргига ишлов бериш, уни қуритиш, қовуриш, қадоқлаш, ундан дамлама қилиб ичиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, олтин, қумуш ва шишадан ясалган идишлар, номаълум бўёқлар билан сирланган чинни пиёлалари, оч-сарик рангли шишадан ясалган пиёлалар, чой дамламаси тайёрладиган бошқа идишлар борлиги аниқланган. Буларнинг аксарияти, айниқса шиша чой идишлари — Шарқий Рим империясида ясалган бўлиб, улар Хитойга IX асрда келтирилган. Бу буюмлар Европага чой IX асрдан олдин тарқалган деб айтишга асос бўла олади.

Гарчи VII асрнинг ўрталаридан бошлаб араб савдогарлари денгиз орқали Хитойга кела бошлаган бўлса ҳам шу даврда Европа давлатлари билан ушбу чой мамлакати ўртасидаги савдо алоқаларнинг аксарият қисми Туркистон, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли орқали амалга оширилган. Шундай экан, чой ичиш одати туркистонликларда Европа давлатларидан кўра анча олдин пайдо бўлган, деб ҳисоблаш ўринлидир. Манбаларда буни тасдиқлайдиган маълумотлар сақланиб қолган.



Чой плантацияси.

Мил. V–VIII асрларга оид манбаларда қайд этилишича, ушбу даврда чой Хитойдан уйғурлар ва тибетликлар томонидан кўплаб сотиб олинган. Ўрта асрларда ёзилган «Фэнг Чжининг эшитган ва кўрганлари баёни» («Фэнг Чжи вэнь жянлу») асарининг 6-бобида «Уйғурлар ҳар гал Хитой хоқони саройига келганида зотли отларни чойга алмаштириб кетишар эди» [109; 348-, 496-

бетлар], деб ёзилган. Ушбу асарнинг иккинчи бир жойида уйғурлар Тан сулоласи саройига келганида, кўп от олиб келиб чойга алмаштириши Тан ҳукуматига катта ташвиш келтирган. Тан сулоласи бундан қутилиш учун от, чой, ипак матолар савдосини ва бу молларни сотадиган бозорларнинг қўпайишини чеклашга мажбур бўлганлиги баён этилган [109; 348-, 496-бетлар]. Асарда «Тан даврида уйғурларда чой ичиш одати бор эди» [109; 496-бет] деб ҳам зикр этилган.

Буюк ипак йўлининг Шарқий Туркистон қисмини назорат қилиб турган Уйғур хоқонлиги 755–757 йиллари Хитойда юз берган Ань Лушан қўзғолонини бостиришда Тан сулоласига кўмаклашганлиги туфайли ушбу мамлакатда эркин савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шунинг учун Хитойдан Буюк ипак йўли орқали экспорт қилинган чой уйғурлар ихтиёрида бўлган.

Хитой олимларининг хабар қилишича, шу даврда уйғурлар кўпроқ гўштли ва ёғли овқат истеъмол қилишган, сут қўшиб тайёрланган чой дамламаси эса гўштли овқатни ҳазм қилишда, организмга йиғилган ёғ моддасини камайтиришда муҳим аҳамият касб этган [109; 487-бет]. Ҳақиқатдан ҳам уйғурларда сут билан чой ичиш кенг тарқалган бўлиб, бундай чой улар тилида «этган чой», деб номланади.



Манбалардан маълум бўлишича, Тан сулоласи даврида, яъни VII–IX асрларда чой Хитойнинг асосий экспорт молларидан бирига айланган. VII асрнинг 1-чорагида Қадимги Хитойнинг шимолидаги халқлар билан хитойлар орасида бўлган савдода чой, ипак мато, туз, от асосий ўринда турган. Ушбу моллар савдоси кўпинча фуқаролараро молни молга айирбошлаш (замонавий тилда бартер) асосида амалга оширилган. VII асрнинг 1-чорагида бундай савдо алоқалари тез фаоллашиб кетган [109; 347–348-бетлар]. Чой савдосининг даромадли эканини тушиниб қолган савдогарлар хорижий элларга бориб, унинг фойдали эканлигини ташвиқ қилганлар.

Тан даврида чой савдоси шу даражадаги даромадли савдога айланиб кетганки, кўпгина туркистонликлар Хитой шаҳарларида, айниқса Чанъанда чой дўконларини очиб, Хитой чойи экспортининг асосий қисмини ўз қўлларига киритиб олишган. Ҳукумат хазинаси эса бундан катта фойда кўрган. Хитой чойи экспортининг кўпайиши сабабли импорт қилинган отлар эвазига тўланадиган ипак матоларнинг етишмаслигига чек қўйилган [109; 420-бет].

Шарқий Туркистондаги Турфон шаҳрининг ёнида жойлашган Остона деган жойдан очилган 187-рақамли қабр ичидан чой узатаётган аёллар расми чизилган ипак матолар топилган. Атрофлича ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг Хитой олимлари ушбу расм VII асрга таалуқли бўлиб, у Фарб мамлакатларидан келиб хитой чойини олиб кетаётган савдогарларга тегишлидир, деган хулосага келишган. Шу асосда улар VII асрда Турфонда чой билан меҳмон кутиб олиш одатга кирган экан, деган фикрни ўртага қўйган [109; 419–420-бетлар].

780 йилда чой етиштирувчи, олувчи ва сотувчилардан илк бор солиқ олинган, 792 йилда эса чойдан солиқ олиш ҳақида махсус қонун қабул қилинган. Бу қонун «чой қонуни» (чафа) деб номланган. Шунгача чой савдоси солиқсиз амалга оширилган. «Чой қонуни»га кўра, чой ўстириш ва етиштирувчиларни рўйхатга олиб, улар орасида «бовжя» тизими жорий этилган. Мазкур тизимга кўра, чой билан шуғулланувчи ҳар 10–15 оилалар бир гуруҳ (бов)га ажратилган бўлиб, шулардан биронтаси қонунни бузса барча гуруҳ аъзолари тенг жавобгарликка тортилган. Шу билан бирга, йирик шаҳарларда «чой бозорлари» ташкил этилган ва чой савдоси фақатгина шу бозорларда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Чой етиштирувчилар билан чой сотиб олувчилар ўртасидаги алоқалар ҳукумат томонидан қаттиқ назорат қилинган. Қонун жорий этилгандан сўнг чой савдосидан олинган даромад Тан сулоласи хазинасини тўлдирувчи асосий манбага айланиб қолган [109; 419–420-бетлар].



VIII асрнинг 3-чорагида Тибетда ташкил топган Тубо давлати кучайиб Хэши йўлаги ва Шарқий Туркистон жанубий қисми орқали ўтган савдо йўллари у з назоратига олган эди. Шундан кейинги чоракам бир асрга яқин давр давомида (аниқроғи 849 йилгача) мазкур ҳудудлар орқали Хитой билан Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари тибетликлар ихтиёрида бўлди. Шунда Ғарб билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалар Монголиядан ўтган шимолий йўл орқали амалга оширилган. Шу замонда ушбу йўл Уйғур хоқонлиги (744–842) орқали ўтади. Бу вазият уларга ниҳоятда қўл келди. Натижада уйғур савдогарларининг халқаро савдо алоқаларда тутган ўрни кучайди.

X асрдан бошлаб чой Хитой давлатига яхши даромад келтирувчи асосий экспорт маҳсулотига айланган. Масалан, Шишя давлати атрофидаги қўшнилари бир неча жин¹ чойга бир дона қўй алмаштиради, деган маълумот учрайди [109; 487-бет]. Шунинг учун Шимолий Сун сулоласи (960–1127) чой етиштириш ва уни сотиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз монополиясига ўтказибгина қолмасдан, балки чой савдосига алоқадор бўлган барча шахсларни рўйхатга олиб, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатган [109; 489-бет].

Манбалардан маълум бўлишича, Шимолий Сун сулоласи даврида ғарбий мамлакатлардан, жумладан Туркистондан келган савдогарлар кўп миқдорда чой сотиб олишган. Хитойда эса ички сиёсий вазиятнинг кескинлашиши туфайли, чой етиштириш ва тайёрлаш салмоғи пасайиб баҳоси ошиб кетган. 1104 йилда хитойларда битта 4–10 ёшли катта отнинг нархи 56 кг олий навли чой баҳосига тенг бўлган [109; 495-бет]. Шу сабабли хитойлар чойни фақат отга алмаштиришга ҳаракат қилганлар. Ҳукумат ҳам бу ишни қаттиқ назоратга остига олган. Жанубий Сун сулоласи даврида (1127–1279) от нархи қимматлашиб, чой нархи тушиб кетиши кузатилган. Шундан сўнг чойни нафақат отга, балки бошқа молларга ҳам айирбошлаш ёки олтин ва қумуш пулга сотишга рухсат этилган.

Хитойда мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ушбу мамлакатда от сотиб олиш муаммо бўлмай қолган. Натижада отни фақат чойга алмаштириш зарурияти йўқолган. Аммо чой етиштириш ва унинг халқаро савдодаги ўрни ошиб борганлиги кузатилган. Мусулмон савдогарлари орқали Хитойдан олиб кетиладиган моллар орасида чой тилга олинмай қолмайди. Аммо Тан сулоласи даврида

¹ Ўша замонда 1 жин 597 граммга, ҳозир эса 500 граммга тенг.



халқ орасида кенг тарқалган «От—чой савдоси» деган тушунчи биринчи ўридан тушиб қолган [109; 494-бет].

Хитойлар мўғуллар ҳукмронлигини ағдариб ўзларининг Мин ҳокимиятини ташкил этганидан сўнг отни импорт қилиш масаласи яна атрофдаги чорвадор халқлар ва давлатлар ихтиёрида қолган. Шунинг учун зарурият туфайли Мин сулоласи улардан от сотиб олиш масаласига катта эътибор бериб, уни сиёсат даражасига қўтарган. Ҳатто бу ҳолат Мин сулоласининг от боқиладиган яйловларни ўз қўлига олишга қаратилган стратегик сиёсатининг шаклланишига ҳам таъсир қилган. Бундай вазиятда йилқичи чорвадор халқларнинг чой ичишга ўрганганлиги ва чой импортига муҳтожлиги унга қўл келган. Шу даврдаги ҳукумат сиёсати «чойга от алмаштириб атрофдаги қўшниларни ҳурсанд қилиш ва шу йўл билан Хитой (Чжунгуо)нинг қудратини ошириш», деган иборада ўз аксини топган [109; 595-бет]. Чой етиштириш ва сотиш билан боғлиқ барча соҳалар яна Сун ва Тан даврларидагидек давлат монополиясига олинган. Чой етиштирувчилар ва чой экиладиган ерлар қайтадан текширилиб рўйхатга олинган. Чойни жойдан-жойга ташиш ишлари ҳарбий қисмлар кузатуви остида бўлган. Чойни махфий экспорт қилганлар ва бунга йўл қўйган амалдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган [109; 599-бет]. Натижада чойнинг таннархи ошиб кетган. 1392 йилда 340 бош отга 300 минг жин (ҳозирги ҳисобда 150 минг кг) чой алмаштирилган [109; 600-бет]. От совға қилиб келган элчиларга катта ҳурмат билдирилган. XIV асрнинг охириги чорагида Хитойнинг ғарбий ва шимолий чегара вилоятларида олий зотли от 40—50, ўрта даражадаги от 30—40, паст даражадаги от 20—30 жин чойга тенглаштириб баҳоланган. Хитойнинг ичкари ўлкаларида бу нарх камида 800 баробар қиммат бўлган. Масалан, Сичуань вилоятида 1 бош ўртача от нархи 1800 жин чойга тенг бўлган [109; 597-бет]. Шундан маълумки, ҳукуматнинг ўзи чой савдосидан катта даромад қилган. Албатта, чой нархи тез-тез ўзгариб турган, лекин Хитойнинг чегара вилоятларидаги нарх билан ичкари ўлкалардаги нарх ўртасидаги фарқ катта бўлган.

Чой нархининг қимматлашиб кетиши Хитойга импорт қилинадиган отларнинг сони камайишига олиб келди. XV асрнинг ўрталарида от импортини кўпайтириш мақсадида Мин сулоласи хусусий савдогарларга ҳам чой савдоси билан шуғулланишга йўл очиб беришга мажбур бўлди [109; 608—610-бетлар].

Хитойда Мин сулоласи ағдарилиб, унинг ўрнига манжурлар томонидан ташкил этилган Цин сулоласи даврида чойни фақат отга алмаштиришнинг

зарурияги қолмаган. Манжурлар Хитойни забт этгандан сўнг Монголия, Тибет, Цинхай, Шарқий Туркистон каби от етиштирувчи мамлакатларни ҳам ўзига итоат қилдириш имкониятига эга бўлиши шунга олиб келган эди. Энди улар от сотиб олувчилар эмас, балки от боқиш ва кўпайтиришнинг эгасига айланди. Чой савдосини давлат монополиясида ушлаб туришнинг ҳам ҳожати қолмади [109; 612–650-бетлар].

❀ Чинни идишлар савдоси ❀

Хитой тилида чинни «ци» ёки «цичи» деб номланади. Аслида оқ лойдан ясалган сопол идиш «ци» («сі») деб номланган. Бундай идишлар, одатда, «байтао» («оқ сопол») дейилган. Кейинчалик хумдонда юқори ҳароратда пиширилган оқ рангли идиш-товоқлар ци деб аталган. Шунинг учун олимлар орасида икки хил фикр мавжуд бўлиб, буларнинг бирига кўра, ци Шанг ҳокимлиги даври (мил. ав. XVI–XI асрлар)да, иккинчисига қараганда, Фарбий Жин (Сицзин; 265–316) даврида пайдо бўлган. Биринчи фикр тарафдорлари оқ лойдан ясалган сопол идишларнинг пайдо бўлган вақтига, иккинчи фикр тарафдорлари чинни лойидан яшаш санъати пайдо бўлган вақтига асосландилар [125; 1362-бет]. Хитой адабиётида чинни идиш яшаш санъати Хитойнинг йирик кашфиётларидан биридир, деб таърифланади [126; 3-жилд, 2884-бет].

Чинни лойи, яъни каолин тупроғи илк бор Хитойнинг Цзянси ўлкасидаги Жингдэчжэн вилояти ёнидаги Гаолинг аталадиган жойдан топилган. Шу боис Жингдэчжэн вилояти чинни идиш-товоқлар яшаш санъатининг биринчи марта пайдо бўлган жойи ҳисобланади [125; 2047-бет].

Чиннисозликнинг дастлабки даврларида каолин тупроғидан ясалган буюмлар оқ, кўк (тўқ ҳаворанг) ва аралаш рангли каби уч хил бўлган. Кўк рангли чинни идиш-товоқлар хитой тилида «чингци» (chingci) деб номланган бўлиб, улар хитой халқи орасида кўпроқ эътиборга сазовор бўлган. Шу сабабли «чингци» Хитой чиннисозлик санъатининг асосий йўналишига айланган. Сабаби, биринчидан, узоқ ўтмишда чинг сўзи шарқ, кўк ранг, қора (буюк) маъносида ишлатилган [121; 6-жилд, 4046-бет]. Иккинчидан, осмонни худо (тян), императорни худонинг фарзанди (тянзи) деб билган хитой халқи осмон ранги бўлган кўк рангни ниҳоятда катта ҳурмат билан эъвозлаган. Туркий халқлар тилидаги чинни атамаси айнан шу «чингци» сўзидан келиб чиққан деб ўйлаймиз.

VII–VIII асрларда, яъни Хитойда Тан сулоласи ҳукмронлик қилган даврда кўк чиннисозлик (чингци) санъати ниҳоятда юксалди. Ушбу



Хитой чинниси.



санъат бир қанча турларга ва мактабларга бўлинди. Тан даврида кўк чинни идишлар Буюк ипак йўли ва денгиз йўллари орқали хорижга, жумладан Марказий Осиё давлатларига кўп миқдорда экспорт қилинди. Чинни буюмларнинг экспорти билан бирга, чинни идиш-товоқ яшаш технологияси ҳам хорижга тарқалди [125; 1362-бет]. VII–VIII асрларда чинни идиш-товоқлар экспортининг кўпайганлиги шу даврда Хитой чиннисига бўлган эҳтиёжнинг ошганлигидан дарак беради. Дунё бозорларининг талабига биноан Хитойда кўкдан ташқари оқ, яшил, сариқ ранглари оч ёки тўқ қилиб ишлатиш, бу ранглари аралаштириб янги ранг ҳосил қилиш ҳисобига хитой чинниларининг рангдорлиги оширилган. Шу даврларда ишланган хитой чинни идишлари ҳозирги Афғонистондан Месопотамиягача бўлган жойларда, Кавказ, Сурия ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида топилганлиги уларнинг дунё миқёсида Буюк ипак йўли орқали кенг тарқалганлигидан далолат беради [109; 421–423-бетлар].

✽ Доривор, тақинчоқлар савдоси ✽

Хитойлар нафақат даволанишда, балки овқатланишда турли гиёҳлардан ва улардан тайёрланган дориворлардан фойдаланишни яхши кўриши ҳаммага маълум. Хитой шаҳарларидаги ошхоналарнинг ёнига яқин келганлар буни дарҳол сезиб оладилар. Аммо Хитойнинг ўзида дунёдаги доривор ўсимликларнинг ҳаммаси мавжуд бўлмаган. Кўп дориворлар Буюк ипак йўли орқали узоқ-яқиндаги мамлакатлардан Хитойга олиб келинган. Шуларнинг энг асосийлари санаб чиқилганда 20–30 хилдан ошади. Импорт қилинган дориворларнинг айримлари таомларга қўшиб истеъмол қилинса, кўп қисми эса таобат дорилари сифатида ишлатилган. Хитойдан олиб кетилган дориворларнинг сони ҳам кам бўлмаган. Айниқса дахуанг (равоч), хунгхуа (қизил гул), шэсянг (*Crocidura caerulea*) каби дориворлар кўпроқ экспорт қилинган [109; 423-бет]. Шунга қараганда, Буюк ипак йўли орқали бўлган халқаро савдо алоқаларида дориворларнинг ўрни ҳам анча баланд эди.

Марваридлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонлар, тилла ва кумушдан қилинган заргарлик буюмлари, узук ва зиракларга ишлатиладиган қимматбаҳо тошлар ҳам ушбу савдода муҳим аҳамият касб этган. Буларнинг кўп қисми элчилар ва савдогарлар томонидан Хитой хонларига ва ҳокимларига совға сифатида олиб борилган. Хитойда қадим замонлардан нефрит тошидан ясалган тақинчоқлардан ва бошқа



нарсалардан фойдаланиш кенг тарқалганлиги учун, Буюк ипак йўли савдосида ушбу тошдан ясалган буюмларнинг миқдори катта бўлган.

Хитойга Туркистондан олиб борилган маҳсулотлар ва буюмлар ичида турли мўйна, дори-дармон тайёрлаш учун ишлатиладиган ҳайвон мугуз шохлари, қуритилган мева, чолғу асбоблари, қушлар, қимматбаҳо металлдан ва тошлардан ясалган буюмлар миқдори ҳам кам бўлмаган. Бу ҳақда Америка олими Эдвард Хетцел Шефернинг (1913–1991) рус ва хитой тилларига таржима қилинган «Самарқанднинг олтин шафтолилари» асарида батафсил тўхтаб ўтилади [57].

Буюк ипак йўли орқали Европа, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдан Хитойга сабзавот ва кўкат уруғлари ҳам олиб борилган. Сабзи, кўк турп, пиёз, бақлажон, карам, карапша (селдерей), шолғом, кашнич, қовоқ уруғлари ана шулар жумласидандир. Албатта, айрим уруғлар дастлаб доривор сифатида Хитойга олиб борилган. Кейинги даврларда ушбу сабзавот-кўкатлар Хитойда шу даражада кенг тарқалган ва улардан тайёрланадиган овқатлар тури ҳам ниҳоятда кўпайганки, ҳозир уларнинг аксарияти Фарбдан олиб келинганлигини тасаввур этиш қийин.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ХИТОЙГА ТАРҚАЛГАН АЙРИМ ЎСИМЛИКЛАР ВА ТАОМЛАР

Марказий Осиёдан олиб кетилган турли ўсимлик ва таомларнинг Хитойда тарқалишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Одатда одамлар бу ҳақда ўйлаб ўтирмайдилар. Хитойга борган одамлар у ерда Марказий Осиёда ўсадиган ўсимликларни, айниқса мева дарахтларини кўриб, улар Хитойга олиб келинганми ёки йўқми деб ўйлаб ҳам ўтирмайдилар.


Хитойда Марказий Осиё ўсимликларининг турлари кўп бўлиб, уларнинг айримлари хитой элчиси Чжанг Чян томонидан Фарғонадан ва атрофдаги қўшни мамлакатлардан олиб кетиши билан боғлиқ. Мош (худоу), ноннинг юзига сепадиган седана (хумо), шолғом (хулуобу), ошқовоқ (хугуо), турп (хулуобу), кашнич (хусуй, сянгтсай), бодом (хутао) каби ўсимликлар шулар жумласидандир. Одатда, Туркистон халқини хитойлар «ху» (ўғуз, гуз, ҳун атамаларининг хитойча талаффузи) деб умумлаштириб атаганлиги туфайли улар ушбу минтақадан олиб келинган ўсимликларга қўйилган номнинг олдига ана шу сўзни қўйишган.

Туркистондан Хитойга олиб келинган ўсимликлар ичида бевосита ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган ўсимликларнинг бири ток бўлса, иккинчиси


беда ҳисобланади. Қадим замонларда улар хитойлар учун нотаниш эди. Мил. ав. 127 йилда Хитой элчиси Чжанг Чян Фарғона давлатига етиб келгандан сўнг, бу ерда узум ва унинг сувидан тайёрланган ичимлик — мусаллас билан танишган. Хитой элчисига мусаллас ёқиб қолган бўлса керак, у мил. ав. 126 йилда Чанъанга қайтиб борганида Хитой хоқони У-дига узумнинг ширинлиги ва шифобахш эканлиги, ундан тайёрланган мусаллас ҳам инсон соғлиги учун фойдали эканлиги ҳақида катта мамнуният билан сўзлаб берган. Ўша даврда Хитойда тайёрланган спиртли ичимликнинг тез бузилиб қолишини ва қуввати пастлигини ҳисобга олиб, Чжанг Чян фарғоналиклар тайёрланган мусаллас бир неча ўн йил сақласа ҳам ачиб кетмаслигини ва узоқ сақлаган сари унинг қуввати ошиб боришини ҳам алоҳида таърифлаб берган. Шу билан бирга, у ўзи билан олиб келган маййиз ва ток новдасини У-дига тақдим этган [100; 150-бет]. У-ди хоқон маййизни татиб кўргандан сўнг узум новдасини дарҳол сарой ёнидаги боғда экишни буюради. Шундан кейин Хитойда ток ўстирила бошланган.

Чжанг Чян ватанига қайтиб келганида узумни «путоу» деб атаган. Элчи узумни нега бундай атаганлиги ҳанузгача мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Айрим хитой олимлари қадимий форс тилида узум «буда», юнон тилида «бутрувз» деб аталганлигини инобатга олиб, Чжанг Чян мана шу номларнинг биронтасидан олган бўлсак керак, деб тахмин қилишади.

Ток ўстириш санъати билан бирга Хитойда ундан мусаллас тайёрлаш технологияси ҳам тарқалди. Узумдан тайёрланган мусалласни хитойлар «путоу жю» («узум ароғи») деб аташди.



Анжир, анор,
узум —
Туркистон
заминидан
Хитойга олиб
борилган мева
дарахтларидир.



VII асрдан кейин Хитойда «форс услубида тайёрланган узум ароғи» деган тушунча кенг тарқалган эди. Мазкур услуб аслида қадим замондаги «Тошкент давлати»дан (Шигуо) олиб келинган экан [155; 312-бет].

Беда ўсимлигининг Қадимги Хитойда тарқалиши ҳам Чжанг Чян номи билан боғлиқ. Ўз ватанига қайтишда у ўзи билан беда уруғини ҳам олиб келган эди. У-ди тулпор отларни олиб келишдан олдин уларнинг асосий озуқаси бўлган бедани ҳам сарой ёнидаги боғда экишга ва шундан кейин уни бошқа жойларда қўпайтиришга фармон берган. Орадан қўп ўтмай Хитойда беда экиш кенг тарқала бошлаган.

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, беданинг Хитойда пайдо бўлганига 2100 йилдан ошган. Беданинг кенг тарқалиши билан бирга хитойларга беда экиш орқали ернинг ҳосилдорлигини ошириш усули ҳам маълум бўлган. Беданинг ушбу хусусияти Хитой деҳқонларига қўп фойда келтирган [101; 150-бет].

Тандир нони анча қадим замонда Марказий Осиёдан Хитойга тарқалган. Ноннинг хитойча «нонг» ёки «хубинг» деб аталиши ва шу сўзларнинг хитой тилида пайдо бўлишининг ўзи буни

Узум қуритиладиган уйлар.

аниқ кўрсатиб туради. Бинобарин, юқорида айтганимиздек, «хубинг» сўзидаги «ху» туркистонликларнинг умумий номидир. Илмий адабиётда мавжуд фикр-мулоҳазаларга кўра, «ху» сўзи «ўғуз», «ғуз», «хўр» каби атамаларнинг хитойча талаффузидир. «Бинг» сўзи «нон»нинг хитойча таржимаси ҳисобланади.

Хитой манбаларида мавжуд бўлган маълумотларга кўра, Тан сулоласи даврида Хитойнинг пойтахти Чанъан халқаро савдо марказига айланганлиги сабабли, бу ерда туркистонликлар ниҳоятда қўп тўпланган эди. Улар, асосан, шаҳарнинг ғарбий дарвозасига яқин ердаги «сиши» («ғарбий бозор») атрофига жойлашган эди. Ана шу бозорда ва бозорга олиб келадиган асосий йўлларда сон-саноқсиз катта-кичик ошхона, новвойхоналар очилган. Чанъанда бир туркистонлик бой кишининг ошхонаси «Хужи жюси» («Ғуз маликаси ресторани») деб номланган. Ресторанларга ном қўйишда кўпинча аёллар исмидан фойдаланилган [101; 132–133-бетлар].

Туркистонликлар ошхонаси ва таомлари шу қадар ҳурматга сазовор бўлган эканки, кўзга кўринган хитой зиёлилари ҳам шу ресторанларга бориб овқатланиш ва меҳмон кутишни маъқул кўришган. Бу ҳақда йирик хитой шоирлари шеърлар ҳам тўқишган. «Тан сулоласи кўҳна тарихи»нинг «Юйфу жи» («Маиший хизмат» маъносини англатади) бобида, Чанъан шаҳрида «хулар таомлари» сеvimли таомлар бўлиб қолган, «бойлар зиёфати хулар таомларидан иборат бўлар эди», деб қайд этилган [101; 133-бет]. Шимолий сулоалар (386–550) даврига оид «Халқ хунарлари» («Чимин яошу») асарида Хитойнинг ғарбий томонидаги мамлакатлардан келган таомларни тайёрлаш ва меваларни сақлаш усуллари баён этилган. Ана шу асарда «хуларнинг таомларини тайёрлаш усули», «хулар қовунини сақлаш усули», «хулар шўрваларини тайёрлаш усули» каби боблар мавжуд [101; 133-бет]. «Хан сулоласи тарихи»да «ху бинг» («хулар нони») сўзининг кўп учраши ва «нон сўзини ифода қилиш учун «нонг» деб ўқиладиган махсус иероглиф яратилишига қараганда, ноннинг Хитойга тарқалган вақти милоддан аввалги асрларга бориб тақалади.

«Хитойча ипак йўли лугати»да «ху бинг» ва унинг устига сепиладиган кунжут (хума) ҳам Чжанг Чян томонидан Хитойга олиб келинган [139; 568-бет]. «Нонг» ёки «хубинг» ачитилган бир бўлак хамир (хитойча «мантоу») олов ёқилган ўчоқда пиширилиши, нонга кунжут сепилиши, тонг саҳарда новвойхоналар олдидан ўтилганда атрофни иштаҳа очувчи хушбўй ҳид қамраб олиши ва бундай нонлар «хума бинг» деб аталиши манбаларда таъкидланган.

Ноннинг эъзозли таърифлари машҳур хитой шоири Бай Жюйи (Бо Жюйи деб ҳам айтилади, 772–846 й.ларда яшаган) шеърларида ҳам ўз аксини топган [100, 133-бет]. Кунжут сепилган нон пиширишни шоирнинг ўзи ҳам билган ва ўз қўли билан тайёрлаган нон билан дўстларини меҳмон қилишни яхши кўрган. Бошқа бир асарда ёзилишича, «хубинг»нинг турлари кўп бўлиб, уларнинг айримларига қийма солинган: «Хубинг бир бўлак хамир ичига икки қадоқ гўшт, оқ пиёз, доривор, туз кабилардан қилинган қийма солиб,



«Пекин ўрдаги» — сайёҳларни энг хуш кўрган таомидир.

оловда пиширилади, хамирнинг юз томони дарҳол шишиб чиқади» деб кўрсатилган [100; 133-бет]. Мазкур «тўштли нон»нинг таърифланишидан кўришиб турибдики, у сомсанинг худди ўзи.

Келтирилган маълумотлар Хитойга Марказий Осиёдан таомлар фақатгина Тан сулоласи даврида эмас, балки ундан бир неча аср аввал борганлигидан далолат беради.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

XIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиёда мураккаб сиёсий вазият юзага келади. Хусусан, Хитойда ташкил топган Юань сулоласининг хоқони Хубилай ўзини Чингизхон тахтининг вориси деб ҳисоблаб, ушбу минтақа ҳукмдорларини ўзига итоат қилишини талаб қилди. Аммо у ўз талабига рад жавоб олгандан сўнг куч ишлатишга уриниб кўрди. Лекин унинг қилган ҳарбий ҳаракатлари натижа бермади. Хубилайга қарши чиқишда Ўқтойнинг набираси Хайду (1235–1301) фаол ҳаракат қилади. 1294 йилда Хубилай вафотидан сўнг унинг набираси Темур Чэнгзунг номи билан тахтга ўтириб (1295–1308), буvasининг йўлидан боради. Лекин унинг ҳаракатлари зое кетган. Натижада Хитой билан Ғарб ўртасидаги Буюк ипак йўли орқали бўладиган савдо алоқалари қийинлашиб қолган.

XIV асрда бир томондан Чигатой авлодлари ўртасида низолар кучайса, иккинчи томондан улар билан Мўғулистон хонлари ўртасидаги зиддиятлар авж олди. Бунинг устига, Марказий Осиё халқлари орасида мўғул ҳукмдорларига қарши ҳаракатлар бошланиб кетади. Хитойда ҳам мўғуллар маҳаллий халқнинг қаршилигига учрайди. 1368 йилда юзага келган қулай вазиятдан фойдаланган хитой амалдорлари ва ер эгалари Юань сулоласини ағдариб, Мин деб номланган хонликни (1368–1644) ташкил қилдилар. Мазкур воқеалар Буюк ипак йўлидаги осойишталикни бузиб, Туркистон орқали амалга ошириладиган халқаро савдо алоқаларни ниҳоятда сусайтириб қўйди. Шу боис Буюк ипак йўлининг аҳамияти кескин пасайиб кетди.

1370 йилда Мовароуннаҳрда Самарқанд шаҳрини марказ қилган соҳибқирон Амир Темур (1336–1405) давлати ташкил топди. 35 йилга яқин давр ичида мазкур давлат доираси ниҳоятда катта ҳудудни ўз назорати остига олганлиги ҳамда Буюк ипак йўлининг хавфсизлиги таъминланганлиги натижасида бу йўлда халқаро савдо алоқаларининг



қайтадан ривожланишига замин яратилди. Амир Темурнинг ўзи ҳам бу йўлнинг ривожланишига катта эътибор берди. У нафақат ўз давлати доирасидаги ички савдо ишларини, балки халқаро савдо алоқаларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун зарур эканлигини яхши англаган эди. Шу боис у ҳокимиятга келган захоти ички ва ташқи савдо ишларига катта эътибор бера бошлади. Аввало карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаб, уларда карвонсаройлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор берди.

Амир Темурнинг хитой хоқони Тайцзуга йўллаган мактубида «Карвонсаройлараро йўллар очилди, йўллардаги қароқчилар йўқ қилинди, узоқ юртларга борувчилар ўзларини хотиржам ҳис этадиган бўлди» [78; 559-бет], деб таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга Амир Темур Византия, Венеция, Испания, Франция, Англия каби Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатди.

Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, Амир Темур Мин хонлигининг пойтахти Пекин (Хонбалиқ) шаҳрига 8 марта элчилар юбориб, Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларни ривожлантирган. Чунончи, 1387 ва 1389 йиллари кузда Мавлоно Ҳофизий, 1388 йилда Тож ад-Дин (Тамудинг), 1391 йилда Шохалил (Шахали), 1392 йилда Нифмат ад-Дин (Нимаопудинг), 1394 ва 1395 йилларда Дарвиш (Диелибэйши), 1396 йилда Аломат ад-Дин (Аламадан) бошчилигида Пекинга Амир Темур номидан элчилар келган [78; 553-бет]. Мазкур элчилар орқали соҳибқирон Хитой хонига от, туя ва бошқа нарсалар юборган. Хитой хони эса булар эвазига қумуш пул, ипак матолар қайтарган. 1396 йилда Амир Темур Аломат ад-Дин орқали Хитой хонига мактуб ҳам йўллаб, унинг юборган нарсаларидан мамнун бўлганлигини таъкидлаган.

Шу даврда Самарқанддан Пекинга 6 ойда етиб борилган. Кузда йўлга чиққан карвон кейинги йил баҳорининг охирида ёки ёзнинг бошида манзилга етиб олган [78; 553–554-бетлар].

Амир Темур вафотидан кейинги 100 йилга яқин давр давомида Туркистондан Хитойга 107 марта, шу жумладан 1415–1440 йиллари Улуғбек Мирзо номидан 22 марта элчилар гуруҳи келган [48; 50-бет].

Хитой манбаларидан маълум бўлишича, ўша замонда Хитойнинг бошқа шаҳарларига ҳам самарқандлик савдогарлар келиб, бозорларда от сотишган. Чунончи, 1390 йилда эрта баҳорда самарқандлик Шо Жўраали (Шачиеэр Алийи) Лянчжоу шаҳрида 670 та от сотган. Маҳаллий ҳоким бу ҳақда Тайцзуга ҳисобот бериб, мазкур савдогарни Пекинга юборишни сўраган [78; 553-бет].

Самарқанддан Хитойга юборилган элчилар билан биргаликда катта савдогарлар гуруҳлари ҳам қўшилиб борган [37; 95-бет]. Тайзунинг Амир Темурга йўллаган бир мактубида баён этилишича, айрим самарқандлик савдогарлар Хитойга келганидан сўнг ватанига қайтмасдан савдо ишлари билан шуғулланган ва айримлари уй-жой сотиб олиб бола-чақали бўлиб қолган. Мин сулоласи қўшинлари Хитойнинг шимолида яшаётган татарларга қарши юриши чоғида асирга тушиб қолганлар орасида бир неча юз нафар самарқандлик савдогарлар бўлганлиги аниқланган [78; 553–554-бетлар]. Ушбу мисоллар Амир Темур савдогарлари фақатгина Хитой ҳудудида эмас, балки унинг шимолидаги яйловларда ҳам савдо ишлари билан шуғулланганлигидан далолат беради.



Ипак йўли — мулоқот йўли.
Ўрта аср миниатюраси.

Мин сулоласи ҳам Самарқандга бир неча марта элчилар ва савдогарлар юборган. Масалан, 1395 йилда Самарқандга Пекиндан Бо Ан бошчилигида 1500 кишидан иборат бўлган элчи ва савдогарлар гуруҳи, 1397 йилда Чэн Дэвэн бошчилигидаги хитой элчилари ва савдогарлари келган [78; 553–555-бетлар].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур даврида анчадан бери тўхтаб қолган Туркистон — Хитой дипломатик ва савдо алоқалари тикланиб, Буюк ипак йўли қайта очилади. Аммо томонларнинг амалга оширилган алоқаларга кўз қарашлари бир хил бўлмаганлиги туфайли Амир Темур давлати билан Мин хонлиги ўртасида янги ғоявий муаммо пайдо бўлган.

Маълумки, Хитой ҳукмдорларининг анъанавий тушунчаларига кўра, хоқон «хуанди» (император) деб аталиб, у Тангрининг курраи заминдаги ўғлони («тянзи») ҳисобланган. Унга барча мамлакатлар ва хонлар итоаткор бўлиши лозим эди. Шу боис Амир Темур элчилари Мин сулоласи томонидан «гунгши», улар олиб борилган совғалар эса «гунгфу», яъни фуқаролар ҳукмдорга тўлайдиган солиқ [58; 119–140-бетлар], деб қабул қилинди. Шу жойда изоҳ бериб ўтмоқ лозимки, хитой тили луғатларида, жумладан «Хитой тили ёзуви луғати»да шарҳланишича, «гунг» деб қадимда Тангри фарзандига (Тянзи), яъни императорга



унинг итоатида бўлганлар томонидан тақдим этиладиган нарсалар ва деҳқонлар томонидан ҳосилларнинг ҳукуматга топширадиган қисми айтилган [121; 6-жилд, 3624-бет]. «Сўзлар денгизи» («Цихай») ва «Сўзларнинг келиб чиқиши» («Циюан») луғатларида ёзилишича, «гунгфу» сўзи ҳукмдор томонидан фуқаролар зиммасига ортилган солиқ номи ҳисобланган [125; 509-бет; 126; 4-жилд, 2950-бет].

Хитой императорлари ўзларини ер юзининг эгаси деб ҳисоблашлари анъанасининг таъсири Хитой олимлари асарларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ванг Чжилай ўз асарида «Атрофга қилган ҳарбий юришлар галаба билан яқунлангандан сўнг, Темур кучайиб кетди. Шундан кейин у Мин сулоласига итоат қилишдан ва Хитойга (Чжунгуога) солиқ тўлашдан (гунгфу) бош тортди, шу билан бирга Хитой элчиларини олиб қолиб, қайтишга рухсат бермади», деб айтади [78; 556-бет]. Иккинчи бир жойда тарихчи ёзади: «Юқорида айтиб ўтилганидек, Темур кўп марта Мин саройига солиқ тўловчи элчилар (гунгши) юборди. Уларнинг айримлари солиқ олиб келиш ва савдо қилиш билан чекланди, айримлари [Хитойдаги] вазиятни ўрганиш ва маълумот тўплаш билан шуғулланди» [78; 556-бет].

Албатта, Амир Темурга нисбатан қўйилган бундай айблар асоссиз эди. Мин хонадонининг мустақил ҳолда ташкил топган ва Туркистонни бирлаштиришда катта хизмат қилган давлат ҳукмдорини ўзининг итоаткори деб билиши катталиқ ва ўзгаларни менсимасликдан бошқа нарса эмас эди. Масалага бундай ёндошув ҳақли равишда Амир Темурни қаттиқ ранжитган эди.

Хитойда мўғуллар ҳукмронлигини ағдариб, хитойлар ҳокимиятини қайта тиклаган Чжу Юанжанг (1368–1398 йиллари Тайзу номи билан тахтда ўтирган) илгариги хонларнинг анъанавий фалсафаси билан қуролланиб, ўзини қурраи заминдаги барча мамлакатлар устидан назорат қилувчи олий ҳукмдор деб ҳисоблаши ўзга халқлар, давлатлар ва хонлар учун тушунарсиз бир ҳол ва улар манфаатига зид келарди.

Амир Темурдан Хитойга биринчи марта (1387 йилда) элчи бўлиб Мавлоно Ҳофиз келганда, Тайзу мазкур тушунча асосида унинг юборган совғаларини ўзига бўлган тобелик белгиси деб қабул қилди. Унинг бундай муносабати Амир Темурдан кейинги йилларда юборилган элчиларга ва совғаларга нисбатан ҳам сақланиб қолган. Хитой ҳокони ўзининг Амир Темурга жавобан бериб юборган совғаларини эса, унинг «тобелигини қабул қилганлиги» учун кўрсатилган ҳиммат белгиси деб ҳисоблади. Шу асосда Тайзу Амир Темурга йўллаган мактубида уни хитой хонига итоаткор хон сифатида ифодалаган. Хитой хони



Амир Темур
ҳукмронлиги
давридаги тангалар.

соҳибқироннинг мавқеи билан ҳисоблашмаган. Унинг мактуби билан танишгандан сўнг, Амир Тему́р қаттиқ ранжиб, Самарқандга 1395 ва 1397 йилларида келган Бо Ан, Чэн Дэвэн бошчилигидаги хитой элчиларини ушлаб қолган. Улар ватанига Амир Тему́р вафотидан кейин қайтганлар [78; 556-бет]. Элчиларни Самарқандда ушлаб қолишнинг бундан ташқари яна икки сабаби бўлган. Буларнинг биринчиси, Бо Ан 1500 киши ҳамроҳлигида Ҳиротга бормоқчи бўлганлиги [78; 556-бет] Амир Тему́рда шубҳа уйғотганлигида, иккинчиси, Мин хоқони 100 минг мусулмонни қатл этиш тўғрисида фармон берган, деган хабарнинг Амир Тему́рга етиб келганлигидадир [31; 43–45-бетлар]. Хитойда қатл этилган мусулмонларнинг сони 100 минг бўлмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо мўғуллар ҳукмронлиги даврида туркистонлик мусулмонларнинг жамиятдаги мавқеи баланд бўлганлиги ва улар вакилларининг юқори даражали давлат хизматига жалб этилганлиги учун, Мин сулоласи уларнинг кўп қисмини жазолаганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Афсуски, хитой манбаларида ушбу тарихий воқеалар тўғри баён этилмаган. Мин сулоласи назорати остидаги сарой тарихчилари масалага амалий жиҳатдан эмас, балки Хитой ҳукмдорларининг анъанавий фалсафаси асосида ёндашиб иш кўрганлар.

Аслида эса, Амир Тему́р Хитой хонига элчилар орқали совғалар жўнатиб, эвазига хитой молларининг олиб келиниши орқали икки давлат ўртасидаги тенг ҳуқуқли савдо алоқаларининг тикланишини кўзда тутган эди. Бу ҳақда маҳаллий манбаларда кўп маълумотлар учрайди. Афсуски, Марказий Осиё манбалари билан хитой манбаларини солиштириш асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлмаган айрим тарихчилар, жумладан хитой тарихчилари Амир Тему́рнинг бу истагини тўғри баён этолмаганлар. Улар хитой хонлари ёрлиғи ва сарой тарихчилари томонидан битилган манбалардаги амалиётга зид кўрсатмаларни «ҳақиқат» деб қабул қилганлар.

Бунинг устига туркистонлик савдогарларга Хитойда эркин савдо қилишга йўл қўйилмаганлиги ва туронлик мусулмонларнинг қатл этилиши Амир Тему́рнинг ғазабини келтирган. Мавжуд адабиётларда, жумладан Хитой тарихчиларининг асарларида зикр этилишича, Мин сулоласи хонининг муносабатидан ранжиган Амир Тему́р унга қарши ҳарбий юриш қилмоқчи бўлган, бундан хабар топган Мин сулоласи эса ташвишга тушиб, урушга тайёргарлик кўра бошлаган [38; 278-бет; 78; 557-бет]. Аммо Амир Тему́рнинг 1405 йилда Ўтрор шаҳрида оламдан ўтиши билан унинг истаги амалга ошмай қолган.



Жез қозонча.
Самарқанд. XIV аср.



Сирланган кўза.
Самарқанд. XV аср.



Мазкур тарихий воқеалардан кўриниб турибдики, Туркистон билан Хитой ўртасидаги халқаро муносабатларнинг асос ва ҳуқуқларини тушунишга ҳамда савдо алоқаларни мунтазам равишда ривожланишига Амир Темур билан Хитой хонлари ўртасидаги муносабатда номутаносиблик йўл бермаган.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг фарзандлари тахт учун курашаётганда, соҳибқироннинг қудаси бўлмиш Мўғулистон хони Ҳизрхўжа Буюк ипак йўлининг Туркистон—Хитой қисмидаги муҳим нуқталаридан бири бўлган Қумул (Хами) шаҳрини қўлга киритади. Натижада Мин сулоласининг Қумул учун кўп йиллар давомида олиб борган кураши вақтинча барҳам топади. Ушбу воқеа Буюк ипак йўлида тинчлик ўрнатилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур авлодлари ҳам Буюк ипак йўлини ривожлантириш мақсадида жиддий ҳаракатлар қилганлар. Улар Хитой билан тинчлик битимлари ҳам тузишган. Масалан, 1388—1500 йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Хуросон, Шероз, Ҳирот, Исфаҳон каби шаҳарлардан 120 дан ортиқ элчи гуруҳлари Хитойга борган. Уларнинг кўпчилиги ўрта ҳисобда 8—10 кишидан иборат бўлган [52; 178—185-бетлар]. Айрим элчилар гуруҳига 200 киши атрофида савдогарлар қўшилиб борган. Савдогарлар Хитойга от, туя, эшак каби чорва моллари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар, дориворлар ва ҳар хил маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларини олиб боришган. Хитойдан эса, асосан, ипак мато, чинни идишлар, чой, равоч ва дориворлар олиб келинган.

Манбаларда кўрсатилишича, шу замонда Мин сулоласи Хитойдан олиб келинадиган моллар кўламини чеклаб қўйган. Айрим маҳсулотларни, жумладан металлдан ясалган қурооларни махсус рухсатсиз Хитойдан олиб кетиш ман этилган [38; 278-бет; 78; 557-бет].

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти ходими Маҳмуд Қутлуқовнинг хитой, араб, форсий ва бошқа манбаларни солиштириш асосида чиқарган хулосасига кўра, ипак йўлида ўз мавқеини ўстириш учун Хитой хоқонлари кўп марта ғарб томонга ҳарбий юришлар қилган. Аммо уларнинг ҳаммаси натижасиз тугаганлиги туфайли Қумул учун бўлган кураш жиддий тус олган. Ушбу шаҳар юз йилдан ортиқ давр давомида гоҳ хитой, гоҳ мўғул ҳукмдорлари қўлига ўтиб турган. Албатта, бу курашлар Буюк ипак йўлидаги савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатган.

1499 йилда Қумул шаҳри вақтинча Мин сулоласи қўлига ўтиб қолганда, савдо алоқаларидан манфаатдор бўлган туркистонлик



Сирланган лаган.
Самарқанд. XV аср.



Шамдон. Тошкент.
XV аср.



савдогарлар Мўғулистон хони Аҳмадхондан асир тушган хитой амалдорларини ватанига қайтариб бериб, Мин хонадони билан битим тузишни талаб қилишган. Бу борада Тошкент ҳокими Маҳмудхоннинг Хитой хоқонига ёзган хати муҳим роль ўйнаб, маълум муддатгача Туркистон–Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Халқаро савдо алоқаларга бўлган эҳтиёж ва Буюк ипак йўлидаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Мин сулоласи денгиз йўли орқали ҳаракат қилишга жиддий уринади. Денгиз йўлини Хитой учун очиш вазифасини Маҳмуд (Чжэнг Хэ)га топширади. Маҳмуд эса мўғуллар даврида Хитойга бориб қолган ўзбекистонликлар авлодига мансуб бўлган (бу ҳақда қуйида батафсилроқ баён этилади).

Шундан кўриниб турибдики, Хитой билан Ғарб ўртасидаги савдо алоқаларнинг денгиз йўли орқали ривожланишига Буюк ипак йўлидаги мураккаб сиёсий вазият туртки бўлган. Денгиз йўлининг ривожланиши, албатта, ушбу даврда жаҳон миқёсида кемасозликнинг ривожланиши билан ҳам боғлиқ эди. Ўз навбатида, денгиз йўли орқали халқаро савдо алоқаларнинг ривожланиши Буюк ипак йўли аҳамиятининг пасайишига олиб келди.

XV АСРДА ВА СЎНГГИ АСРЛАРДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

XV асрнинг 2-ярмида Буюк ипак йўлида янги халқаро вазият юзага келади. Шарқий Туркистонда Ёркенд шаҳрини марказ қилган хонлик (1465–1759) ташкил топди. XVI асрнинг дастлабки икки ўн йиллиги давомида ушбу хонлик кучайиб, ўзининг таъсир доирасини Буюк хитой деворининг ғарбий нуқтаси Жяюйгуангача етказди. Дуньхуан ҳам ушбу хонлик ҳудудида эди [159; 386–411-бетлар]. Шундан кейин Қумул шаҳри учун бўлган кўп йиллик кураш барҳам топиб, Шарқий Туркистонда тинчлик ўрнатилди. Лекин бу пайтда Мин сулоласининг ички вазияти кескинлашиши туфайли, Туркистон–Хитой савдо муносабатлари қисқариб кетди. 1644 йилда Мин сулоласининг ички курашларидан тўла фойдаланган манжур зодагонлари Хитойни истило қилиб, бу ерда Чин (Цин) деб номланган давлат ташкил қиладилар. Тез орада ушбу давлат кучайиб, ўз ҳудудини кенгайтиришга киришди.

Шу даврда ҳозирги Марказий Осиё республикалари ҳудудида бирлик йўқолиб, бирин-кетин ташкил топган майда хонликлар ўртасида курашлар давом этаётган эди. Мовароуннаҳрда юзага келган тарқоқлик



ва ўзаро курашларнинг кучайишидан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510) бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар Темурийлар ҳокимиятига якун ясаб, унинг ўрнига ўзларининг ҳокимиятини ўрнатадилар. Аммо Шайбонийлар ҳам Туркистонни узоқ муддатга бирликка олиб келолмадилар. Ушбу минтақада юз берган кейинги курашлар Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари каби учта мустақил давлатларнинг ташкил топишига олиб келди. Ушбу воқеалар ҳозирги Марказий Осиё давлатлари ҳудудида умумий сиёсий ва иқтисодий бирликни қайта тиклашга йўл бермаган. Бу эса Буюк ипак йўлидаги савдо алоқаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

XVII асрнинг 1-ярмида Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмида яшаётган ойротлар кучайиб, Или водийсини марказ қилган ҳолда янги давлат ташкил этди. Маълумки, ушбу ойротлар Чингизхон даврида мазкур водийга жойлаштирилган чап қанот (жунғор) мўғул қўшинларининг авлоди бўлиб, улар 4 улусга бўлинар эди. Шу боис ойротлар давлати тарихда Жунғор (Зунғар) хонлиги (1635–1755) деб номланган. Ушбу хонлик тезда кучайиб, Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмини ва ғарбий Монголия, Олтой каби жойларни эгаллаб, кучли давлатга айланган. Ойротлар буддавийликнинг «сариқ дин» мазҳабига тобе бўлганлиги шу даврда мазкур дин аҳли учун саждагоҳга айланиб қолган Тибет билан яқин муносабатда бўлган. Тибет ҳукмдорлари ҳам ойротларни қўллаб-қувватлаб Марказий Осиёда буддавийликни ривожлантиришга интилган. Бу эса ойротларга катта мадад берган.

Жунғор давлатининг дастлабки даврларида ойрот хонлари барча мўғулларни қайтадан бирлаштириб, Чингизхон барпо этган Буюк мўғул империясини қайта тиклашга ҳаракат қилган. Шу боис у аввал Ёркенд хонлиги устидан ўз назоратини ўрнатиб, унинг ғарбидаги халқларни ҳам итоат қилдиришга киришган.

Шундай вазиятда юқорида тилга олиб ўтилган ва Чин деб номланган манжурлар сулоласи Хитойнинг барча вилоятларини эгаллаб олиб, Марказий Осиёни қўлга олиш режаларини тузди. Бу режани амалга оширишга қаратилган Чин қўшинларининг ҳарбий юришларига Жунғор хонлиги қаттиқ қаршилик кўрсатди.

XVII асрнинг охирида Монголия ҳудудида бўлган тўқнашувда манжурлар голиб чиқади. Шундан кейин Жунғор хонлиги илгариги режаларидан воз кечиб, ўзларини мудофаа қилиш мақсадида Чин империяси билан тинчлик битимини имзолашга ва савдо алоқаларини йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Чин ҳукумати эса жунғорлардан тобеликни талаб қилди.



Жунғорлар тобеликни қабул қилмагач, Чинлар икки марта уларга қарши ҳужум уюштиради, аммо ғалабага эришолмайди. Шундан кейин Чин ҳукумати вақтинча улар билан келишишга рози бўлади. Натижада 1740 йилда Жунғор—Чин савдо битими имзоланади. Битимга кўра, жунғорлар 4 йилда бир марта Хитойга қарвон юбориш имкониятига эга бўлади. Жунғорлар ўзлари савдо ишлари билан шуғуланмаганлиги туфайли, улар номидан Хитойга юборилган қарвонлар туркистонлик савдогарлардан ташкил топган эди.

Қийинчилик билан қўлга киритилган мазкур имконият узоққа чўзилмади. 1756 йилда Жунғор хонлигининг Чин империяси томонидан забт этилиши билан улар ўртасидаги битим ўз кучини йўқотади. 1758 йилда Ёркенд хонлиги ҳам Чин империяси томонидан йўқ қилиниб, Помирнинг шарқий томонидаги савдо йўлларининг ҳаммаси манжурлар назоратига ўтади. Аммо бу пайтда Хитойда ва Шарқий Туркистонда манжурларга қарши ҳаракатлар кучайиб кетганлиги туфайли, Чин империяси ўзининг Ғарбга қараб силжиш ҳаракатини тўхтатиб, барча кучини забт этилган жойларни ушлаб қолишга сафарбар қилишга мажбур бўлди. Шундан кейинги бир аср давомида Туркистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари тиклана бошлайди.

Шарқий Туркистонда қўзғолонлар қайта-қайта юз бергандан сўнг, Чин сулоласи Қўқон хонлигидан қўзғолончиларга бош бўлган хўжаларни Қўқонда ушлаб туришни илтимос қилиб ёрдам сўрайди. Бунинг эвазига Қўқон хонлигига Шарқий Туркистоннинг бир нечта шаҳарларида эркин савдо қилиш, ҳатто тижорат солиғини йиғиш ҳуқуқини беради. Шунда Туркистон ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари яна ҳам ривожланади.

Демак, юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, Хитой молларининг Туркистонга келишининг қисқаришига денгиз йўлларининг очилиши сабаб бўлибгина қолмасдан, балки анча илгари, XIV асрда Хитойда ҳокимиятга келган Мин сулоласининг Марказий Осиёга нисбатан тутган сиёсати путур етказди. Натижада, Туркистон—Хитой савдо алоқалари қисқариб, хитой молларининг Буюк ипак йўли орқали ғарбга оқиши камайган. Аммо бу ҳол асло Туркистонда савдо алоқаларининг тўхтаганлигини билдирмайди. Туркистондаги хонликларнинг ғарб ва шимолдаги давлатлар билан бўлган муносабатларида Буюк ипак йўли яна муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг 2-ярмида Туркистон руслар томонидан босиб олинади. Шундан кейин Буюк ипак йўлидаги муносабат икки катта мамлакат ўртасидаги алоқага айланади. Ушбу алоқада рус савдогарлари кўпроқ



имтиёзлардан фойдаланиб, Буюк ипак йўлидаги савдода асосий ўринни эгаллайди. Туркистон савдогарлари эса минг йиллик мавқеини йўқотади. Аммо рус савдогарлари кўпроқ Помир орқали ўтадиган Буюк ипак йўлидан эмас, балки Тангритоғнинг жанубий ва шимолий этаклари ва шимолий Қозоғистон орқали Россияга борадиган йўллардан фойдаланадилар. Шу боис мазкур йўлларнинг халқаро савдо алоқалардаги мавқеи ошиб кетади.

1865—1877 йилларда Ёқуббек бошчилигида Қашқарни марказ қилган Еттишаҳар Уйғур давлати вақтида Туркистон билан Торим воҳасида жойлашган шаҳарлар ўртасидаги анъанавий савдо алоқалари жонланди. Ушбу алоқалар, асосан, Эркештом довонидан ўтадиган йўл орқали амалга оширилди. Еттишаҳар Уйғур давлати чинлар томонидан йўқотилгандан сўнг Андижон—Ўш—Қашқар йўлидаги савдо алоқалари Россия ва Хитойнинг манфаатларига боғлиқ бўлиб қолди.

1920—1945 йиллар давомида Туркистонда ва Шарқий Туркистондаги сиёсий вазият жиддий тус олди. Узоқ давом этган ички курашлар Буюк ипак йўли орқали бўладиган халқаро савдо алоқаларга тўсиқ бўлиб қолди.

Алихонтўра

Шокирхўжа ўғли (тахаллуси Соғуний; 1885.21.3, Тўқмоқ — 1976.28.2, Тошкент) — дин ва жамоат арбоби, уламо. Арабистон (Мадина)да ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. 1916 й. қўзғолони шафқатсизларча бостирилгач, сиёсий мухожир бўлиб Шарқий Туркистонга борди. 1944 й. 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, Алихонтўра Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди. Миллий қўшин ташаббускори бўлди ва унга қўмондон этиб тайинланди. 1946 й. июнда шўро ҳукуматининг Хитойга нисбатан сиёсати ўзгарганлиги туфайли махсус юборилган айёқчилар томонидан махфий равишда тазйиқ билан Фулжадан олиб чиқиб кетилган Алихонтўра умрининг охиригача Тошкентда яшади. У бир қанча асарлар ёзди, маърифий ишлар билан шуғулланди. Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо қабристонига дафн этилган.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топгандан сўнг, (1949) вазият тубдан ўзгаради. 1952—1953 йилларда имзоланган собиқ СССР ва ХХР ўртасидаги битимлар асосида Буюк ипак йўли қайта очилади. Аммо 1960—1962 йилларда икки йирик давлат ўртасида келишмовчиликлар юзага келгандан кейин, ушбу йўл яна бекилиб қолди.



XXРда 1978 йилдан бошлаб ўтказилган иқтисодий ислохотлар туфайли мамлакат жиддий тараққиёт йўлига кирди. Бу эса мамлакатнинг гарбида ҳам саноатнинг тараққий қилишига туртки бўлиб, ишлаб

«Ипак йўли – мулоқот йўли»

1987 йил ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон декадаси доирасида «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилди. Бу дастур Марказий Осиё халқлари бой маданий тарихларини кенг қамровда тадқиқ этишини назарда тутди. Бироқ унинг асосий мақсади – Шарқ билан Ғарб ўртасида янада мустаҳкамроқ маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ушбу буюк қитъаларда яшовчи кўп сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашдан иборат эди. Кўплаб (30 дан зиёд) халқаро илмий конференция (жумладан, Самарқандда 1990 йил октябрда; Бухорода, 1996 йил февраль ойида) ва семинарлар ўтказилди. Буюк ипак йўли бўйлаб биргаликда халқаро экспедициялар уюштирилди, кинофильмлар яратилди, китоблар, брошюралар ва мақолалар чоп этилди, баъзи археологик ва меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Баъзи бир Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри Ланка, Япония) Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар барпо этилган. Масалан, БМТ ва ЮНЕСКО қарорига кўра, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилган. 1997 йил майида Ўрта Осиёни Эрон билан боғлаган Сарахс–Машҳад темир йўли қисми қурилиши тугалланди, бу билан Марказий Осиё мамлакатлари Форс қўлтиғига, Европа мамлакатлари эса Марказий Осиёга чиқиш имконига эга бўлдилар. Илмий ва маданий дастурлардан ташқари Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Буюк ипак йўлини тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

Шу асосда «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Ипак йўли» ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан ортиқ йўналишлар ишлаб чиқди. Улар асосий сайёҳлик зоналарини қамраб олади ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб ўтади.

чиқарилган молларга бозор қидирила бошланди. Улар учун Марказий Осиё бозорларини эгаллаш ҳаммадан устивор мақсад бўлганлигидан яна ипак йўлини, яъни қуруқлик савдо йўлини қайтадан тиклаш эҳтиёжи туғилди. Аммо собиқ Совет ҳукумати бунга қизиқиш билдирмади. Чунки Ўзбекистондан ўтадиган қадимий Буюк ипак йўлини тиклашдан кўра, Хитой билан Европани Россия ҳудуди орқали боғлаб турадиган йўллардан фойдаланиш ушбу ҳукумат манфаатига кўпроқ маъқул келар эди.

Марказий Осиёдаги мамлакатлар мустақилликка эришган биринчи кунлариданоқ Хитой томонидан ўртага ташланган ипак йўлини қайта тиклаш масаласини қўллаб-қувватладилар ва масалага жиддий киришдилар. Улар қадимий карвон йўлида иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларни тиклаш учун бор имкониятлардан фойдаланиб ҳаракат қила бошладилар. 1991 йилда Қозоғистон—Хитой темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда Қашқар—Ўш—Андижон қадимий карвон йўлининг очилишига ва бу йўлни замонавий йўлга айлантиришига замин яратилди.

Помир орқали Андижон—Қашқар йўналишида темир йўл қуриш масаласи ҳам музокара қилинмоқда. Агар ушбу йўналишда темир йўл қурилса, қадимий Буюк ипак йўлининг имкониятлари яна ҳам кенгайиб, унинг халқаро моҳияти ошиб кетади. Лекин, бу масала маълум даражада буюк давлатларнинг манфаатлари ва уларнинг геосиёсатига боғлиқ. Бу йўлнинг қурилиши, айниқса, Хитой учун фойдалидир. Шунинг учун ҳам ХХР ҳукумати ушбу масалага жиддий ёндошмоқда [60; 67–78-бетлар].

Европа — Осиё трансконтинентал автомобиль йўлининг
Ўзбекистондан ўтадиган қисми схемаси.





Европа–Осиё трансконтинентал автомагистрали

Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини Россия орқали Фарбий Европа мамлакатлари билан боғлайдиган автомагистраль Жаҳондаги энг йирик автомагистраллардан бири. Роттердам (Голландия) – Шанхай (Хитой) портларини боғлайди. Умумий узунлиги 10 минг км дан ортиқ. Автомагистралнинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми – Андижон – Тошкент – Нукус – Қўнғирот трассаси умумий узунлиги 1422 км, барча кириш йўларининг узунлиги 500 км бўлиб, Фарғона водийси вилоятларидан бошланиб, Сўнгра Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қизилқум орқали Хоразм вилояти ҳудудидан ўтиб, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукусга чиқади. Трасса Афғонистон ва Туркменистон йўналишидаги халқаро трассаларни ҳам кесиб ўтади. Трассани лойиҳалаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қарори асосида 1999–2000 й.ларда амалга оширилди. Лойиҳалаш ечимлари жаҳон стандартлари даражасида қабул қилиниб, қурилган янги трасса автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатни таъминловчи Ўзбекистон миллий магистралига айланади.

Трасса автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатини таъминлайди ва мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Трассанинг қурилиши билан яқин келажакда йўл атрофи чўл ҳудудларини ўзлаштиришга янада қулай имкониятлар яратилади, саноатни бир текисда жойлаштириш, аҳолини зич жойлашган ҳудудлардан тарқоқ жойлашган ҳудудларга кўчириш ва республика ҳудудларининг бир текис ривожланиши таъминланади.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон миллий саноатининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ва хом ашёларни экспорт қилишда Хитой бозорларидан фойдаланиш имконияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса ушбу давлатларнинг ривожланишига туртки бўлиши мумкин. Айни замонда Хитойнинг экспорт имконияти ниҳоятда катта, мамлакатда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса Марказий Осиёнинг истеъмол бозоридан ва табиий бойлигидан тўла фойдаланишни талаб этади.

Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автомобиль йўли

Бу йўл халқаро аҳамиятли йўлдир. Умумий узунлиги 940 км. Ўзбекистон (408 км), Қирғизистон (272 км), Хитой (260 км) ҳудудларидан ўтади. Йўлда денгиз сатҳидан турлича баландликда бўлган 6 та довон бор. Шундан Ўзбекистонда Қамчиқ (денгиз сатҳидан 2268 м) ва Резак (2254 м) довонларида туннеллар қурилган. Қирғизистон ҳудудида Чайирчиқ (2406 м), Толдиқ (3645 м), Таунмурун (3536 м) довонлари оша ўтилади. Қадимда Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган карвон йўли бўлган. XX асрнинг 30-й.ларида илк бор муҳандислик иншооти кўринишида, уни кесиб ўтувчи дарё ва сойларга кўприк ва қувурлар қурилиб, ер пойининг кенглигини 8 м га етказиб, қатнов қисмига шағал-тош қоплама ётқизилган ва бутун йўл йўналиши бўйлаб йўлни сақлаш хизмати ташкил қилинган, шу даврдан бошлаб халқаро аҳамиятли автомобиль йўлига айланди.

1960–70-й.лар оралиғида йўлдаги транспорт қатновининг ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, йўлнинг параметрлари (кенглиги) III–IV тоифага (10–12 м)га келтирилиб, тегишли зарурий қисмларига асфальт-бетон ва қора тўшамалар ётқизирилиб, қайта таъмирланган.

XX аср охирига келиб йўлнинг халқаро аҳамияти кучайди. 1997 й. 24–28 апрелда Тошкент шаҳрида 18 мамлакат иштирокида йўлни таъмирлаш, ундан фойдаланиш ва шу йўналишида темир йўл қуриш масалаларига бағишланган халқаро кенгаш ўтказилди. 1998 йил 19 февралда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.

Йўлнинг ХХР ҳудудидаги 260 км ли қисми III–IV тоифали, халқаро аҳамиятли, асфальт-бетон тўшамали.





ХИТОЙДА ЎТРОҚЛАШИБ ҚОЛГАН ТУРКИСТОНЛИКЛАР

«Хэши йўлаги маълум даражада ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил мавқега эга бўлиб, бу ерда тинчлик-хотиржамлик нисбатан барқарор эди. Шунинг учун Туркистон савдогарлари, айниқса, сўғдлар бу ерда узоқ яшаб қолишган. Бу ернинг бозорлари ҳам улар манфаатларига мос келган. Хэши йўлагида жойлашган Гучжоу (ҳозирги Анси), Сучжоу (ҳозирги Жючюан), Шачжоу (ҳозирги Дуньхуан), Ганчжоу (ҳозирги Чжангье), Лянчжоу (ҳозирги Увэй) ва Ланчжоу (ҳозирги Гансу ўлкаси маркази) каби вилоятларда сўғдийлар кўп учраб турган. Айниқса, Шачжоу (Дуньхуан) ва Гусанг (Лянчжоу, Увэй) каби жойлар сўғдийларнинг нисбатан кўпроқ тўпланган вилоятлари ҳисобланган».

Ли Минвэй (93; 215–216-бетлар).

БОЗОР МАНФААТИ МАМЛАКАТ ТАНЛАМАЙДИ



湛研挹之莫測其源故知蠢蠢凡
鄙投其盲趣能無疑惑者哉然則不
基乎西土騰漢庭而較夢照東城
者亦形亦跡之時言未馳而或化

Юқорида қадимий савдо йўли ҳақида гап юритилганда, Буюк ипак йўли бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги ва элчи Чжанг Чян Фарғонага бориши билан хитойлар учун Марказий Осиё давлатларига борадиган йўл очилганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Мазкур элчигача бўлган узоқ давр давомида эса Хитой билан Ғарбий Осиё ва Европа ўртасидаги савдо алоқаларда асосан Марказий Осиё халқлари воситачилик қилган. Уларнинг айрим вакиллари йўлдаги шаҳарларда, жумладан Қадимги Хитойнинг пойтахти Чанъан, Лоянг каби шаҳарларда ва уларнинг атрофидаги вилоятларда ҳамда чегара яқинидаги ерларда жойлашиб, савдо-сотиқ қилишган, айримлари савдогарларга хизмат кўрсатиш ва ўзларининг диний эътиқодини тарғиб қилиш билан шуғулланишган. Бунга, юқорида айтилган, 2000 йил август ойида Хитой Халқ Республикасига Буюк ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш учун уюштирилган илмий экспедиция даврида кўрганларимиз ва ўқиганларимиз асосида амин бўлдик.

Экспедиция даврида кўриб ўрганилган ҳамда хитой манбалари ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ҳар хил сабаблар билан Буюк ипак йўли орқали Хитойга бориб яшаб қолган туркистонликлар қаторида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан борганларнинг сони салмоқлидир. Ушбу мамлакатда улар шунчаки кун кўриб яшамасдан балки унинг ички ва халқаро савдосини ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бунинг мисоли тариқасида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтишни ўринли ҳисоблаймиз.

Китобнинг бош қисмида тилга олинган Хэши йўлаги тижорат учун нисбатан қулай жой эди. Хитой тарихчиси Ли Минвэйнинг ёзишича, Хэши маълум даражада ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил мавқега эга бўлиб, бу ерда тинчлик-хотиржамлик нисбатан барқарор эди. Шунинг учун туркистон савдогарлари, айниқса, сўғдлар бу ерда узоқ яшаб қолишган. Бу ернинг бозорлари ҳам улар манфаатларига мос келган. Хэши йўлагидан жойлашган Гуочжоу (ҳозирги Анси), Сучжоу



(ҳозирги Жючюан шаҳри), Шачжоу (ҳозирги Дуньхуан), Ганчжоу (ҳозирги Чжангъе), Лянчжоу (ҳозирги Увэй шаҳри) ва Ланчжоу (ҳозирги Гансу ўлкаси маркази) каби вилоятларда сугдийлар кўп учраб турган. Айниқса, Шачжоу (Дуньхуан) ва Гусанг (Лянчжоу, Увэй) каби жойлар сугдийларнинг нисбатан кўпроқ тўпланган вилоятлари ҳисобланган [93; 215–216-бетлар].

Хитой манбаларида, жумладан Вэй Шоу (506–572) томонидан битилган «Вэй сулоласи тарихи» («Вэй шу»)нинг¹ 102-бобида кўрсатилишича, милоддан бир неча аср муқаддам Хэши йўлагига Рузие давлати мавжуд бўлган. Шу боис бу ердаги савдо ишлари шулар қўлида тўпланган. Рузиелар (Юэжилар) сугдийларнинг мазкур ўлкада эркин ҳаракат қилишига шароит яратиб беришган. Эҳтимол бунинг ўзаро манфаатдорликдан бошқа бир сабаби бўлган бўлиши керак. Айрим маълумотларга кўра, рузиелар, сугдийлар ва сакларнинг турклар билан умумий этник бирлиги бўлган. Қадим замонларда сугдлар Каспий ва Орол денгизларининг шимолий соҳилларида яшаган бўлиб, кейинчалик улар жанубга кўчган ва у ерда давлат ташкил қилган. Ушбу давлат Сугд (хитойча Сутэ, Суйи) деб номланган. Қадимий турклар таркибидаги турк қабиласининг аجدодлари ҳам Каспий ва Орол денгизларининг шимолий соҳилларида яшаган. Кейинчалик улар Шарқга кўчган [34; 3–11-бетлар; 66; 16–22-бетлар; 32; 52–61-бетлар]. Бу эса сугдийларнинг келиб чиқиши туркларга бориб тақалишини кўрсатади.

1060 йилда сарой тарихчиларининг катта бир гуруҳи томонидан ёзилган «Тан сулоласининг янги тарихи» («Син Танг шу»)нинг «Ғарбий мамлакатлар» бобида ёзилишича, Сугд давлати емирилгандан кейин унинг таъсири остидаги ҳудудда бир қанча майда хонликлар ташкил топган. Ушбу жараён қаттиқ урушлар ва жангу-жадаллар билан тўла бўлган. Ана шу даврда кўп сугд савдогарлари Хэши йўлагига келиб жойлашиб қолган ва халқаро тижорат ишларида фаол қатнашган. Мазкур манбада сугдийлар «савдо ишларига қобил келади, эркаклари 20 ёшга тўлган заҳоти ўзга мамлакатларга бориб ўз ризқларини териб олишга ҳаракат қиладилар» [93; 215–216-бетлар], деб кўрсатилган.

Айниқса мил. IV асрда Хэши йўлагига яшовчи сугдийлар сони кўпайганлиги кузатилган. Бу даврда Хитойда ички урушлар туфайли савдо ишларига катта путур етган. Аммо Хэши йўлагининг ҳокими фурсатдан фойдаланиб, мустақил иш тутган ҳолда савдо ишларига катта эътибор беради. Тижоратни яхши йўлга қўйиш учун улар

¹ Вэй шу – Шимолий Вэй (386–534) ва Шарқий Вэй (504–550) каби хонликлар тарихига бағишланган асар.



суғдийларга қулай ва имтиёзли шароит яратиб берган. Натижада кўп суғд савдогарлари шу ерда макон тутишни маъқул топишган. Марказий ва Ғарбий Осиё мамлакатларидан олиб келинган молларни Хитойнинг бошқа ўлкаларига тарқатишда суғдийларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бунинг натижасида орадан кўп ўтмай, марказий Хитойнинг бир қанча шаҳарларида ҳам суғдийлар маҳаллалари ташкил топган.

Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Мингвэй, Чэн Айчжу ва Жин Юэ каби бир гуруҳ Хитой олимлари суғдийларнинг Буюк ипак йўли орқали бўлган халқаро савдо ва маданий алоқаларда катта роль ўйнаганлигига баҳо бериб қуйидаги сўзларни ёзишади: «Хитой билан Ғарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, хунлар, суғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евросиё шимолий савдо йўлини — яйловлараро ўтган ипак йўлини илк бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар мил. ав. V асрлардан бошлаб то мил. X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида ипак йўли орқали амалга оширилган алоқаларни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ҳисса қўшган» [109; 388-бет].

Суғдийларнинг келиб чиқиши, улар ХХРнинг қайси вилоятида яшашганлиги ва тақдири ҳақида саволлар туғилиши табиий. Гарчи уларга аниқ жавоб бериш махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб этса-да, ҳозиргача тўпланган илмий маълумотлар қуйидагиларни айтиб ўтишга имкон беради.

Катта бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган ва 1997 йилда «Гансу халқ нашриёти» томонидан чоп этилган «Ипак йўли савдо алоқаларининг тарихи» («Сичоу чжилу маойи ши») номли йирик асарда суғдийларнинг келиб чиқиши ҳақида зикр этилиши ҳамда археологик маълумотларни илмий таҳлил қилиш натижасида маълум бўлишича, суғдийлар Осиё қитъасида яшаган саклардан келиб чиққан. Тахминан мил. ав. X асрларда суғдийлар Амударёнинг ўрта соҳилларида, Зарафшон дарёси ва Қашқадарё бўйларида яшаган. Мил. ав. II асрда Хитой элчиси Чжанг Чян Кангкия (Кангжюй, Кангуй) давлатига борганда, Суйи, Канжюй каби мамлакатларда суғдийлар кўп бўлганлигини кўрган. Улар Европа — Осиё савдо йўлларида фаол ҳаракат қилган, Қашқар, Жанубий Осиё, шунингдек, Қора денгиз бўйларидаги шаҳарлар ва Ҳиндистон шаҳарлари билан савдо алоқалари қилиб туришган. Улар хоразмликлар билан бирга мил. ав. IV аср Марказий Осиё маданиятининг юқори чўққиси бўлган Кангжюй маданиятини шакллантиришда қатнашган.



Хитойга бориб қолган суғдийлар қайси жойда кўп бўлган, деган саволга Дуньхуан вилояти деб жавоб бериш мумкин. Зеро, сўнгги йилларда мазкур вилоят ҳудудида амалга оширилган археологик ишлар натижасида бунга исбот бўладиган кўпгина ашёвий далиллар топилган. Суғд тилида ёзилган ҳужжатлар, савдо ишларига оид тушум дафтарлари (бу тарихий ҳужжат Р3559 рақами билан ҳисобга олинган), музейларда қўйиб қўйилган экспонатлар ана шулар жумласидандир. Чунончи, Дуньхуан вилоятида топилган бир тушум дафтаридида қўйидаги сўзларни учратиш мумкин: «Дуньхуан суғд тилида ёзилган ҳужжатларда Друан деб аталган. Друан (Дуньхуан) вилоятида жами 13 та қишлоқ мавжуд бўлиб, уларнинг бири Сунгхуа қишлоғи деб аталади. Унда яшовчилар орасида хўрлар¹ ниҳоятда кўп. Цао давлати (Фарғона)дан келган Цао Сяосяо, Цао Туличжи, Канг (Самарқанд) давлатидан келган Канг Фу, Ан (Бухоро) давлатидан келган Ан Хаози, Ан Жяша, Ши (Шош, Тошкент) давлатидан келган Ши Шўлўдан, Ши Мопў, Ми (Зарафшон дарёси жанубидаги Самарқанд давлатига қарашли кичик хонлик) давлатидан келган Ми Фўчжэнгъян, Ми Юйван исмликлар яшайди».

Р3929 рақам билан ҳисобга олинган иккинчи бир ҳужжатда Дуньхуанда яшаган суғдийларнинг оловга чўқинганлиги ва уларнинг катта жойни эгаллаган ибодатхонаси борлиги қайд этилган. Хитой тарихчиси Ли Минвэйнинг ёзишича, Дуньхуан вилоятининг Сунгхуа қишлоғи ва Анчэнг шаҳри суғдийларнинг энг кўп йиғилган жойлари ҳисобланган. Лю Йиншэнгнинг ёзишича, IV асрнинг 1-ярмида Дуньхуанда яшаган «хушанг» (ғуз ёки хўр савдогарлари)нинг сони 100 кишидан ортиқ бўлган [100; 37-бет]. Вэй (220–265) ва Цзинь (317–420) сулолалари даврида суғдийлар ипак йўлидаги Увэй (Лянжжоу) шаҳрида кўп сонли бўлган. Айниқса, Шимолий Вэй сулоласи даврида (386–534) мазкур давлат Марказий Осиё билан яқин алоқада эди. Шунда Вэй хонадони суғдийлардан фойдаланиш мақсадида уларга катта имтиёз яратиб берган. Шу боис Хитойга кўчиб келган суғдийларнинг сони тезда кўпайган. Сўнгги йилларда Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид суғд маданиятига хос буюмларнинг, жумладан қумуш ва тилладан ясалган идиш-товоқларнинг кўп топилиши бунга исбот бўлади [93; 221–222-бетлар].

¹ Ғуз сўзини хитойлар ху деб талаффуз этишган. Ушбу сўз билан улар қадимий туркларни, жумладан хунларни ва Хитойнинг ғарбий томонидаги барча халқларни аташган. Шу боис хитойлар тилида суғдлар ҳам ху деб номланган.



Сугдийлар нафақат савдо ишларида, балки маъмурий ва ҳарбий ишларга ҳам жалб этилган. Улар орасида Хучжифу, Кангжи каби 20 дан ортиқ самарқандлик сугдийлар бўлганлиги қайд этилган. Шимолий Вэй сулоласи Лоянг шаҳрини пойтахт қилган эди. Шу боис Марказий ва Жанубий Осиёдан келганларнинг кўпчилиги мазкур шаҳарда жойлаша бошлаган. Шулар қаторида сугд савдогарлари ҳам Лоянгга кўчиб кела бошлаган. Натижада Лоянгда ҳам зардуштий ибодатхоналари барпо этилган.

Сўнги 30 йил давомида ХХРда амалга оширилган археологик ишлар жараёнида Лоянг шаҳрида Канг Можя исмли самарқандлик йирик амалдор қабри топилган, қабрни очишганда амалдор ҳарбий ишларда кўрсатган жасорати учун катта мукофотга сазовор бўлганлиги, унинг отаси Фада ҳам отлиқ қўшин қўмондони эканлиги маълум бўлган. Мазкур шаҳарда топилган 647 йилга оид яна бир қабрни очиб қаралганда, дафн этилган одамнинг исми Канг Данунг эканлиги аниқланган [93; 218–223-бетлар].

Айтиб ўтиш жоизки, очилган қабрлар ичида тошга ёзиб қолдирилган ва яхши сақланган ёзувлар ҳам топилган. Дафн қилинганларнинг кимлиги, қайси юртдан келганлиги ва вафот этган вақти ана шу ёзувлар асосида аниқланган. Шулардан маълумки, ўша даврдаги анъанага кўра, жасад эгаси қайси шаҳардан келган бўлса, ўша шаҳарнинг хитойча номи унинг исми олдига қўшилган. Масалан, Самарқанддан борганларнинг исми олдига Канг (Самарқанд), Бухородан борганлар исми олдига Ан (Бухоро), Тошкентдан борганлар исми олдига Ши (Шаш), Фарғона водийсидан борганлар исми олдига Ао топонимларини қўшиш одат бўлган. Шунга қараганда, Лоянг шаҳрида амалдорлик қилган Канг Можянинг исми Можя Самарқандий, Канг Данунгнинг исми эса — Данунг Самарқандий бўлган.

Манбаларнинг кўрсатишига қараганда, Қадимги Хитойнинг пойтахти Чанъан (Сиань) ҳам сугдийлар кўп жойлашган шаҳар ҳисобланган. Уларнинг талайгина қисми йирик савдогарлар сифатида фаолият кўрсатишган. Чанъанда бир неча бозор бўлганлиги ва сугдийлар одатда бозорга яқин жойларда яшашганлиги учун шаҳарнинг бир қатор жойларида зардуштийлар ибодатхонаси мавжуд бўлган.

Тан сулоласи даврида Чанъаннинг аҳолиси 1 млн. дан иборат бўлиб, шундан 50 мингга яқин қисмини хорижликлар ташкил этган. Шулар ичида сугдийларнинг сони анча салмоқли бўлган. Афсуски, манбаларда уларнинг сонини аниқ кўрсатадиган маълумот келтирилмайди.



VII асрнинг бошларида катта бир гуруҳ сарой тарихчилари томонидан ёзилган «Суй сулоласи тарихи» («Суй шу»)нинг 83-бобида кўрсатилишича, Туркистон худудида жойлашган 9 шаҳардан борган савдогарларни «9 исмли шабғулик фузлар» («Чжаову жоу шин ху») деб аташган. Баъзан ушбу ном қисқартирилган ҳолда «Чжаоу ху» деб ҳам айтилади. Ушбу 9 шаҳарлар доирасига Самарқанд, Бухоро, Самарқанднинг ғарби-шимолида жойлашган Кабудан, Хебуд шаҳри, Самарқанд ёнида ва Зарафшон дарёси жанубида жойлашган Маймурғ шаҳри, Самарқанд билан Бухоро оралиғида жойлашган Кошона шаҳри, Хоразм, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида жойлашган Бетик шаҳри, Кеш, Шаҳрисабз каби кичик давлатлар кирган [100; 134-бет]. Шу жойда айтиб ўтмоқ ўринлики, Тошкент ва Кеш шаҳарларининг номини ёзиш учун ишлатилган ва бир хил талаффуз этиладиган икки иероглиф (Ши)нинг ёзилиши турли хилдир. Уларнинг бири тош, иккинчиси тарих маъносини англатади.

Уйғур хоқонлиги даврида (745–840) Тан империясининг ички вазияти кескинлашиши туфайли уруш алангаси ҳукмрон хонадоннинг ҳаётига қаттиқ хавф туғдирган, шу боис Тан сулоласи мазкур хоқонликдан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Ушбу хонлик томонидан берилган ёрдам ҳисобига у Хитойда юз берган Ань Лушан қўзғолони (755–763)ни бостирган. Шундан сўнг ёрдам эвазига Тан сулоласи уйғурларга Хитойда эркин савдо қилиш бўйича катта имтиёзлар берди. Фурсатдан фойдаланиб, сугдийлар ўзларини уйғур деб эълон қилиб, уларга ўхшаб кийиниб, вазиятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишган. Орадан кўп ўтмай, Чанъанда сугдийлар ва уларга тобе ибодатхоналар сони яна ҳам кўпайган [93; 215–221-бетлар].

Хитойга бориб ўтроқлашиб қолган саклар ва сугдийларнинг кейинги тақдирини номаълум. Эҳтимол, улар маҳаллий халққа аралшиб кетган, балки айримлари узоқ вақт давомида Хитойда яшагандан сўнг ўз юртларига ёки бошқа мамлакатларга кетган. Бу ҳақда аниқ бир нарса айтиш қийин. Аммо, ҳозир ўзларини хитой миллатига мансуб деб юрган айрим кимсаларнинг исм-шарифи Канг, Ан, Ми каби Туркистон шаҳарларининг хитойча номига ва «ху», «сай», «суо» каби этнонимларга тўғри келиши эътиборни жалб этади. Айниқса, фамилияси «Сай» ва «Суо» деб аталадиганлар мутахассисларни бефарқ қолдирмайди. Зеро, ушбу фамилия хитойларга хос эмас, қолаверса, уларни ифодаладиган ёзувлар (иероглифлар) қадим замонда «сек», «сак» деб талаффуз этилган. Қадимда хитойлар сакларни айнан шу иероглиф билан ифодалаганлар.



Хитойча «ху» деб айтиладиган сўз аслида хитойлар томонидан милoddан аввалги туркларга берилган ном эди¹. Кейинчалик хитойлар ушбу атама билан ўзларининг шимолий ва гарбий томонида яшаган қўшни халқларни, жумладан суғдлар ва барча туркистонликларни аташган. Шу боис, Хитойга бориб савдогарчилик қилган туркистонликлар маҳаллий халқ томонидан «хушанг» — «турк савдогарлари», «шангху» — «савдо билан шуғуланувчи турклар», «хукэ» — «турк меҳмонлар», «фанкэ» — «қўшни юртли меҳмонлар» деб аталганлар. Уларнинг отлари «хума» — «турк отлари», аравалари «хучэ» — «турклар араваси», кийимлари «хуфу» — «турклар кийими» дейилган. VII–VIII асрларда Хитойга келиб қолган араблар ҳам ху деб атала бошланган [167; 51-бет].

Хитойлар ўзга халқларнинг исмини талаффуз этишда қийналадилар. Зеро мазкур халқларда одат бўлган исмлар кўп ҳолда нисбатан узун келади. Қолаверса, мазкур исмларда ундош товушлар кўп, хитой тилида эса ундош товушлар ва уларни ифода этувчи иероглифлар йўқ. Хитой иероглифларининг ҳар биттаси бир сўз бўлганлиги туфайли, улар камида битта ундош ва битта унли товушлар билан талаффуз этилади. Кўп иероглифлар бир нечта товушлардан иборат бўлади. Иероглифлар қайси ҳолда ишлатилмасин, уларнинг ўқилиши ўзгармайди. Чунончи, «хўр» сўзи — «ху», «от» — «ма», «арава» — «чэ», «кийим» — «фу», «савдо» — «шанг», «дўкон» — «дян», деб талаффуз этилади. Мазкур мисоллардаги «анг», «ян», «эн» каби товушлар ажратилмайди. Бинобарин, улар айрим иероглифлар талаффузи ҳисобланади. Шунга қўра, айрим исмлар хитой иероглифлари билан транскрипция қилинса, таниб бўлмайдиган даражада мураккаблашади ва бузилади. Масалан, Шамсиддин хитойча Шансидин ёки Сайдянчи, Баҳоуддин — Баохадин, Фахриддин — Фахалудин, Шарафиддин — Шабудинг, Убайдуллоҳ — Убодула, Ҳусайн — Хусин, Муҳаммад — Махаму, деб талаффуз этилган.

Хитой тилида исм ва фамилия 1–2 иероглифдан ошмаслик анъанасидан келиб чиқиб, хитойлар Туркистондан борганларни суо (сак), ху (турк), ма (от) деб аташган ва бу атамалар фамилияга айланган. «Ма» деб номланганларнинг исми Маҳмуд ёки Муҳаммад бўлган.

¹ Хитой олимлари ху иероглифини гуз этнонимининг хитойча транскрипцияси бўлган, деб ҳисобламоқдалар. Шу боис кейинги пайтда хитой манбаларини уйғурчага таржима қилишда «ху»ни гуз, гузлар, деб атамоқдалар. Иероглифнинг ўзи чандир гўшт, узоқ, катта, қора, эски, пасаймоқ каби маъноларга эгадир. Мил. ав. IV — мил. III асрларда хунлар ҳам ху, хулу деб номланган. Жанубий Сунг сулоласи (1127–1279) даврида ўтган Юэ Фэй (1103–1142) исми атоқли лашкарбоши одамларига «кучли ва иродали бўлмоқ истасанг хулу гўштини емоқ, ҳазилкаш бўлмоқ истасанг хунлар қонини ичмоқ керак», деб айтган экан [121; 3-жилд, 2057-бет].



Айрим ҳолларда хориждан Хитойга бориб ўша ерда маконлашиб қолганларни бир-биридан фарқ қилиш мақсадида маҳаллий халқ уларга фамилия қилиб туғилган юртлари номини берган. Бинобарин, Тошкентдан борганларнинг исми олдига «Ши», Бухородан борганлар исми олдига «Ан» иероглифларини қўшиб аташган. Чунки қадимда Тошкент давлатини хитойлар «Шиго», Бухоро давлатини эса «Анго» деб аташган.

Ислом дини Туркистонда ҳукмрон динга айлангандан сўнг Хитойга бориб узоқ яшаб фаолият кўрсатган машҳур одамларнинг исмида «Саид», «Аддин» тез-тез учраб турган. Бундай одамлар исмини хитойлар қисқартириб «Сай», «Дин» деб аташган. Айримларга ҳатто хоқоннинг амри билан ушбу қисқартирилган исмларни фамилия қилиб ҳам берилган. Шунинг учун хитой тилида сўзлашувчи ХХР мусулмонлари орасида «ма», «динг», «сай» каби фамилияликлар кўп учраб туради.

XIII асрда мўғуллар Хитойни забт этиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг савдо ишларида, асосан, туркистонликлардан фойдаланган. Шулар фаолияти ва улар томондан тўланган солиқлар ҳисобига ўз хазинасини тўлдиришига ҳаракат қилишган. Бинобарин, мўғулларнинг ўзлари савдо ишлари билан шуғулланишмаган. Давлатнинг молия ишларини бошқаришида ҳам мўғуллар туркистонликлардан кенг фойдаланишган. Шу боис улар туркистонликлар ислом динини тарғибот қилишига ҳам ҳалақит бермаганлар. Натижада ислом динининг Хитойга тарқалиши янги поғонага кўтарилган [167; 20–21-бетлар].

САЛОРЛАР

Салор¹ ХХРда яшовчи ва ислом динига (суннийликка) эътиқод қилувчи миллатлардан бири ҳисобланади. Улар алоҳида миллат сифатида 1954 йилда тан олинган. 1958 йилда уларнинг сони 56 минг кишига яқин бўлган бўлса, 1983 йилда эълон қилинган хабарларга кўра, ушбу рақам 69102 га етган. 1990 йилда Пекинда нашр этилган «ХХРдаги ислом дини» асарида ёзилишича, шу йилда салорлар нуфуси 87 минг кишидан ошган [134; 19-бет]. Ушбу рақамларга нисбатан олганда,

¹ Салор — хитойча солозу — солор миллати, солорхуэй — солор тунгонлари.

1958 йилдан 1990 йилгача бўлган 32 йил давомида салорларнинг сони салкам 18 минг кишига кўпайган бўлса, сўнгги 15 йил давомида уларнинг сони 95 мингдан ошган.

Салорлар, асосан, ХХРнинг Чингхай (Цинхай) (Кўккўл, Кукунор) ўлкаси Сюнхуа (итоаткорлик маъносини билдиради) ноҳиясида яшайди. 1954 йилда ушбу ноҳияга мухторият мақоми берилган. Салорларнинг кам қисми Гансу ва Шинжон-Уйғур мухтор ўлкаларида ҳам истиқомат қиладилар.


Баъзи хитойликлар (тарихдан хабарсиз бўлганлар) кўпинча уларни тунгонлар қаторига қўшадилар. Шунинг учун ҳам хитой тилида «солорхуэй» («салор тунгонлари») атамаси пайдо бўлган.

Хитой йилномаларида салорлар 14-а.дан тилга олинган. В.В.Бартольд салорларнинг Туркменистонда яшайдиган туркманлар (ўғузлар) таркибида бўлган салор (салир) қабиласи б-н тарихан боғлиқлигини исботлаб берди. Абулғозий Баҳодирхоннинг ёзишича, Ўғузхоннинг ўғли Тоғхоннинг 4 ўғли бўлиб, каттасининг исми Салур эди.

Салорларнинг тили ўзбек-уйғур тилига яқинроқ, кўпроқ ўғуз шевасига тўғри келади. Масалан, улар тилида кел — гел, хотин — гадин, кўриш — гўриш, темир — демур, кеч ёки кечқурун — геч, қуён — дўшан, яхна сув — донг сув, тур — дур, гул — чечек, қорин — қурсоқ, доривор — ем, юриш — жиривар, ҳайвон — мол, яшаш — жасаш деб талаффуз этишади.

Чингхай ўлкасига кўчиб борганда салорларнинг диний эътиқоди бир эди. Аммо вақт ўтиши билан улар сафига кейинроқ Туркистондан

Чингхай (Кўккўл) манзараси.





ва қўшни вилоятлардан борган мусулмонларнинг қўшилиши туфайли салорлар орасида исломнинг турли оқимлари тарафдорлари пайдо бўлди. Улар орасидаги асосий фарқ Қуръоннинг айрим сураларини турлича шарҳлашдан иборат. Сураларни янгича талқин қилиш тарафдорлари «синжяо» («янги эътиқодчилар»), эскича талқин этиш тарафдорлари эса «лавжяо» («кўҳна эътиқодчилар, яъни мутаассиблар») деб атала бошлади.

Ҳозир Хитой Халқ Республикасида яшайдиган салорларнинг ҳаётида туркистонлик, хусусан, ўзбекистонликларнинг урф-одати сақланиб қолган. Масалан, улар уйларининг атрофини, айниқса, кўчаларини ва ҳовлиларини мевали дарахтлар экиб, боғга айлантиришни одат қилганлар. Улар ўтроқлашган жойларда масжид солишга алоҳида эътибор беришган. Биргина Сюнхуа (Шунхау) ноҳиясида катта-кичик 79 та масжид мавжуд. Рўза ва Қурбон ҳайитларини катта тантана билан ўтказишган. Хитой халқи билан яқин яшашига қарамай ислом бўйича ҳаром ва макруҳ деб кўрсатилган нарсалар ейилмайди. Эрақлар оқ ёки қора дўппи киядилар. Ёш йигитлар оқ қўйлак, унинг устидан нимча кийишади, белларига қизил белбоғ бойлашади. Катта ёшдагилар устига тўн (уларнинг тилида дон дейилади) кийишади. Қизлари қизил қўйлак, унинг устидан қора нимча, бошига дўппи кийишади, қулоғига бир неча халқадан иборат бўлган зирак тақади. Ўрта ёшли аёллар бошига рўмол тортиб, юзидан бошқа жойларни у билан ўраб олади. Ёш аёллар яшил, ўрта ёшдагилар қора, катта ёшликлар (асосан, эллик ёшдан бошлаб) оқ рангли рўмол ўрайди. Никоҳ маросимини ўтказганда

Салор хонадони.



икки марта (катта ва кичик) унаштириш қилишади. Ҳозирги замонда ҳам тўй никоҳсиз бўлмайди, аммо никоҳ бир марта «талоқ» дейилса бузилади. Одам вафот этганда дафн қилиш маросими ўзбек ва уйғурларнинг одатларига ўхшайди.

Салорлар қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Савдогарчилик, ўрмончилик, боғдорчилик, олтин қазиб чиқариш улар ҳаётида катта ўрин тутди. Ҳунармандчилик билан шуғулланадиганлар



ҳам анчагина. Сўнги даврда салорлар ҳаётида, айниқса кийинишида бирмунча ўзгаришлар пайдо бўлган бўлса-да, миллийлик қаттиқ сақланиб қолган.

Салорлар қачон ва қандай қилиб ХХРнинг Чингхай ўлкасига бориб қолган деган савол ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Юань сулоласи даврида салорлар Самарқанддан, унинг атрофидаги жойлардан ва Шарқий Туркистондан қадимдан туркий халқлар макони бўлган ҳозирги ХХР Чингхай ўлкасининг шарқий қисмига кўчириб келтирилган. Хитой манбаларига кўра, ўша даврда булар шундай катта масофани пиёда босиб ўтишган. Демак, у ерга кўчиб борганлар, асосан, ёшлар бўлган. Шундан кейинги асрлар давомида улар ўтроқлашиб яшашган. Бир неча асрлар давомида салорларнинг аجدодлари маҳаллий тунгонлар, тибетликлар, сариқ уйғурлар ва хитойлар билан бевосита муносабатда бўлса-да, ўзларининг миллий хусусиятлари ва диний эътиқодларини йўқотмай сақлаб қолган.

Салор тили

Бу тилда сўзлашувчилар сони 22 минг кишидан ортиқ. Диалектал жиҳатдан бўлиниши деярли сезилмайди; ғарбий, шарқий ва оралиқ шева гуруҳлари фарқланади. Таркибидаги анчагина қадимий унсурлар салор тилини туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳи билан алоқадорлигини кўрсатади. XIV асрда салорлар Хитойга кўчганларидан кейин салор тилига қипчоқ тилларининг таъсири тўхтаб, бошқа тизимдаги тилларининг (хитой, тибет) таъсири бошланади. Салор тилида XV–XVII асрларга мансуб диний ва тарихий мазмундаги асарлар (араб графикасида) сақланиб қолган. Ҳозир салор тили оддий сўзлашув тили ҳисобланади.

Салор халқи орасида асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб сақланиб келинаётган оғзаки ҳикоялар мавжуд. Мазкур ҳикояларнинг бирига кўра, бундан 6–7 аср муқаддам Самарқандда 6 та ака-ука (8 та ака-ука деб ҳам айтишади) бўлган экан. Улар билан маҳаллий дин пешволари ўртасида низо чиқиб қолган. Шу сабабли улар Шарқ томонга қараб кетишга мажбур бўлишган [91; 51-бет]. Иккинчи бир ҳикояга кўра, Самарқандда 2 та ака-ука бўлиб, уларнинг бири Галиман (Ҳалим бўлса керак), иккинчиси Ахаман (Раҳмон бўлса керак) деб аталган. Уларнинг ҳар иккаласи

обрў-эътиборли киши бўлишган. Аммо улар маҳаллий ҳукуматга маъқул келмаган. Шу боис улар биронта кўнгилсиз воқеа юз бериб қолишидан қўрқиб, яқин қариндош-уруғлари —18 та киши билан бирга озиқ-овқат, сув, бир сиқим тупроқ ва битта Қуръонни битта оқ туяга ортиб, Самарқандни тарк этишган. Орадан кўп ўтмай улар кетидан яна 45 киши йўлга чиқишган. Ака-укалар Тангритоғининг шимолий этаклари орқали ўтадиган йўл билан Шарққа қараб юриб Жяюйгуан, Лянгчжоу, Нинся каби жойлар орқали Шэньси ўлкасига етиб боради. Сўнг орқага қайтиб, Гансу ўлкасининг Ганжиятан деб аталган бир жойида тўхтайтиди. Шунда улар кетидан келаётган 45 кишидан 35 таси уларга келиб қўшилган. Қолган 10 киши йўлда қолиб кетган. Учрашувдан кейин ака-укалар бошқалар билан маслаҳатлашиб, ўзларининг ватанига ўхшайдиган бир жой топиб, ўша жойда ўтроқлашишга қарор қилишади. Шундан кейин улар Кўккўл (Чингхай) ўлкасига йўл олиб, ушбу ўлканинг шарқий томонида жойлашган Сюнхуа ноҳиясига бориб Жези (кўча маъносини англатади) деб номланган жойда тўхташади [116; 22–24-бетлар]. Мазкур ҳикояларда айрим фарқ бўлса ҳам, улар самарқандлик бир оиланинг мажбуран ўз ватанини тарк этиб, ўзга юртда яшаб қолганлигини кўрсатади.

Географик жиҳатдан олганда, Сюнхуа ноҳияси тўрт томони тоғ билан ўралган, узунлиги (шарқдан ғарбга) 90, эни 40 километрдан иборат кўкаламзор жой бўлган. Унинг умумий майдони 2100 квадрат километрга тенг. Ноҳиянинг ўртасидан Хуанхэ дарёсининг юқори қисми ирмоқларидан бири оқиб ўтади. Иқлим жиҳатидан Сюнхуанинг ҳудуди деҳқончилик ва чорвачилик ишларига қулай бўлган [116; 24–25-бетлар].

Салор деҳқони ва момо.



Салорлар қиёфаси

Салорлар баланд бўйли, серсоч, қирра бурунли ва чуқур кўзлилиги билан хитойлар ва тибетликлардан фарқ қилган. Бу билан улар ўзбекларга ўхшаб кетади.

Хитой манбаларининг кўрсатишича, Жезига келганда салорлар ўзларини «салур» деб аташган экан.

Улар Жезига 1370 йил 5-оининг 13-куни келганлигини эслайдилар. «Мин сулоласининг ҳаққоний тарихи» («Минг шилу») да ёзилишича, айнан шу кунни Хитой хоқони Хунъу салорларни ўз фуқаролигига олганлиги ҳақида махсус фармон берган. Галиманнинг набираси Шэнбао-Дедун салорларнинг бошлиғи қилиб тайинланади. Шундан кўриниб турибдики, уларнинг Жезига келган вақти 1370 йилдан бир оз олдин бўлган.

Янги жойга келиб, салорлар боғдорчилик ишларини ривожлантиришган. Уларнинг ҳовлилари ҳам мева дарахтлари экилганлиги билан фарқ қилган. Хитой олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, салорлар ўғузлар авлоди бўлиб, улар I–IV асрларда турк (хитойча теле, тэлэ) номи билан аталган 44 туркий қабилаларнинг бири ҳисобланади. Бу даврда ўғузлар Шарқий Туркистон ҳудудида, аниқроғи Тангриот (Тяньшан) бўйлаб яшаган. Кейинги даврлар давомида буларнинг турган жойи муқим бўлмаган. ХХРда нашр этилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» лугатида қадимги солур (силгур) ўғузлар таркибига кирган бир қабиланинг номидир, деб кўрсатилган. Ушбу фикр «Ислом қомуси»да ҳам учрайди. Бундан ташқари мазкур қомусда «солур» атамаси Ўғузхоннинг 6 ўғилларидан бирининг исми билан боғлиқ бўлганлиги ва бу атама билан аталган қабила қадимги даврларда Сайхун дарёси (Сирдарё), Иссиққўл атрофидаги жойларда ва унинг шимолидаги Или дарёси бўйларида яшаганлигини ҳам кўрсатади. Кейин улар Хоразм ва Хуросон каби жойларга кўчиб

Чингхайдаги масжид.





борган. Сўнг улар бўлиниб, ҳар тарафга тарқалган. Шундан кейин салорларнинг бир қисми ўзларини туркман ҳам деб атаган. Яна бир қисми 1370–1424 йиллари Самарқанд орқали Шарқий Туркистонга, сўнгра ҳозирги Хитойнинг ғарбий ўлкалари Гансу ва Чингхайга бориб ўтроқлашган.

Иirik туркшунос олим Э.Р.Тенишев салорлар ғарбга кўчганда уларнинг бир қисми Самарқандда ўтроқлашиб қолганлигини ва яна бир қисми Туркменистон ҳудудига бориб жойлашиб, туркман миллати таркибига кирганлигини кўрсатади. Ҳозирги даврда Чоржуй (ҳозирги Туркманобод) атрофида яшайдиган халқлар ичида солур (салор) уруғи учрайди. Ўз даврида ғарбга кўчиб кетган салорлар турклар билан аралашиб кетган. Ҳозир Туркия ҳудудида фақат ушбу атама билан аталадиган ер номлари учрайди.

ХИТОЙДАГИ ТУРКИЙ ҲОКИМЛАР

Мўғуллар даврида давлатнинг маъмурий ва молиявий ишларида ҳамда шаҳар қурилишида туркистонликлар жалб этилади. Шу боис Хитойга бориб фаолият кўрсатган муҳожирлар сезиларли даражада кўпая бошлаган. Булар ва уларнинг авлодлари Хитой маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Хитой манбаларини ва тарихий адабиётларини варақлаганимизда, кўпгина туркистонликларнинг ҳар хил сабабларга кўра Хитойга бориб қолганлиги ва ушбу мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва этник ривожланишига катта ҳисса қўшганлиги ҳақида гоёта қизиқарли, лекин чуқур тадқиқот этишни тақозо этадиган маълумотларни учратдик. Қуйида улардан айримлари устида тўхтаб ўтамиз.

✽ Маҳмуд Ялавоч ✽ (Маҳмуд Хоразмий)

Хитой манбаларида Махама, Махама Ялавачи, Ялаваши, Махэмоди-Хуалашими, Махаму-Ялавачи деб аталади [78; 450–451-бетлар]. Туғилган йили номаълум, вафот этган йили эса 1254 йил. Маҳмуд Ялавоч катта амалдор бўлишига қарамай, Юань сулоласининг расмий тарихи, жумладан «Юан ши» [14; 27404-бет] да унга бағишланган махсус боб ёзилмаган, аммо унинг амалдорлик қилган даврига оид қисқача маълумотлар мўғул хоқонлари ҳаёти ва



фаолиятига бағишланган бобларда учрайди. Нисбатан кўпроқ маълумот «Юань сулоласининг махфий тарихи» («Юанчао биши»)да келтирилган. Бироқ хитой манбаларидаги маълумотлар ҳам Маҳмуд Ялавочнинг аждод-авлодлари ҳаёти ва фаолиятига оид барча масалаларни ўрганишда камлик қилади. Шундай бўлишига қарамай, улар Маҳмуд Ялавочнинг Пекиндаги фаолиятини ўрганишда ягона манба бўлиб қолмоқда.

Юань сулоласи тарихи («Юан ши»)нинг «Ғайри авлодлар шажараси» («Сизубя») қисмида Маҳмуд Ялавоч Шарқий Туркистоннинг Ёркенд шаҳрида туғилганлиги кўрсатилади [167; 140-бет]. Аммо хитой адабиётларида, жумладан энциклопедик лугатларда Маҳмуд Ялавоч хоразмлик савдогар деб таърифланади [140; 415-бет]. Шунга қараганда, гарчи Маҳмуд Ялавоч Ёркендда туғилган бўлса ҳам, у кўп вақт давомида Хоразмда яшаган бўлиши мумкин.

Маҳаллий ва хитой манбаларида ҳамда тарихий адабиётларда учрайдиган Маҳмуд Ялавочга оид маълумотлар шуни кўрсатадики, 1218 йилдан олдин у савдогарчилик ишлари билан Мўғулистонга бориб келиб юрган ва Чингизхон билан таниш бўлган. Бинобарин, ўша замонда мўғуллар савдо ишлари билан шуғуланмаганлиги туфайли Чингизхон бу масалада туркистонликлардан фойдаланишни маъқул кўрган. Юань сулоласи тарихида кўрсатилишича, 1206 йилда мўғуллар Темучин (Темужэн) раҳбарлигида давлат ташкил қилиб, уни «Буюк мўғул хонлиги» («Йеке Монгол улус»), ўзини эса Чингизхон деб эълон қилганидан сўнг, унинг салтанатига келувчи савдогарлар сони кун сайин кўпайди. Чунки мўғуллар орасида Туркистон ва Ҳиндистон молларига ва санъат буюмларига бўлган эҳтиёж оша бошлаган эди. Қолаверса, Чингизхон савдо ишларига ўзгача эътибор бериб, карвон йўлларининг бехатарлигини таъминлаш билан бирга, мусулмон савдогарларига катта ҳурмат билдирган. Бу ҳол мўғуллар орасида мусулмон савдогарларининг обрўси ошишига олиб келган эди [78; 427-бет]. Шунинг учун Мўғулистонга келиб савдо қилганлар орасида Бухоро, Самарқанд, Ўтрор, Хўжанд каби шаҳарлардан келганлар кўпчилиكنи ташкил қилган. Шулар орасида Маҳмуд Ялавоч ҳам бўлган.

Мавжуд маълумотларга кўра, Мўғулистонга бориб келган савдогарлар орқали эшитганларни аниқлаш ва Чингизхон салтанатини батафсил билиш мақсадида 1215 йилда хоразмшоҳ Муҳаммад Баҳоуддин Розий (Бахаудинг Лачи) бошчилигида Мўғулистонга карвон юборган. Орадан кўп ўтмай, хоразмшоҳ Чингизхон олдида яна



бир қарвон жўнатган. Мазкур қарвонга Аҳмад Хўжандий, Аҳмад Балчилар (хитой манбаларида Аҳмад Балачи бин Имин Хусайн) етакчилик қилди. Чингизхон хоразмшоҳ давлатидан келганларга катта ҳурмат билдириб, улар билан икки марта учрашган. Учрашув даврида у ўзининг хоразмшоҳ давлати билан савдо алоқаларни ривожлантириш ва ушбу давлатга қарвон юбориш истаги борлигини билдирган.

Биронта хитой манбасида Маҳмуд Ялавоч ҳам хоразмшоҳ қарвонлари таркибида Мўғулистонга борганлиги тилга олинмайди. Аммо ушбу манбаларда 1218 йилнинг бошида Маҳмуд Ялавоч Мўғулистонда бўлганлиги ва Чингизхон билан кўпдан таниш эканлиги ҳамда уни хоразмшоҳ Муҳаммад ҳузурига юборишни лозим топганлиги зикр этилади. Бинобарин, шу йили баҳорда Маҳмуд Ялавоч Чингизхоннинг фармонида биноан бухоролик Алихўжа (Али хочжэ), ўтзорлик Юсуф Жаҳонгир (Юсуфу-Жянкэ) ҳамроҳлигида мўғуллар номидан хоразмшоҳ саройига элчи бўлиб келган [78; 427-бет]. Манбаларнинг гувоҳлигига кўра, элчи ўша замондаги туркий тилда «ялавоч» деб аталганлиги туфайли, Маҳмуд Хоразмийга «Ялавоч» деб ном берилган [140; 415-бет; 78; 427-бет].

Элчилик вазифасини юклашдан олдин Чингизхон Маҳмуд Ялавочни ўз ҳузурига таклиф қилиб, унга ўзининг хоразмшоҳ давлати билан мунтазам ҳолда савдо алоқалари ўрнатиш учун элчи бўлиб хоразмшоҳ давлатига бориб келишни топширган. Чингизхон унга ҳамроҳ бўлиб сафарга отланишни Алихўжа ва Юсуфларга юклади. Сафар олдида Чингизхон уларга катта миқдорда совға-саломлар ва хоразмшоҳ номига ёзилган мактубни олиб бориб, хоразмшоҳ Муҳаммадга топширишни буюрди. Мактубда илиқ сўзлар ва яхши ниятлар билан бирга Чингизхон қўшинларининг қудратли эканлиги, унинг салтанати чексиз бойликка эгаллиги ва кўп мамлакатлар унинг назорати остига ўтганлиги баён этилган. Шу билан бирга мактубда Чингизхон хоразмшоҳни «ўғлимдек яхши кўраман», деб таъкидлаб хоразмшоҳни итоатга чақирган [191; 772–773-бетлар].

Чингизхон элчилари Бухорода хоразмшоҳ Муҳаммад (Ша-Муохэмуо) билан учрашиб, унга мўғуллар хони бериб юборган қумуш ёмбилар, хушбўй шағамлар (мускус), нефрит (қош тоши)дан ясалган буюмлар, Туркистон жун ипидан тўқилган кимхоб тўн кабиларни топширдилар ва унинг сўзларини бирма-бир баён айладилар. Мактубни ўқиб кўргандан сўнг, хоразмшоҳ Муҳаммад чеҳрасини очмасдан, мўғуллар қўшинларининг қуввати ҳақида биронта мақтовли сўз айтмай, келган элчиларни кузатиб қўйишни буюрган.



Буйруққа биноан Маҳмуд Ялавоч бошчилигидаги Чингизхон элчилари ҳурмат ва иззат билан кузатиб қўйилган. Шундан кейин хоразмшоҳ Мўғулистонга Умархўжа (ўтрорлик), Али Жамол, Фахриддин (бухоролик), Амин ад-Дин кабиларни элчи қилиб юборган. Орадан кўп ўтмай, Ўтрорда фожеалик воқеа содир бўлган — мўғулар номидан Хоразмга кетаётган 450 кишидан иборат савдогарлар карвони қириб ташланган. Ушбу воқеа Чингизхон қўшинларининг ғарбий юришига баҳона бўлган [140; 415-бет; 78; 427-бет].

Чингизхон қўшинлари хоразмшоҳ давлатини забт этгандан кейин мўғулар Маҳмуд Ялавочга ва унинг ўғли Маъсуд (Масуху)га Мовароуннаҳр аҳолисининг нуфусини аниқлаш, солиқлар ҳажмини белгилаш ва назорат қилиш вазифасини юклаган.

Хитой тарихчиси Ванг Чжилайнинг ёзишича, Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрни идора қилувчи амалдор этиб тайинланганида унга бевосита марказга ҳисобот бериш ҳуқуқи берилган. Шунга кўра, у йиғилган солиқларни Чифатойхонга эмас, балки тўғридан-тўғри Чингизхон саройига юбориб турган. Шу асосда Маҳмуд Ялавоч маълум даражада Чифатойдан мустақил иш тутиш имкониятига эга бўлган. Айни замонда Маҳмуд Ялавочнинг маҳкамаси ва турар жойи Хўжандда бўлган [78; 454–455-бетлар].

Маҳмуд Ялавочга берилган имтиёз Чифатойга ёқмас эди. Чунки Чифатойга инъом этиб (суюрғол қилиб) берилган ҳудуд доирасига Маҳмуд Ялавоч ҳокимлик қилган жойлар ҳам кирар эди. Қолаверса, Чифатой будда дини ихлосманди бўлганлиги туфайли Маҳмуд Ялавочнинг ислом динига қаттиқ амал қилиб, мактаб ва мадрасалар қуришга катта эътибор беришига ҳам қарши бўлган. Хитой манбаларида ёзилишича, Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрни идора қилиб турган даврида уруш жараёнида бузилган шаҳар ва уй-жойларни тиклаш, иқтисодий ва маданий ҳаётни ривожлантириш каби ишларга катта эътибор берган [78; 454–455-бетлар]. Маҳмуд Ялавочнинг бу ишлари ҳам Чифатойга маъқул бўлмаган. Мазкур сабабларга кўра Чифатой Маҳмуд Ялавочдан

Чингизхон ўз маслаҳатчилари даврасида
(миниатюра. Париж Миллий
кутубхонаси).





қутилишнинг йўлини ахтарар ва фурсат пойлар эди, аммо унинг Чингизхон олдидаги обрўсини эътиборга олиб, унга қарши очикдан-очик чора кўришга журъат қилолмаган.

Орадан бир неча йил ўтгандан сўнг Чигатой кутган фурсат ҳам келди. 1227 йилда Маҳмуд Ялавочни қўллаб-қувватлаб турган Чингизхон касалликдан вафот этди, 1238 йилда эса Бухорода Маҳмуд Торобий етакчилигида катта қўзғолон содир бўлган. Айни замонда қитон халқига тааллуқли бўлган Елюй-амэй ва унинг ўғли Елюй-мянсигэ Самарқандда, Хазар-буқа (Хазала-буха) Қарши вилоятида, мўғул Бухатайши ва манжуриялик Пучалар Бухорода ҳокимлик қилар эдилар [159; 334-бет]. Гарчи қўзғолоннинг айбдорлари мазкур ҳокимлар бўлса ҳам, Чигатойхон бунда Маҳмуд Ялавочни айбдор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган ва шу йўл билан ундан қутилиш режасини тузган. Натижада, жавобгарликка тортиш учун Маҳмуд Ялавоч Хитойга олиб кетилди [78; 459-бет]. Мовароуннаҳрдаги Хоразм, Самарқанд ва Шарқий Туркистоннинг жанубий томони, жумладан Қашқарни идора қилиш Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудга топширилди [78; 468-бет; 159; 346-бет]. У мазкур лавозимни 1289 йилгача эгаллаб турган.

Ушбу маълумотлардан кўришиб турадики, Маҳмуд Ялавочнинг лавозимидан бўшатилишига Чигатойнинг унга қарши қилган ҳаракатлари сабаб бўлган.

Маҳаллий манбаларда Маҳмуд Ялавочнинг Чингизхон билан бўлган алоқаси ва Мовароуннаҳрдан Хитойга кетганидан кейинги фаолиятига оид маълумотлар деярли учрамайди. Шу боис тарихий адабиётда Маҳмуд Ялавоч ўз лавозимини сотиб олган қаттиққўл, бемехр, ўжар одам сифатида таърифланади [47; 1-жилд, 333-бет]. Аммо хитой манбаларида бунинг акси кўрсатилади. Шу билан бирга, унинг қобилиятли ва ишбилармон одам эканлиги таъкидланади.

Маҳмуд Ялавоч Туркистондан Мўғулистонга олиб кетилгандан сўнг, у Торобий қўзғолонининг сабабчиси сифатида жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги номаълум. Бу ҳақда хитой манбаларида биронта маълумот йўқ. Юань сулоласи тарихида кўрсатилишича, Ўқтойхон ҳукмронлигининг сўнгги йилида, яъни «Ўқтой ҳокимиятининг 13-йилининг (1241) ... 10-ойида [Маҳмуд Ялавочга] хитой аҳолисининг маъмурий ишларини бошқариш вазифаси юкланди» [14; 25990-бет]. Бу маълумот эса Маҳмуд Ялавочга мўғуллар хони томонидан катта ишонч билдирилганлигидан далолат беради.

Орадан ярим йил ўтгач Ўқтой (Тайзунг, Угэдэй, Ўғодай; 1229—1241 йилларда ҳукмронлик қилган) вафот этиши муносабати билан



Чингизхон авлодлари орасида ҳокимият учун кураш авж олди. Бинобарин, Чингизхоннинг ўрнига хон бўлган Ўқтой кўп хотинлик бўлиб, унинг хотинлари ичида мавқеи жиҳатдан иккинчи ўринда турадигани 6-хотини Туракина хотун эди. У Ўқтойдан 5 ўғил кўрган. Ўлими арафасида Ўқтой тахтни учинчи ўғли Ўчур (Ўчу)дан бўлган набираси Желеменга васият қилиб қолдирган. Ўқтой оламдан ўтгандан кейин Туракина эрининг фармони бажо келтирмасдан, 5 йил давомида ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб туради. У Чингизхон ва Ўқтой хоқонлар давридаги амалдорларга ишонч билдиришдан қўрқиб, уларни ҳокимиятдан узоқлаштирди [78; 460-бет]. Шулар қаторида Маҳмуд Ялавоч ҳам бор эди.

Мазкур ишни Туракина марҳум эрининг яқинларидан бири бўлган туркистонлик Абдурахмоннинг (? – 1247) қўли билан амалга оширган. Абдурахмон эса фурсатдан фойдаланган ҳолда амалий ҳокимиятни қўлга олиб, саройдаги барча амалдорлар устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб олган [140; 188-бет].

1246 йилда ҳокимият Ўқтойнинг катта ўғли Гуюкнинг қўлига ўтди. Шундан кейин Гуюк отаси ва буваси даврида садоқатли хизмат қилган амалдорларга ишонч билдириб, уларнинг мавқеини қайта тиклади. Шу орада Маҳмуд Ялавоч ҳам ўз лавозимига қайтарилди [78; 460-бет]. Абдурахмон эса ўлим жазосига маҳкум этилди [140; 188-бет]. Аммо Гуюкнинг ҳокимияти ҳам узоққа чўзилмади, у 1248 йилда сафар давомида касалликдан вафот этди [78; 465-бет]. 1251 йил ёзда мўғуллар тахти Мункэнинг қўлига ўтди. Шу йилнинг охирида унинг таъсири остидаги вилоятларни идора қилиш учун бир нечта янги маҳкамалар ташкил этилди. Янжин (Пекин)да ижройё этилган ҳокимият маҳкамаси (шангшүшэнг) ана шулар жумласидан эди. Ушбу маҳкамага раҳбарлик қилиш вазифаси Маҳмуд Ялавоч, Бужир, Ганлубу ва Жутар кабиларга, уларга ёрдамчилик қилиш эса Сайдянчи (Умар Шамс ад-Дин), Нимадинларга (Низам ад-Дин) юкланди [14; 25993-бет; 78; 468-бет]. Шундай қилиб, Маҳмуд Ялавоч ҳозирги Пекин шаҳрига ҳоким этиб тайинланди. Бу даврда мазкур шаҳар вилоят маркази эди. Унинг мўғуллар томонидан Хитойда ташкил этилган Юань сулоласининг марказига айлантирилган вақти 1271 йилга тўғри келади.

Мунке 1259 йилда Хитойнинг Сичуань ўлкасидаги Хэчжоу вилоятидаги Дяоюйшан тоғини ишғол қилинаётганда ўқ тегиб ҳалок бўлган. Маҳмуд Ялавоч айни шу воқеалардан олдин оламдан кўз юмган. Хитой манбаларида Маҳмуд Ялавочнинг вафоти ва сабаблари аниқ кўрсатилмайди. Маҳаллий манбаларда ёзилишича, У Хўжанддан



Қорақурумга кетган, орадан қўп ўтмай Ўқтой даврида Пекинга губернатор этиб тайинланган ва ўша жойда 1254 йилда вафот этган [47; 1-жилд, 333-бет]. Маҳмуд Ялавочнинг Пекинга ҳокимлик қилиш даври қисқа бўлишига қарамай у мазкур шаҳар ҳаётида ва қурилишида катта ишлар қилади. Бу ишларда туркистонликлар қўп жалб этилган. Шу жараён маълум даражада унинг номи билан боғлиқдир.

Умуман олганда, Маҳмуд Ялавочга расмий тарихдаги йирик амалдорлар рўйхатида жой ажратилмаган. Эҳтимол бунинг сабаби у ҳокимлик қилган даврдаги Пекин вилоят маркази бўлганлиги ва шу туфайли унинг лавозими давлат миқёсида юқори табақали ҳисобланмаганлигидадир. Маҳмуд Ялавоч оламдан ўтгандан сўнг унинг ўрнини Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин (Шамс ад-Дин) эгаллаган [78; 460-бет]. Бу ҳақда қуйида алоҳида тўхтаб ўтилади.

Маҳмуд Ялавочнинг авлодлари. Маҳмуд Ялавочнинг икки ўғли бўлиб, уларнинг каттаси Масуд (Масъуд), кичиги Алибек (Алибе; ? – 1281) бўлганлиги кўрсатилади [167; 140-бет; 140; 191-бет].

Алибек аввалига Или хони (Шарқий Туркистоннинг Или вилояти хукмдори) этиб тайинланган. Хубилай мўғуллар хоқони этиб тайинланганда у марказий ўрдага чақиртирилиб, давлат ишларига жалб этилган. 1267 йилда маслаҳатчи, 1272 йилда эса ўнг қўл вазири этиб тайинланган. Шунда унга Хэнань ўлкасининг маъмурий ишлар бошлиғи вазифаси топширилган. 1276 йилда у Жянгуэй ўлкаси ҳокими этиб тайинланган. Аммо 1281 йилнинг бошида Алибек туҳмат балосига учраб, хоқоннинг амрига хиёнат қилганликда айбланиб, қатл этилган. «Мўғуллар тарихидан хотиралар» («Мэнюаньэр шижи») асарида келтирилган шажарада «Чингизхон Маъсудга Бухоро (Бухээр) ва унинг атрофидаги шаҳарларни идора қилиш вазифасини топширган», Мункехон даврида Бешбалиқ вилоятига ҳоким этиб тайинланган, кейин яна Бухоро каби шаҳарларни идора қилиш вазифаси юкланган», деб кўрсатган [140; 191-бет].

«Янги Юань сулоласи тарихи» («Шин Юанши») асарининг «Амалдорлар шажараси» бобида 1276 йил 10 ойда Алибек Хуэйдунг вилоятига, кейинги йилда эса Жянгуэй вилоятига иш бошқарувчи этиб тайинланди, 1280 йилнинг 12-ойида судлангандан сўнг оламдан ўтди, ундан қолган қиз фарзанднинг исми Сафали (Сафарли, Зафарли бўлиши ҳам мумкин) эди, деб ёзилган [140; 191-бет].

«Ма Шитян асарлари тўплами» («Машитян чоанжи») асарида «Сафарли хоним [Маҳмуд] Ялавоч ҳокимнинг набираси, яъни

Жянгуэй вилояти ҳокими Алибекнинг қизидир. У олий мукофот совриндори бўлган катта обрўли йирик амалдор Темурбуғонинг рафиқасидир, ҳозир сарой тарихчиларидан бири бўлмиш Алухутунинг онасидир.... Хоним Ёркендда туғилган», деб кўрсатилган [140; 191-бет]. Алибекнинг Якуббек исми бир ўғли ҳам бўлиб, у Юннан вилоятида амалдорлик қилган [159; 334-бет].

✽ **Аҳмад Фанокатий** ✽
(хитойча Ахама; ? – 1282)

Шошнинг Фанокат (хитойча Фэйнакэте) вилоятида туғилган [140; 192-бет]. «Юан сулоласи тарихи» («Юан шу»)да унинг миллати уйғур деб кўрсатилган [14; 28133-бет] ва у кўп марта тилга олинган. 1261 йилда Аҳмад Фанокатий Ички Монголиянинг шарқий қисмидаги Шангду (юқори пойтахт маъносини англатади)¹ шаҳрига ҳокимлик қилган. Шунга қараганда, у ўз юртидан XIII асрнинг ўрталарида кетган бўлиши мумкин.

1260 йилда Хубилай Хитойни истило этишни амалга ошириб бўлганидан сўнг Шангду шаҳрини марказ қилган ҳолда ўзини бу мамлакатнинг хоқони деб эълон қилди.² У ўзининг назорати остига ўтган ерларнинг маъмурий ва иқтисодий ишларини йўлга қўйиш учун келиб чиқиши туркий бўлган қобилиятли шахсларни атрофига тўплади [153; 260-бет]. Булар орасида Аҳмад Фанокатий ҳам бор эди. 1262 йилда у молия ва транспорт вазири (чжунгшу цзоюу бу), 1264 йилда эса сиёсий ишлар вазири этиб тайинланган. Мазкур лавозимга тайинланган йили Хубилай пойтахтни Шангдудан Янжин шаҳри (ҳозирги Пекин)га кўчирди. Шу муносабат билан у Пекинга келган. Бу ерда Аҳмад Фанокатий 20 йил давомида ҳар хил лавозимларда ишлаб катта обрў қозонган [121а; 53-бет]. Темир эритиш, темирдан деҳқончилик учун зарур асбоб-ускуналар тайёрлаш, аҳолини қайта рўйхатга олиш, молия ишларини, жумладан пул муомалаларини ва солиқ ишларини тартибга солиш каби соҳаларда янги қонун-қоидаларни тузиш ҳамда уларни тўғри жорий этишда етакчилик қилиб, Хитойнинг

¹ Умуман олганда «Шангду» сўзи пойтахт маъносини англатади. Мўғуллар даврида, аниқроғи 1260 йилда ушбу атама билан 1256 йилда Хубилай томонидан қурдирилган Кайпинфу (Кайпин – Ички Монголиянинг шарқий вилоятида) шаҳри номланган [125; 170-бет].

² 1271 йилда хитой халқининг қаршилигини батамом тугатганидан сўнг Хубилай ўзини император деб эълон қилди, 1280 йилда эса ўзи ташкил этган давлатга Юань (бошланиш, ибтидо маъносини англатади) деб ном берди. Шундан бошлаб унинг исми Шизу (сулола асосчиси) деб аталди. У 1294 йилда вафот этган.



иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшган [131; 1-бет; 167; 136—137-бетлар]. Хитойда деҳқончилик, ипакчилик, чигит экиш ва пахта толасидан мато тўқиш ишларининг ривожланишида ҳам Аҳмад Фанокатийнинг ҳиссаси салмоқли бўлган. Чигит экиш ва пахта толасидан мато тўқиш технологияларининг Хитойда кенг тарқалиши борасида унинг қилган амалий ишлари Марказий Осиё билан Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқаларни жонлантиришга олиб келган.

Аҳмад Фанокатийнинг таклифига кўра, Юань сулоласи маҳаллий амалдорларнинг ҳукуматга нисбатан хиёнаткорлик қилиши ва халқдан ноқонуний солиқ йиғишининг олдини олиш мақсадида, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатган ва турли текширувлар ўтказган. Натижада давлатнинг даромати яхшиланган. Шу билан бирга у аҳолини доридармон билан таъминлаш ва бу ишда Туркистон табobati тажрибаларидан ҳамда табибаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берган.

Аҳмад Фанокатийнинг фаолиятдан Хубилай ғоят мамнун бўлган ва унга катта ишонч билдирган. Манбаларда таъкидланишича, «Хубилай унинг маслаҳатсиз иш кўрмаган» [167; 137-бет; 141; 2-жилд, 791-бет]. Қобилиятига тан бериб, сарой аҳли олдида кўп марта мақтаган. Мақтов сўзларининг бирида у «қобилиятини инобатга олганда, мусулмонлар орасида фақат Ахама бош вазирлик лавозимига лойиқдир», деб айтган [167; 137-бет].

Аҳмад Фанокатий 1282 йилнинг 3-ойида (Хитой календари бўйича) мингбоши Ванг Чжу ва Гао Хэшанг томонидан Хубилайхон йўқ пайтида саройга таклиф этилиб, хуфиёна ўлдирилган [167; 137-бет]. Ушбу воқеанинг сабаби ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, Аҳмад Фанокатийнинг ўлдирилишига айрим амалдорлар томонидан кўролмаслик сабаб бўлган. Иккинчи маълумотларга кўра, унинг ўлимига ўз амалидан ва хоннинг ишончидан фойдаланиб, бошқаларга жабр қилганлиги сабаб бўлган. Аммо Аҳмад Фанокатийнинг тўғрилиги, ҳукуматга садоқатли бўлганлиги, давлат манфаатига хиёнат қилганларга бешафқат бўлганлиги, ўз атрофига ўзига ўхшаган одамларни тўплаб, шуларга суяниб иш тутганлиги ҳақидаги маълумолар унинг туҳмат ва кўролмаслик қурбони бўлганлигини кўрсатади.

Аҳмад Фанокатий ўлдирилгандан сўнг бевосита қотилликка алоқадор амалдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Шундан кейин Аҳмад Фанокатийга қарши бўлган сарой амалдорлари унинг оила аъзоларини ва яқинларини ҳам тинч қўймади. Аҳмад Фанокатийни ўз



ҳуқуқини суистеъмол қилганликда, ҳиёнатда ва халқга жабр солганликда айблаб, улар унинг мол-мулкани мусодара этишган, давлат хизматида бўлган уруғ-аймоғи ва яқинларини ўз лавозимидан четлатишган [141; 2-жилд, 799–800-бетлар], 4 ўғли ва жияни Зайниддинни ўлим жазосига маҳкум этишган. Ўғилларининг исми Хусун (Хушин), Мансур (Мосурен), Ҳасан (Асан), Синду эди. Жиянларининг исми Бадриддин (Бадулуддин), Ҳусниддин (Қусидинг), Зайнуддин (Зайнудинг) бўлган. Айрим хабарларга кўра, ҳаммаси бўлиб Аҳмад Фанокатийнинг 25 фарзанди бўлган, лекин уларнинг исмлари сақланмаган [131; 1-бет; 141; 2-жилд, 800-бет; 167; 137-бет].

✿ Умар Камолиддин ✿

Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин Хитойнинг ўрта асрдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига катта ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам унга Юан сулоласи (1279–1368) расмий тарихидан ўрин берилган [14; 27404–27408-бетлар].

Хитой тарихчиси Ян Хуэйчжун, Умар Камолиддин Саййид Шамсиддиннинг Хитойдаги фаолиятини юксак баҳолаб, қуйидагиларни ёзади: «Мамлакатимизда Юань сулоласи (1280–1367) ҳукмронлик қилганида, Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин машҳур сиёсатчи ва иқтисодчи сифатида танилган. Юань сулоласи ташкил топгандан кейинги йилларда у Хитойнинг вайрон қилинган хўжалик ҳаётини қайта тиклашда ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин ва унинг болалари, набиралари Юннан ўлкасининг (ҳозирги ХХРнинг жанубида) сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантиришга, миллатлараро иттифоқни мустаҳкамлашга, маҳаллий ҳокимият билан марказий ҳокимият ўртасидаги муносабатларни яхшилашга улкан ҳисса қўшган. Хитойда ислом динининг ривожланишида ва тунгон миллатининг улғайишида Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин ва унинг аجدод-авлодларининг тутган мавқеи катта бўлган» [167; 176-бет].

Хитой манбаларида унинг исми Сайдянчи, Сайдиянчжи, Сайтянжи, Умаэр, тарихий адабиётларда Сайдянчи Шансидин (Аʼjʼjal), отасининг исми Камолиддин (Кумалудин), бувасининг исми Саййид Шамсиддин (Сайдянчи) бўлганлиги аниқ кўрсатилади. Шу билан бирга унинг буваси (Сайдянчи) Бухоронинг катта амалдори бўлганлиги ҳам қайд этилади [140; 190–191-бетлар]. Хитойлар Умар Камолиддин Саййид Шамсиддинга бувасининг исмини фамилия қилиб қўйганлар ва ўз



анъаналарига биноан уни олдин ёзганлар. Хурмат юзасидан уни бувасининг исми билан тилга олишни ҳам одат қилишган.

Хитой манбаларида келтириладиган маълумотларга қўра, Умар Камолиддин 1211 йилда Бухорода таваллуд топган. Ёшлигидаёқ у билимдонлик, ақл-идрок ва серғайратликда тенгдошларидан фарқ қилган.

1219 йилда Чингизхон қўшинлари Бухорони эгаллаганларидан сўнг (1220) бухороликлар халқни қирғиндан сақлаб қолиш мақсадида Умарнинг буvasи Саййид Шамсиддин бошчилигида мўғулларга таслим бўлишга мажбур бўлган. Шундан кейин Умарнинг отаси Камолиддин мўғуллар томонидан ҳарбий хизматга жалб этилган. Мўғулларнинг Туркистонга қилган ҳарбий юришлари яқунлангандан сўнг Камолиддин ўғли билан бирга ҳозирги ХХРнинг шимолий вилоятларига олиб кетилган [140; 190–191-бетлар]. У ерда Умар Камолиддиннинг отаси касалликдан вафот этади. Ушбу воқеа у Пекинда суд ва қонун ишлари бўйича бош вазир этиб тайинланишидан олдин содир бўлган.

Мўғуллар Умар Камолиддин Саййид Шамсиддиннинг қобилиятига эътибор бериб, уни ёшлик давридаёқ ҳарбий хизматга жалб этишган. У вояга етганда мўғуллар унга «сарой соқчиси» («сувей») унвонини беришган. Шундан кейин Умар Камолиддин Мўғулистонга олиб кетилган.

Ўқтойхон (1229–1241, Чингизхоннинг биринчи хотинидан бўлган учинчи ўғли) мўғуллар ҳоқони қилиб тайинлангандан сўнг, у ҳозирги ХХРнинг шимоли-шарқий томонидаги Цзин хонлигига қарши вақтинча тўхтатилган урушни қайта бошлайди, 1232 йил баҳорида эса мазкур хонликни батамом йўқ қилиб, унинг ҳудудини ўз назорати остига олади [104; 53–54-бетлар].

Шундан кейин Ўқтойхон Умар Камолиддинни ёш бўлишига қарамай ҳозирги Ички Монголия ҳудудидаги Фэн, Цзин, Юн каби вилоятларга (ҳозирги Датун шаҳрининг шимоли-ғарбидаги Хухэхэто шаҳри атрофи), кейинроқ эса Тайюань ва Пиньянг вилоятларига ҳоким (даругач) этиб тайинлайди. Ўша замондаги анъанага қўра, бундай лавозимларга мўғуллар ёки хитой бўлмаган халқлар вакиллари тайинланар эдилар.

Мункэхон (Мангухон)¹ тахтга ўтиргандан кейин (1251–1295) мўғуллар давлатида юзага келган ички вазиятнинг мураккаблигини ва Хитойнинг катта бир қисми улар қўлига ўтганлигини ҳисобга олиб, ушбу мамлакатнинг забт этилган вилоятларини идора қилиш ишларига

¹ 1258 йилининг июль ойида мўғул қўшинлари ҳозирги ХХРнинг Сичуан ўлкасидаги Хэчуан ноҳиясини (Хэчжоу) қуршовга олиб турганда ҳалок бўлган [104; 57-бет].



эътибор берди. Мазкур ишни амалга оширишда у Умар Камолиддиндан тўла фойдаланишга ҳаракат қилди.

Бинобарин, Мункэхон Умар Камолиддин билан Талохун исмли амалдорга маъмурий ишлар билан шуғулланувчи 6 вазирлик ташкил этишни буюради. Юкланган вазифани бажариш жараёнида Умар Камолиддин сиёсий ва давлат қурилиши ишларида юксак қобилият эгаси эканлигини кўрсатган. Шундан кейин у Пекиннинг ҳокими этиб тайинланган ва кўрсатган хизмати учун «бош назоратчи» (цайфангши) унвонини олишга муяссар бўлган [167; 178-бет].

Пекин

Хитойнинг пойтахти. Сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Катталиги жиҳатдан мамлакатда Шанхайдан кейин 2-ўринда. Буюк Хитой текислигининг шимолий қисмида, уч томондан тоғлар билан ўралган. Мил. ав. 2-минг йилликдаёқ ҳозирги Пекин ўрнида аҳоли яшаганлиги маълум. Мил. ав. 1-минг йиллик — мил. X аср манбаларида шаҳар Цзи деб аталган. X асрда Шимолий Хитойни қитонлар босиб олгач (936 й.), номи Сицзинь деб ўзгартирилган.

Пекин Цзинь хонлигининг пойтахти бўлганда (1133 й.) Чжунгду деб аталган. Мазкур хонлик мўғуллар томонидан йўқотилганидан сўнг унга Янцзин деб ном берилган. 1272 йилда Пекин мўғул хонлигининг пойтахти этиб белгилангандан сўнг унинг номи мўғулча Хонбалиқ, хитойча Даду (Катта ўрда) деб аталди. Шаҳарнинг Пекин (хитойча талаффузда Бэйжин) деб аталиши 1421 йилдан бошланган.

Пекинда 12 млн. кишидан зиёд аҳоли яшайди.

1258 йилда Хитойнинг жанубий вилоятларини истило қилиш мақсадида у ерда ҳукмронлик қилаётган Жанубий Сунг сулоласига қарши уруш бошлаганда, Мункэхон Умар Камолиддин Саййид Шамсиддинга ўз қўшинининг таъминот масаласини топширган. Манбада кўрсатилишича, у хон томонидан юкланган вазифани бажаришда «бирорта камчиликка йўл қўймаган» ва унинг «олқишларига сазовор бўлган» [140; 190-бет].

1262 йилдан Умар Камолиддин бутун мамлакатнинг молия ишларига раҳбарлик қила бошлади. Ана шунда унинг олдида қўйилган муаммоларнинг бири мамлакатда пул бирлигини таъминлаш ва инфляцияни жиловлашдан иборат бўлган. Умар Камолиддин муомалага



чиқарилган пулнинг ҳажмини чеклаш ва бу соҳада қаттиқ назорат ўрнатиш йўли билан узоқ давр давомида пулнинг қийматини бир хил ушлаб туришга муяссар бўлган [104; 59–60-бетлар].

Муғуллар давлатининг тахти Чингизхоннинг набираси Хубилайнинг қўлига ўтгандан сўнг, Хубилай ҳам Умар Камолиддиннинг сиёсий қобилиятига иқрор бўлиб, ундан тўла фойдаланишга киришган. Мазкур ҳоқон Хитойни 10 та «йўлга», яъни вилоятга бўлиб, унинг бири бўлган Пекин вилоятини маъмурий ва ҳарбий жиҳатдан бошқаришни Умар Камолиддинга юклаган. 1264 йилда Хубилай уни сиёсий маслаҳатчи ўринбосари этиб тайинлаган. Анъанага кўра, айна замонда сиёсий маслаҳатчи лавозимини фақат хоннинг ўғиллари эгаллаши мумкин эди. Хон сулоласига тобе бўлмаган бир Туркистон фарзанди учун хон ўғлининг ўринбосари сифатида хон саройида сиёсий маслаҳатчи бўлиши юксак ишонч ва олий мукофотнинг намоёиш этилиши эди [167; 180-бет].

Хубилай даврида Умар Камолиддин пойтахт ҳокими бўлиши билан бирга, амалдорлар, маросимлар ўтказиш ва молия ишлари билан шуғулланувчи учта вазирликка бошлиқ бўлиб ҳам хизмат қилган. Мамлакат доирасидаги вилоятлар устидан назорат қилувчи ва қишлоқ хўжалик ишларини бошқарувчи вазир лавозимларига ҳам тайинланган. Янғ Хуэйчжунгнинг ёзишича, Умар Камолиддин бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажарган. Чин дилидан қилган хизмати учун кўп марта Хубилайнинг мукофотига сазовор бўлган [131; 552-бет].

1264 йилда Хитойда ўлка (шэнг — провинция) тузумини қайтадан йўлга қўйиб, уларни губернаторлар орқали идора қилиш бошланди. Ана шунда Умар Камолиддин Саййид Шамсиддин Хубилай томонидан Шэнши, Сичуан (Сычуань) ўлкаларига бошлиқ (губернатор) этиб тайинланди. Унинг маҳкамаси Цзинчжао (ҳозирги Шиан, Қадимги Хитойнинг пойтахти Чангъан) шаҳрида ташкил этилди. Мазкур лавозимда Умар Камолиддин 9 йил хизмат қилади. Ана шу давр ичида у Шэнси ва Сичуан ўлкаларида мактаблар очган, ариқлар қаздириб, дашт-биёбон жойларни боғларга ва экинзорларга айлантирган. Тоғлар орасида яшайдиганлар учун қулайлик яратиш мақсадида йўллар, жарлар устидан осма кўприклар қурган. Унинг бу ишларидан ниҳоятда маҳаллий аҳоли мамнун бўлган.

Жанубий Хитойдаги Юннан ўлкасида нотинчлик ва ҳокимият учун курашиш ҳукм сурмоқда эди. 1267 йилда ўлканинг кичик хони этиб тайинланган Хубилайнинг 5-ўғли Хугэчи мана шу курашларнинг қурбони бўлган (1271 йилда заҳарланган). Маҳаллий халқнинг



муғулларга қарши ҳаракатлари ҳам авж олган эди. Ўлкада тинчлик ўрнатиш ва маҳаллий аҳолини итоатга чақириш учун юборилган амалдорлар юкланган вазифани уддалай олмаганлар. Хубилай мазкур мураккаб вазифани фақат Умар Камолиддин эплай олиши мумкин деб, ишонч билдириб, ёши улғайиб қолганлигига қарамай, уни шу ўлкага юборишга қарор қилган эди.

Сафарга отланиш арафасида Хубилай Умар Камолиддинни ўз ҳузурига таклиф этиб, унга Юннан ўлкасида тинчлик ўрнатиш вазифасини юклашининг сабаби ундан бошқа муносиб одам топилмаганлигидан иборатлигини айтади. Шу билан бирга Хубилай Умар Камолиддинга ўз ишончини яна бир бор изҳор қилиб, уни катта ҳурмат ва иззат билан кузатиб қўяди.

1274 йилда Юннан ўлкасига ҳоким этиб тайинлангандан сўнг, Умар Камолиддин ўз атрофига ушбу ўлкани яхши биладиган одамларни тўплаб, у ердаги шарт-шароитларни, халқ ҳаётини ва мавжуд анъаналарни, урф-одатларни чуқур ўрганиб чиқди, ўлканинг ҳарбий харитасини тайёрлаттирди: қайси жойларда қўшин жойлаштириш, ҳарбий истеҳкомлар қуриш мумкинлигини аниқлади. Шундан кейин у Юннан ўлкасига етиб боради.

Юннанликларни итоатга чорлашда Умар Камолиддин масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Атрофидаги кишилар у урушдан қўрқаётганмикин, деган шубҳа билан ундан «нега буларга раҳимдиллик қиласиз», деб сўраганларида, уларга «мен урушдан қўрқмайман, менинг қўрқадиганим халқнинг кўп талофат кўришидир... хоқон мени одам ўлдиришга эмас, халқни итоат қилдиришга юборган, қон тўкиш йўли билан халқ итоат қилдирилса, унда у халқ шундай усул билан итоатдан бош тортиши мумкин», деб жавоб берган [167; 178-бет].

Манбадаги маълумотлар Умар Камолиддин юннанликларни ақл-идрок ва маҳорат билан итоат қилдирганлигин кўрсатади. Биринчи навбатда у Юннанда ўрнатилган маъмурий тузумни ислоҳ қилиб, амалдорлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб ўз лавозимларини суистеъмол қилиб халқни талон-тарож қилишга, ҳукумат ишончисига хиёнат қилишга йўл қўймаган. Дали шаҳрини ўлка маркази қилиб, унинг ривожланиши учун барча чора-тадбирларни амалга оширган.

6 йил ичида Умар Камолиддин Юннан ўлкасида тинчлик ўрнатиб, Хубилайнинг ишончини тўла оқлаган. Шу билан бирга, у маҳаллий халқ учун фойдали бир қанча ишларни амалга ошириб, катта ҳурматга сазовор бўлган. Қаровсиз қолган ерларни деҳқонларга бўлиб бериш, сувсиз жойларга сув чиқариш, мавжуд ирригацион иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини



барпо этиш, хўжаликни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, маҳаллий халқ зиммасидаги солиқни енгиллаштириш, пул муомалаларини тартибга солиш, халқнинг маданий савиясини кўтариш, мактаблар очиш, маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилиш ва амалдаги маъмурий тузумни такомиллаштириш ана шу ишлар жумласидандир.

Умар Камолиддин Юннан ўлкасига келгунича бу ерда мактаб бўлмаган. 1276 йилда у илк бор Шанчан вилоятидаги Ухушан деб аталган тоғлик жойда мактаб қурдириб, унга ҳаражатларини қоплаш учун 2 гектардан ортиқ ер ажратиб берган. Ўқитувчилик қилиш учун марказий Хитой ўлкаларидан муаллимлар таклиф қилган. Шундан кейинги бир неча йил ичида Дали, Чушюн, Шючин каби жойларда ҳам мактаблар очган. Бир қанча жойларда касалхона ва дорихоналар ташкил қилган. Камбағалларни бепул даволаш ва уларга дори-дармон бериш ишларини йўлга қўйган. Юннанда биринчи марта расадхона барпо этган. Хитойларнинг буюк файласуф олими Конфуцийни ва унга эътиқод этувчиларини ҳурмат қилиб, «Конфуций ибодатхонаси»ни қайта қурдирган [167; 190–191-бетлар]. Мана шундай ишлар натижасида «илм-фан, техника, астрономия, қонуншунослик, табобатнинг сўнгги натижалари Юннанда ҳам тарқалган» [167; 189-бет].

Умар Камолиддин Юннанда ҳунармандчиликни, савдо ишлари, қатнов воситаларини ривожлантиришга, йўллар ва карвонсаройлар қуришга катта аҳамият берган. Сув йўлларига ҳам эътибор бериб, улардан тўла фойдаланиш мақсадида 4 та тўхтов бекати ва саройлар қурдирган. Натижада ўлкадаги айрим вилоятларнинг бир-бири билан боғлана олмаслик ҳолатига барҳам берилган. Мазкур ишлар Юннаннынг иқтисодий ривожланишига туртки берган, уни бошқа ўлкалар ва марказ билан узвий боғлаган. Унинг келажаги, сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратган.

Бухоролик ҳоким Юннанда ислом динини тарғиб этишга ва диний ўқишларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берган. Масжидлар ва диний мактаблар қурдирган.

Умар Камолиддин 1279 йилда 69 ёшида касаллик туфайли Кунминг шаҳрида оламдан ўтган [167; 149–195-бетлар]. Дафн маросимида халқ унга чуқур қайғу ва ҳурмат билдириб, Хитойнинг марҳумларга исм қўйиш урф-одатига кўра, унга «Сянванг» («Қамолотли хон» маъносини билдиради) деб ном беришган [140; 190-бет]. Шундан кейин унинг Кунмин шаҳрининг шимолий дарвозаси ёнида жойлашган қабри юннанликлар учун зиёратгоҳга айланди. Марҳумнинг ўғиллари Насриддин (Насулудин) ва Ҳусайн (Хусин)лар



ҳам отасининг изидан бориб, мазкур ўлкада катта лавозимларда ишлаган. Халқ уларга ҳурмат, ишонч ва эътиқод билдирган [140; 179-бет; 131; 552-бет].

Улар Камолиддин вафотидан чорак аср ўтгандан сўнг Мин сулоласи хоқони Юнлэ (1404–1424) номидан Бирмага кетаётиб, Юннан ўлкасида тўхтаб ўтган Хитой элчиси Чжан Хунг ўзининг хотира дафтарида қуйидагиларни ёзади: «Бир куни Умар Камолиддин деҳқонлар билан суҳбатлашаётганида, «агар биз сизларнинг мушқулингизни осон қилиб, ер ҳайдаш учун мол, экиш учун уруғ ва бошқа нарсалар берсак, 1 мў ердан (15 мў 1 гектарга тенг) қанча ҳосил олишингиз мумкин?», деб сўрабди. Деҳқонлар «2 дандан (120 кг) ҳосил оламиз», деб жавоб қайтаришибди. Шундан кейин Умар Камолиддин «бизга қанча солиқ тўлайсизлар», деб яна сўраган экан, деҳқонлар «ҳосилнинг ярмини топширамыз», деб айтишибди. Умар Камолиддин буни эшитиб, «йўқ, унда сизлар қийналиб қоласизлар, биздан олган молларингиз нобуд бўлса, ўрнига мол сотиб олиш, асбоб-ускуналар синса — уларни таъмирлаш лозим бўлади, буни ҳисобга олдингларми?», деб яна сўрабди. Деҳқонлар хурсанд бўлиб, «майли, ҳосилнинг учдан бир қисмини солиқ учун топширайлик», дейишибди.

Умар Камолиддин буни ҳам деҳқонлар учун қийин кўриб, уларга «йўқ, бу ҳам оғир бўлади, агар шундай ҳажмда солиқ тўлаш анъанага айланиб қолса, сизлар рози бўлсангизлар ҳам, келажакда болаларингиз ва кейинги авлодларингиз норози бўлиб, ҳукуматга қарши чиқиши мумкин... Биз сизлардан ҳосилнинг 10 дан бир қисмини оламиз... Хоҳласанглар дон ёки пул билан солиқ тўлашингиз ҳам мумкин», дебди ва у ўз сўзидан чиқибди... Шундан бери халқ Умар Камолиддиннинг ушбу яхшилигини мамнуният билан оғиздан туширмайдиган ва учраган одамга бу ҳақда айтадиган бўлишибди» [167; 183–184-бетлар].

Хитой Халқ Республикасида кейинги йилларда Умар Камолиддиннинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга аҳамият берилмоқда. 2004 йил март ойининг 7–10 кунлари Юннаннинг маркази Кунминг шаҳрида унинг фаолиятига бағишланган биринчи халқаро конференция ўтказилиши ва ушбу конференция материаллари махсус тўплам сифатида нашр этилиши [160; 418-бет] бунинг ёрқин исботидир.

Баён этилган ва умумлаштирилган маълумотлар Умар Камолиддиннинг ғоят истеъдодли, серғайрат, иродали, халқпарвар ва узоқни кўзлаб иш тутадиган катта тажриба эгаси эканлигини кўрсатади. У Хитойнинг ўрта асрдаги сиёсий-иқтисодий ҳаётига, маданиятига, мамлакатда ислом динининг кенг тарқалишига, муайян таъсир кўрсатган.



✻ Умар Камолиддиннинг аждод ва авлодлари ✻

Умар Камолиддин аждодлари ва авлодлари ҳақидаги маълумотларни нафақат Хитойнинг расмий тарихлари, энциклопедиялари ва энциклопедик лугатларида, балки ҳар хил даврда ушбу сулола вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган бир нечта шажараларда ҳам учратиш мумкин. «Сайид Ажжал шажараси», «Сяньян¹ сулоласи шажараси», «Жэнг сулоласи шажараси», «Ма сулоласи шажараси» шулар жумласидандир. Мазкур шажараларда келтирилган маълумотларнинг асосий қисми 1985 йилда «Халқ қатнов нашриёти» («Ренмин жяотунг чубаншэ») томонидан чоп этилган «Жэнг Хэ сулоласи тарихи материаллари» («Чэнг Хэ жяши зяляо») китобида акс эттирилган.

Кўрсатилган асарларда келтирилган маълумотларга кўра, Умар Камолиддиннинг аждодларидан илк бор Хитойга келган киши **Н а ж м и д д и н с ў ф и** (Нажимэндир-суфэйэр, 997–1093) ҳисобланади. У кишининг Хитойга бориб қолиши ҳақида «Ма сулоласи шажараси» («Маси жяпу») да қуйидаги маълумот келтирилади:

«Буюк гарбий ҳудуддаги Бухоро хонининг қўшинлари қудратли, хоннинг ўзи эса диёнатли ва меҳрибонликда тенгги йўқ эди... Ляо ва Шя хонликлари қўшин тортиб Сун сулоласига хавф солди. Шунда Сун сулоласи [Бухоро хонидан] ёрдам сўраш мақсадида унинг ҳузурига элчи юборди. Шундан сўнг [Нажмиддин сўфи] жаноблари укаси Айсо (Айэрша) ва уч ўғли билан 7 мингдан ортиқ лашкарлар, 200 га яқин амалдорларга бош бўлиб, 7 мингдан зиёд от ва туя билан Буюк Сун хоқонининг 3-йилида (1070) пойтахтга етиб келди. Шэнгзун хурсанд бўлганидан ул зотдан ўз одамлари билан Хитойда қолишни сўради. Атроф тинчигандан кейин Али, Миршоҳ (Миэршиша) ва бошқалар жами 200 га яқин амалдорлар ва уларни кузатувчи 700 чавандоз пойтахтга совғалар билан етиб келди. Улар хожаларни қайтиб кетишига ижозат сўради. [Сун хоқони] хожаларга «ғалаба нишонига ва қутловга сазовор олий зод» («нийй чингтоу гунг») унвонини бериш билан бирга 200 лян² олтин, 5000 лянг кумуш, 1000 тўп ипак мато тақдим қилиш ва йилига 500 дан³ дон бериш, ўз соқчиларидан 5300

¹ Умар Камолиддин вафотидан сўнг унга «Сяньян ванг» («Сяньянг ҳокими») деб ном берилган. Шунинг учун бу ерда ҳурмат юзасидан унинг исми ана шу ном билан ҳоким сўзини қисқартирилган ҳолда айтилган.

² Ҳозирги ўлчов мезони бўйича 1 лянг 16 граммга тенг.

³ Қадимда Хитойда донни оғирликда эмас, ҳажмда ўлчаш одат бўлган. Шу одатга кўра 1 дан 103,547 литрга тенг бўлган. Тахминан 100 килограммга яқин бир қоп донга тенг.



кишини ажратиб олиб Шандунг, Шанси вилоятларида ва Сихэ¹ билан Хэйхэ² дарёлари оралигидаги жойларда солиқсиз деҳқончилик қилиш, зарур бўлганда ҳарбий ҳаракатга қатнашишга шай бўлиб туриш ҳақида фармон берди. [Укаси] Айсо (Айэрша) га эса қолган одамларни олиб ватанига қайтишга ва Бухоронинг давлат ишларини ўз қўлига олиб, унинг ривожини учун ҳаракат қилишни буюрди. Чжэунинг [тахтда ўтирганига] 8 йил бўлганида (1093) 97 ёшда олий зот оламдан кўз юмди» [140; 125-бет].

Хитой тарихчилари ушбу маълумот расмий тарихда учрамайди деб, унга шубҳа билан қарайдилар. Бизнинг фикримизча, Сун сулоласи Бухоро давлатидан ёрдам сўраганлигини расмий сулола тарихида кўрсатишни маъқул топмаган бўлиши, яъни ор қилган бўлиши мумкин.

Нажмиддин сўфининг болалари ва улардан кейинги авлод Хитойда қолган ёки қолмаганлиги ҳақида ҳозирча қўлимизда маълумот йўқ.

Умар Камолиддиннинг буваси «Сайид Ажжал» (хитойча «Сайдянчи») номи билан Бухорода машҳур бўлган суфийлардан бўлган. Мўғуллар ҳам у кишини С а й й и д А ж ж а л деб аташган.

Юань сулоласи тарихида (Юань ши) ёзилишича, «сайид Ажжал» сўзи «олий зот» маъносини билдирадиган диний унвон бўлиб, у пайғамбар авлодларига мансуб бўлган йирик ислом олимларига берилган [14; 27404-бет]. Шунга қараганда, «Сайид Ажжал» Умар Камолиддин бувасининг исми эмас. Ҳозирча имкониятимиз доирасидаги хитой манбаларида Сайид Ажжалнинг исми қандай бўлганлиги ҳақида маълумот учратганимизча йўқ.

Бухорони Чингизхон қўшинлари қамал қилиб олгандан сўнг, халқнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Сайид Ажжал бир қанча обрўли кишилар билан шаҳардан чиқиб, чингизийлар билан сулҳ тузишга ҳаракат қилган. У кишининг вафот этган вақти маълум эмас.

Умар Камолиддиннинг отаси Хитой манбаларида Гумалудинг ёки Гумалудинг-Сайдянчи (Камолиддин Сайид Ажжал), деб тилга олинади. Гао Фаюаннинг ёзишича, унинг тўла исми Арслонхон Камолиддин бўлиб, у қарлуқларга етакчилик қилган [85; 4-бет].

Умар Камолиддиннинг онаси Бибихоним (Бибуйха) бўлиб, у манбада ниҳоятда доно ва меҳрибон, болаларининг тарбиясига эътибор бериб, уларнинг истиқболлик бўлишига катта ҳисса қўшган, деб таърифланади. Айниқса, Умар Камолиддиннинг йирик сиёсий арбоб

¹ Шандунг вилоятидаги дарё номи.

² Янцзи дарёсининг шимоли-шарқидagi Хэнань ва Аньхуэй вилоятларидан ўтайдиган бир ирмоғи.



бўлиб етишида унинг ҳиссаси катта бўлган. Бибихоним эри вафотидан сўнг анча яшаганлиги маълум. У тахминан 1405 йилда вафот этган.

Умар Камолиддиннинг ака-укалари ёки бошқа яқин қариндошлари борлиги ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Аммо унинг 5 ўғли, улардан бўлган набиралари ва кейинги авлодлари ҳақида хитой манбаларида кўп маълумотлар учрайди. Қуйида шулар ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Умар Камолиддиннинг катта ўғли Насриддин [Насирадин-Дин (Насусуладинг), Насриддин Саййид Ажжал (Насусуладинг Сайдянчи)] узоқ йиллар давомида отасининг ёрдамчиси бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, 1277 йилда Бирмадан катта бир гуруҳ жангарилар Юннанга бостириб киришган. Шунда уларга қарши курашга раҳбарлик қилиш Насриддинга юкланган эди. У зиммасига ортилган вазифани катта ғалаба билан амалга оширди. Шу муносабат билан 1280 йилда Насриддин «Юннан ўлкаси ҳокимининг чап қўл ёрдамчиси» («чжунг шушэнг зуочэнг») лавозими билан тақдирланди. Орадан кўп ўтмай, у ушбу вилоят ҳокимининг биринчи, яъни «ўнг қўл ёрдамчиси» этиб тайинланди. 1284 йилда Насриддин «давлат маслаҳатчиси» унвонига эришди.

Шу даврда Насриддин Юннан ўлкасининг ирригация, қурилиш ва ер сувдан фойдаланиш ишларига масъул эди. У ўз вазифасига жавобгарлик билан қаради, фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиб, халқ ва ҳукумат олдида катта обрўга эга бўлди. Юннан халқи миннатдорчилик билдириш мақсадида унга олтидан ҳайкал қўйишган.

1291 йилда Насриддин Хитойнинг шимоли-ғарбдаги Шэньси ўлкасига ҳокимлик қилувчи давлат маслаҳатчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан у оиласи билан Шэньси вилоятига кўчиб кетди. 1292 йилда шу лавозимда туриб, Насриддин оламдан кўз юмган. Шунда ҳурмат белгиси сифатида унга «Янъан ҳокими» («Янъан ванг») унвони берилди. Янъан сўзи тинчликка чорловчи ёки тинчликни узоқ асровчи маъносини англатади. Ҳозир Шэньси ўлкасининг марказий қисмида Янъан номи билан аталадиган шаҳар ҳам мавжуд.

Умар Камолиддиннинг иккинчи ўғли Ҳасан (Хасан) бўлиб, Хитойнинг жануби-шарқдаги Гуангдунг ўлкасига ҳокимлик ва бу ерда жойлаштирилган ҳарбий қисмларга бош қўмондонлик қилган.

Умар Камолиддиннинг учинчи ўғли Ҳусайн (Хушин, туғилган вақти номаълум — 1310 йилда вафот этган) бўлиб, унинг фаолияти ҳақида хитой манбаларида нисбатан кўпроқ маълумот учрайди. Айниқса, жамиятдаги айрим мураккаб муаммоларни ечишда ўзининг отасига ўхшаб ақл-идроқка суяниб иш тутганлиги ва бу борада ютуқларга



эришганлиги ҳақидаги хабарлар кўп учрайди. Мазкур маълумотларга кўра, 1277 йилда Ҳусайн Юань сулоласи саройидаги ҳарбий вазириликдаги бўлимларнинг бирига, кейинги йилда эса Хэнань вилояти ҳоким маҳкамасидаги котибият бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Ўша замонда ушбу вилоят нотинч бўлиб, ўғирлик, талон-тарож ва йўлтўсарлик ҳодисалари тез-тез юз бериб турар, айниқса ўлканинг ўрмонзор жойларида ўрнашиб олган ўғрилар тўдаси халқнинг тинчини бузар эди. Маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган чоратadbирлар ва ҳарбий ҳаракатлар натижа бермас эди. Ҳусайн ўз вазифасига киришгандан сўнг, ўғри ва қароқчилар тўдаларига мажбуран аралашиб қолганлар олдига одам юбориб, уларни тинч ҳаётга қайтишга даъват этди ва гуноҳидан кечишга кафолат берди. Орадан кўп ўтмай, шундай кишилардан иккитаси Ҳусайн ҳузурига келди. Шунда Ҳусайн уларга: «Сизлар илгари ўғирлик қилган бўлсанглар ҳам, ҳузуримга келиб тинч яшовчи фуқаро бўлишни маъқул топибсизлар, биз сизларнинг гуноҳингизни кечиргаймиз», деб уларни кузатиб қўйди. Уларни қўйиб юбораётганда: «Бошқалар ҳам сизларга ўхшаб олдимизга келишса, биз уларни ҳам кечирамиз», деб қайд этди.

Орадан биров вақт ўтгандан кейин ўғрилар тўдасидан яна 10 киши Ҳусайн ҳузурига келди. Шунда Ҳусайн ўз сўзи устидан чиқиб, уларни ҳам кечирди ва «тинч яшовчи фуқаролар» рўйхатига киритди. Шундан кейин Ҳусайн уларга кечалари йўлларнинг хавфсизлигини сақлаш ва йўловчиларни ўғрилардан ҳимоя қилиш вазифасини юклади. Вақт-вақти билан уларни ўз олдига таклиф этиб, суҳбатлашиб турди. Бошқалар ҳам бунини эшитиб, ўз ҳаёт тарзларини ўзгартирдилар. Шундай қилиб, Ҳусайн куч ишлатмасдан Хэнань ўлкасидаги хавфли вазиятни яхши томонга ўзгартиришга муяссар бўлди ва бундан унинг обрўси кўтарилди.

1284–1304 йилларда Ҳусайн Юннан ва Чжэянг (Хитойнинг шарқий томонида) ўлкаларида турли мансабларда ишлади. 1298–1300 йилларда Юннан ҳокими Лянг Вангнинг биринчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Шунда у ҳокимга бемор кишиларга нисбатан илгари жорий этилган қонун-қоидаларни ўзгартиришни таклиф этди. Аммо Лянг Ванг унинг таклифини қабул қилмади. Шундан кейин Ҳусайн Пекинга бориб, ўз таклифини хоқонга айтди. Хоқон унинг таклифини яхши қабул қилиб, Ҳусайннинг режаларини амалга ошириш ҳақида Лянг Вангга махсус фармон юборди. Ушбу воқеа Юань сулоласи саройида ва Юннан халқи орасида Ҳусайннинг обрўсини яна ҳам кўтарди.



1304 йилда Хусайн «Сичуан ўлкасига ҳокимлик қилувчи давлат маслаҳатчиси», 1308 йилда эса Жянгси ўлкасининг ҳокими лавозимига тайинланди [140; 205-бет]. Орадан кўп ўтмай, Хусайн ўзининг ёши улғайиб, соғлиғи ёмонлашиб қолганлиги туфайли ишдан кетишга мажбур бўлди [167; 133-бет].

Умар Камолиддин авлодларидан

2004 йилда Пекинга қилинган икки ойлик хизмат сафаримиз даврида Умар Камолиддиннинг авлоди бўлмиш йирик арабшўнос олим профессор На Жунг ҳақида маълумотга эга бўлдик. Ёши 94 га бориб қолган ва айни пайтда бетоб бўлиб ётганлигига қарамай бизнинг Ўзбекистондан келганлигимизни эшитиб, олим учрашиш ниятини билдирди. Ўша йили июнь ойининг бошида у билан Пекин шаҳрининг чеккасидаги янги барпо этилган мавзейида жойлашган уйда учрашдик. Ташқи кўринишдан олимнинг ўзи ва ўғли туркистонликларга ўхшайди. Учрашиш пайтида профессор На Жунг ўзининг хитой тилида 1999 йилда нашр этилиб, хитой олимлари томонидан юксак баҳоланган икки жилдли «Араблар тарихи» («Алабо тунгши») ва Умар Камолиддинга бағишланган «Муҳаммад пайғамбар авлоди» («Му шэнг хоуи») номли китобларини ҳада қилди. Иккинчи китобда ёзилишича, На Жунг Умар Камолиддиннинг катта ўғли Насир ад-Диннинг авлоди бўлиб, у 1940 Ислом тарихи бўйича Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетини битириб, Хитойга қайтиб келганидан сўнг Марказий университет (ҳозирги Нанжин дасюэ), Юннан университети, Дипломатия университети, Пекин чет тиллари университети каби олий ўқув юртларида ўқитувчи ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган. ХХР ва халқаро илмий ташкилотларининг бир қанча мукофотларига сазовор бўлган.

Умар Камолиддиннинг тўртинчи ўғли Х у с н и д д и н У м а р (Қусудинг Юанмуоли) Жянгсу ўлкасидаги Жянчанг вилоятига ҳоким бўлиб хизмат қилган.

Умар Камолиддиннинг бешинчи ўғли М а с ъ у д (Масуху, Муосуху, Масихути) бўлиб, у бир умр Юннан ўлкасида яшаган ва шу ерда турли лавозимларда хизмат қилган. Умрининг охириги йилларида Масъуд ушбу ўлканинг ҳокими лавозимини эгаллаган [140; 196-бет].

Умар Камолиддиннинг катта ўғлидан қолган ф а р з а н д л а р. Насириддиннинг ўғиллари кўп бўлган. Айрим

манбаларда 7, бошқасида 9 та ўғиллари борлиги қайд этилган ва уларнинг номлари келтирилган. Тартиб билан айтганда, улар қуйидагилардан иборат:

А б у б а к р (Абу-биекээр, 1307 йилда вафот этган) «боян пинжчанг» («Катта обрўга сазовор маслаҳатчи») деб ҳам атаган. Хубилайнинг сарой аҳли уни қисқартириб Боян деб атай бошлаган. Шу боис манбаларда унинг исми Боян (Байян деб ҳам талаффуз этилади) деб ёзилган.

Абубакрнинг амалдорлик фаолияти 1292 йилда Фужян ўлкасидаги Чюанжоу вилоятида бошланган. Кейинроқ у Хэнань ўлкасининг Жянгбэй вилоятларида ҳокимлик қилган. Ана шу даврда у ўз ихтиёридаги жойларда деҳқончилик ва молия ишларини яхши йўлга қўйиб, Юань сулоласининг эътиборига сазовор бўлган. 1293 йилнинг охиридан у Юань сулоласи саройида маслаҳатчи бўлиб ишлади. Шундан сўнг Юань сулоласи ҳоқони унинг исмига «Саййид Ажжал»ни қўшиб айтиш ҳақида махсус фармон берган. Унинг Пекингга келганидан 11 йил ўтгач, Юань сулоласида ҳокимият учун кураш бошланди. Ана шу кураш жараёнида Абубакр душманлари томонидан ўлдирилган [140; 204–205-бетлар].

Насриддиннинг иккинчи ўғли У м а р (Умаэр) ҳам узоқ йиллар давомида Фужян ўлкасида ҳокимлик қилди. Хизмат фаолияти даврида

Умар Камолдиннинг авлоди бўлмиш профессор На Жунг (ўртада) биз билан учрашиб (2004 йил июнь), икки жилдли «Араблар тарихи» китобини ҳадая этди.



у ибодатхона, мактаб, йўл ва кўприк қуриш ишларига эътибор берган. Мактабларнинг молиявий муаммоларини ечиш мақсадида уларга солиқсиз ишлатиш учун ер ажратиб бериш, ерсиз дехқонларга ҳам ер бериш ва уларга моддий ёрдам курсатиш ишларига алоҳида аҳамият берган. Натижада ўзининг ҳуқуқ доирасидаги ҳудудларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятини яхшилади, давлатга тўланадиган солиқ даромади ҳажмини доимий қилди. Бунинг учун у Юань сулоласи мукофотиغا сазовор бўлди [140; 205-бет].

Насриддиннинг учинчи ўғли Х у с а н (Хушян, 1310 йилда вафот этган) ҳам катта лавозимларда хизмат қилган. Унинг амалдорлик фаолияти 1277 йилда бошланди. 34 йил давомида у Хэнань, Юннан, Шэньси, Чжэянг, Сичуан Жянги каби ўлкаларда турли лавозимларда ишлади. Умрининг сўнгги йилларида Жянги ўлкасида ҳокимлик қилди ва обрў-эътибор қозонди.

Насриддиннинг қолган ўғиллари З а ф а р (Зафаэр), Х а с а н (Хашин), Ш о д и (Шадэ), А р у н (Арунг), Б о я н ч у р (Боянтсаэр) ва М у з а ф ф а р (Музатиеэр) кабилар Юннан ўлкасида турли лавозимларда хизмат қилишди. Шулардан фақат Хасан маълум бир давр давомида ушбу ўлканинг ҳокими бўлиб ишлади.

Умар Камолиддиннинг учинчи ўғлидан икки ўғил бўлганлиги маълум. Каттаси Бўканг, кичиги Шюлә бўлиб, улар ҳам амалдор бўлиб ўтган. Аммо уларнинг мансаби унча катта бўлмаган.

Умар Камолиддиннинг қолган ўғиллари ва қизлари ҳамда улардан бўлган набиралари ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Аммо унинг кейинги авлодлари орасида Хитой дипломатиясига, иқтисодига ва маданиятига катта ҳисса қўшган шахслар ўтган. Файласуф-олим Юсуф (Ма Жу) ва машҳур денгизчи Маҳмуд (Чжэнг Хэ) шулар жумласидандир.

ФАЙЛАСУФ-ОЛИМ ЮСУФ

Хитой манбаларида ва адабиётларида ёзилишича, Хитойда ислом дини тарқалгандан кейин 4 та йирик файласуф-диний олим ўтган: келиб чиқиши араб бўлган Вай Дайюй (1570–1660), миллати тунгон (хуэйзу) деб ҳисобланадиган Лю Чжи (1660–1730), Ма Жу (1640–1711), Ма Фучу (1794–1874). Уларнинг ҳаммаси Хитой энциклопедияси ва йирик тарихий шахсларга оид луғатлардан, исломга оид адабиётларда ўрин олганлар [141; 2-жилд, 951-бет; 164; 74–75-бетлар].



Йирик тунгон тарихчилари Бай Шоуйи ва Чин Хуэйбинларнинг ёзишича, Юсуф, яъни Ма Жу Чин (Цин) сулоласининг дастлабки даврида ўтган машхур ислом олими бўлган. Уларнинг фикрича олим 1640 йилда туғилган ва Умар Камолиддиннинг 15-авлод набираси ҳисобланади. Унинг болалик давридаги исми Вэнбин («билимдон» ва «нурли» маъносини англатади) эди. Отасининг исми Ши Кун, 1647 йилда вафот этган. Юсуфнинг онаси у 17 ёшга кирганда оламдан ўтган, исми маълум эмас [134; 97-бет; 141; 2-жилд, 951-бет]. «Хитойда қадим замондан ҳозиргача ўтган буюк шахслар катта луғати» («Чжунгуо гужинг мингрэн дацидэн»)да «Мин сулоласининг охириги ва Чин сулоласининг дастлабки даврларида яшаган буюк ислом олими... Оилавий шажарасига кўра, Муҳаммад [пайғамбарнинг]нинг авлодидир» [132; 19-бет], деб ёзилган.

Юсуф Юннан ўлкасининг Бавшан вилоятида таваллуд топган. Отаси бевақт оламдан ўтганлиги сабабли, унинг болалиги ҳар жиҳатдан қийин кечган. Шу даврида Хитойда Мин хоқонлиги Манжурия (ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг шимоли-шарқий қисми)да ташкил топган манжурлар давлати томонидан йўқотилиб, унинг ўрнига Чин деб ном олган янги хонлик ҳукмронлик қила бошлаган эди. Хитойнинг бир қанча вилоятларида, жумладан жанубий ўлкаларда манжурларга қарши ҳаракат давом этаётган эди. 1657 йилда, Юсуф эндигина 17 ёшга қадам қўйганда, манжурлар зарбасига бардош бера олмай қочиб юрган Мин сулоласининг тахт ворисларидан бири унинг юртига бориб қолган. Шу боис Юсуф унга хизматкор ва соқчи сифатида хизматга жалб қилинган. Шундан кейин анча вақт давомида Юсуф будда дини эътиқодчилари орасида яшаганлиги туфайли, у фурсат топиб буддизмга оид асарларни ўқиш билан банд бўлган.

Манжурларга қарши курашлар батамом бостирилгандан сўнг Юсуф ўқитувчилик қилиб кун кечира бошлаган. Шунда унинг ёши 30 га бориб қолган эди. Ўқитувчилик қилиш даврида Юсуф ислом динини чуқур ўрганишга киришган ва бу дин асослари ҳақида асарлар ёза бошлаган. 20 ёшга тўлганида у ўзининг «Заҳмат хотиралари» («Шуцяо лу») номли биринчи асарини ёзиб битирган эди, лекин бу асар кенг тарқалмаганлиги туфайли сақланмаган [141; 2-жилд, 951-бет].

Ислом илмини чуқур ўрганиш мақсадида Юсуф Хитойнинг Шандунг, Шэньси, Шаньси, Хубей, Сичуань, Гуаньдун, Фужян каби вилоятларидаги ислом марказларини зиёрат қилиб, 1669 йилда Пекингга келиб тўхтаган. 1983 йилда узоқ йиллик меҳнати натижасида Юсуф



«Ислом кўрсатмалари» («Чингчжэн чжинан»)¹ асарини ёзиб битирган. Шунда у 44 ёшга тўлган эди. Асарнинг ҳажми 10 бобдан ёки 100 минг сўздан иборат бўлган². Мазмунан ушбу асар ислом тарихи ва қонун-қоидалари, суралар таҳлили, фалсафий, фалакиёт, ривоятларидан таркиб топган. Асрлар давомида ушбу асар қўлёзма шаклида Хитойдаги барча ислом ўқув юртларида фойдаланилган, айниқса Юсуфнинг ватани бўлмиш Юннан вилоятида катта ҳурматга сазовор бўлган [134; 97-бет].

1684 йилда хотини Фотима (Фатумо) ва Шичи, Шишюн исми ўғиллари ҳамроҳлигида Пекинни тарк этиб яна сафарга отланган. Бу гал у 4 йил давомида Хитойнинг шарқидаги Цзянгсу, Чжэцзян ўлкаларидаги йирик шаҳарларни ва Қадимги Хитой пойтахти Сиань (Чанъан)ни зиёрат қилиб ватанига қайтиб кетган. Сафар давомида ўзининг асарини тарқатиш ва исломни тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб олган. Ватанига қайтиб келганидан сўнг то умрининг охиригача «Ислом кўрсатмалари» асари устида иш олиб борган.

Юсуфнинг вафот этган йили аниқ эмас, лекин ислом аҳли орасида у 71 ёшда оламдан ўтганлиги айтилади [141; 2-жилд, 953–954-бетлар].



МАШҲУР ДЕНГИЗЧИ МАҲМУД



Маҳмуд (Чжанг Хэ) Хитой мамлақати номидан денгиз йўли билан илк бор араб ва Африка мамлакатларига бир неча бор саёҳатга чиққан. У Умар Камолиддин Саййид Шамсиддиннинг 6-авлоди набирасидир [140; 1018-бет].

Манбада унинг фамилияси Ма, мусулмонча исми Махэ деб кўрсатилади [167; 230-бет]. Ушбу исм эса Маҳмуднинг хитойча қисқартирилган талаффузидир. Айтиб ўтиш жоизки, ўша замонларда хитойлар Маҳмудни Махэ, Муҳаммадни Махэма деб қисқартириб ёзишган.

Маҳмуднинг ота-боболари ҳожи бўлиб ўтишган. Шу боис маҳаллий халқ уларни «Ҳожим» деб аташган. Уларнинг муқим яшаган жойи ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг жанубий ҳудудида жойлашган Юннан ўлкасининг Кунъян (ҳозир Жиннинг) вилоятидир. «Чжэнг Хэ сулоласи шажараси»да ёзилишича, Маҳмуднинг отаси Милижин

¹ Асар номини таржима қилишда «чжинан» («кўрсатмалар») сўзини исломни тарғиб қилиш, уни нотўғри талқин этишга қарши туриш, исломни инсон қалбига сингдириш маъносида билмоқ лозим [134; 97-бет].

² Хитойда асарнинг ҳажмини ўлчашда нероглифлар, яъни сўзлар сонини ҳисоблаш одати мавжуд.

деб аталган бўлиб, у Умар Камолиддиннинг 5-бўғин набираси ҳисобланган. Милижиннинг фамилияси эса Ма деб номланган. Шу ерда қайд қилиб ўтиш жоизки, тунгон миллати орасида Ма фамилияликлар ниҳоятда кўп учрайди. Бинобарин, Маҳмуд, Муҳаммад, Маъсуд, Мансур каби исми мусулмонлар ўзларининг фамилиясини Ма деб аташган. Ма фамилияни ёзиш учун буюк, от маъносини англатувчи иероглифдан фойдаланиш одат бўлган.

Маҳмуднинг онаси Вэн фамилияли авлоддан бўлган, исми номаълум. Маҳмуд оиласида 6 та фарзанд бўлиб, шундан 4 таси қиз бўлган. Акасининг исми Вэнмин деб аталган. Унинг мусулмонча исми номаълум. Болалик даврида Маҳмудни ота-оналари «Санбао» (3-бойлик ёки қимматбахо нарса маъносини англатади) деб аташган [140; 126-бет]. Шунга қараганда, Маҳмуд 3-фарзанд бўлган.

1381 йилда Маҳмуднинг отаси 39 ёшида касаллик туфайли оламдан ўтади. Шунда Маҳмуд 12 ёшда эди. Ўша замонда Мин сулоласи Юннанда мўғуллар ҳокимиятини ағдариб, ўз назоратини ўрнатган эди. Ушбу воқеа, албатта, Умар Камолиддин авлодининг ижтимоий аҳволига таъсир кўрсатди. Янги ҳокимият мўғуллар даврида юқори лавозимларни эгаллаганларга ишончсизлик билан қарайди. Шу боис юзага келган жиддий вазият тақозоси билан Маҳмуд Пекинга бориб қолади.

У ерда у Чжу Ли исми Пекин ҳокимининг хизматида бўлади. Шу пайтда мазкур ҳоким жияни Вэндига қарши тахт учун юриш қилишга тайёргарлик кўриб турган эди. Шунда у ўз рақибининг мўғуллар даврида

Денгиз йўлида. Ўрта аср миниатюраси.

амалдор бўлганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганини ҳисобга олиб, вайрон бўлган аввалги ҳокимият тарафдорларини ўз атрофида тўплашга киришади. Маҳмуднинг гавдали, серғайрат, зийрак, фаросатли ва кучли йигит бўлганлиги ҳамда у мўғуллар даврида катта обрўга эга бўлган Умар Камолиддин Саййид Шамсиддиннинг авлоди эканлиги Чжу Лининг эътиборидан четда қолмайди.





Чжу Ли ва унинг тарафдорлари ҳокимият учун олиб борган курашлар жараёнида Маҳмуд катта хизмат кўрсатади. Шу билан бирга мазкур курашда ўзининг уруғ-аймоқларини ва ёру биродарларини ҳам ўз томонига жалб қилади. У ўзининг амалий фаолияти билан Чжу Лининг ишончини қозонади.

1403 йилда узоқ давом этган курашда Чжу Ли ҳокимиятни қўлга олиб, Мин сулоласининг 3-хоқони сифатида ўзини Чэнгзу (1403—1424) деб атаydi. 1404 йилнинг бошланиш куни Чжу Ли барча хизмат кўрсатганларни мукофотлайди. Шунда у ўз қўли билан «Чжэнг» («тантанали», «жиддий» маъносини англатади) иероглифини ёзиб, уни Маҳмудга фамилия бўлсин, деб фармон беради. Хитой урф-одатларига кўра, хоқон томонидан фамилия олиш катта ҳурмат белгиси эди. Шундан кейин Маҳмуднинг фамилияси Чжэнг, исми Хэ деб айтиладиган бўлди [167; 231-бет]. Маҳмуднинг болалари ва авлодлари ҳам Чжэнг иероглифини фамилия сифатида ишлатишди. Ўша замонда фамилиядан воз кечиш император амрига итоат қилмаслик деб қабул қилинар, бу эса кечириб бўлмайдиган оғир жиноят ҳисобланар эди. Шу боис Маҳмуднинг ўғли Чжэнг Янг (болалик давридаги исми Энлай) деб аталган ва кўпроқ Нанкин шаҳрида яшаган. Ҳозир унинг 20-бўғин авлоди мавжуд [140; 127—128-бетлар].

Мин сулоласи хоқони Чэнгу денгиз савдосига катта эътибор берган. Шунда у мазкур ишни Маҳмудга топширган. Зеро, Маҳмуд уруш даврида кемаларни бошқариш ишларида ҳам билимли ва қобилиятли эканлигини намойиш этган эди. Маҳмуд 7 марта денгиз сафарида бўлиб, ҳар гал кемаларни қимматбаҳо молларга тўлдириб, йўлга чиққан. Маҳмуднинг сафарлари Мин хонадонига катта бойлик келтирган.

Маҳмуднинг биринчи сафари 1405 йил 6-ойнинг 15-куни (Хитойнинг кўҳна ой тақвими бўйича) бошланиб, у 1407 йил 9-ойигача давом этган. Шунда унинг ихтиёрига 63 та кема ва 27 минг киши берилган эди. Маҳмудга берилган кемалар ичида энг каттасининг узунлиги 145 м, эни 59,5 м бўлган [167; 232-бет].

Маҳмуднинг иккинчи сафари 1407 йил 9-ойнинг 13-кунидан бошланиб, 1409 йилининг ёзигача амалга оширилди. Ушбу сафарга у 249 та кема билан йўлга чиққан. Кемаларнинг сони жиҳатдан Маҳмуднинг иккинчи сафари энг катта бўлган эди. Ушбу сафар Люжияганг номли портдан бошланган. Қайтишда Нанкин портига келди. Биринчи марта сафарга чиққанда Маҳмуд Индонезия ороллариғача борган бўлса, иккинчи сафарда у Ҳиндистон ярим оролининг жанубий соҳиллариғача етиб борди.



Маҳмуднинг учинчи денгиз сафари 1409 йилнинг 9-ойидан 1411 йилнинг 6-ойигача давом этган. У йўлга 48 та кема билан отланади. Шу пайтда ватанига қайтиб кетаётган хорижлик элчилар ҳам унинг кемаларида йўлга чиқдилар. Бу сафар Маҳмуднинг кемалари Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий соҳилларидаги портларгача етиб боради.

Маҳмуднинг тўртинчи олис денгиз сафари 1413 йилнинг 11-ойида бошланиб, 1415 йилнинг 7-ойигача давом этади. Бу гал у Форс кўрфазидagi йирик халқаро савдо маркази Ҳўрмуз (хитойча Хулумоси) портигача етиб борди.

Маҳмуднинг бешинчи денгиз сафари 1416 йил 12-ойининг 10-куни бошланиб, 1419 йилнинг 7-ойигача давом этди. Бу сафарда у Африка қитъасининг шарқий денгиз соҳилларигача етиб борган.

1420 йилда Мин хоқонлигининг пойтахти Нанкин (Нанжин) Пекин шаҳрига кўчирилган эди. Шу муносабат билан Чэнгзу хоқон Маҳмудни яна сафарга юбориб, алоқа ўрнатилган барча давлатларни пойтахт кўчирилганлиги ҳақида хабардор қилиб чиқишни буюрди. Бу Маҳмуднинг олтинчи денгиз сафари эди. Икки йил давомида Маҳмуд Африканинг шарқий денгиз соҳилларида жойлашган бир нечта мамлакатларни айланиб чиқиб, 1422 йилнинг 8-ойида Хитойга эсон-омон қайтиб келди.

Орадан икки йил ўтгач, Мин хонадонида кетма-кет ўлим юз берди. Чэнгзу хоқон оламдан ўтиб, унинг ўрнига ўғли Чжугао хоқон этиб тайинланган. Шу муносабат билан унга Рэнзунг деб ном берилди. Аммо у бир йилгина тахтда ўтириб, вафот этди. 1426 йилда унинг ўрнини ўғли Сюанзунг эгаллади.

Сюанзунг бобоси каби денгиз йўли орқали савдо алоқаларини ривожлантиришга катта ихлос билан қаради. 1430 йил 6-ойининг 9-куни у Маҳмудга 61 та кема ва 27550 киши бериб, уни яна узоқ сафарга юборди. Бу Маҳмуднинг сўнгги сафари эди. Нанкин шаҳрининг портидан бошланган ушбу сафар тарихда «Макка сафари» деб ҳам аталади. Чунки Маҳмуднинг кемалари Саудия Арабистонига яқинлашганда, ўзига ҳамроҳлик қилган 7 кишини у Маккага ҳаж қилиш учун юборган эди.

Маҳмуд йўл бўйлаб аввалги сафарларида босиб ўтган жойларни бирма бир кўздан кечириб ёзиб қолдиради. 1433 йилда қайтиб келаётганда, у йўлда касал бўлиб қолди. 4-ойининг бошларида унинг кемалари Ҳиндистон ярим оролининг жануби-ғарби қирғоқлари бўйлаб сузиб келаётганда Маҳмуд вафот этди [140; 638-бет; 167; 230–246-бетлар].



Маҳмуднинг ўлими ҳақида ҳар хил маълумотлар мавжуд. Айрим манбаларда кўрсатилишича, кемалар Нанкинга 1433 йилнинг 7-ойида қайтиб келади. Шундан сўнг унинг жасади Нанкинда дафн этилади.

Халқ орасида сақланиб қолган баъзи маълумотларга кўра, Маҳмуд қайтиб келгандан сўнг бир йил ўтгач, 64 ёшида касаллик туфайли Нанкин шаҳрида вафот этган. Унинг жасади Нанкиндаги Нюшоушан деб номланган баландликка дафн этилган. Аммо халқ орасида Маҳмуд охириги сафардан қайтиб келаётганда ярим йўлда вафот этган, деган гап бор. Унинг ҳамроҳлари марҳумнинг сочини у кийган оёқ кийимига солиб келиб, Нюшоушан тепалигига кўмган, деган тахмин ҳам мавжуд. 1985 йилда Маҳмуднинг биринчи денгиз сафарига 580 йил тўлиши муносабати билан унинг Нанкиндаги қabri қайта қурилган [167; 230–246-бетлар].

Хитой олимлари Маҳмуднинг фаолиятини юксак баҳолайдилар. Чунончи, Чин Хуэйбин «Чжэнхэ 7 марта океан кезиб, дунёга танилган сиёсатчи, дипломат ва денгизчи бўлган. Мин сулоласи даврида Хитойда исломнинг ривожланиши учун катта ҳисса қўшган», деб таърифланган [134; 49-бет].

ХИТОЙДАГИ МОВАРОУННАҲРЛИК ОЛИМЛАР

Ўрта асрларда Туркистон, Арабистон ва Эрондан Хитойга бир қанча йирик мунажжимлар, астрономлар, географлар ва табиблар таклиф этилган. Шулар қаторида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан борганлар ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик.

1995 йилда Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ривожланиши истиқболини ўрганиш мақсадида Пекинга қилган сафаримиз даврида мезбонлар Пекин кутубхонаси (Бэйжин тушугуан)га таклиф этдилар. Кутубхонада араб, форсий ва туркий тилларда ёзилган 500 тадан ортиқ қўлёзмалар ва босма китоблар сақланаётган экан. Сўхбат даврида шундай манбалар университетлар ва ХХР Ижтимоий фанлар академияси қошидаги турли илмий тадқиқот марказлари кутубхоналарида ҳам борлиги маълум бўлди. Аммо ушбу манбалар ҳали ўрганилмаган, ҳаттоки уларнинг каталоги ҳам тузилган эмас. Бу борада Ўзбекистон олимлари хитой олимлари билан ҳамкорликда иш тутишлари керак.

✽ **Жамолиддин Бухорий** ✽
(хитойча Чжамолудинг, Чжамаладинг)

Астроном ва географ олим. Мункехон (1208–1259) даврида Хитойга келган. Юань империясининг биринчи императори Хубилай (Шизу) даврида (1279–1294) ўз илми билан юксак обрў-эътиборга эга бўлган. Жамолиддин Хитойга келганида ўзи билан 23 та илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма китобларни олиб келган [137; 19-бет]. Шу боис бу ерда туркий, араб ва форс тиллардаги қўлёзма китоблар тўпланиб қолган.

1267 йилда Жамолиддин Бухорий Хубилайга хитой манбаларида «ваньянли» («10 минг йил тақвими») деб аталадиган мусулмон тақвимини ва астрономик асбобларни тақдим этган. 1271 йилда хоқоннинг ижозати билан Пекинда расадхона қурган ва унга масъул ходим этиб тайинланган. Бу билан олим Туркистон астрономия илмига таянган илм даргоҳининг Пекинда ташкил топишига асос солган. 1282 йилга қадар бўлган вақт давомида Жамолиддин Бухорий астрономия, география, математика фанларининг машҳур вакиллари асарларини Пекинга олдириб келган ва уларни жамлаш, хитой олимларининг асарлари билан таққослаш асосида янги асар ёзишга киришган. Олим шоғирлари ва унга ихлосманд илм аҳли ёрдамида бу ишнинг улдасидан муваффақиятли чиққан. Янги асар хитой ва туркий тилларда битилган. Хитойча асарнинг номи «Чжи Юан йитунгчжи» («Юань даврида умумлаштирилган баён ёки асар»). Асарнинг туркий тилдаги номи манбаларда келтирилмаган. Мазмунан ушбу асарда Хитой, Марказий ва Ғарбий Осиё ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган. Хитой олимларининг тили билан айтганда, ушбу асар «Хитойнинг заминшунослик тарихида мисли қўрилмаган воқеа бўлган» [140; 671-бет].

✽ **Жамолиддин** ✽
(хитойча Кэмаладинг)

Жамолиддин Бухорий билан бирга замондош бўлган ва бирга ижод қилган астроном олим. 1278 йилда Пекинда Жамолиддин Бухорий томонидан барпо этилган расадхонанинг бошлиғи ёрдамчиси этиб тайинланган. Аньси вилоятининг ҳокими Ананда талабига биноан, олим ҳар йили иккита мусулмон тақвимини тузиб, унга юбориб турган. Тузилган тақвимлар хитойчада «хуэйхуэй лири» деб номланган бўлиб, уларга Туркистон қоғози ишлатилган [134; 49-бет; 671-бет].



✽ **Муҳаммад Бухорий** ✽
(хитойча Махама Бухаларен)

Астрономия илми билан шуғулланган олим. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Аммо унинг Пекинда фаолият кўрсатган вақти XIII асрнинг 2-ярмига тўғри келади. Мўғул кўшинлари Бухорони эгаллагандан сўнг бу ердан моҳир хунармандларни танлаб, Пекинга олиб кетганда, Муҳаммад Бухорий улар орасида бўлган. Ўзининг билимдонлиги билан Юань сулоласи саройида кўзга кўринган. Ҳарбий юришларда ҳам мўғуллар унинг билимидан яхши фойдаланишган.

Муҳаммад Бухорийнинг 3 ўғли бўлган. Уларнинг каттаси Саид-миш (хитойча Сади-миши) Даду¹да давлат хизматида бўлган, 1280 йилда намунали хизмати учун мукофотланган. Иккинчиси Ҳасан юзбоши лавозимида ишлаган. Учинчи ўғли Умар ёшлигида оламдан ўтган.

Саид-мишдан бўлган набираси Аҳмад (Ахама) 30 ёшида вафот этган ўтган. Ундан 2 ўғил қолган бўлиб, каттасининг исми Мансур-аддин (Машудинг) эди. 1334 йилдан бошлаб у давлат арбоби бўлиб хизмат қилди. Унинг Юань саройида кўрсатган хизматлари учун Саид-миш ва ўғли Аҳмад «сянъянг жюнгунг» деб аталган беклик унвони билан мукофотланган [167; 141-бет; 140; 671-бет].

Шайх Али Имомаддин Бухорий (хитойча Шайхай Али Йимамутундин Бухорен) ва **Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Бурган Косоний** (хитойча Шайхай Айхмайдэ Бурэртани Жосайни)лар Пекинда ислом динини тарғиб қилиш, ислом динини қабул қилганларнинг диний саводини чиқариш билан шуғулланган ва бу соҳада юксак обрўга эга бўлган олимлардир.

Хитойда Юань сулоласи ташкил этилгандан сўнг пойтахт Даду шаҳрига кўчирилган эди. Аммо Пекин бундан анча олдин мўғуллар кўлига ўтган бўлиб, шаҳарда катта кўламда қурилиш ишлари олиб борилган. Қурилишда ишлаш учун мўғуллар томонидан Туркистондан, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлардан кўплаб турли соҳанинг усталари Пекинга олиб кетилган. Усталар билан бирга олимлар, рассом, раққосалар, ислом дини вакиллари ва савдогарлар ҳам келишган.

1263 йилда давлатнинг солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида аҳолининг нуфусини рўйхатга олиш ҳаракати натижаларига кўра, ўша пайтда Пекинда 3000 хонадондан иборат туркистонликлар яшаган бўлиб, улардан катта бир қисми ўзбекистонликлар эди. Айниқса

¹ Даду — (Хонбалиқ, ҳозирги Пекин шаҳридаги хон ўрдасининг номи бўлиб, унга мазкур ном 1272 й.да берилган).



Самарқанддан олиб кетилганлар кўпчиликни ташкил қилган [100; 276–277-бетлар]. Туркистондан олиб келинганлар деярли бир жойда жойлаштирилган. Чунки уларнинг ҳаммаси мусулмон эканлиги ва урф-одатлари, тили бир хил бўлганлиги айнан шундай қилишни тақозо этар эди. Ушбу омилларни ҳисобга олмаганда ҳам, улар учун биринчи навбатда масжид қуриш ва истеъмол қилиш учун ҳалол деб ҳисобланадиган озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал қилиш учун туркистонликларнинг бир жойга йиғилиб яшаши лозим эди.

Пекинда яшовчи туркистонликларнинг ҳаммаси мусулмон бўлганлиги учун, уларнинг ички ишларини тартибга солишда ислом қонун-қоидаларига асосланишига рухсат этилган. Шу боис уларни идора қилиш учун махсус амалдор қози тайинланиб, маҳкама ҳам ташкил қилинган. Қозига нафақат уларни бошқариш, балки суд ишларини шарият асосида ҳал этиш ҳам топширилган [100; 276–276-бетлар].

Ўша замонда хон саройида хоразмлик Маҳмуд Яловачнинг молия ишлари бўйича катта мансабда бўлганлиги туркистонликларнинг Пекинда ҳар қаёққа сочилиб кетмасдан, бир жойда маҳалла бўлиб яшашига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган эди.

Туркистонликларнинг кўпайиши натижасида Пекинда бир қанча маҳаллалар ташкил топган. Шулар ичида шаҳар марказидан четроқда нисбатан катта иккита маҳалла бўлиб, улардан бири «Нюже», иккинчиси «Вэйгун цун» деб аталган.

Илгари Нюже маҳалласи ўрнида мажнунтол дарахти кўп ўсганлиги туфайли, уни пекинликлар «Люшу цун» («Толзор қишлоғи») деб атаганлар. X асрда ушбу қишлоққа илк бор денгиз йўллари ва Буюк ипак йўли орқали турли мамлакатлардан келган мусулмонлар сони секин-аста кўпайиб борган. Мўғуллар томонидан олиб келинган туркистонликларнинг кўпчилиги ҳам Толзор қишлоғида яшашган.

Нюже маҳалласига келиб жойлашиб қолган туркистонликлар боғдорчилик ишлари билан кенг шуғулланишган ва маҳаллий шароитга мослаша оладиган Туркистон меваларини, жумладан анорни кўпроқ экканлар. Шундан кейин пекинликлар «Толзор қишлоғи»ни «Шию же» («Анорзор маҳалласи») деб ҳам аташган.

Кейинги асрлар давомида пекинликлар мазкур атаманинг бошидаги биринчи қисм «ши» ни тушириб қолдириб қисқартган ҳолда «Лю же» деб аташга одатланган. Бинобарин, хитой тилида икки сўздан иборат бўлган «шию» («тош анор») сўзининг асосий қисми «лю» сўзини қолдириб, сифатни билдирувчи биринчи сўзни қисқартириб ташласа, маъно жиҳатидан ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Нюже маҳалласида яшовчилар сут, қаймоқ билан ўзларини таъминлаш мақсадида сигирларни кўп боқишган. Ушбу анъана хитойлар учун гайри одат бўлганлиги туфайли, улар бунга бошқача қараб, «Люже» атамасини Нюже («Сигир маҳалласи») деб аташган. Ушбу ном ҳозиргача сақланиб қолган.

Хитойда хизмат сафаридида бўлганимизда, Нюже маҳалласи билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Нюже маҳалласи Пекиннинг жануби-ғарбий қисмидаги Юнгдайингхэ дарёси соҳилида шаклланган. Маҳалла ўрни ва унинг атрофидан мазкур дарёнинг бир ирмоғи ўтганлиги туфайли, бу ер серсув, деҳқончилик ва боғдорчиликка қулай бўлган.

Маҳаллада яшовчилар сони 30 минг кишидан ортган [140; 112-бет]. Улар орасида ташқи қиёфаси ўзбекларга ва бошқа туркий халқларга ўхшаб кетадиганлари кўп учраб туради, аммо улар ўзларининг узоқ ўтмишдаги аجدодларини билмайдилар. Бу ҳақда аниқ ёзма маълумотлар ҳам сақланмаган.

Нюже маҳалласидаги кўчалар тор ва бир қаватли уйлар зич жойлашган эди. Яқинда ушбу маҳалладаги эски уйлар бузилиб, улар ўрнига кўп қаватли янги иморатлар қурилган. Баланд уйлар орасида биргина кўҳна масжид сақланиб қолган.

НЮЖЕ МАСЖИДИ ҲОВЛИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҚАБРИ

Пекинда сақланиб қолган ашёвий далиллар орасида эътиборга сазовори Нюже масжиди ҳовлисида сақланиб қолган икки зотнинг қабрларидир. Улар масжидга келган хорижий зиёратчилар эътиборини жалб этмай қўймайди. Ёнма-ён жойлашган қабрлар устидаги қора тошлардаги арабча ёзувларнинг мазмунига қараганда, қабрларнинг бири Шайх Али Имомаддин Бухорийга, иккинчиси эса Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Буртан Косонийга тегишлидир [74; 2–3, 22-бетлар].

Нюже масжидининг ички кўриниши.





Шайх Али Имомаддин Бухорий 1280 йилда, Шайх Аҳмад Буртан Косоний эса 1283 йилда касалликлари туфайли вафот этишган. Ҳаёт пайтида марҳумлар масжидда ўқитувчилик ва ислом динини тарғиб қилиш ишлари билан шуғулланиб, катта обрўга ва баланд мартабага эга бўлган эди. Шу боис жамоа уларни ҳурмат юзасидан масжид ҳовлисига дафн этишга қарор қилган. Масжид ходимларининг сўзларига қараганда, уларнинг обрўси ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Мусулмон давлатларидан келганлар бу жойни зиёрат қилиб, улар руҳига тиловат қилиб турадилар [74; 22-бет].

Нюже масжиди ҳозирги вақтда Пекинда мавжуд бўлган 34 та масжид орасида энг қадимийси ҳисобланади. Унинг қурилган вақти 996 йилга тўғри келади. Масжиднинг асосчиси туркистонлик Насриддин (Насулудин), деб ҳисобланади. Аммо адабиётларда унинг асосчиси Қавомиддин (Канмадинг) эканлиги ҳам қайд этилган. Айрим маълумотларга кўра, у араб миллатига мансуб бўлган [168; 175-бет; 74; 2–3-бетлар].

Қавомаддиннинг Пекинга бориб қолган вақти Шимолий Сунг сулоласи (960–1127) ҳоқони Тайзунг (976–998) нинг тахтда ўтирган сўнгги йилларига тўғри келади. Шунда Тайзунг Қавомаддиннинг билимдонлигидан хабар топиб, уни Пекинга ўқитувчилик қилиш учун таклиф қилган. Ўша вақтда Пекин (Бэйжин) мазкур сулоланинг шимолий пойтахти эди. Пекинда ул зотни одамлар шайх деб аташган. Кейинчалик Қавомаддиннинг 3 ўғли ҳам ислом динининг йирик арбоблари бўлиб етишган.

XI асрнинг 2-ярмида Нюже масжиди Пекинга келиб жойлашиб қолган бухоролик хўжалар томонидан обод қилинади. Бинобарин, вафотидан кейин «Шянъянг ванг» деб аталган Саййид Шамсаддин (Сайдянчи Шансидин) нинг аждоди бўлган бухоролик хўжа ва унинг акаси

Шайх Али Имомаддин Бухорий ва Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Буртан Косоний қабр тошлари.





Айсо болалари билан Хитойга — хон саройига келишган. Эҳтимол, улар элчилар қаторида бўлишгандир. Сунг сулоласи хоқони Шэнгзунг (1068—1092) саййидзодага катта илтифот кўрсатиб, бошқарувчилик лавозимини таклиф этган. Бир оз вақт ўтгандан сўнг унга ҳокимлик мансаби берилган. Мазкур руҳонийнинг чевараси Камоладдин (Канмадинг)нинг ўғли Маҳмуд ҳам Хитой хоқони илтифотига сазовор бўлиб, кўп йиллар давомида юқори лавозимларда, жумладан ҳарбий қўмондонлик мансабида хизмат қилган. Мана шу даврда у Нюже масжидининг обод бўлишига катта ҳисса қўшган. Унинг хайрия йўлида қилган ишларидан бири масжиддаги намоз ўқиладиган катта залнинг орқа томонига азон айтиш минорасини қурдиргани бўлган. Ушбу минора 1496 йилда қайта қурилганлиги туфайли унинг асл шакли сақланмаган.

1127 йилда Сунг сулоласи пойтахтни Пекиндан ҳозирги Шанхайнинг ёнидаги Нанжин шаҳрига кўчирди. Шундан сўнг Нюже масжидига икки нафар шайх таклиф этилган. Буларнинг бири косонлик Аҳмад Буртаннынг ўғли Муҳаммад, иккинчиси бухоролик Имомаддин (Мадундинг)нинг ўғли Али (Пекин мусулмонлари орасида Шайх Али Имомаддин Бухорий деб танилган) эди. Мавжуд маълумотларга кўра, бу икки шайх Пекинга 1127—1279 йиллари келган. Нюже масжидининг яна бир ривож топган вақти мазкур шайхларнинг Пекинда фаолият кўрсатган вақтига тўғри келади [91; 86-бет].

Шайх Аҳмад Буртан Косонийни маҳаллий мусулмонлар эронлик деб билишади. Қабр ёнидаги хитойча ёзувда марҳумнинг исм-шарифи «Жосайнирен» деб ёзиб қўйилган. Ҳозирги замон талаффузида биринчи иероглиф ҳақиқатдан «Жо» деб ўқилади, лекин қадимда у «Ко» деб ўқилган. Шунга кўра, ўз замонасида «Жосайни» сўзи «Косайни» деб талаффуз этилган бўлиши керак. Ҳозирги Ўзбекистонда Косон деб аталадиган жой мавжуд, қолаверса, ўтмишда Косондан анча йирик олимлар чиққан, уларнинг исмига Косоний сўзи қўшилган, деган фикрни масжид ходимларига айтдик. Улар ушбу фикрга қизиқиш билдирдилар.

1967—1976 йиллари ХХР да юз берган «маданий инқилоб» даврида маҳаллий мусулмонлар ниҳоятда катта қийинчиликлар билан қабртошларни ерга қўмиб ташлаб, уларни вайронагарчиликдан зўрға асраб қолган. 1979 йилдан бошлаб ХХРда иқтисодий ислоҳот ҳаракати бошланиши муносабати билан мамлакатда динга, жумладан, ислом динига бўлган сиёсат ва муносабат ижобий ўзгарди. Айниқса тарихий обидаларга эътибор бериш кучайди. Шундан кейин Нюже масжидидаги икки нафар ўзбекистонликлар қабрлари аслига келтирилди ва зиёрат масканига айлантирилди.



Келтирилган маълумотлардан кўриниб турадики, XIII асрдан бошлаб Буюк ипак йўлининг шарқий нуқтасига айланиб қолган Пекин шаҳрида ислом динининг ва маданиятининг ривожланишига ҳамда мусулмон жамоатининг юксалишига ўзбекистонликлар катта ҳисса қўшган. Бу эса Буюк ипак йўли нафақат савдо алоқалари, балки маданий алоқалар йўли бўлганлигининг ҳам бир тимсоли эканлигидан далолат беради.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАБОБАТИНИНГ ХИТОЙДА ТАРҚАЛИШИ

Одатда ислом дунёси табобатининг Хитойга тарқалиши Тан сулоласи даврида бошланган деб ҳисобланади [135; 94-бет]. Хитой манбаларида буни тасдиқлайдиган маълумотлар кўп учрайди. Аммо «Суй сулоласи тарихи» («Суй шу»)нинг 34-бобида бир қанча Ғарб табобатига бағишланган асарлар номининг келтирилиши [154; 33–34-бетлар] ундан олдин ҳам Буюк ипак йўлида иқтисодий-маданий алоқаларнинг ривожланиши билан бирга Марказий Осие ва Ғарб табобати Хитойга тарқалганлигини кўрсатади.

Ўрта асрда Хитойда кенг тарқалган ва ислом дунёси, жумладан Туркистон табобати умумлаштирилган ҳолда акс эттирилган йирик асар — «Мусулмонлар табобати» («Хуэйхуэй яофанг») ҳисобланади. Мазкур асар туркий, араб ва форсий тилларидаги табобат илмига оид асарлар асосида ёзилган. Афсуски, асар давримизга тўла ҳолда етиб келмаган бўлиб, унинг мукамал сақланиб қолган қисми ички ва ташқи касалликлар, болалар ва аёллар касалликлари, тери касалликларига оид бобларидир. Асарнинг хитой тилидаги нусхаси XIV асрнинг 2-ярмида ёзилган.

Пекинда жойлашган ХХР Ижтимоий фанлар академияси қошидаги «Дунё тарихи тадқиқотлари институти» («Шижиэ лиши янжюсуо»)нинг йирик олими — арабшунос Сунг Шян (рус транскрипциясида Сун Сянь) томондан 2000 йилда Пекинда нашр этилган икки жилдли «Мусулмонлар табобати тадқиқоти ва таржимаси» («Хуэйхуэй яофанг каоши») ва 2001 йилда чоп этилган «Қадимги Эрон табобати ва Хитой» («Гудай Поси йишюэ юй Чжунгуо») алоҳида эътиборга сазовор. Биринчи асари олимнинг 10 йиллик тадқиқот фаолияти натижаси ҳисобланади. Асарнинг биринчи жилди (460 бет)да атамалар ва дориворлар номларининг арабча-хитойча луғати берилган. Сунг Шяннинг мазкур тадқиқоти хитой олимлари томонидан юксак баҳоланган ва ҳозиргача Хитойда юқори савияда амалга оширилган ягона илмий асар деб тан олинган.

«Мусулмонлар табобати» мундарижасининг иккинчи бўлими, 12-, 30-, 34-боблари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 486 бетдан



иборат. Булар Пекин кутубхонасининг ноёб асарлар бўлимида сақланмоқда. Асарнинг сақланиб қолган қисмида унинг 19–36-боблари номи келтирилган. Шу асосда «Мусулмонлар табобати» жами 36-бобдан иборат бўлган деб қаралмоқда. Юқоридаги асарнинг Сунг Шян томонидан сақланиб қолган қисми факсимили 3000 нусхада чоп этилиши дунё олимлари эътиборини бунга жалб этишда муҳим аҳамият касб этди.

Хитой олимларининг фикрига кўра, «Мусулмонлар табобати» ўз давридаги «инсоният тафаккурининг табобат соҳасидаги мажмуи» ҳисобланади. Асар муаллифлари номаълум. Ҳозиргача у қайси асарлардан таржима қилинганлиги ҳам сир бўлиб қолмоқда. Аммо шуниси аниқки, ўрта асрларда хитойчага таржима қилинган асарлар ичида Лачи (860–932) қаламига мансуб «Китаб ал-Ҳави» («Kitab al-Hawi»), Маъжзушийнинг (? – 994) «Комил ал-Тиббия» («Kamil al-Tibbiyah») ва Ибн Синонинг «Тиб қонуни» («Qanun fi al-Tibbi») катта эътиборга сазовор бўлган [140; 500-бет]. Хитойчага таржима қилинган асарлар ичида Ибн Синонинг «Тиб қонуни» Хитойда катта обрўга қозонган. Хитой олимларининг баҳолашича, «Ибн Синонинг табобат илми Хитойдаги мусулмонлар табобатига катта таъсир кўрсатган» [140; 669-бет], «Ибн Синонинг тиббиёт қонуни (Йидян) мўғуллар даврида Хитойга олиб келинган, унинг бир қисми «Мусулмонлар табобати»га киритилган» [140; 497-бет]. Буни юқорида тилга олинган Су Шяннинг тадқиқоти ҳам тўла тасдиқлайди. Унинг ёзишича, «Мусулмонлар табобати»нинг 19 боби, яъни ярмидан кўп қисми «Тиб қонун» мазмунидан фарқ қилмайди. Шунинг учун у Ибн Синонинг «Тиб қонуни «Мусулмонлар табобати»нинг асоси бўлган», деб ҳисоблайди [114; 123-бет].

«Мусулмонлар табобати»да доривор ўсимликлар номини қайд этиш билан бирга, юқорида тилга олинган олимлардан ташқари яна кўп табибларнинг исмлари келтирилган. Ҳусайн ибн Исроқ (810–873), Яхъё бин Масуъий (857 йилда вафот этган), Сабур бин Сайхал (869 йилда вафот этган), Саҳар Бахт (Сакихаэр, IX аср), Марвазий (IX аср), Саъолибий (930 йилда вафот этган) шулар жумласидандир [140; 499-бет].

Мазкур асар билан танишиб чиққан Хитой олимлари унинг мазмунидан келиб чиқиб, мўғуллар давридаги мусулмонлар табобати ўша замондаги ғарб ва хитой табобатига нисбатан анча устун бўлганлигини таъкидлайдилар. Чунончи, Ян Хуайчжунг бу ҳақда шундай ёзади: «Юань сулоласи давридаги тарихий вазиятдан келиб чиқиб «Мусулмонлар табобати» асарига ёндошилса ҳамда уни шу даврдаги ғарб ва хитой табобати билан солиштирилса, шубҳасиз мазкур асарда баён этилган билимнинг айрим томонлари, айниқса касални



даволаш услублари ниҳоятда замонавий бўлган деб ҳисоблаш мумкин» [167; 227-бет].

Хитой табобатининг йирик маҳсулоти ҳисобланган асар «Ўсимлик дориворлар» («Бэнцао гангму») ҳисобланади. Барча ўқув қўлланмалари ва луғатларда ушбу асар Хитой миллий табобатининг дурдонаси, деб таърифланади. Чунончи, «Сўзлар денгизи» («Цихай») энциклопедик луғатида «Бэнцао гангму... 52 бобдан иборат бўлиб, у Ванлининг 6-йилида (1578) китоб шаклига келтирилган... Унда мамлакатимизнинг XVI асрдан олдинги миллий фармакология тажрибалари жамланган», деб ёзилган [125; 1246-бет].

«Ўсимлик дориворлар» XVI асрнинг 3-чорагида Ли Шичжэнг томонидан ёзилган. Асарнинг катта бир қисми Ибн Синонинг асарларига ва «Мусулмонлар табобати»га асосланган [140; 500-бет]. Бу ҳақда «Чжунгуо хуэйзу дацидя» номли ислом луғатида «Ўсимлик дориворлар» Хитойдаги доришунослик соҳасига оид йирик асар ҳисобланади. Асар Хитой миллий табобатининг йирик намунасидир. Унда қадимги араб, форс, Жанубий ва Марказий Осие минтақаларига хос бўлган доривор ўсимликлар таништирилади... «Дўтия» қисмида кўз касаллигини даволашга оид 3 боб мавжуд. Шуларнинг 2 таси Ибн Сино (Айвэй Сэнгна)нинг «Тиб қонуни»дан фарқ қилмайди», деб қайд этилган [140; 500-бет].

Мин сулоласи ташкил топгандан кейин Хитойда мўғуллар ҳукмронлиги даврида шаклланди маданиятга, жорий этилган маъмурий тузумга, амалдорларга танқидий муносабатда бўлиш, йўқолган анъаналарни тиклаш сиёсати амалга оширилган. Ушбу сиёсат натижасида давлатнинг мусулмонлар табобатини бошқарувчи девони йўқ қилиниб, унга илгаригидек эътибор берилмаган. Давлат томонидан эътиборсиз қолдирилган тиббиёт олимлари ва табиблар халқ орасида фаолият кўрсатиш ҳисобига яшашга мажбур бўлган.

Ўрта асрларда Хитойда туркистонлик машҳур табиблар сифатида намоён бўлганлар рўйхати ҳам анча катта бўлганлиги ҳам Туркистоннинг Хитойга катта таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Бинобарин, Хитойда Бай Жингюй (мусулмонча исми маълум эмас) кўз касалликларини даволаган туркистонлик машҳур табиб ўтган. У XIII асрнинг 10–20 йиллари Хитойга келиб шимоли-шарқий Хитойнинг Хэбэй ўлкасидаги Дингсян вилоятида ўтроқлашиб қолган ва шу ерда катта обрӯ-эътиборга эришган. Даволаш учун зарур дориларни ўзи тайёрлаши билан у доришунос сифатида ҳам машҳур бўлган. Унинг кейинги авлодлари ҳам кўз касалликларини даволаш ва кўз дориларини тайёрлаш билан шуғулланишган. Ҳозирги давргача Хитой табобатида кенг қўлланиб



келинаётган «Бай Жинной кўз дориси» («Байжинной янъяо») мазкур табиб сулоласи томондан ихтиро этилган [140; 670-бет].

Синиқчи Лянг Чжу (1068–1107) деб ном олган туркистонлик табиб ўтган. У Марказий Хитойдаги Хэнан ўлкасининг Кайфэнг шаҳрида муқим яшаган ва сарой табиби сифатида хизмат қилган. Лянг Чжу аслида Шимолий Сун (960–1127) давлатининг ҳукмдори Шэнгзунг (1068–1085) даврида Арабистондан келган бўлиб, уни одамлар «Лянжиегу» («Синган суякларни аслига келтирувчи») деб аташган. Шу сабабли Шэнгзунг унга Лянг деб фамилия ва Чжу деб исм берган.

Лянг Чжу билан бирга икки укаси ҳам Хитойга келган ва саройда табиблик қилган. Кейинроқ улар саройни тарк этиб, халқ орасида касалларни даволаш билан шуғулланишган ва катта обрўга сазовор бўлишган.

XIV асрнинг ўртасида Лянг Чжу сулоласининг бир қисми Нанкин (Нанжин) шаҳрига кўчиб бориб шифохона очишган. Мазкур сулоланинг барча авлодлари синиқчи (ортопед) бўлиб фаолият кўрсатган. Уларнинг замонамизгача етиб келган 27- ва 28-бўғин авлодларидан бўлмиш Лянг Чжунгтинг Кайфэнг, Лян Шюантинг хоним Нанкин шаҳридаги темир йўл шифохонасида, Лян Сюйтинг мазкур шаҳардаги «Удингчяо» шифохонасида хизмат қилишиб, олдинма-кетин нафақага чиқишган. Одамларнинг синган ва чиққан суякларини тузатиш ва ортопедлик фаолиятида ушбу сулола авлодларининг барчаси анъанавий миллий услубдан фойдаланишган [140; 498-бет].

Лян Гуй (1068–1077) номи билан Хитойда машҳур бўлган туркистонлик табиб синиқчи (травматолог-ортопед) ўтган. У асосан Марказий Хитойнинг Хэнан ўлкасидаги Кайфэнг шаҳрида яшаган. У йиқилиш ва урилиш натижасида юзага келадиган суякларнинг синиши, чиқиши, эт қисмининг жароҳатланиши ва шулар туфайли юзага келган касалликларни тузатиш билан шуғулланган [140; 669-бет].





«Буюк ипак йўли бўйлаб» илмий экспедицияси аъзолари.

«Буюк ипак йўли бўйлаб» илмий экспедицияси

2000 йил 20 августдан 4 сентябргача бўлган 14 кун давомида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси Хитой Халқ Республикасига ташкил қилинган «Буюк ипак йўли бўйлаб» илмий экспедиция Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган. Экспедициянинг вазифаси ХХРда Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ва уни замонавий йўлга айлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилган, йўлларнинг ҳозирги ҳолати ва бу борада Хитой тажрибаларини ҳамда техникавий имкониятларини ўрганиш билан бирга келажакда бу соҳада ҳамкорлашиш мумкин бўлган масалаларни аниқлашдан иборат эди. Шу билан бирга Буюк ипак йўлининг тарихи ва ўтмишидаги йўналишларини ўрганиш, йўлдаги қадимий савдо марказлари бўлган жойларни зиёрат қилиш, видео материаллар тайёрлаш ва китоб, мақолалар ёзиш ҳам экспедиция вазифасига кирган.

Илмий экспедиция Қадимги Хитойнинг маркази Сиань шаҳридан Эркештомгача бўлган Буюк ипак йўли қисмининг тарихи ва ҳозирги аҳволи билан танишиб чиқди.

Делегация таркибига «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси кенгаши тадқиқотлар марказининг комплекс тадқиқотлар бўлимининг қўйидаги ходимлари қатнашди:

Абдулла Ҳошимов — экспедиция раҳбари; Аблат Хўжаев — етакчи илмий ходим, тарих фанлари доктори; Икромжон Мамадалиев — бўлим ходими; Файратжон Шукуров — бўлим ходими, оператор; Шўхратжон — бўлим ходими, киноҳужжатчи.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

I. Манбалар

Хитой тилида

1. **Бан Гу.** Хан шу (Хан сулоласи тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 2-жилд. Шанхай, 1958.
2. **Вэй Чжэнг.** Суй шу // «Эршиси ши» («24 тарих»). 9-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
3. **Вэй Шоу.** Вэй шу (Вэй сулоласи тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 8-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
4. **Гуйзи шиляо** (Кучар тарихига оид маълумотлар). Урумчи, 1996.
5. **Ду Ю.** Тундянь (Қонунлар ва урф-одатлар баёни). 3 жилдли. Чангша, 1995. Асар 766—801 йилларда ёзилган.
6. **Лидай гэзу чжуанжи хуэйбянь** (Тарихий халқларга оид маълумотлар тўплами). 2-тўплам, 2-жилд, Шанхай, 1959.
7. **Ли Яншоу.** Бэй ши (Шимолий сулолар тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 11-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
8. **Линху Дэфэн.** Чжоу шу (Чжоу сулоласи тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 10-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
9. **Лэ Ши.** Тайпин хуаньюй цзи (Тинчлик ўрнатилган юртлар баёни). Асарнинг чоп этилган жойи ва вақти маълум эмас, муаллиф 960—1007 йилларда яшаган, умумий ҳажми 200 боб (цзюан)дан иборат.
10. **Лю Ху.** Цзю Танг шу (Танг сулоласининг кўҳна тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 12-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
11. **Оу Яншоу, Сун Чи.** Шин Танг шу (Танг сулоласининг янги тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»). 13-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
12. **Пингдинг жунгээр фанлюэ** (Жунғорларни итоат қилдириш стратегияси). 4 жилдли. Тибет ижтимоий фанлар академияси нашрга тайёрлаган. Пекин, 1990.
13. **Сима Чян.** Ши жи // «Эршиси ши» («24 тарих»). 1-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
14. **Сунг Лян.** Юан ши (Юан [сулоласи] тарихи). 2-қисм // «Эршиси ши» («24 тарих»). 21-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
15. **Фан Йи, Сима Бяо.** Хоу Хан шу (Сўнги Хан сулоласи тарихи) // «Эршиси ши» («24 тарих»), 3-жилд. Пекин—Шанхай, 1958.
16. **Юан Шу.** Тунгжян жиши бэнмо (Муҳим тарихий воқеалар баёни). 8 жилдли, 1-жилд, 2-қисм. Шанхай, 1955.



Уйғур тилида

17. **Бан Гу.** Ханнома. Урумчи, 1994.
18. **Ли Яншу.** Шимолий сулолалар тарихи. Урумчи, 2002.
19. **Сима Бяо, Фан Йи.** Сўнгги ханнома. Урумчи, 1996.
20. **Сима Чян.** Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989.
21. **Чин Шу, Фанг Шюанлинг.** Уч подшоҳлик тазкираси. Урумчи, 2001.
22. **Фарбий юрт тарихий материаллари.** Урумчи, 2004.

Ўзбек тилида

23. **Абулғозий.** Шажарайи турк (Қ. Муниров ва Қ. Маҳмудовлар томонидан нашрга тайёрланган). Тошкент, 1992.
24. **Маҳмуд Кошғарий.** Девону Луғотит турк. 3 жилдли. Тошкент, 1961.

Рус тилида

25. **Бичурин Н.Я.** (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3 томах. Москва—Ленинград, 1950.
- 25а. **Валиханов Ч.Ч.** Собрание сочинения. В 5 томах. Алма-Ата, 1961—1966.

II. Адабиётлар

Ўзбек тилида

26. **Абдухалиқ Абдурасул ўғли.** Буюк ипак йўли // «Мулоқат», № 7, 8, 1994.
27. **Абдухалиқ Абдурасул ўғли.** Чин ва Мочин. Тошкент, 2006.
28. **Абдухалиқ Абдурасул ўғли.** Қадимда Марказий Осиё халқларининг кўчиши ҳақида // «Шарқшунослик». № 9. Тошкент, 1999. 154—160-б.
29. **Жамолов Т.** Миллатлараро дўстлик амалда // «Гулистон», №5, 2001. 19-б.
30. **Каримова Н.** Темурийлар билан Хитой алоқалари // “Шарқшунослик”, №7. Тошкент, 1996. 48—59-б.
31. **Файзиев Турғун.** Темурийлар шажараси. Тошкент, 1995.
32. **Хўжаев А.** Хитой манбаларидаги суғдиларга оид айрим маълумотлар // «O‘zbekiston tarixi». № 1. 2004. 52—61-б.
33. **Хўжаев А., Хўжаев К.А.** Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001.



34. **Хўжаев А.** Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон тарихи», № 1, 2003. 3–11-б.
35. **Хўжаев А.** Хунларнинг этник жиҳатдан қадимий туркларга оид эканлиги ҳақида хитой манбаларидаги маълумотлар // «Турон тарихи». № 5, 2002. 10–18-б.
36. **Ўзбекистон халқлари тарихи.** 2 жилдли. Тошкент. 1992.
37. **Ўзбек дипломатияси.** Тарихий очерклар ва лавҳалар. Тошкент, 2003.
38. **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 12 жилдли. Тошкент, 2000–2006.
39. **Ўринбаев А., Бўриев О.** Фиёсидин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, 1991.

Рус тилида

40. **Асқаров А.** Сапалитепе. Ташкент, 1973.
- 40а. **Бартольд В.В.** Собрание сочинений. Том 1.
41. **Боровкова Л.А.** Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в.н.э. Москва, 1989.
42. **Бўриев О., Калганов А.** Об одном участке Великого шелкового пути // «На среднеазиатском участке Великого шелкового пути». Ташкент, 1990.
43. **Восточный Туркестан.** Москва, 1988.
44. **Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культуры древнего Востока.** Москва, 1986.
45. **Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана.** Ташкент, 1977.
46. **Древний континент Му.** София, 1997.
47. **История народов Узбекистана.** В 2 томах. Ташкент. 1950.
48. **Каримова Н.Э.** Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников). Ташкент, 2005.
49. **Краткая история уйгуров.** Алма-Ата, 1991.
50. **Крюков М.В., Малявкин В.В., Софронов М.В.** Этническая история китайцев. Москва, 1987.
51. **Кутлюков М.** Рукописи и документы по истории Восточного Туркестана в XVI–60-х гг. XIX в. и его взаимосвязи со Средней Азией // «Актуальные проблемы советского уйгуроведения». Алма-Ата, 1983. С. 48–49.
52. **Каримова Н.** Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. Ташкент, 2005.
53. **Мухамедов М. М.** Великий шелковый путь. Ташкент, 1996.
54. **Народы Средней Азии и Казахстана.** Том 2. Москва, 1963.



55. **Современный Тайвань.** Иркутский, 1994.
56. **Советский энциклопедический словарь.** Москва, 1985.
57. **Шефер Э.** Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. Москва, 1981.
58. **Хафизова К.Ш.** Китайская дипломатия в Центральной Азии (XIV–XIX в.в.). Алматы, 1995.
59. **Ходжаев А.** Из истории международных отношений Центральной Азии в XVIII веке (Взаимоотношения Цинской империи и Джунгарского ханства – 1695–1758). Ташкент. 2003.
60. **Ходжаев А.** Китайский фактор в Центральной Азии (Марказий Осиёдаги Хитой омили). Ташкент, 2004.
61. **Ходжаев А.** О самых ранних транскрипциях этнонима тюрк в китайских источниках // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Этнодемографические процессы в Узбекистане). Ч.1. Ташкент, 2005. С. 102–105.
62. **Ходжаев А.** О самых ранних транскрипциях этнонима тюрк в китайских источниках // «Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар» («Этнические процессы в Узбекистане»). В 2 частях. Ташкент, 2005. С. 102–105.
63. **Ходжаев А.** О трансформации «юэчжи» из топонима в этноним // Вопросы истории и археологии Западного Казахстана. Выпуск 3. Уральск, 2004. С. 68–77.
64. **Ходжаев А.** О трансформации «юэчжи» из топонима в этноним // «O‘zbekiston tarixi». № 1. 2005. 3–14-б.
65. **Ходжаев А.** О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. Ташкент, 2005. С. 160–165.
66. **Ходжаев А.** Сведения китайских источников о тюрках в II и I тыс. до нашей эры // Взаимодействие Казахстана с сопредельными странами в XVIII – начала XX вв. Современный взгляд на проблемы. Актюбе, 2004. С. 16–22.
67. **Ходжаев А.** Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Канцзюй) // «Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар». Ташкет, 2004. С. 67–75.
68. **Ходжаев А., Ходжаев К.А.** Сведения китайских источников о топониме Кангкия (Канцзюй) // «Проблемы науки, образования и устойчивого социально-экономического развития общества в начале XXI века». Шымкент, 2003. С. 135–140.
69. **Ходжаев А.** Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Канцзюй) // «Shygys Kazakhstan». № 2, 2005. С. 96–108.
70. **Ходжаев А.** Согдийцы в Китае // «Mozidan sado», 2002. № 2. С. 40–43, № 3. С. 46–48.



71. **Ходжаев А.** Теле (Тюрки) — сведения «Бэй ши» («История северной династии») // «Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии». Ташкент, 2003. С. 11–18.
72. **Ходжаев А.** Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в. (Из истории международных отношений в Центральной Азии). Ташкент, 1991.
73. **Ходжаев А.** Цинская империя, Джунгария и Восточный Туркестан (Колониальная политика цинского Китая во второй половине XIX в.). Москва, 1974.

Хитой тилида

74. **Бэйжин Нюже либайши** (Пекиндаги Нюже масжиди). Пекин, 1996.
75. **Бэйцзин рибao** (Пекин газетаси). 2004.25.04.
76. **Ванг Бинхуа.** Тулуфан ди гудай вэнхуа (Турфоннинг қадимий маданияти). Урумчи, 1989.
77. **Ванг Дужян.** Чжунгуо минзу ши (XXP халқлари тарихи). Пекин, 1990.
78. **Ванг Чжилай.** Чжунгъя шиганг (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986.
79. **Ванг Чжилай, Динг Мабэн.** Чжунгъя гуожи гуанши (Марказий Осиё халқаро муносабатлари). Чангша, 1997.
80. **Ванг Чжилай.** Чжунгъя цзиндай ши (Марказий Осиёнинг яқин давр тарихи). Ланчжоу, 1989.
81. **Ванг Чжунгхан.** Чжунгуо минзу ши (XXP халқлари тарихи). Пекин, 1994.
82. **Вэй Лянтао.** Йеэрцянь хангуо шиганг (Ёркенд хонлигининг қисқача тарихи). Харбин, 1990.
83. **Вэй Лянтао.** Халахань вангчао шигао (Қорахонилар сулоласининг қисқача тарихи). Урумчи, 1986.
84. **Вэньминг.** Чжунгуо Шинжянг ди гудай ганши (Цивилизация. XXP Шинжонда топилган қўриқ жасадалар). № 7. Пекин, 2002. 95–99-б.
85. **Гао Фаюан.** Му шэнг хоуи [Муҳаммад пайғамбар авлоди]. Юннан университети, 2000.
86. **Го Йингдэ.** Вэйвуэр шилюэ (Уйғурларнинг қисқача тарихи). Шанхай, 1952.
87. **Гу Бао.** Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй (Қадимги Шинжон мусиқаси, рақслари ва жамияти). Пекин, 1987.
88. **Гуйзи шиляо** (Кучар тарихи маълумотлари). Урумчи, 1996.



89. **Дунхунг Тулуфан вэншу юй сичоу чжилу** (Дуньхуан ва Турфон хужжатлари ва ипак йўли). Пекин, 1994.
90. **Жинри Шинжянг** (Бугунги Шинжон). Урумчи, 1987.
91. **Ибраҳим (Ибулашин), Чжан Хэйчэнг**. Исилан вэнхуа зай Чжунгуо (Хитойдаги ислом маданияти). Пекин, 1993.
92. **Кэлинкайтэ (Hans-Joachim Klimkeit)**. Сичоу гудао шангди вэнхуа (Қадимий ипак йўлидаги маданият). Урумчи, 1994. Немисчадан таржима.
93. **Ли Мингвэй**. Суй Танг сичоу чжилу (Суй ва Тан сулолари давридаги ипак йўли). Ланчжоу, 1994.
94. **Ли Чи**. Чжунгъя вэйвуэр рен (Марказий Осиё уйғурлари). Урумчи, 2003.
95. **Ли Мэйцун**. Шиюй вэнминг // Фарбий мамлакатлар маданияти. Пекин, 1995.
96. **Ли Мэйцун**. Хань Тан Сиюй юй Чжунго вэньмин (Хан Тан давридаги Фарбий мамлакатлар ва Хитой маданияти). Пекин, 1998.
97. **Ли Мэйцун**. Сиюй вэньмин // Фарбий мамлакатлар маданияти. Пекин, 1995.
98. **Линг Хан, Гао Зихоу**. Хуэйхэ ши (Уйғурлар тарихи). Хухэ-хото, 1994.
99. **Лоулан вэнхуа янжю лунжи** (Крурона маданиятига оид тадқиқотлар тўплами). Урумчи, 1995.
100. **Лю Йингшэнг**. Силу вэнхуа. Цаюнь жоан (Ипак йўлидаги маданият. Яйлов йўллари оид жилд). Чжэянг, 1996.
101. **Лю Йитанг**. Вэйвуэр янжю (Уйғурларга оид тадқиқот). Нашр этилган жойи ва йили кўрсатилмаган.
102. **Ляованг** (Истикболга назар). № 40, 1997.
103. **Ма Чангшу**. Тужюэ рен хэ Тужюэ хангуо (Турклар ва турк хонлиги). Шанхай, 1957.
104. **Мэнгузу жиянши** (Мўғул халқининг қисқача тарихи). Хухэхото, 1985.
105. **Мэнг Фанрен**. Лоулан шинши (Круронанинг янги тарихи). Санхэсян, 1990.
106. **Ренмин рибо** (Халқ газетаси). 1997.06.06.
107. **Рэнмин рибо** (Халқ газетаси). 2004.30.04.
108. **Ренмин рибо** (Халқ газетаси). Хайвайбан (Чет эл учун). 2004.01.05.
109. **Сичоу чжилу моуиши** (Ипак йўлидаги савдо тарихи). Ланчжоу, 1997.
110. **Сичоу чжилу шангди гудай люйшинг** (Қадимий ипак йўлидаги саёҳат). Урумчи, 1993.
111. **Сичоу чжилу юй вэнхуа кайфанг** (Ипак йўли ва маданиятнинг очилиши). Уйғурча-хитойча тўплам. Урумчи, 1999.



112. **Су Бэйхай.** Сичоу чжилу юй Гуйзи вэнхуа (Буюк ипак йўли ва Кусан маданияти).
113. **Су Бэйхай.** Шинжянг янхуа (Шинжондаги қоя тошларга чизилган расмлар). Урумчи, 1994.
114. **Сунг Шян.** Гудай Поси йишюэ юй Чжунгтоу (Қадимги Эрон табобати ва Хитой). Пекин, 2001.
115. **Сунг Шян.** Хуэйхуэй яофанг каоши («Мусулмонлар табобати» асарини тадқиқ этиш ва шарҳлаш). 2 жилдли. Пекин, 2000.
116. **Сюнхуа салазу зичжисян гайгуанг** (Сюнхуа салор автоном ноҳиясининг умумий аҳволи). Синин, 1984.
117. **Тян Вэйжянг.** Сичоу чжилу шангди гудай шинглюй (Қадимий Ипак йўлидаги саёҳатлар). Урумчи, 1993.
118. **Фанг Хао.** Чжунгши жяотунг ши (Хитой билан Фарб ўртасидаги қатнов алоқалари тарихи). Пекин, 1991.
119. **Фэй Сяотунг.** Чжунгхуа минзу дуоюан йитихуа (Кўп илдизли хитой халқининг бирликка келиши). Пекин, 1989.
120. **Фэн Цзяшэн, Чэнг Суло, Му Гуангвэн.** Вэйвуэрцзу шилёо цзянбян (Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами). 2 жилдли. 2-нашр, Пекин, 1981.
121. **Ханюй дазидян** (Хитой тили ёзувининг катта лугати). 7 жилдли. Сичуан, 1986–1990.
- 121a. **Хуэйзу ренву чжи** (Тунгон миллатига мансуб шахслар тазкираси). Йингчуан, 1985. Бай Шоуйи етакчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган.
122. **Хэ Жихунг.** Шийой лунгао (Фарбий мамлакатларга оид мунозаралар баёни). Урумчи, 1996.
123. **Цаюан сичоу чжилу юй Чжунгъя вэнминг** (Яйловлараро ипак йўли ва Марказий Осиё маданияти). Урумчи, 1994.
124. **Цзинри Шинжянг** (Бугунги Шинжон). Урумчи, 1987.
125. **Цихай** («Сўзлар денгизи»). Шанхай, 1979.
126. **Цюан** («Сўзлар денгизи»). Шанхай, 1985.
127. **Чжанг Гуангда.** Шийой шиди цунггао чубян (Фарбий мамлакатлар тарихий жуғрофиясига оид тадқиқотнинг дастлабки баённомаси). Шанхай, 1995.
128. **Чжанг Йинглянг.** Чжунгтоу минцзу ши (XXP халқлари тарихи). 2 жилдли. Пекин, 1990.
129. **Чжанг Цзянчжунг.** Сиан люйю шидацин (Сиандаги ўнта йирик зиёрат маскани). Сиан, 2000.
130. **Чжао Шэнглянг, Чжанг Янмэй.** Могаоку (Дуньхун «минг уй»). Пекин, 1995.
131. **Чжунго дабайкэ чюаньшу.** Чжунго лиши. (Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997.



132. **Чжунгуо гужин диминг дацидян** (Хитойнинг қадимдан ҳозиргача бўлган ер номлари луғати). Шанхай, 1930.
133. **Чжунгуо гужинг мингрэн дацидян** (Хитойда қадим замондан ҳозиргача ўтган буюк шахслар катта луғати). Пекин, 1991. 19-б.
134. **Чжунгуо ди исиланцзяо** (Хитойдаги ислом дини). Пекин, 1997.
135. **Чжунгуо исиланжяо вэнхуа** (Хитойда ислом маданияти). Пекин, 1996.
136. **Чжунгуо мингшэнг цидян** (Хитой тарихий ёдгорликлари луғати). Шанхай, 1987.
137. **Чжунгуо мусилин** (Хитой мусулмонлари). 1994. № 5.
138. **Чжунгуо рэнкоу кэшюэ** (Хитой халқининг нуфусини ўрганиш фани). 1998. №1.
139. **Чжунгуо сичоу чжилу цидян** (Хитойча Буюк ипак йўли луғати). Урумчи, 1994.
140. **Чжунгуо хуэйзу дацидян** (Хитой мусулмонлари катта луғати), Йингчуан (Жянгу), 1992.
141. **Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши** (XXРдаги тунгон халқи тарихи). 2 жилдли. Пекин, 2003. 2-жилд.
142. **Чжунгуо шаошу минзу лиши рэнву чжи** (Хитойдаги оз сонли миллатларнинг тарихий шахслари ҳақида баён). Пекин, 1983.
143. **Чжунгуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши** (XXР Шинжоннинг қадимги жамияти ва ҳаёти тарихи). Урумчи, 1997.
- 143а. **Чжунгуо Шинжянг лиши юй шянчжуанг** (XXР Шинжоннинг тарихи ва ҳозирги аҳволи). Урумчи, 2006.
144. **Чжунг Ри фоцзяо янцзю** (Хитой ва Японияда будда динининг тадқиқ этилиши). Пекин, 1989.
145. **Чжунгъя янжю** (Марказий Осиёга оид тадқиқот). Ланжоу, 1995.
146. **Чжэнг Хэ шя шиянг** (Чжэнг Хэнинг Фарбий океан сари қилган сафарлари). Пекин, 1985.
147. **Чин Хуэйбин.** Чжунгуо ди исиланцзяо (Хитойдаги ислом дини). Пекин, 1997.
148. **Чин Хуэйбин.** Чжунгуо исиланцзяо юй чоантунг вэнхуа (Хитойдаги ислом дини ва анъанавий маданият). Пекин, 1995.
149. **Чэн Чао.** Чжэнчюэ чянминг Шинжянг минзу ши (Шинжон халқлари тарихига тўғри ёндошиш). Урумчи, 2002.
150. **Чэн Юнхао, Юй Ляншянг, Чжанг Чжуанфэнг.** Чжунгуо сичоу вэнхуа (Хитойнинг ипакчилик маданияти). Хангчжоу, 1995.
151. **Чэнг Ян.** Хайшанг сичоу чжилу юй чжунгвай вэнхуа жяолу (Денгиз усти ипак йўли ва Хитой билан чэт эллар ўртасидаги маданий алоқалар). Пекин, 1996.
152. **Чян Бозан, Шао Сюнчжэнг, Ху Хуа.** Чжунгуо лиши гайяо (Хитойнинг қисқача тарихи). Пекин, 1956.



- 152а. **Чян Бочюан, Ван Бингхуа.** Тунгсу Шинжянг ши (Оммабоп тилда баён этилган Шинжон тарихи). Урумчи, 1986.
153. **Шанг Юэ.** Чжунгуо лиши гангъяо (Хитойнинг қисқача тарихи). Пекин, 1954.
154. **Ши-бэй лиши яньжю** (Шимоли-ғарб тарихига оид тадқиқотлар). Сиань, 1991.
155. **Шиефэй.** Тангдай ди вайлай вэнминг (Тан даврида чет элдан келтирилган ғаройиб нарсалар). Инглизчадан У Юйгуй таржима қилган. Пекин, 1995.
- 155а. **Шинжянг лиши цидян** (Шинжон тарихи луғати). Урумчи, 1996.
156. **Шин цзинбао** (Янги пойтахт газетаси). 2004. 25 04.
157. **Шиюй каоча юй янжю** (Ғарбий мамлакатларга оид текширувлар ва тадқиқотлар). Урумчи. 1994.
158. **Шиюй каоча юй янжю шюйбян** (Ғарбий мамлакатларга оид текширувлар ва тадқиқотлар давоми). Урумчи. 1998.
159. **Шиюй тунгши** (Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чжэнгчжоу, 1996.
160. **Шоуци Сайдянчи янжю гожи хуэйи лунвэн жи** (Саид Ажжалга оид тадқиқотларига бағишланган биринчи халқаро конференция материаллари тўплами). Кунминг, 2004.
161. **Шюе Зунгчжэнг.** Тужюэ ши (Турклар тарихи). Пекин, 1992.
162. **Юан мишу жанжи** (Юан сулоласи тарихи билан танишиш). Нашр этилган жойи ва йили маълум эмас.
163. **Юан Цзулян.** Чжунгуо гудай ренкоу ши чжуанти янжю (Қадимги Хитой аҳолисининг тарихини ўрганишга оид махсус тадқиқот). Чжэнгчжоу, 1994.
164. **Юй Чжэнгуй, Янг Хуайчжунг.** Чжунгуо исилан вэнхуа чжуйи тияо (Хитойдаги исломга оид асарлар ва таржималардан хотиралар). Нингша, 1993.
165. **Янг Жяншин, Лу Вэй.** Сичоу чжилу (Ипак йўли). Ланчжоу, 1988.
166. **Янг Йишинг, Шюнг Юй.** Чжунгуо шаошу минзу рэнкоу янжю (Хитойдаги оз сонлик миллатлар нуфузига оид тадқиқот). Пекин, 1988.
167. **Янг Хуайчжунг.** Хуэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига оид илмий мақолалар). Нинся, 1992.
168. **Янг Цзунгшан.** Бэйжин Нюже либайши (Пекиндаги Нюже масжиди) // Чжунгуо исиланцзяо вэнхуа (Хитойдаги ислом маданияти). Пекин, 1996.
169. **Яо Баою.** Хитой ипак матоларининг ғарбга тарқалиши. Нанкин, 1944.
170. **Яо Шихун.** Кэзиэр шику танми (Қизил ғорлар сири). Урумчи, 1996.



Уйғур тилида

171. **Абдукарим Рахмон.** Ипак юртидаги афсона-ривоятлар. Урумчи, 1999.
172. **Абдушукур Муҳаммат Имин.** Қадимги Марказий Осиё. Урумчи, 2002.
173. **Абдушукур Муҳаммат Имин.** Уйғурларда ислом маданияти. Урумчи, 2002.
174. **Анвар Бойтур, Хайрнисо Сидиқ.** Шинжондаги миллатлар тарихи. Пекин, 1991.
175. **Ванг Чжилай.** Ўрта Осиё тарихи. 2 жилдли. Урумчи, 2000. Хитойчадан таржима.
176. **Вэй лянгтао.** Қорахонийлар тарихидан баён. Қашқар, 2000. Хитойчадан таржима.
177. **Иснев Д.А.** Йэтишар уйғур давлати. Алмута, 1990. Крилицада.
178. **Лин Ган.** Турк тарихи. Урумчи, 2002. Хитойчадан таржима.
179. **Лин Ган.** Хунларнинг умумий тарихи. Урумчи, 2004.
180. **Лин Ган.** Қадимки уйғурлар тарихи. Урумчи, 2000.
181. **Ли Жиншин.** Шинжонда ўтган ислом хонликларининг қисқача тарихи. Хитойчадан таржима. Урумчи, 2003.
182. **Махмут Қашқарий.** Мақолалар тўплами. Қашқар, 1985.
183. **Низз Кирымий.** Шинжоннинг қадимги қарвон йўллари. 189-б.
184. **Ришат Ганж.** Қорахонийларнинг давлат ташкилоти. Урумчи, 1990. Турк тилидан таржима.
185. **Сунг Чао.** Хан сулоласи билан Хунларнинг 300 йиллик уруши. Урумчи, 2003.
186. **Турғун Олмос.** Уйғурлар. Урумчи, 1989.
187. **Турғун Олмос.** Хунларнинг қисқача тарихи. Қашқар, 1986.
188. **Уйғурларнинг қисқача тарихи.** Урумчи, 2006.
189. **Хуа Тао.** Фарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот. Урумчи, 2002.
190. **Чжунгуо Шинжон тарихи ва ҳозирги аҳволи.** Урумчи, 2006.
191. **Шинжондаги миллатларнинг тарихи.**
192. **Шинцзяннинг 2000 йили.** Урумчи, 1999.
193. **Шинжон уч вилоят инқилоби тарихи.** Урумчи, 2000.
194. **Яо Баою.** Хитой ипак матоларининг фарбга тарқилиши. Нанкин, 1944.
195. **Ўзқоқ Изги.** Ван Яндининг уйғур элига саёҳат хотираси ҳақида. Туркчадан таржима. Урумчи, 2003.
196. **Ҳожи Нурхожи.** Қадимки уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001.
197. **Ғайратжон Ўсмон.** Уйғурлар шарқда ва фарбда. Урумчи, 2002.

Инглиз тилида

198. Xinjiang China's muslim borderland (Шинжон Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини). Нью-Йорк – Лондон. 2004.

Турк тилида

199. **Айтбаев Абдухалик Абдурасул огли.** İlk Orta Asya Sakinlerinin Gцz Sьgезleri (қадимда Марказий Осиё халқларининг кўчиши) // Тьrkler, “Yeni Тьrkiye Yayinlari”, 21 kitab. Ankara, 2002. Cilt 1. 668–669-b.
200. **Ходжаев А.** Dogu Turkistan'da Cin Isgaline Karsi Mucadele // «Turkler». 21 kitab. Ankara, 2001. Cilt 18. 702–711-b.
201. **Ходжаев А.** Ch' ing Cini'nin Zungarya ve Dogu Turkistan'i Isgali // «Turkler». 21 kitab. Ankara, 2001. Cilt 18. 687–701-b.

*Альбомлар
Хитой тилида*

202. **Вэнминг – Чжунггуо Шинжянг гудай ганши** (Маданият – ХХР Шинжондан топилган ва қуриб қолган қадимий жасадлар). 2002, № 7.
203. **Жюму жи** (9 та мусулмонлар вакиллари ҳақида). Пекин, 2003.
204. **Нюже либайши** (Нюже масжиди). Пекин, 1996.
205. **Сунг Шижинг, Сунг Жюн Моли Шинжянг** (Шинжоннинг сеҳри). Урумчи, 2004.
206. **Чин Шихуанг – дишя бингтуан.** Шиже диба чижиги (Ер остидаги Чин Шихуангди кўшинлари. Дунёдаги саккизинчи мўъжиза). Пекин, 1999.
207. **Шинжян вэнву гужи дагуан** (Шинжон моддий-маданий осори атиқаларининг тўла кўриниши). Урумчи, 1997.



МУНДАРИЖА

НАШРИЁТДАН	5
ҚАДИМГИ ХИТОЙГА БИР НАЗАР	8
«Хитой» атамасининг келиб чиқиши	9
«Чжунгтуо» ва «Чжунгхуа» топонимлари қачон пайдо бўлган?	13
«Чжунгхуа минзу» атамаси	16
Хан этноси ҳақида	17
Буюк Хитой девори	24
Шяларнинг хан деб аталиши	27
Шарқий Туркистон ва уйғур халқи	37
Уйғурлар	45
ХИТОЙ, МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПААРО ЎТГАН ҚАРВОН ЙЎЛИ	53
Қадимги Хитой пойтахти – Чанъан	54
Мусулмонлар маҳалласи	60
Чин Шихуангди (Циньшихуанди) зиёратгоҳи	63
Хэши йўлагидаги икки кўҳна шаҳар	66
Ланчжоу	66
Дуньхуан	70
Катта қарвон йўли ва яйловлараро ўтган шимолий савдо йўллари	75
Қадимги қарвон йўлини Буюк ипак йўли деб аталиши	85



Буюк ипак йўли қачон пайдо бўлган	91
Буюк ипак йўлидаги Помир (Кўкорт) довони	100
Такламакон чўли атрофидаги қадимий савдо марказлари	105
Қашқар	107
Крурона	114
Кучар	119
Турфон	123
Ёркенд	126
Хўтан	129
Урумчи	131
Қадимги Хитойнинг Буюк ипак йўлидаги чегара кўриқхоналари	135
Юймэнгуан	135
Янггуан	135
Жяюйгуан	137
Мувангнинг ғарбий сафари	138
Денгиз йўлининг ривожланиши ва Буюк ипак йўлига кўрсатган таъсири	141
ИПАК ЙЎЛИ – МУЛОҚОТ ЙЎЛИ	145
Чжанг Чянинг Фарғонага келиши	146
Бан Чаонинг ғарбий сафари	157
Қадимда Марказий Осиёни зиёрат қилган хитой роҳиблари	158
Чжу Сишинг	159
Фя Сян	160
Сунг Юн ва Хуэй Шэнг	161
Шюан Занг	162
Ву Кунг	165
Ипак йўлида савдо алоқалари ривожланган даврлар	166
Ипак мато, от, чой, чинни идишлар савдоси ҳақида	176



Ипак матолар савдоси	176
От савдоси	179
Чой савдоси	183
Чинни идишлар савдоси	192
Доривор, тақинчоқлар савдоси	193
Марказий Осиёдан Хитойга тарқалган айрим ўсимликлар ва таомлар	194
Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк ипак йўлидаги давлатлараро алоқалар	198
XV асрда ва сўнгги асрларда Буюк ипак йўли	204

ХИТОЙДА ЎТРОҚЛАШИБ ҚОЛГАН ТУРКИСТОНЛИКЛАР 212

Бозор манфаати мамлакат танламайди	213
Салорлар	220
Хитойдаги туркий ҳокимлар	226
Маҳмуд Ялавоч	226
Аҳмад Фанокатий	233
Умар Камолиддин	235
Умар Камолиддиннинг аجدод ва авлодлари	242
Файласуф-олим Юсуф	248
Машҳур денгизчи Маҳмуд	250
Хитойдаги Мовароуннаҳрлик олимлар	254
Жамолиддин Бухорий	255
Камолиддин	255
Муҳаммад Бухорий	256
Нюже масжиди ҳовлисидаги ўзбекистонликлар қabri	258
Марказий Осиё табобатининг Қадимги Хитойга тарқалиши	261

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР 266

АБЛАТ ХЎЖАЕВ

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИ:
МУНОСАБАТЛАР
ВА ТАҚДИРЛАР**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Дизайнер-рассом	<i>А. Ёқубжонов</i>
Бадий муҳаррир	<i>А. Бурхонов</i>
Техник муҳаррир	<i>М. Алимов</i>
Мусахҳиҳа	<i>Ф. Шамсиева</i>
Оператор	<i>Д. Ҳасанова</i>

2007 йил 14. 08 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70×100 ¹/₁₆.
Офсет қоғозда босилди. 24,43 нашриёт-ҳисоб табағи, 22,7 шартли босма
табоқ. Адади 3000. 07—708-буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди.
Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30-уй.